



ЖАВЛОН ЖОВЛИЕВ

К  
У

Р


Қ

М

А

Жавлон Жовлиев

# ҚҰРҚМА



Тошкент  
2020

УЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5Ў)7  
Ж 74

ЖОВЛИЕВ, Жавлон

Қўрқма / Жавлон Жовлиев. Тошкент: “Ofset-print”  
МЧЖ,  
“Nihol” nashriyoti, 2020. 376 бет.

ISBN 978-9943-23-177-1

*“Asaxiy books” лойиҳаси доирасида чоп қилинди.*

Роман воқеаларини қисқача сўзлар билан ифода этиб бўлмайди. Барчаси шу қадар тигизки, шошириб қўяди. Мажоз, образ, ифода, ўт, ҳеч кимниқига ўхшамаган лиризмни ҳис қиласиз. Миллият, соф муҳаббат, кўринмас ва ошкор фожиалар, тарих, бугун ва эртанинг бир-бирига кавшарланган ҳалқаси, ростлик даъвосидаги ёлгонлар, руҳ ва қондаги парадокслар сизни ўтмиш ва келажак куйинга асир қилади, ўйлатади, йиғлатади ва аччиқ-аччиқ кулдиради. Ўтган аср бошида Германияда ўқиган талабалар, улар маслағи ва фожиали қисмати бугунги ёшлар мақсади билан бир тарозига тортилади.

УЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-23-177-1

©“Asaxiy books” МЧЖ, 2020

© Жавлон Жовлиев

*Муҳтарам ўқувчи, ушбу романи ўтган асрнинг  
йигирманчи йилларида Германияда таҳсил олган ва  
Совет Иттифоқи томонидан шафқатсизларча  
қатл этилган миллат йигит-қизларининг нурли ва  
ёниқ хотирасига бахшида этаман.  
Асар улар руҳи ҳамда улуг миллатим олдидаги қарз-  
дорлик бурчи ўлароқ дунёга келди.*

---

Шом маҳал тўлғоқ шол қилди оёқларини, бақирди ўрганиб-ёниб, харсанг ботгани каби сувнинг тубига чорасиз оғриққа ботиб борарди, кора тердан ивиган ва ранги ўчган сарғиш, эски чойшабни алам-ла тишларди, баттар ситарди тортиб, тимдалаб, қорайган тирноқлари билан кучанарди ерга тираниб. Ариқнинг лойқа суви тинарди эски тунока тоғарада, бепарво барча азобга, секин липиллаб.

Она ўлимни эрмак қиларди бир бахтиёр бола туғмоқлик учун. Аммо мен дунёга бахтли бўлиш учун келмаганман! Бекор кетди шунча лойқа сув ва дод-войинг!

Ерни ёргудай бақириб бўшалдинг ва шошиб тикилдинг ёшдан хиралашган тим қора кўзларинг билан кизғиш ва ориқ этимга.

Ҳарқалай, чигиртканинг оёқларидай қимирлаб турарди сен тукқан иссиқ бир туюр гўшт.

Йиғладинг, кулдинг: “Ўлик бола туғиб қўймадим-ку”, – деб, сўнг яна ва яна шукур айтдинг Аллоҳга! Айтавердинг пичирлаб, шодлаб кўксинг...

Беҳабар эдинг-да, ўқиёлмас эдинг қонсиз ва рангсиз, ириган пиёздай юмшоқ пешонамга ёзилган қарғишни шу он.

Ҳа, ўша он ёнаётган одам чўғдай учиб сувга урган каби ўзини куёш ҳам ботиб кетди даҳшатдан қизариб, қонаб.

Азалдан йўқ эди насибам бахтдан, толедан, фақат билардимки, тирик эдим ўзгалар қони, жони ва гарда-

нига илинган лаънатлар учун. Эскидан қолган бир капкир қарғиш бадалига ҳаво ўтиб турар эди томоғимдан кум сизгани каби чанқаган сахройи танасига. Аммо бу лаънат эгасининг қабри қани, қаердан келмоқда балолар? Ҳеч билмас эдим, топа олмасдим қанча кидирмай!

Маломат қилдим, сўқдим, тақдири азални ғорат этдим, нолидим, ёлвордим ёлғиз Худога. Бари ҳавога учди, худди кетар чоғи келинчак ота уйидан тўккан ёшлари чимилдиққа етар-етмас аригандек шундоқ ҳам нафаси қисқа бўлди юракда аҳднинг, мақсаднинг!

Кўп ҳам куттирмади, олти ойлик – тилсиз гўдак-лигимда бошланди бари. Ва сўнгги бор ўша куни Аллоҳга ёлвориб йиғладим: “Менинг пешонамга неларни ижод этдинг-а?! Қаердан ёғилмоқда бунча лаънатлар? Фалакнинг қай томонида беркинганча режа тузар кир ниятда қора булутлар?!”

Шундан буён фақат куламан, жаноза ўқидим ҳайкириб кўз ёшларимга.

Йиғини буткул кўмдим миллатим мазорларига.

Мен яшамайман.

Мен мудраганча куляпман! Ўлсам жисмим қолиб, қабрга ғариб кулгим кўмилар ўралмай сурпга, сарпога!

\*

Мен ер билан ўйнашиб ўсдим, у билан тиллашиб улгайдим!

Ерга етти марта йиқилган боланинг кўзидан ўт эмас, сўз отилади. “Ҳе, сенинг онангни...” – тупрокни тепиб-тепиб, сўкиб-сўкиб катта бўлдик.

Бало келса-келмаса, ерга тупуриб-тупуриб ўтдик.

Ғазабимиз унга, қон тўксак, тер тўксак, ноҳос қисталсак, севсак, исталсак ва оқибат ўлигимиз ҳам унга.

Нимага?

Қачонгача бор хорлик ерга?

Қачонгача бадалини шу тупроқ тўлайди?

Мен якинларим ўлимида ёлғиз уни айбдор билдим.  
Барини у ютиб кетди, йўқ қилди шафқатсиз ва  
меҳрсиз шу тупрок!

“Қачон одамга тўясан сен?”

Сўнг билдимки, оиламни қутқарган она ер экан!

\*

Момом бўйчан, калласи катта, қошлари сийрак,  
кўзлари кўм-кўк, қўллари, бармоқлари узун-узун,  
гап-сўзи дадил, қишин-ёзин икки бети қип-қизил бў-  
либ ёниб турадиган кампир эди. Кексайган бўлса-  
лар-да, бир келиндан кўп қимирлар, бутун оиланинг  
ичиш-емишини гарданидан қўймаган, аникроғи, ҳеч  
кимга бермаганди.

У икки оёқда тик ўлишни истарди, худди баҳодир-  
лардай.

Юзи доим қизариб тургани етмагандай, мен савол-  
га тутавериб ичини ҳам ёндираддим.

Момомни қийнаган, йиғлатган ёки кулдирган бўл-  
сам, ўзимга боғлиқ бўлмаган сўроқлар эвазига эди.  
Мен доим ичимдаги саволларга жавоб изладим: “Ким  
ва улар қаерда?”

Момом жавобдан қочиб жеркиб қоларди:

– Бор, бор-эй, калламни ёқиб единг! Муштдай бў-  
либ ёмон саволлар берасан, ким ўргатяпти сенга?

– Билмайман, ўзи келади, момо... – кейин яна ти-  
лимни тия олмайман. – Отангиз ким ўтган ўзи? Унинг  
балоси ураётгандир менга?

– Нима?! – кўк кўзлари чакнаб кетади, сўнг тезакни  
сомонга зарб билан уриб, жаҳл билан бақиради. – Тил  
теккизма отамга! Улар ер тирнаган – деҳқон бўлган!  
Кўп кун кўрмай эрта ўлган, бечора. Гуноҳ қилиш учун  
ҳам яшаш керак. Ҳов, ана бобонгдан сўра, не бало кел-  
са, бошимга ундан учади.

Молнинг тезаги ҳар тараф сочилади, мен жуфтак-  
ни ростлаб қоламан!

Бобом қишлоқда қирқ йил ўқитувчилик қилган, аммо саволларимга аниқ жавоб билмайди, балки бола билиб айтмайди.

Ота-онам – савол!

Ота-онам – заво!

Онам бутун дунёга ваҳима қилиб мени тукқан-у, олти ойлигимда отам билан бирга ёниб кетган. Қишлоқ пахтасига қўшилиб, худди унда ўрмалаётган бир чу-моли каби сонияда куйиб қолишган. Гувиллаб, балки жазиллаб, балки тутаб, балки ўкириб, балки йиғлаб, балки кулиб, мени ўйлаб ёки ўйламай, қўлларини чў-зиб ёки барига тан бериб, кўниб...

Уларни эслаганимда аччиқ куйинди тўлади ўп-камга.

Шу билан бобомнинг етти ўғилдан бунёд катта оила аталмиш муқаддас лагани катилади. Мен сағир қоламан.

Балки, олти ойлигимдаёқ ярим олашим кесилган-дир ўртасидан тенг. Кўз ёшим, бахт ва омадим ул та-рафда қолиб, ёниб кетгану, бизга фақат мерос қолгани мудроклик, исталмаган табассум!

Мен мактабга бормадим, уни оралаб ўсдим.

Қартани чийлаган каби китобни “ўйнадим”.

Шунда ҳам баҳоларим беш бўлди, аммо ичимни эзиб ётган саволларим жавобсиз қолаверди. Мактаб исталган саволни беришинг учун эмас, аксинча, истал-ган жавобни олишинг учун экан!

Тез ўқишда ҳаммадан ўздим! Бир дақиқада икки юз сўз ўқидим, бари кераксиз, маънисиз эртақлардан бўлиб, сийқасининг ачиган таъми шундоқ тилимга се-зилиб турарди. Хуснихатим бўлса чиройли ва диктан-тим бехато эди, аммо бу хунар билан тайинли гап ту-



зишни билмасдим. Гапирганда ўрисча сўз кўшмадим, фақат ўзбекча сўкишни ўргандим. Ҳисобу масалани тез ечдим, гарчи қўлимда ҳеч пул бўлмаса-да. Чизган расмларим эса сира-сира ўхшамади. Ғалати эди, саволларим ва ўзим каби бетартиб.

Мақтабдан Лолани севдим ва ҳали ҳам севаман. Қўшни эдик, кўшюракка айланиб ўсдик.

Кулдим, кулдим, кулавердим ҳатто йиғлаш ҳам тасалли бера олмайдиган даҳшатли онларда.

Мен саволларимга жавоб излаб, Берлингача келдим.

Ахтардим уларни. Аслида, ўзимни изладим.

Мен Ватанни бир киздай севдим. Орзиқиш билан, қизганиш, ғуборсиз, гоҳ ҳирс, гоҳ мактанчоқлик, гоҳ мудрок, гоҳ уйғоқлик билан, неки иллатлар бор, неки эзгуликлар, бари-бари билан муҳаббат кўйдим.

Бу ғаройиб севги тарихи эса узундан-узун ҳикоядир.

Эснамай мудраш, очиқ кўзлар билан туш кўришни ўрганмоқ қандай соз. Ухлаш учун энди кўзни очиб юмиш шарт эмас. Кимгадир тикилганча жиддий ёки самимий хуррак отавериш мумкин соатлаб.

Тилим чиқмай туриб шу савол билан бокдим дунёга: “Кимлар сотган эди уларни?”

Уйғотмоқчи бўлдим яйловда ухлаётган оломоннинг кетига тепиб, елкасидан туртиб: “Ҳой, барака топкурлар, турунлар, қўйларинг бошга кўтарди-ку вокзални!”

Аммо ҳеч ким турмади!

Қоқ тушда чақмоқ чақди, момақалди роқ гумбурлаб тилка-пора қилди фалакни, ёмғир қуйди осмонга уланган сим арконлардай узилмай. Сўнг шамол туриб, қувиб кетди булутларни олдига солиб, аммо уйғонмасди ҳеч ким қабристонда ётгандай беғам. Жонга теккан эди қор парчалари каби бир хил ҳаёт!

Қайсидир телеканалда янгиликлар бериляпти.

Бошловчи немис қиз, овози ўткир, чиройли, аммо уни ҳеч қачон севмаган бўлардим ёниб. У хабарни ўз тилида бошлаб, ўзбекча тугатади: “Берлиндаги талабалар ётоқхонасининг бирида навбатдаги жиноят содир бўлди. Жабрланувчи ҳам, жиноятчи ҳам Ўзбекистон фуқаролари. Ётоқхона мудири Лаура Шмидтнинг айтишича, жанжал севги можароси туфайли юз берган. Оқибатда, бир йигит яланғоч ҳолда деразадан пастга улоктирилган, аммо тасодиф туфайли тирик қолган. У касалхонага ётқизилган, ҳозирда аҳволи мўътадил. Жиноятни содир этишда айбланаётган шахс эса хали ҳам топилгани йўқ. У худди кўкка учиб кетгандай ғойиб бўлган!”

Ким у?

Нега ғойиб бўлади?

Нима учун бундай тушлар кўряпман?

Мудроқлик туман янглиғ атрофга тарқайди.

Кўзларимда Самарқанд – кўкшаҳар қад ростлайди.

Самарқандни миллионлар севади, унга узоклардан интилади, аммо ҳеч ким менчалик жинни асир бўлиб эмас!

Самарқанд ўлим олди хиркираётган гўзал қизга ўхшайди. Азроил қўлларидан ҳам уялиб, ўла олмаётган қизга!

Гоҳида унинг хиркираши ҳеч тўхтамайди, у дунёни бузмоқчи бўлади. Оҳ, ожиза қўллари каби бугун кучсиздир Самарқанд!

Кўҳна кентни тинглашинг учун харобалари ичра минг кеча бедор туришинг етарли. Шунда шаҳарнинг тирик ва гўзал мурдасини кўришинг мумкин.

Арвоҳлар ва ўликлар жанги ҳам жуда кизик.

Мен у ерда илк бор ўтган аср бошида ўқиш учун Германияга отланган талабаларнинг қадам товушларини эшитганман. Шунда оёқ зарбларидан жинни бўлай деганман.

Улар менга жуда яқин ва бир-биримизни шарҳсиз тушуна олардик. Берлинга отланган Туркистон талабалари.

Уларнинг ортидан бораман, кузатаман, тинглайман тилга кўчмаган ўйларини. “Балки, саволларим эгаси улардир”, – деб ўйлайман.

Улар сафида сочлари қириб олинган, кўзлари хиёл қисик, жағ суяклари юзида бўртиб турган, униққан ёқали илдираган кўйлак кийган ҳардамхаёл бир йигитча бор. У барчадан кўпроқ Самарқанд билан гурунқ қилади, кулоқ тутади ва ҳасратларини тинглай олади. Мен эса унга забон ва кулоқ бўламан:

“Ҳамма шахт билан катта-катта қадам ташлар, негадир мен аларга етолмасдим. Чунки хаёлимда Самарқанд жаннат каби қад кўтарган ва ҳозир айнан ўша мўъжизанинг устидаман, азиз тупроғини босиб ўтаётгандим. Шунинг учун ҳам оёқларим ўз-ўзидан мазорда юрган каби эҳтиётланмоқда.

Берлин тадориги олди Самарқандга келганимиз қандай соз бўлди-а? Эски шаҳар харобаларига тикилганим сайин кўҳна кентнинг олис ва оғир ҳасрати куч билан елкамдан босиб бораётгандек қадамларим баттар унмай қолди. Кўзларим чор тарафга аланглар, нураган ва устида куёшнинг синиқ нурлари аксланаётган ғиштларни ушлаб кўргим, уни кимлар тиклагани ҳақида соатлаб хаёллар сургим келади. Аммо фурсат топилмас, тош қотганим сайин шерикларимдан орқа-

лайвердим. Алардан уятли бўлиб қолмайин деяпман. Узоқдан нураган деворлар ва улкан гумбазни кўриб, кўксим тошиб кетди. Қайга шошаётганимизни эндигина фаҳм этдим. Буюк Темур сағанасига!

Фитрат нигоҳи ўткирлашган. Борган сари унинг кадамлари тезлашар, қўлларини оёқларига монанд олдинга ташларди. Барча унинг ортидан чопқиллар, Темур макбараси эса бутун Самарқандга соя солиб тургандек мағрур ва тик эди.

Куёш харобага тўла улкан Самарқандга маъюс термилишдан толиқди. Гумбаз устига ботаётган офтобнинг қизғиш нурлари гўё нафис матодек тўшалди. Қаршимизда тарих ва шон кўмилган макбара эмас, балки Темурнинг ўзи серқош, ўткир нигоҳлари билан тикилиб тургандек чўчирдик.

Биз унинг пойида тиз чўқдик.

Бир дам бутун Самарқанд сукутга чўмгандек бўлди. Куёшнинг алвон нурлари-да мовийтус гумбазга ин кургандек тош қотди.

Фитрат домланинг мунис тиловати дайди шамолларга эргашиб, макбара атрофини кезар, қадим арабий ёзувлар битилган ғиштин деворларга бориб алар тилида аксланиб қайтарди.

Домланинг кўзи аввал оғир мунгга, сўнг йилт-йилт ёшларга тўлди, ачишган бурнини тортди, олдинга чўзилган ияги титрар, қорамтир юзи рангсиз эди. Барча жимлик дарёсига чўккан. Фақат кўзлар музламаган, иссиқ ёш оҳ-воҳга тўлган Самарқанднинг лой кўксига шашқатор тўкиларди. Гўё Фитрат эмас, Самарқанд йиғларди, ўксиб-ўксиб, тўлиб-тўлиб!

Тутиб бўлмаса, учкур ўйлар шаҳарнинг бир пайтлар улуғликда тенгсиз, ҳозир эса хароб сарою макбараларига кетди, танидаги ўйиқ деворлар, чирқиллаб ётган рухларга урилавериб дарвешсифат бўлиб қолган инжиқ, телба шамолларга қўшилиб Самарқандни айланиб чиқди.

Шу оний фурсат бир неча ўн минг йиллик мозийга кўмилган кўҳна кент кўксидаги бор алам ва орзуларни, ғуруру армонларни бизнинг бошимиз узра сочгандек, кулоқларимизга ҳайкиргандек бўларди.

Биз улуғ Темур сағанаси қошида шу миллат, шу Самарқанд буюклигини қайтаришга, Олмониядан таълим олиб, ёруғ юз билан Ватанга тик қайтмоққа қасам ичдик жонимиз билан, Самарқандимиз билан!

Саслар ила ҳайқирдик, тўлғандик, гўё тепамизда мук тушиб, Темур ва азиз Самарқанд бизни тингларди.

Мадрасалар, макбаралар, тимлар, уларни тутиб турган адоқсиз руҳу хоклар уйғонган, дарвеш шамоллар, қовжираган дарахтлар тўлганган, ҳатто чорсуда жон сақлаётган мардумлар ҳам қасамёдимизни бирдек эшитгану, зумда ёд олиб, кулоқларимизга бақирганча такрорларди. Гўё биз эмас, Самарқанднинг тирикларию ўликлари, улуғу ботирлари, гуноҳқору гуноҳсиз подшоҳлари қасамёд қилар, бизнинг сўзларни такрорлар, бутун осмон онг ичилган каломга шаҳодат бергандек даҳшатли ҳайқиарди...

Қуёш Самарқанддан тонди – қизарганча ботди-кетди. Фитрат домла ёшли кўзларимизга бир-бир қараб чиқди. Чин дилдан ичилган онг унга ғурур ва умид бериб, чехрасини бироз ёриштирган бўлса-да, кўзларидаги мунг ҳали аримаганди. Олдимизда Олмония, олисларга чўзилувчи айрилиқ йиллари турарди. Бизни не савдолар кутаётганини ҳеч ким билмайди. Бу оғир йўл азобини чуқур англаб турган устод барчамизни бирма-бир бағрига босди ва: “Худо ёр бўлсин”, – деб дуо қилди.

Ичилган қасам ўқ каби кўксимизга қадалди, шаҳдимизни баланд қилди. Қайтаётиб, қадамларим ўз-ўзидан тетиклашганини англаб турар, ортга қарашга эса кўрқардим. Худди қасамимни тинглаган улуғ Темур ва Самарқанд кўзғалиб ортимиздан келаётгандай. Хуфтон намозини Бухорога кетаётган пайтда, поездда ўқи-

дик”.

Мени талабаларнинг оёк зарблари аллаларди, шу бўлиб, минг кеча Самарқанд харобалари ичра қолиб кетдим.

\*

Сағирлик курсин, ёлғизлик арисин.

Ғалати бола бўлиб ўсдим.

Севганим Лолага ҳам телба-тескари саволлар берардим.

Балки, сўровлар ҳам меники эмасдир.

Лола нозик тилинган этга ўхшаш кичкина оғзи, ўткир қалам билан чизилган ингичка лаблари билан сўроқларимга дадил-дадил жавоб берарди.

– Тўйимиз бўлади, сўнг менга нечта туғиб берасан?

– Ўнга.

– Шунчалар кучлими ҳирсинг?

– Шу билан сағирлигинг бадалини кўр дунёдан оламан!

– Ҳали бирор марта туғруқ азобини тортмаганинг учун шундай катта кетаётгандирсан-а?!

– Тўғри, ҳали туғишга улгурмадим. Аммо зиғирча кўрқув йўқ, шунча момолар ўлмаган-ку, мен ҳам ўлмайман!

– Туғиш ўлиш билан тенг деб эшитганман.

– Мен сен учун ўн бир марта ўларканман-да!

– Бу хаддан ташқари кўп. Фақат совет давридагина шунча фарзандга рухсат бериларди. Ҳозир тақиқлангани йўғу, ҳар ҳолда эҳтиёт бўлган яхши-да!

– Балки унчаликмасдир, катта бўлсам, туғаман ва сендан суюнчи олишади.

– Аёллар ҳар доим ваҳима қилади. Нима десалар ҳам, эркаклар ишонади ўзлари ҳеч қачон туға олмани учун. Ҳа, менга битта ҳам етади. Қизми ё ўғил, фарқи йўқ! Фақат...

– Нима фақат?

– ...

– Гапирсанг-чи?

– Ўлиб қолмасин! Ҳеч ким ўлдира олмасин, ҳатто ўзи ҳам!

– Мен сенга шундайидан ўнта туғиб бераман. Ўлмайдиганидан...

– Ростданми? Ўлмайдиганларнинг кўп бўлгани яхши... Улар жуда керак бизнинг тупроққа... Охирига-ча ўлмайдиган бўлсин...

– Жуда уят саволлар бердинг..

– Тўйдан кейин барибир бўладиган ишдан гапирдим-да.

– Барибир ҳозир тўйдан олдинги гапларни гаплашишимиз керак.

– У ёғига ҳаққимиз йўқми?

– Асло!

Лола ҳозир Берлиннинг талабаси, кўз жарроҳи бўлади.

У менга ширин қулганча: “Ўзбекларни йиғламайдиган қиламан”, – деган. Мен бу ниятига доим қарши турганман. Бир мен йиғлай олмаслигим етмайдими, ахир?

Нақадар даҳшат, умрингда ҳеч бўлмаса бир марта Ватанинг учун тўка олмасанг ёш!

Бундан ортиқ бахтсизлик бўлиши мумкинми?

Аммо йиғламайдиган кўзлар бошқа пайдо бўлишига сира ишонмайман. Биз баҳор каби ёш тўкишни яхши кўрадиган халқмиз. Айниқса, бор-будимиздан айрилганда. Менинг ҳеч қачон мулким бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам йиғламасман, балки.

Мен қизикқан тарих бор, кутубхонам, севгилим бор, Самарқандим. Аммо менинг бойлигим ҳеч қачон бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ. Лекин улкан ҳазина ташлаб

кетаётган одамдай ўлимдан кўрқаман.

Тилим “ота”, “она”, “бобо” ёки “момо” эмас, “ўлим” сўзи билан чиққан. Аниқ эслайман, бу пайтни менга ўхшаган телбаларгина эслай олади!

Отам ва онам ёнди.

Олти ой бўлганди оёқ-кўлини йиғиштирганига онамнинг, кўкраги тўла сут эди. Ризқим куйди.

У пайт энди қўлимни шимишни ва ҳар икки томонга ағдарилишни ўргангандим. Онамнинг оппоқ кўксини кўрганимда тамшаниб, табассум қила бошлагандим. Лабларим бўйсунарди ўша пайтлар.

Оппоқ пахтага ўхшаб ёниб кетди бари. Отам кўпроқ куйганди онамдан. Бечора аёл шу ҳолатда ҳам эридан ўтиб кетмаган, отам эса кўпроқ куйишни истагандек хотинидан.

Менга ўша куниёқ хотира сандиғи очилади.

Буларнинг бари туш эмас, жажжи онг сандиғига сингдирилганига ишонаман.

Хуллас, олти ойлигимдан эслай бошлайман. Қуёшнинг чиқиши, ботиши, шом ва ўлим.

Момом сариқ гулли кўйлақда эди. Фингшийверганимдан ҳусайни узумидай чўзиқ бошли, қуруқ эмчагини оғзимга солиб кўйди. Сут чикмади қанча тамшанмай. Шунда бикинидан чаён чакқандай бақириб, момом мени отиб юборади. “Ўлим”, – дейди, “Бахтиқаро етим”, – дейди қичқириб, сочини юлиб, кўк кўзларини, ерни тешиб, тирнаб ўкиради, қақшайди, қалқийди, бигиз тикқандай сапчийди, уради, тепади, уввос тортади. Боласи ўлганини эшитади яна бир она! Урушда эмас, тинчликда пахтага кўшилиб ёниб кетган ўғли, сира қахрамон эмас у.

Мен олти ойлигимда оппоқ эмчагимдан – онамдан айрилдим. У менинг сутим эди, куйиндимга айланди. Қайнаб-қуриб, онам қобирғасига қиринди бўлиб ёпишади.

Отам ишдан келиши билан кучимга куч кўшилиб,



қўпроқ ғинг-ғинглаб қолардим. Эгнига ёпишган пахтани қўли билан ишқалаб туширишни яхши кўрарди. У соқолини жуда кам қиртишларди. Шунинг учун ҳар сафар мени ўпганда юзимга сонсиз қора тиглар ботарди ва мен йиғлардим. Ўша пайт чиндан уддалардим кўз ёшини. Ёқимли оғриқ, тер ва пахтанинг ачимсиқ анқиши димокқа ота ҳиди бўлиб урилади.

Дунёдаги энг катта ва кучли одамни ҳис қилишга ўргангандим. Мени ўлим кучимдан айирди, бутун умрга кучсиз қилди. Ўлим йиғимдан жудо қилди. Олти ойликда мени етим қилди.

Бобомнинг ҳовлиси узоқ ва яқиндан ўликнинг хурмати учун келган уруғлар билан тўлади. Улар шу иззат учун овоз чиқариб йиғлайдилар. Аммо элибойларга бу чиқарилаётган товуш ҳақоратдай туюлди ва келгувчиларга танбеҳ берди: “Эй, халойиқ, икки ўликнинг хурмати йўқму? Қаттикрок, ўкириб йиғланглар, икки ҳисса баланд овоз чиқсин!”

Товуш ортиб кетди: “Акам-ов, акам...”, “Опам-ов, опам...”

Бизда тирикни эмас, ўликни хурмат этарлар.

Ёши катталар ҳам марҳумни: “Акам”, – дейди, “Отам”, – дейди, момолар жувонни: “Момом”, “Моможон”, – дейди.

Бизда ўликни қадр этар шундай бир кун!

Мен элибойлар гапини англайман, қизараман, тиришаман. “Улардан ўн эмас, бир мен қолдим”, – деб қичқираман, “Сутим”, – деб бақираман, “Куввати кучим”, – деб ўкираман. Барча бир он жим бўлади.

Бир чақалоқ инграши ва икки мурдагина қолди қишлоқда.

Онамнинг қоп-қора кўзлари деб йиғладим. Мен она кўзларидай тиниқ қоронғиликни бошқа ҳеч қачон кўрмадим.

Мен қичқириб бўзлайвердим. Дод солавердим. То-

вушимни эшитган етти кишлок иззиллаб йиғлади.  
– Гўдак етим қолганини сезди, тавба қилай! – деди боболар.

– Эна бўлмай, болам ўлмай, мен ўлай, – деди момолар.

Мен бақира бердим: “Сут ва кучнинг хурмати бор...”

Момом куруқ эмчагини оғзимга солди, чиқариб ташладим. Холам эмизикли эди, у тутди, тупуриб ташладим нордон сутини.

Ширин таъми олти ойлигимдан унутдим, хозиргача биронта ширинликдан маза қилмайман.

Беш сониялар йўталиб турар, кейин бақира берардим... Бутун кишлок ўкириб йиғларди.

“Чақалоқни кўшниникига чиқармайсанми, аҳмоқ хотин!”

Бобом момомни сўка кетади.

Холам белимдан олди. Кетаётиб ота-онамнинг устига ётқизиб: “Хайрлашсин”, – деди. Шунга журъат топди.

Бобом сўқди, холам йиғлади: “Охирги марта онасини ҳидласин, бобо...”

Бобом тескари қараб ўкирди: “Ҳай-й-й!”

Умрида илк бора йиғлади бобом! Тошлар эриди, олов музлади, юлдуз пастлади, тупроқ чакмоқ чалди.

Мен онамнинг кўксига ётиб, тамшаниб қолдим, уни яладим, ўпдим, сўлакайим билан унинг кўксини хўл қилдим... Куйинди хид шунда уннади, ўпкам тунга тўлди. Мен шу куйиндини ҳар сония кўмсайман, шу куйинди билан ёнишни истамай, шу куйинди бўлиб онам билан қолишни, шу қорақуюни эмишни истайман.

Отамнинг юзи куймаганди. Лабларимни босдим, ўпдим, “ова-ова” қилдим, ёндим... ёндим, отаги эди отам, совиб эмас, қизиб ётарди.

Сўнг мен улар билан мангу хайрлашдим. Йиғлай-

вердим, овоз беравердим, фарзанд бўлиб туриб бердим.

Мени қўшнининг бешигига солишди, белимдан боғлашди. Овозим тинмади.

Уларни қўшқабрга қўйгачгина жим бўлдим. Тупрок иси мени элитди.

Ота-онам жойини топди. Шундагина кўнглим тинчигандай ухлаб қолдим. Холам бўлиқ, аммо қора кўкрак тутди, эмдим нордон сутни. Момом ўкириб йиғлади, мен энди унга қараб кулдим қикир-қикир: ота-онам билан кўз ёшим ҳам мангу кўмилганди.

– Гўдак нимани билади? Бир йиғлайди, бир кулади, – деди момолар.

Аммо барчасини билиб турардим.

Отам ва онамни олти ойликда бир ўғилдек кўмдим. Ўлганида бақириб-бақириб йиғладим. Катталардай овозим қишлоқни тутди. Ўша кун пешонамга ёзилган бор йиғини сарф этган эканман, ортиқ кўзимдан ёш оқмади, буткул йиғидан қолдим. Бу сугдан қолгандан кўра кўпроқ азоблигини кейинроқ англаб етдим.

Сен Ватанинг учун ҳатто бир он, бир марта йиғлай олмай қариётганингни билиш нақадар даҳшат!

\*

Дунёда муҳаббатдан бўлак наво йўқ.

Дунёда муҳаббатдан бўлак дард йўқ.

Бефарзанднинг ҳам, беватаннинг ҳам куйи шу.

Сенинг қисматинг торларини чертади у. Ўйларинг, хаёлларинг, тушларингни унга созлайди. Сен гоҳида бахтсизларга ҳавас-ла қарайсан, гоҳида тескариси, гоҳ ўз қисматинг ёзиқларига кўниб яшайсан бешикда ётган бола қўллари боғлиқ ҳолда ухлашга ўрганиб қолгани ва йиғлаб-йиғлаб кўнгани каби уйкуга.

Лола, сен наво таратишдан тўхтама, асло ундай қила кўрма!

Мен кулоқ тутаман сенга, ёлғиз сенга...

Ўз наволарим эса меники эмас, йўқ-йўқ, улар дилим бўлмайти, ичим-дардимни айтмайти. Улар ўша етмиш талабадан ҳикоят сўзлайти, муҳаббатини куйлайти, созанда унутган ноталарга ўхшайти менинг ҳаётим.

Мен етмиш нолага айланаман.

Умримда кўрмаган одамларнинг аччиқ қисматлари кулоқларим остида янграйти туну кун! Товушлари ёдимда туради мамлакатнинг озодлик қўшиғи ёки муқаддас калима мисол.

Доим кулоқларим остида эшитилиб туради азоблар ва ҳўрлик.

Узоқ, олис-олисларда бўлишса-да, ҳатто вақтлар оша ҳам, талабалар орзуларини тинглай оламан.

Улар секин-аста кулоқларим остида пичирлашади.

Лола, сенга айтарим бир ҳаёт бор. Унда тарихим, мамлакатим ва етмиш талабадан иборат фуқароларим бор! Етмиш армоним, етмиш азобим бор, етмиш қабрим, етмиш мозорим бор!

Бир аср олдин бошланган тергов ҳали ҳам тугамаган.

Уларнинг кўзлари ёпилмаган, очик, ўғлонлари мағлуб бўлган қалъа дарвозалари каби.

Уларнинг ҳасратга тўла киприклари силкинса, шамол туради, кулоқларим, йўқ, буларнинг барига чидаб бўлмайти.

Терговлару отувлар тинмайти, гарчи тонг ҳам терговни ёмон кўради, кун ҳам, аммо ҳеч тўхтамайти:

– Германияга ўқишга кетаётганингизда ёшингиз нечада эди?

– 17 да.

– Қиз бола бўлишингизга қарамай, кетишингизга отангиз розилик берган, шундайми?

– Йўқ, отамнинг айби – менинг кўнглимга қара-

гани, инжиқликларимга кўнгани, йиғлашимни ортиқ истамай, розилик бергани! Фарзанд истаги деб ўз иродасига қарши боргани! Шу оғир жиноятми? Ота ўз кизининг қалб истагига кўнгани учун неча ойлаб тергов қилинса, хўрланса, эзилса, тагин бетоб ҳолида... Нима, совет оталарига меҳрибонлик ётми ё бу улуғ ришта бизнинг жумхуриятда ортиқ қийматга эгамасми?

– Отангиз қочқин, аксилинқилобий руҳдаги танишлари билан алоқа қилиш ва жосусликка тайёрлаш учун ўқишга жўнатган. Лекин у ўйлагандай бўлмади. Сизга дуч қилгани ҳуррият эмас, оғир айблов моддалари бўлди. ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси, биринчи банди билан Ватанга хиёнат, давлат сирларини сотиш, 58-модда – қуроли қўзғолонга ҳаракат, 64-модда – совет давлатига қарши теракт, 67-модда – аксилинқилобий ташкилотга аъзолик каби оғир жиноятларни содир этгансиз.

– Ё Худойим, барчаси тухмат! Таълим учун Олмонияга кетар эканмиз, на менда, на шўрлик отамда бирор совуқ ният бўлган. Қизиққанман, ўқимоқчи, бу тор дунёمنى бироз ёритмоқчи, тоза илм ҳавосидан баҳра олмақчи бўлганман! Таълим олиш шу қадар даҳшатли жиноятми?

– Отанг сендан кўра оғирроқ жазога лойиқдир!

– Майли-майли, мен бари хўрликка кўндим, тан оламан бор моддангни, аммо отамни тинч кўй! Унинг айби мени ўқитгани, холос! Илтимос қиламан, у оғир касал, бу азобларни кўтара олмайди, ўлиб қолади!”

Қизни отишади. Отасини эса кўмиб бўлишди. Буни қиз ўлаётган онда ҳам сезмайди. Ишонди бутун дунёни алдаган тузумга барча тоза қалбли одам боласи каби.

Қизнинг чап елкаси устида қизғалдоқ косасидай нор бор. У қонланишидан олдин кўз олдида отаси ва бир ўқ турарди.

Отаси меҳрибонлик кўрсатиб, сочини силаб кўй-

гандай бўлди, нималарнидир таъкидлади ҳам, сўнг ўпди болаликдаги каби чўлп этиб пешонасидан.

Миллат кизи эди. Мард қиз. Овози чиқмади, бақирмади.

Аммо ичида қизғалдоқ косасидай қўркув бор эди ўлимдан ва ачинди шу тиниқ юзларга доғу лаб тегмай ўлиб кетаётганидан.

“Ота, кетманг!” – деди.

Бу ўлим олди алаҳсираш эмас, оқибатли қизнинг меҳрибон ота билан рози-ризочилиги.

“Унга тўсиқ бўлмади на шайтон, на ўқ!”

“Қизим ўқишга борма!”

“Бурчим ва ажалим – миллат учун ўқимок!”

“Сен менинг номусимсан, қизим!”

“Бир сиз эмас, миллат оталари учун номусим – қасам!”

“Нега умринг саҳарида салом бердинг ўлимга, менинг малагим, гўзалим, маъсумам онам?!”

“Қимдир илк қадамни кўймоғи керак. Куруқ саволлар, гумонлар, хавотирлардан қутулиб бошламоғи керак дунёга кўз очишни, ўқишни оналари ҳам ўзбекининг! Кимдир, аёл ё бокира бир қиз, Ватан учун ўлмоғи керак-ку туғишдан ортиб! Мен она бўлмоқдан кўра, шу миллат учун юксак ўқимокни афзал кўрдим! Ё хато қилдимми, ота? Фақат қулфарзанд туғмоқ шарафми бу қопқондаги юртда? Оналар шундоқ ҳам кўп-ку, ичлари тўла бола! Мен улар туққан болаларни тўпламоқчи эдим илмга, маърифатга, аммо қаршимда турибди бир ўқ ва бахтиқаро ота!”

“Барига нега кўндинг? Бўйнингга олдинг хаёлингга ҳам келмаган айбловларни!”

“Қиз бола отани севар! Бари бўҳтонни симирдим токи боши омон бўлсин ҳар бир оиланинг, отамнинг! Қизларинг бор мендан зиёда, ҳали нозик, ҳали оч. Орзулари кўп мунис онамнинг, соч толаларимдан ҳам мени мўл севар. Асло жасадимни кўрсатманг унга, жи-

янларимга, севганимга... Улар қабримга йиллар ўтиб, баҳор устимни ажиб чучмомалару қизғалдоқлар билан безаганида, балки йўқлаб тушларига кирсамгина хур бўлиб, келишар қабрдан кўкармаган соф гуллар исини етаклаб...”

Ўқ фурсат бермади ортиқ дийдорга.

Бўлмаса, минглаб миллат қизларининг ҳам тушларига кирмоқлигини айтарди.

Ота билан қиз сўзлашарди сўнгги бор аламли!

“Безовта қиламан саратонда, қор ёққанда, тушу тунда. Уларга айтмоқлигим керак: “Қўрқокни туғмоқлик ҳали оналик эмас”. Мардларнинг онасигина онадир фақат. Бизда эса бундай аёллар бир вақтлар эди сероб, мен сизнинг тушингизни бузаман бокираликни бузгани каби эрларингиз! Миллат қизлари, келажак оналари, туғмагунча мард болани то тинч қўйманг эрингизни мудрашга, ухлашга, ҳатто тик туришга! Қаршимда ўқ, у тегар ҳали мард йигит қўли тегмаган кўксимга. Билингки, шу ўқ каби тўсиксиз кириб бораман ширин тушларингизга!”

Йиқилади токчадаги қуриган гуллар, сал туриб устига ағнайди девор. Ёпиб шувалади бор ҳақиқат. Шу билан парда ёпилади, томоша тамом!

Топа олмадим қабрини излаб.

Гуллар сочаман дегандим.

Очиқ кўзлар эса ҳамон мени таъқиб қилади. Шовқин солади кипригининг шамоли. Миллат қизлари эса сонларин очиб қаттиқ ухлайди. Туш кўришни ва унга ишонишни эса аллақачон унутишган. Аммо кўрқокни туғиш урфда ҳамон!

Кеча ҳам ўша деб тонг қадар азоб тортдим.

Тишларимни бир-бирига қайраб, аламга ботиб ётавердим. Худди эгаси осилган терак бўйида содиқ кутаётган отдек.

Ўргандим. Азобларимни фақат кулгилар билан

ифода этишга. Бўлмаса, одамлар сенинг ўртанаётганингни қаердан ҳам билишарди.

Мен талаба қизни асраб қолишни истайман. Бунинг учун нима қилиш кераклигини ўйлайман. Тунлар аччиқ-аччиқ куламан. Ўша кўзлар мени азоблайди, ухлатмайди, киприклар қорачиғимга игнадай қадалади.

Наҳот тушларини бузиб киришга битта мард қиз қолмаган бўлса миллатда!

Оналар, сиз кимларни туғаётибсиз?!

\*

Бобом мени ўзи истаганидай катта одам қила олмади.

Аммо катта қилди.

Момом менга она бўла олмади, аммо эмчак тутди. Очикқан кунларим эчки сути берди, курут шимитди, оғзимга қуйруқ солди, гўшт тикди.

“Сутдан қолгани билинмасин, ирик жигит бўлсин”, – деди.

Мен ирик бўлдим, чирик бўлмадим, ямоқчи бўлдим, ялоқчи бўлмадим.

Момом мени шамоллардан тўсди, янгаларнинг қусуқ гапларидан ҳам, амаким зардасидан ҳам.

Улар жеркиса, оғзига урди, уришса, олдимни олди, мени деб ўз болаларини тошлади, уларни қарғаб бўзлади. Аммо барибир бобом мени катта қилди.

У менга ҳаётни танитди. Сўкиб-сўкиб тарихни ўргатди. Ўз тарихимни билиб ўсдим. Етмиш талабани қўмсаб улғайдим.

Бобом қишлоқнинг ҳозир омон бор эркагига устоз саналарди.

Домлалик қилди қирқ йил. Ўзимизнинг мактабда ўтмишдан дарс берган, менга эса ўлгунича таълим берди.



Бобом совет даврида ҳам Темурни ёмон демаган.

Ҳар доим уни қахрамон кўрган.

Ҳар холда бунга қишлоқ болалари ишонмаса-да, мен инонам.

– Бобо, – дедим бир куни сурувни сувга ҳайдай туриб, – ҳамманинг ўз тарихи бор дегансиз. Менинг тарихим-чи? Отам билан ёниб кетганми?

– Эй аҳмоқ бола! Ҳамманики бор, сув ёнади, аммо тарих ёнмайди. Уни ҳеч ким ўзига мослаб ололмайди. Сенинг тарихинг ҳам, менинг тарихим ҳам бор, жойида турибди.

– Мана бу кўйларнинг ҳам тарихи борми?

– Бор, болам.

– Ўтирик<sup>1</sup> гапирманг!

– Кўйларнинг тарихи кўйлик, куллик...

– Қандай қилиб кўйда тарих бўлади, бобо? Ахир улар ҳайвон-ку!

– Ўзлигини билган одамнинг тарихи бўлади, кимлигини биллади. Билмаса, ҳайвон бўлади, кўй бўлади, ҳайвоний тарих бўлади.

– Менинг тарихим ҳам йўқ, чунки етимман?

– Сенинг тарихинг бор, болам... Сенинг тарихинг отанг, мен! Тарихни отам деб ўрган, болам. Тарих жигитнинг отаси, тил эса онасидир... Жигит тарихини ва тилини ота-онасидай кўриши керак. Сенинг тарихинг отанг, болам!

Йиғлай олмаганимдан куламан. Жулгунзорга урилаётган гармсел кулгиларим маънисига ета олмаганидан қайта-қайта юзларимга урилаверади, айланаверади, тимдалайверади.

Мен ўша куни кўйларимизга ўз тарихини тушунтирмоқчи бўлганман. Бобом сингари, уларнинг қайси кўрада туғилгани, қандай кўзилагани, нима егани, қаердан сувлагани, энасини қандай эмганини... аммо кўйлар тарихигамас, кўпроқ емишга, бировнинг чи-

1 Ўтирик – ёлгон.

ройли кўкариб турган безазорига кизикади. Кўйларга ўт бўлса бўлди, кетаверади... Уларга тарих азиз эмас.

Лола ҳам тарихга кизикади. Фақат кўйлардан бироз кўпроқ, бобомдан анча камроқ. Сабаби, кўрқади. Тарих дахшатларидан эмас, отасидан. У кишлокнинг энг машхур шишақули, шармандаси, собиқ қассоби.

Пичоқ кўтариб семиз кўйнимас, нукул хотинини кувиб юргани-юрган. Баъзан Лолага ҳам ташланади. Аммо у тез чопади, шунинг учун ҳам ҳеч қачон тута олмайди, мен ета олмайман-у, шишақул қандай етсин.

Лола мендан олдин кирга чиқиб кетади, мендан кўпроқ гапиради, кўпроқ ишлайди.

Биз Лола билан тўйларга боришни яхши кўрамыз. Келин билан куёвга қарайвериб, бўйнимиз толади.

Биз ҳам бир куни улар каби тўрга чиқамиз – келин-куёв бўламиз деб аҳд килиб кўйганмиз. Энг катта орзумиз – тўйимиз!

Давра ўртасини учта гулхан ёритар, келин-куёв унинг атрофида гир айланар, нозиккина келинчак “Келин салом”ини барчага бир, бизга эса алоҳида эгилиб салом бераётгандек севиначдик.

“Тўйлар қуллук бўлсин, айланай!”

“Хуш кўрдик, ҳаммани шу кунга етказсин!”

Куёв келинни даст кўтарганда қийқириқ бутун киру тоғларда акс-садо берарди: “Жонинг борми, куёв, баландроқ кўтар?!”

Чарсиллаб ёнаётган гулхан атрофида биз ҳам келин-куёвга қўшилиб айланамиз. Ўша тун даврага осмондан уч юлдуз тушишига ишонамиз. Фақат тўй куни ерга энган бу уч ёғду келин-куёв юрагига ёруғлик бўлиб кира оларкан. Шунинг учун янги келин-куёвнинг юзига боқинг, нур бўлади, бу юлдузи юлдузига тўғри келганидан эмиш.

Чарс-чарс ёнаётган арча шохининг тотли, таъмли тутуни “Ёр-ёр” садоларига рақсга тушгандек тебраниб осмонга бўйларди. Гулхан атрофида айланаётган, зар

қалпок, чопон, этик кийган, ўзи куёшдек товланаётган келинга Лола қанчалик ҳавас билан қараса, қиличдек ярқираб, тўнга белқарс боғлаган мағрур, ўктам куёвга мен ҳам шундай энтикиб термилардим.

“Ёр-ёр”лар бошланади:

“Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,

Гул кесганим, ёр-ёр.

Бир ҳовлида ўйнашиб,

Тенг ўсганим, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан-о,

Ўлан узун, ёр-ёр.

Саккиз қизнинг сардори,

Шу қизмикан, ёр-ёр!”

Доиранинг довури, элнинг “Ёр-ёр”и қишлоқнинг юрагига етар, қирларни, тоғларни туртиб уйғотарди.

“Тўйда келин йиғлайди-ё ёт бўлдим дсб, ёр-ёр!”

Тўйда келинлар нега йиғлайди?

Буни сира тушунмасдик. Гўзал келин бахтдан фақат хурсанд бўлиши керак-ку.

Бизнинг тўйимиз очик қирлар бағрида, даврани юлдузлар ёритган кунда бўлишига ишонар ва унда бир марта ҳам кўз ёши тўкмасликка Лола онт ичарди.

Бу тўйни ўзимиз ёлғиз қолган кунларда қир тепасида ўтказар, Лола келин, мен куёв бўлиб “Келин-куёв”, “Тўй-тўй” ўйинлари билан кундузнинг чироғини ўчирардик.

Қирларчинг тепасида турли хайрак ва тиканлардан гулхан ясаб, Лолани кўтариб айлантирганларим, у менга момосидан қолган чанковузни берилиб чалиб бергани, сочлари тўлғангани, чанковуз ноласига юлдузлар йиғлагани, осмон кўз ёши тўккани кечагидай ёдимда...

Оҳ-оҳ, бу тунлар хотирамнинг азиз бир кунжагига абадулабад жойлашган, қани энди қайтарилса... Юрагим ўша онлардагидай урса, ҳаприкса... Ҳа, бу оламни фақат муҳаббатгина янгилаб, тозалаб, уйғотиб туришга қодир экан.

\*

Эрта баҳор бобом билан кирларга қўй ҳайдардик.

Қўй дегани тўймагунча санғийверади, қорнига бир нима кириши билан тинчийди, энди чиндан ўтлай бошлайди.

Шунда бобом билан тин олиб, савол-жавоб ўйинини бошлаб юборардик.

Бобом афсона тўқишга уста. Мен – савол беришга. Ичимдаги сўроқ гаплар қаердан пайдо бўлаётганини ҳам тушунмай, тилим жавраб-жавраб чарчамасди.

– Бобо, ёшлиқда нечта болангиз бўлишини истангансиз?

– Биттагаям кўрқардим.

– Нимага?

– Куйдиришидан, авлодларим хор бўлишидан кўрққанман.

– Етти ўғил кўрдингиз.

– Бебарака чикди. Отанг пешроқ эди, Худо олди. Бирови ҳам ўқишни тугата олмади. Ҳеч қайси бири одам бўлмади. Бари хотиннинг устига сакрашдан бошқага ярамайди. Сен ўқийсан. Ўқитаман. Нечта қўй кетса кетсин, диплом оласан. Яхши ўқи, катта одам бўласан!

Аммо мен ёмон ўқишни бошлагандим. Ёзувим ҳам хунуклашди, ҳисобдан ҳам адашдим, мени фақат ўтмиш кизиқтирарди. Дарслардан қочардим. Бобомга: “Устозим тумов бўлди”, – деб баҳона қилардим. Ҳатто май ойида ҳам. У оппоқ, узун қошларини осилтириб, рост ё ёлғон гапирганимни билмоқчи бўлар, аммо ҳеч қачон мени фош қилмасди.

Бобом ўзига эргашиб юрганимдан, талпинганимдан мамнунлигини сездирмаса-да, англардим.

– Эрта кўклам қора молгамас, аммо-лекин қўй ҳаққини олади. “Кипригимдай бўлса оламан”, – деркан қўйлар. Майса сал нишлаб қолса бўлди, қўйлар

ўлмайди.

– Тарихдан гапиринг, бобо! – дейман эркаланиб. – Қўйларингиз жонга тегиб кетди-ку!

– Бу ҳам тарих. “Кипригимча бош кўтарсанг, қираман!” Эр йигитларимизни шундай йўқ қилишган. Ҳозиргилар шунинг учун бош кўтариш ўрнига бўйинни эгиб, охирга талашади, қорин тўйса – марра. Сигирлардай буқани бир йил кутиб яшаш бу!

– Кимнинг охури, кимнинг қўйи, яна чорвадан келасиз? – дея норози тўнғиллайман.

– Сталиннинг охири, унга ўзимизнинг сурув-сурув қўйлар бош эгиб борган.

– Тарихни нимага қўйларга боғлаб тушунтирасиз? Мен сизга ёш боламанми? Ҳамма устимдан кулади: “Бобонг тарихни билмайди, ёлғончи, эртакчи, эсини еган чол”, – деб.

– Қўйнинг “ба” сини қўй тушунади. Буларга қўйдан гапир, молдан гапир, ароқни оч, газакка қалампирни чайна. Халқ шунга ўч бўлиб қолди. Мағзини тушунмайди.

Бобом қўйларга қараб узоқ уф тортади.

– “Халқингдан кимда ким кипригимча бош кўтарса, калласини олиб келинлар”, – деган Сталин бобо, эшитяпсанми? “Ўзим шўрва қилиб симираман, илигини шопкосага соламан”, – деган ғалча!

– Одамнинг калласидан шўрва бўладими, бобо?

– Сталинга ёққандир-да, мен қаердан билай? Ўзбекнинг калла-почаси ширин бўлса керак, чунки кўп меҳнат қилган, ортиқча тузлар тер билан чиқиб кетади. Ўрисники бузоқ гўштидай илтиллаб, бўшаб қолса керак-да!

– Германияда ўқиганлар-чи? Уларнинг калласини ҳам пиширишганми? Шулардан гапиринг?

– Олис-олис замонларда миллатимиздан етмишта баходир чиқиб, Олмонияга жўнайди.

– Вой-вой, эртакка солмай гапиринг!

– Жим эшит, – таёғи билан кавушим учига туширади. Йиғлаш ўрнига куламан. – Етмиш баҳодир. Улар халкни зулмдан, золимлардан ва босқинчилардан кутқариш учун туну кун ўқийдилар ва катта одам бўлиб қайтадилар.

– Эртакчи, лофчи, эсини еб-ютиб юборган чол! – аразлайман. Бобом бу гал сал кўнгилга қарайди.

– Чиндан эртак-да, болам! Ҳозирги одамлар: “Эртакларда бўлади бундай қахрамонлик”, – деб ишонади.

– Кейин-чи, бобо?

– Улар Олмониядан олтин, кумуш олиб келишади. Кейин уларни кўра олмаган бир девор кўшнилари Сталинга ёзади: “Бу Оврўпа таълимини олган мишиқилар олтин билан мудраб ётган кўзимизни қамаштириб, на ухлатгани кўяди, на ишлатгани! Тинчлик борми ёки йўқ? Улар нукул: “Маърифат”, дейди, “Озодлик”, дейди! Бу нима дегани? Биз сизни отам деганмиз, хотинингизни энам деганмиз, биз лафзсиз бўлиб, гапимиздан қайтайликми? Мийловингизни юз йил тавоф қилайлик, бундай онгимизни ўпириб, тинч ҳаётимизни бузаётган ёшларнинг танобини тортиб қўйинг!” Шунда Сталин бобо ҳам ғазабдан ёниб-ёниб, талабаларга ташланади. Кўзи қамовга бўри тушгандай ҳаммаёқ қонга беланади. Сўнг талабаларни кўмиб, устидан “Тошкент-70” навли пахта уруғини экиб юборади. Талабаларни сотган хоинларнинг эса мамасига темирча тақиб, талабаларининг қонидан нишлаб қолган пахтани чопиқ қилишга юборишади.

– Етмиш баҳодирнинг кучи етмадими?

– Орадан бир сотқин чиқади – қизил аскар.

– У ўрис бўлганми ё хитой?

– Ўзбек, шўринг қурғур ўзбек. Қора қош, қора соч, қора кўзи ўйилгур сотқин баҳодирларни чоҳга бирма-бир кўзларини боғлаб олиб боради.

– Сизнинг отангизми шу, қизил аскарми, бобо? Менга чинини айтинг?

Гап унга бориши билан бобом думини буриб қо-  
чади.

– Мен намоз ўқийман.

– Ўтган сафар ҳам қочгансиз.

– Фарзимни бажарай, кун тиккага келди.

Бобом киприкдай бўлиб ўсиб қолган майсалар  
устига жойнамоз тўшайди, азон янграйди.

Мен қўйларга сергак боқаман. Серка олдинлаб,  
буғдойзорни кўзлаб кетяпти.

Қўйларнинг олдини қайириб келаман.

Бобом намозни тугатмайди. Интиқ кутаман... Ти-  
ловат давом этади... Бобом қизил аскар ҳақида гапи-  
ришни истамайди. Ё қўп билмаганидан, ё ҳамон ким-  
лардандир қўрққанидан гинг демайди. Энг аввало,  
ўзидан қўркади.

Қулоғимга чалинаётган овозлар эса сира тинмай-  
ди.

“1927 йилнинг баҳорида Мунавварқори Абдура-  
шидхоновга<sup>2</sup> хат ёзгансиз. Сиз Туркистон ҳаётида  
Ғарб Оврўпасининг ўрни катта эканлигини таъкид  
этиб: “Хорижда талабаларни ўқитиш битта-иккита тоғ  
ва саноат мутахассисларини етиштириш билан яқун-  
ланмаслиги, бу билан биз ўйлаган халқнинг кашшоқ  
ҳаёти ўнгламаслиги равшан. Эътиборни аҳволни ях-  
шилаш учун зарур бўлган иқтисодий ресурсларга ва

<sup>2</sup> Мунавварқори Абдурашидхонов (1878, Тошкент – 23.04.1931, Москва) – улуғ маърифатпарвар, жадидлар ҳаракати етакчиси. XX аср янги усул миллий мактаби, театри ва матбуотининг ташкилотчиларидан бири, адиб, шоир, педагог ва сиёсий арбоб. Европа савдо саноати ва илм-фанига ҳайрихоҳ бўлиб, Туркистон минтақа-сининг ривожини учун билимли ёшлар кераклигини эрта англаган ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Мустамлака тузумига қарши изчил кураш олиб борган, бу йўлда қатор фирқа, жамият ва ташкилотларга раҳбарлик қилган. У 1929 йилнинг 6 ноябрида қамокка олиниб, уч йиллик тергов ва сўроқлардан сўнг Москва шаҳридаги Бутирка қамокхонасида қатл қилинган. Ҳозирда қабри Вагонкова қабристониди.

уларни ишга солишга қаратиш лозим. Бунинг учун бизга иқтисодиётни биладиган, чуқур билимли маҳаллий ёшларимиз сув ва ҳаводек зарур. Кучли иқтисодчилар молиявий асосимизни яратишга, режали ишлашга ўргатади, саноат ва жамоат иши ўнглинишида чексиз хизмат қилади. Кучли иқтисодчиларсиз давлат пароканда бўлиши турган гап! Устоз, менинг сизга айтар мақсадим шуки, агар дилида Ватан иқтисоди учун жонини ҳам аямайдиган ёшлар бўлса, уларни Олмониёдаги немис ҳамда яҳудий танишларим орқали...” – шу жойига келганда терговчи бир нафас тўхтаб, Муродийга<sup>3</sup> еб қўйгудек қарайди ва “...немис ҳамда яҳудий танишларим...” жумласини қайта ўқийди. – “Океан орти – Америка Қўшма Штатларига жўнатишим мумкин. Иқтисодиёт АҚШда шиддат билан тараққий этмоқда. Немис мутахассисларининг айтишларича, америкаликлар бу кетишда дунё иқтисодиётини бошқаришга кодир бўладилар. Улар сафида Туркистон ёшларининг бўлиши эртанги юз йиллигимизнинг нурли истиқболли учун сабаб бўлмоғи муқаррар. Улар билим олиб, Туркистонга қайтишса, иқтисодиёт учун олтин кадрларга айланишини эсдан чиқармайлик!” – терговчи шу

<sup>3</sup> Абдувахоб Муродий (1903 – 1937) – биринчи ўзбек агрономи. XX асрнинг илк чорагида Оврўпа таълимини олган илк миллий зиёлилардан. Берлинда ўқиган Туркистон ёшлари сардори. Берлин кишлок хўжалиги институтини тамомлаган. Олти ой Мисрда пахтачилик илмий-текшириш институтида малака оширган, сўнг Нил бўйидан то Судангача юриб, зироатчилик ишларини ўрганган. Катта умид ва мақсадлар билан Ватанига қайтган миллат ходими энг шимариб, чуқур илмий ва амалий ишларга киришади. Зироатчилик соҳасига оид минтақада янгилик саналган қўплаб лойиҳаларни амалга оширади, қатор тажриба станциялари фаолиятини яхшилайди, уларни миллий шароитга мослаштиради, янги навларни амалда қўллайди. Ёшларни миллат руҳида тарбиялаш учун педагогик ва илмий фаолиятини давом эттиради, қатор мақолалар чоп эттиради. Миллий бирлик ва озодлик курашчиси Муродий 1929 йилда биринчилардан бўлиб қамоққа олинган ва Россиянинг совуқ оролларида сургун қилинган. 1937 йилда эса шошилиноч келган махсус буйруқ билан қамоқхонанинг совуқ бўлмасида шафқатсизларча ўлдирилган.



ўринда тўхтаб, маҳбуснинг кўзларига илжайиб қаради. – Америка ҳақидаги гапларни онгли, ақл-хушинг билан ёзганмисан ё кимдир мажбурлаганми?

– Ўзим ёзганман.

– Тиркаб қўйинг!

Терговчи мамнун илжайди, маҳбус эса ҳозир ҳеч нимани эшитмагандай ҳамон ўткир нигоҳларини қадаганча жим турарди”.

Бобомга ичимдаги оғриқли ўйлар ҳақида оғиз очмайман. Ўзиники етади. Мен ундан қизил аскар ҳақида сўроқлашни тўхтатмайман.

– Шоди чўлок, Умри қозок, Турсункул боболар айтишди. Сизнинг отангиз қонхўр ва бузук бўлган.

– Номоз ўқийман!

– Асрга ҳали бор, бобо. Вақтида ўқимасангиз, қабул бўлмайди. Менга чин гапни сўйланг, бобо.

– Шоди чўлок ўтирикчи, Умри қозоқ эл бўлмайди, Турсункул эса ўта паст одам.

– Сизнинг отангиз, менинг катта бобом ким, энасини эмсин, айтинг?

– Сўқинишни кимдан ўргандинг?

– Сиздан-да! Ҳар доим отангизни сўқасиз-ку. Мен эшитаман. “Падаримга лаънат”, – дейсиз, ҳеч ким ундай отасини сўқмайди, сиз шундай дейсиз!

– Яна нимани биласан?

– Ҳеч нимани!

– Айт.

– Сийгим келди, – юлқиниб қочаман. Бобом гаврон таёғини отади, ҳарқалай тегмайди.

Сўнг тошлаб қолади. Қочаман, дарёга бориб, шомгача чўмиламан. Сувнинг лаби қорайганда чиқаман.

Бетим ёғ томган сувдай тўрнайди, тилингандай ёрилади, лўлининг боласидай тўзиб уйга бораман. Биров сўрамайди. “Сутдан қолган – этдан қолган”, – дейман!

Етим кўзи бирдан кўзга ташланади. Сурувдан ажралиб туради. Чек-чукка излаб ўтлайди, панаю пастни кўзлайди. Қулоклари шалпайиб, сўлғин кўз ташлайди. Диркилламайди, кучини олмагунча куйрук бойламайди. Мен ўзимни шу етим кўйдаё билардим. Лекин сира шалпаймас, эмин-эркин юрардим. Хоҳласам уришар, хоҳласам исталган ёқимсизга тош отиб кочардим.

“Сўрайдиганим йўқ”, – деб дарсга ҳам бормаё кўяверардим. Аммо кўнглим етим кўзи эди.

Бобой билан момойни алдашдан кўра қишда туфлаш қийинроқ: “Бугун устознинг тиши синиб кетибди. Эри урган-да. Кўп ичади-ку, бўйни сингур, момо. Кўлини ўхлов билан уриб синдириш керак-а, бобо?!” Аммо момом тезда изини кавлаб қолади. Биров билан уришсам ҳам, бобомдан олдин сезади. У: “Амакиларингдан ҳеч ўрнак олма”, – дерди. “Улар қаерга борса, жанжал кўзгаб, ўзига душман топиб келади. Сен дўст тутиниб юр, тақиллатмасанг ҳам, қарашингдан эшиклар очилади”, – дейди. “Мен сағирман”, – деб ўксима, болам. Сен менинг саккизимсан”, – деб қаймоқ соларди оғзимга тик туриб момом. У бирор боласи ўқишни тугатмаганидан ўксинарди: “Мени қишлоқнинг бор тўраси сўратди, раиснинг улидан келди совчи, эшигимда туманнинг қатта бойлари ётиб олди, аммо мен бобонгни танладим. Чунки институтда, тарихида ўқирди, қишлоқдан биринчи устидент эди. Мен ўқишга тегсам, болаларим ҳам қаллади бўлади деб ўйладим. Гўрда, бари ўлик чиқди, бесавод, чўпон-чўлик, сувчи, деҳқон, ҳисобчи, таракторчи бўлди. Хотин суяб юрадиган ароқхўр бўлди. Тузукроғи отанг эди, эрта олди, Худойга керакки олди, жигаримни юлиб олди. На аламимиз бор? Аммо сен бола бобонгдай Тошкентларда ўқимасанг, гўримда тик тураман. Менинг отамлар, бобомлар қатта деҳқон ўтган, аммо беш маҳал на-

мозни қанда қилмаган, бир умр ҳалол яшаган, лаънат юқтирмаган авлодларига, бари бало бобонгдан. Замон ўлсин, ҳозир бирорта укам калима келтиролмайдди, оғзидан ароқ аримайди. “Отам гўрида қандай ётган экан?” – деб қуяман...”

Момомнинг қорнида ётиб, унинг кўз ёшларини артаман, оппоқ сочларини силайман, шу ерда мудрайман, сағир қўй қуриган саксовул соясига ўзини ургандай.

Еттита амаким бор.

Бир пайтлар барини бобом ўқишга солган. Ҳаммасига Тошкентдаги Улуғ Курсдош “танка”лик қилган.

Улуғ Курсдош номи уйимизда алоҳида меҳр билан тилга олинади. Унинг сурати кўкка бўялган жимжимадор рамкага солинганча қармоқ ипга боғланиб, меҳмонхона тўрига осиб қўйилган.

Бизнинг уйга келган одам қаршисига болалар эмас, сурат чиқади. Лўппи юзида қишин-ёзин табассум, шу ҳолатида қўлига ош тутиб қўйилса, ақлли профессордан кўра кўпроқ: “Хуш кўрдик, меҳмон!” – дея турувчи семиз ошпазга ўхшаб қолади. Пешонаси кенг, сочлари чапга қайрилиб таралган, кўзлар болаларникидай тиниқ, кичкина оғзи доим беғубор табассумда. Бизнинг нима еб-ичаётганимизни кузатиб туравереди, гоҳида ўзини фақат суратларда кўрган оиланинг азиз одамига момомнинг раҳми келади: “Анов курсдошнинг ҳам томоғи тушиб кетди. Қани эди бир туюр гўшт солиб, хижолатдан қутулсак!” Курсдош эса буларнинг барига бепарво, қорамтир костюм, оқ қўйлак, қизил бўйинбоғ таққанча тишларини кўрсатиб самимий кулиб туравереди.

Бобом ҳамма қизиқиб сўровчига уни мақтайди.

Биз учун президентдан сўнг турадиган одам.

У бобомга: “Ҳамма болангнинг дипломини қизил қиламан”, – деган. Аммо бирортаси қизил хужжат

олиш тугул, ўқишни тугата олмади.

Қишлоққа тезроқ қайтишга, қизга ва ароққа берилди.

Кенжаси бекорчи эди ғирт. Катгаси бой, юз қўйи бор, рўзғори алоҳида эди. Бири домла эди (сернасихат бўлгани учун шундай атардик), бири сувчи, яна бири тракторчи, бири эса ҳисобчи (олаётган нафасини ҳисоблаб ётарди). Тўртовининг қизи бор эди, қолганларини шу киздан ҳам қисган эди.

Бефарзандлик оиламизнинг андуҳи, кўккўзларнинг шўри эди.

Бир пайтлар кенжа амаким Тил ва адабиёт институтида ўқиган.

Қишки таътилда қишлоққа сочини ўстириб келиб бодилик қилади, юрадиган қизлари, ичадиган ароқлари ҳақида оғиз кўпиртиради.

Бобом тишини тишига босади, чидаган, ҳеч бўлма-са шу кенжам ҳайдалмасин, деб. Лекин бўлмаган, бобом билан момойга нукул “папой”, “момой” қилишни тўхтатмаган, буям етмагандай ўрисча қўшиқ куйлаб юрган.

Бобом бориб пастки тишини уриб синдирган: “Тил ва адабиётда ўқиб, ўрисча яшаётган бўлсанг, сенга диплом ҳаром бўлсин, яна бир русча гапирсанг, тепадаги тишларингни ҳам қоқиб оламан!”

Кенжамиз шундан сўнг қайтиб ўқишга бормади. Қишлоқда табелчи, сувчи, колхоз тугагач эса ғирт бекорчи бўлиб қолди. Ичади, сўкади, хотинини уради. Бобом бир ўлик отамга қанча куйса, шу тирик амакимга ҳам тенг куяди.

Бобом ҳар қиш чилласида бир қўй сўйиб, эркак гурунг ташкил қилади.

Беш йил арпага боқилган қўйни сўйдиради. “Панжи қўй”, – дейди, “Панжи гўшт”, – дейди.

Ўрганмаган одам бу этдан кўп еса, девдай бўлса ҳам, ағдаради.

Эркак гурунгда хотин-халаж қозон-товоқдан нари юради. Барини эркаклар қилади. Бобом ҳаммани гўштга тўйдириб, сўнг ортидан тишлаб-тишлаб олади. Амакиларим сонига гап билан чўғ босиб олади. Мардликдан гап боради, эркакликдан сўзланади, кулоққа илинмаса, уят ва аччиқ гапларга ўтилади.

Қовурдоқлар томоқда қолади.

Қорайган жойи колмай қуйруқлаган гўшт эмас, бобомнинг гапи уларни қизитади.

Кўлдан томаётган мойни артишни ҳам, этни чайнашни ҳам билмай қолишади, бечоралар.

“Бу гўштга фақат эркак чидайди, бу гапларга ҳам”, – дейди бобом.

Мен эса яйраб куламан.

– Бу гўштни еб, хотиннинг устига сакраш мардликмас, сакраш билан иш битса, мусича дунёни сайратарди. Эркак бўл, тик яша ва шундай ўл! Хотиннинг ўсмасидан юзингни қора қилма, тириклайин кўмаман барингни!

Амакиларим ерга қарайди.

Мен улар устидан куламан. Ҳаммаси менга: “Жинни сағир, бўлди қил”, – дейди. Фақат кенжа кўпол сўқади: “Ҳа, энангди... нимага тиршясан?!”

Бобом тишлашда давом қилади ҳам гўштни, ҳам болаларини:

– Хотиннинг тукқани билан, сендай сувчи бўлади, гўр бўлармиди! Шунинг учун дунёда бошқа ишларни ҳам қилинглар! Бола кўпайтиришда балиқдан ўта олмайсан. Уларни тарбият этиш керак, эртага улар ким бўлади? Итми ё одам? Нимага ярайди? Менинг болаларим каби фақат хотини изидан йўл солишгами?

Мен яна чийиллаб, пиқиллаб, тупук сачратиб куламан. Ҳамма мени еб қўйгудай бўлади, уларнинг ко-

вогини кўриб, ўзимни тутолмай яна тиршаявераман.

“Бобо, ўлманг”, – дейман, “Ўлиб қолманг”, – дейман...

Амакилар товоқдан бошини кўтаришмайди. Кенжам сонимга пичоқ учини суқади, мен хузурлангандай унга қараб илжаяман.

Бобом болалари билан бўлади. Мен уни қизғанаман, аммо чидайман, хозир уй-уйига кетади, бобом эса менга қолади.

\*

Бутун мамлакатда ишсизлик семирмоқда.

Пул топиш бепушт аёлни туғдиришдай қийин. Миллионлаб ишсизлар галаси пайдо бўлган.

Қишлоғу овулларда улар тўп-тўп, бир гала бўлиб юришар, ичишар ва дуч келган нарсани ирғишларди.

Дехқонлар қартафурушга, қартабозлар ароқхўрга, ароқхўрлар ўғрига айланди. Амакиларим бир жойда икки ойдан ортиқ ишлолмас, шунинг учун нуқул бобомдан таёқ ерди. Юз кўйли тўнғич амакимгина яхши яшарди. Аммо хотинининг сочи унинг пешонасига тушганидан, узокни кўра олмайди. “Хотинкавуш” бўлиб юради.

Мусофирлик тўни, ғариблик кавуши – ёзин-кишин кийиладиган бўлди.

Ўлик сукунат булутлари кезарди мусаффо осмонимизда танҳо. Моллар оч, кўйлар касал, одамлар эса тирик юриб, ўрмалаб борар эди ҳар ҳолда Азроил бекатигача.

Толнинг майин новдалари эгилиб ўсгани каби камбағалнинг болалари ҳам букилиб, синиб катта бўларди, овозидан ишончи йўқ ўзига, тик қарай олмас дўк урганнинг кўзига. Бир кун оч, бир кун тўқ қолиб яшар-

ди ҳамма, “Рўзғор – тўлмас ғор”, деб ўзини алдаб, на бойдан, на давлатдан бир нима умид қилиб.

Қоқ суяк билагидан тухумдай мушак шишиб чиққач, иложсиз, тугатар-тугатмас мактабни, ортар эди бўйнига ёлғиз ота эплай олмаётган турмушнинг оғир ўйларини. Ҳаёт санчқиларини санчиб борар эди қона-тиб, ҳали сулув кучмаган йигит бўйинларини доғлаб. Нослаб, ароқлаб, қизлаб чеклаб ўзини ҳаёдан, асраб ўзини садоқатдан, ишлаб, сўнг яна терлаб, ухлаб, мудраб, сўнг нурли келажак ҳақида ўйлаш оғир, худди гўзал ёринг сен каби хиёнат этаётганидан шубҳалангандай.

Узоқлардан иш қидириш қишлоқнинг қисмати бўлди.

Қишлоқлар мамлакатга етим бўлди, етим кўзидай ҳаёт бўлди.

Қишлоқнинг ҳам мен каби сут берадиган онаси йўқ, қўллайдиган отаси йўқ эди. “Болам оч, хотиним касал, энам ўладиган, пул керак. Қаерда ва қандай иш бўлса ҳам, майли, ҳатто тезак тозалаш ҳам ҳузур беради ҳозир. Хўрлик ва камситиш ўн иккинчи масала, жўра!”

Яшашнинг қонунига кўнмаслик – ўлим.

Болалар оч, хотинлар касал, эна эса ўламан деяпти – эрлар ўзини ўзи тишлаб юради, киндиги ҳамон осилиб юрганда эди, ўша он чўрт тишлаб, минг бўлақлаб, ўзлари узган бўларди.

Қишлоқда аёллар, болалар ва қари-қартангларгина қолди.

Йўқчилик томоқдан хиппа олганди. Кунора бир уйда хўроз сўйилиб, сўнгги чақага ош дамланар ва ўчоқбоши – эркак ишлашга кузатиларди. Эшон қишлоқ кайвонилари билан келиб, уй эгасини дуо қилар ва уни

тирикчиликка, олис ва оғир йўлга кузатарди. Худди урушга кузатгандай.

“Бу ҳам уруш – тирикчилик уруши”, – дерди саксонга етиб-етмаган, урушни кўриб-кўрмаган чоллар. Улар дастурхон бошида ҳамон Ленинни дохий деб эслашарди.

“Бизнинг замонда гугурт уч тийин бўлган”.

“Ҳа, нимасини айтасиз. Уч сўм олиб дўкон борсам, гугуртни қоплаб келардим! Санашга эринардим!”

Шу уч тийинлик гугурт билан чопонига ўт кўйгим келарди.

Кўлим қичийди қариялар куллигини кўрганим он, худди кичитки ўт бармоқларимдан нишлаб чиққандай.

\*

Ҳеч ким эсдан чиқариш учун ёд олмайди.

Ҳеч ким қачондир йўқотиш учун топмайди, йигит қизни кимгадир қўшқўллаб тутиш учун севмайди.

Ҳеч ким ўтиш даврида туғилиб, яшаб, тиши тўкилиб, қариб, эзилиб, кўмилишни истамайди бир нур сингмай кўзига.

Аммо тақдир, ўтиш йилларининг ўтиши чўзилди.

Ўтиш ўтмас пичоққа айланди. Ўтмас пичоқ бободан набирага ҳам етиб борди. Халқ бир-бирини ўтмас пичоқ билан сўйди.

Одамлар бошоққа ташланди. Оч эди, кўрга, карга айланди.

Бошоқдан қўллар қонади.

Қўллар узилди.

Кўплар сўйилди.

Четга қишлоқининг, ориқ сигирнинг қуртоби етди.

Аёллар кетмон, чоллар дарвозани кўриди тунлар.

Йигитлар уч-тўрт йилда бир кўринмаса кўринмади, пули келиб турди. Бу тириклик бўлди. Тириклик ўликликни бошлаб келди.

Ўлигини олиб келиш тиригидан қиммат бўлади.



Пул ота, пул эр бўлди, энг ёмони, пул Ватанга айланди.

Ўтиш даври қари қиздай инжиқ, асли қанжиқ бўлди.

“Нима бўлса ҳам пул, ака, пул!”

Халқ ўз нархини унутди.

Халқ улгуржи бўлди.

Ўзини ўзиники қул қилди.

Миллатнинг, бахтнинг жигари қуриди – қони бузилди.

“Отамиз ўлди, ука! Отам фақат мени туғдириб боққани йўқ, долларингдан бир-иккита ташла, падаримизни кўмиб келайлик!” – дейдиган акалар, “Ўзингнинг керагинг йўқ, бир-иккита қоғоз жўнат, менга эмас, кўпайтириб қўйган болаларинг очдан ўлмаслиги учун...” – дейдиган хотинлар даври келди.

Қишлоққа, энг ёмони, қўланса, ачитқи хид тарқалди, худди қўйлагининг кўринмас бир чеккаси балчикқа ботгандай сасий бошлади – бузуқ кўпайди.

Мушук ўлгандай, ғурур ачиб, номус қуртлай бошлади, қора қишларда ор ва ҳаё газсиз ва ўтинсиз қолган темир печкаларда ёқилди, ёнди, куйди иймон!

Эр-хотинлар ришталарни писанд қилмадилар. Оила муқаддаслигини чўпчак деб билардилар. Мен ўлик етим эдим, тирик етимлар бижғиди. Она тирик, ота тирик, аммо бола етим қўйдай ўсди. Болалиқдан мардикор бўлиб ўсди. “Катта бўлсам, Россияга кетаман”, – деб ўсди. У мустақилликнинг фарзанди эди, мардикорликни орзу қилиб ўсди.

Мен эса барига тупуриб ўсдим, мудраб, ухлаб, бобомнинг қўйнида қийқириб ўсдим. Амакиларимни урса, устидан қулиб улғайдим, янгаларим ғингшиса, уларни сўкиб алаимимни олдим.

Мардикор бўлмадим.

“Қўйлар ўлмаса, давлат қарилик пулини берса, сени боқаман”, – дерди момом ҳам керилиб.

Мен қўйлар учун дуо қилардим:

“Миллатда кўпайсин қўй-кўзилар.

Ўлиб-нетиб қолмасин улар.

Оч қолмасин етимлар.

Омин!”

Доим тўқ эдим. Ҳатто кунлар таомсиз қолганимда ҳам.

Негадир ўлат тарқагандай бобомнинг қўйлари ўла бошлади.

Жигарини қурт чангаллади, қуриди консиз.

Сўнг бобомнинг қони ҳам адо бўлди.

У пайт мен талаба эдим.

Етмишвойларнинг қисматини тафтиш этардим.

Берлинга келишга уринардим.

Бобом ўлгач, бу амалга ошди. Унинг қўйларидан олган улушимни сотдим. Берлинга бориш учун!

Мен Лолани доим таъқиб қилганман.

Муҳаббатим билан! Миллий жосуслардан фарқимиз севгимизда эди.

У қишлоқдан Тошкентга қочди, изидан қувдим. У Берлинга учди, мен ҳам йиллар ўтса-да, ортидан келдим. Тўрт йил кўришмадик, тўрт йил...

Қирқ йилдай оғир ўтди... Ўлиб қолай дедим.

Ўлим!

Мендан кўра Лола бир бор унинг нафасини туйган. Отасининг пичоғидан.

Чучварадай кичик қулоғида тиртиғи ҳам бор. “Тишларимнинг изини отанг кўрсатиб кетган”, – дердим қулиб. У жилмайиш ўрнига маҳзун тортарди.

Ҳозир Берлинда ўша пайтлардагидай беғубор кулишни, йиғлашни, севишни ва маҳзунлашишни унутмадими?

“Йўқчиликдан... шунга ичади булар, бутун қишлоқ алкаш бўлиб қолди”, – дерди уруш кўриб-кўрмаган чоллар оғзидан ароқ сасиб. Эски колхозчилар бари. Улар ҳозир эса қарилик пулининг ярмига ичар, ярмига эса невараларини боқарди. Ишсиз сўқимдай ўғлини сўқарди. Колхозни еб-битирганларни ҳам бўралатишарди. Ленинни қўмсарди: “Ахир, ноннинг нархини копейка қилган! Қани шундай катта!”

Нон ва очиқ кун бўлса бўлди, бошқа ўй ортиқча чолларга.

Мен шу чолларнинг оғзини тупроқ билан тўлдиргим келади. Ўзимни босаман, ичимни эса йўқ. У номаълум кучнинг измида.

Мен улар ортидан кетиб борардим, гўёки шунинг учун яшардим.

Лола, эсингдами, гоҳида зардоли дарахти отангга чидаш бермасди, эплаб бўлмади қолганда хўқиздай сапчирди ва арконни узиб қочарди кутурган мол каби.

“Бор-эй сасиб кетибсан”, – деб кетига шохчаси билан тепарди дарахт бечора жирканиб. Шунда онанг билан бизнинг ҳовлига қочиб чиқар, момом жонҳолатда сизни кўздан пана жойга, сандал остигами, картон қутиларгами, яширарди. Сенинг бир бурда бўлиб, хиқиллаб жун гиламу қоғозлар орасида беркиниб ўтиришингни кўриш мен учун даҳшатли эди. Иякларинг титрар, лабларинг учар, юрак уришинг эса бутун оламга эшитилаётгандек дукилларди.

“Оталар шундай бўлса, менга ота керак эмас”, – дердим. Ҳа, шундай дердим!

Ота – мўъжиза, ота – куч, ота – ҳаёт! Мен шундай деб билардим “ота” сўзининг маъносини. Лола энг азиз номдан, мўъжизадан қочарди.

У отаси тезроқ ўлишини истарди: “Бир кун тонгда турсагу, у ўлиб ётган бўлса, кейин биз ҳеч нимадан кўркмай онам билан ухласак, туриб овқатлансагу, сўнг яна хавотирсиз ухласак!”

Буни эшитиб даҳшатдан кулардим.

Отам тирик бўлса, маст-аласт пичоқ билан баданимга ўз расмини чизса-да, рози бўлардим ва бахтли санардим ўзимни шу сураг билан.

Лола эса “ота мўъжизаси”га ўлим тиларди. “Илоҳим, отам ўлиб, онам унинг пичоғидан қутулсин! Омин”.

– Бобо, отангиз баданига пичоқ билан “Қизил Ватан” деб ёзгани ростми?

– Ким айтди?

– Шоди чўлок.

– ... ебди чўлок. Ундан кўра кампирига эҳтиёт бўлиб юрсин, ҳаммаёғи осилиб қолибди. Ўлади бугун-эртан...

Чиндан Шоди чўлокнинг уйидан шом маҳал товуш чиқади: “Момо-о-в, момом...”

Бориб, “момом”лаб йиғлаб эмас, бақириб келдик.

“Кампир энди етмишга чикувди, жигари панд берибди”, – дейишди.

Жигаримдан яна кўрқиб қоламан. Қаерда бўлади ўзи бу занғар!

Кўп ўтмай Лоланинг отаси ҳам жигардан ўлади. Қуриб тугаган экан, кон аралаш оғзидан отилиб кетган эмиш жигари курғур.

“Спирт жигарни тугатармиш”, – дерди алкашлар ароққа тамшаниб қараб.

Чинга ўхшайди.

Шундан сўнг мен учун яна ота сўзи ўз шохсупасига қайтди.

Лола отасини сурпга ўраб кўтаришганда, қишлоқни бошига кўтариб йиғларди: “Олиб кетманглар, жойига қўй отамни, ярамас алкашлар!”

Лола чинакам мўъжизага интиларди.

Унинг отасини кўмишди. Бу дунёга ортикчалик қилиб тургандек ҳаммаси тезда юз берди, кўмилди-йўқолди.

Лола отадан сўнг камқулги бўлиб қолди. Гоҳида унинг ичидан нималар ўтаётганини сира тушунмасдим. У писмиқ севгига айланди.

Бу дунёда муҳаббатимгина ўзимники эди. Уни ҳеч кимга, ҳатто ўша талабаларга ҳам ишониб бўлмайди.

Лоланинг онаси қассобнинг пичоғисиз ҳам турмуш тиғидан кўп азоб тортди. Ортидан жоҳил эрмас, очлик таъқиб қилиб юрарди.

Отасини доим қарғаб, унга эртароқ ўлим тилаб юрган кўшнилари: “Қандай отанг бор эди-а? Тоғни уриб, толқон қилар ёшда кетди бечора! Нима кўрди, нима?” – деб эшик қоқиб келаверар ва беванинг бор-будию бор кўчини қоқиб кетарди.

Йўқловчию ҳол сўровчилар беванинг кўрасидаги чичқоқ улоқ тугул, катакдаги туғиб турган товуғигача сўйиб битирди.

“Савоби қассобга боради, келин, огринмай қон чиқаринг!” – деди элнинг оч муллалари ҳам.

Рўзғор сувсиз дарахт каби куриб-битди.

Шундагина одамлар бу ҳовлидан ариди, то янги ўлик чиққунича.

Она-бола узун-калта бўлиб, орқаси йиртиқ кавуш-ни судраганча эрта тонгдан тоққа йўл олишарди. Тур-

Ота – мўъжиза, ота – куч, ота – ҳаёт! Мен шундай деб билардим “ота” сўзининг маъносини. Лола энг азиз номдан, мўъжизадан қочарди.

У отаси тезроқ ўлишини истарди: “Бир кун тонгда турсагу, у ўлиб ётган бўлса, кейин биз ҳеч нимадан кўрқмай онам билан ухласак, туриб овқатлансагу, сўнг яна хавотирсиз ухласак!”

Буни эшитиб даҳшатдан қулардим.

Отам тирик бўлса, маст-аласт пичоқ билан баданимга ўз расмини чизса-да, рози бўлардим ва бахтли санардим ўзимни шу сурат билан.

Лола эса “ота мўъжизаси”га ўлим тиларди. “Илоҳим, отам ўлиб, онам унинг пичоғидан қутулсин! Омин”.

– Бобо, отангиз баданига пичоқ билан “Қизил Ватан” деб ёзгани ростми?

– Ким айтди?

– Шоди чўлоқ.

– ... ебди чўлоқ. Ундан кўра кампирига эҳтиёт бўлиб юрсин, ҳаммаёғи осилиб қолибди. Ўлади бугун-эрган...

Чиндан Шоди чўлоқнинг уйидан шом маҳал товуш чиқади: “Момо-о-в, момом...”

Бориб, “момом”лаб йиғлаб эмас, бақириб келдик.

“Кампир энди етмишга чикувди, жигари панд берибди”, – дейишди.

Жигаримдан яна кўрқиб қоламан. Қаерда бўлади ўзи бу занғар!

Кўп ўтмай Лоланинг отаси ҳам жигардан ўлади. Қуриб тугаган экан, қон аралаш оғзидан отилиб кетган эмиш жигари қурғур.

“Спирт жигарни тугатармиш”, – дерди алкашлар ароққа тамшаниб қараб.

Чинга ўхшайди.

Шундан сўнг мен учун яна ота сўзи ўз шоҳсупасига қайтди.

Лола отасини сурпга ўраб кўтаришганда, кишлокни бошига кўтариб йиғларди: “Олиб кетманглар, жойига қўй отамни, ярамас алкашлар!”

Лола чинакам мўъжизага интиларди.

Унинг отасини кўмишди. Бу дунёга ортиқчалик қилиб тургандек ҳаммаси тезда юз берди, кўмилди-йўқолди.

Лола отадан сўнг камкулги бўлиб қолди. Гоҳида унинг ичидан нималар ўтаётганини сира тушунмасдим. У писмиқ севгига айланди.

Бу дунёда муҳаббатимгина ўзимники эди. Уни ҳеч кимга, ҳатто ўша талабаларга ҳам ишониб бўлмайди.

Лоланинг онаси қассобнинг пичоғисиз ҳам турмуш тиғидан кўп азоб тортди. Ортидан жоҳил эрмас, очлик таъқиб қилиб юарди.

Отасини доим қарғаб, унга эртароқ ўлим тилаб юрган кўшнилар: “Қандай отанг бор эди-а? Тоғни уриб, толқон қилар ёшда кетди бечора! Нима кўрди, нима?” – деб эшик қоқиб келаверар ва беванинг бор-будию бор кўчини қоқиб кетарди.

Йўқловчию ҳол сўровчилар беванинг кўрасидаги чичқоқ улоқ тугул, катакдаги туғиб турган товуғигача сўйиб битирди.

“Савоби қассобга боради, келин, оғринмай қон чиқаринг!” – деди элнинг оч муллалари ҳам.

Рўзғор сувсиз дарахт каби куриб-битди.

Шундагина одамлар бу ҳовлидан ариди, то янги ўлик чиққунича.

Она-бола узун-калта бўлиб, орқаси йиртиқ кавуш-ни судраганча эрта тонгдан тоққа йўл олишарди. Тур-

ли-туман ўт-уруғ, доривор гиёхлар йиғиб, Пайшанба бозорига сотишарди. Лола бозорга чиққани сайин мендан узилиб борарди. У билан фақат ҳафтада бир марта, қир тепасида кўришардик.

Узун қиш тунлари ундан ҳам қийин ўтарди. Икков тикувчилик қилар, баҳорга чиқиб, тўй қилмоқчи бўлганларга кўрпа, тўн қавирди. Кейин бари ўзгарди. Лолалар кетишди, бутунлай.

Қассобнинг қабри икки қор кўргач, қишлоққа Лоланинг бойбичча холаси келди. Шу билан бизга айрилик, бевага эса бахт қуши кўнди. Ажабтовур машинада ажабтовур ҳидни ўзи билан етаклаб келган шаҳарликка қишлоқдаги барча аёллар, ҳатто бир онадан олдинма-кетин тушган синглиси ҳам маҳлиё бўлиб қолганди.

– Ҳа, атирми? Парижники, – деди синглисининг кўшниларига белини бураб. – 300 қоғозга олганман.

Қишлоки хотинларнинг акли шошди. “Димоғ учун уч юз-а!”

Унга кўзи тушган деҳқон, чўпон-чўлиқларнинг ми-яси қизиди.

Белини бир марта ўлчаш учун жон беришга тайёр туришар, улар орасида кенжа амаким ҳам бор эди.

Кенжам сочини бўятди, ўқишда олган жинсини бир амаллаб тикиб-суриб кийиб олди. Аммо Лоланинг холаси кенжамни – мен амакиларимни момом каби чақириб, устидан шу тариқа маънодор кулардим – мушук каби пишт деб ҳайдаб солди.

– Нима деб сасияпсан, тур йўқол, кенжа!

Амаким аламидан уйга келиб, хотинни урди, бола-сини тепди. Кейин ўзи ҳам бобомдан таёқ еди. Тракторнинг катта ключи билан бошига солди. Бир ҳафта уйдан чиқмай ётди.

“Эрим бечоранинг бир ой кўча супуриб топган пули 300 қоғоз, шунга баданга сепгич оларкан”, – деди



қишлоқ аёллари.

Ҳасаду аламини ўзларининг фидойилиги билан хаспўшлаган аёллар: “Шундай шароитда яшаш ҳам қаҳрамонлик”, – деб ўзларини юпатишарди. Аммо меҳмоннинг бўлиқ нондай тиниқ юзига қараб яна ўзларини хароб ва ночор ҳис қилишар, ачинишарди: “Мен ҳам кимгадир хотинман-а?!”

Қишлоқнинг олди хотинлари эса уни кўтар-кўтар қилишди. Навбати билан чақириб, хўроз сўйиб, меҳмон қилишди. Албатта, эрлар ҳам бунга жон деб рози бўларди. Ҳамма тўрга ўтинг-ўтинг қиларди уни. Эркаклар: “Кўйлагинг ўралган белингдан, аканг!” – дея аламидан хотинини ўша кеч қўймай чиқишар, хаёлда эса меҳмон хоним билан эди. Аммо қишлоқ одамлари тезда ўзгаради, яқинлашсанг, ичингни очсанг бўлгани, ожиз томонингни топиши билан айнийди. “Ўзимиздай бир нарса экан-да! Шаҳарда турсам, мен ҳам оқариб, ундан ҳам гўзал бўлардим!”

Лоланинг холасини қарғаганлар ҳам бўлди: “Синглинг парча нонга зор юрсин-у, бунинг баданидан бошқа дарди бўлмаса! Садқаи опа кет-а!”

Бу гап димоғдор холага етди, ори келди. Бир эркакдай тўлғанди. Кейин бошқа томонларини ҳам ўйлади. “Уйга хизматчи керак эди. Бегонани нима қиламан, эрим ғирт сууюк, синглим – жигарим, поччасини кўндираман. Ота-онам ҳам шунда ҳадеб тушларимга берухсат кириб келавермайди, жойида тинч ётади!”

Шу бўлди-ю: “Мен, аслида, синглим билан жиянимни қишлоқдан олиб кетишга келгандим”, – деди ва яна ҳурматини тиклаб олди, ғийбатчиларни гунг қилди. Ўзи билан бахтимни ҳам шаҳарга кўчириб кетди. Ажабтовур машина, ажабтовур ҳид билан ажабтовур болалигим ҳам кетди-қолди.

Биз ўша машъум тун дарёнинг лабида хайрлашдик. Куёш шерик, беқарор дарё гувоҳимиз бўлди.

Тошлар йиғлади, балиқлар ойга сапчиди, юлдузлар музлади – биз ажралдик.

Бир дарёнинг суви икки бўлиниб оқар бўлди.

Биз болалигимизни ўз дарёмизга оқиздик.

– Катта бўлишим билан сени излаб топаман. Тошкент нима бўлибди, керак бўлса, Берлинга-да бораман, – мен учун энг катта шаҳар Берлин эди. Чунки у ерда етмиш талаба ўқиган.

– Биз катта бўлсак, келин-куёв бўламиз!

– Тўйимизда гулханлар ёкилади, атрофида гир айланамиз! Бола-бақра, очу тўқ бир бўлади – тўяди.

– Уч юлдуз осмондан тушиб, сенда, менда, болаларимизда абадий қолади!

– Момолар қўшиқ айтади, барча келинлар йиғлайди, мен йиғламайман!

– Момолар қўшиқ айтади, мен ўйнайман, бобом ўйнайди, момом ҳам, амакиларим ҳам. Барча куёвлар хотинини бир кун келиб уради, мен урмайман. Чунки мен чин эр йигит бўламан.

– Ростдан, ҳеч қачон урмайсанми?

– Ҳеч қачон!

– Алдаяпсан-а?! Онам: “Ҳамма йигитлар уйланиб олгунча ваъда беришга уста бўлади”, дейди. Сен ҳам уларнинг ишини қилмайсанми?

– Сағир телбанинг ҳеч нимаси иккита бўлмайди. Ота ҳам йўқ, онам ҳам, иккита сўмкам йўқ, иккита кроссовкам, шундай экан иккита гапим ҳам. Сағир телба битта гапиради. Битта қизни севади, битта қизни ўпади.

– Ҳеч қачон ичмайсанми?

– Ҳамма эркаклар ароқ ичади, мен оғзимга ҳам олмайман!

– Мен шу дарёга қайтаман!

– Келмасанг, катта бўлсам, ўзим Тошкентга бориб, сени автобусга солиб олиб келаман!

Лола, қара, Тошкент қолиб, Берлингача келдим.  
Телба сағирман, гапимнинг устидан чиқаман.  
Тезроқ кел, ташна қалбингга лаб босай, иссиқ  
бағримга тортай...

\*

Берлингга келишим билан Лолага кўнғироқ қиламан, қайта-қайта, эзиб-эзиб. Телефон рақамини, ўша миямга муҳрланиб, бармоқларимга кўчиб қолган сонларни теравераман, теравераман, асабийлашганим сари эса кулавераман.

Содиқ касаллик – кулги!

Ҳозир жавоб беради, бошқача бўлиши мумкинми, ахир!

– Алло-алло, эшитяпсанми, Лола? Мен Берлиндаман, мен келдим, жоним, алло, ҳой...

У индамайди. Сўз душманга, ажалга айланади бу он.

Мен ўлим ҳақида ўйлашдан кўрқаман.

Аммо телба ошиқнинг узоқ кутган висоли ажали бўлиши мумкин. Телефоним каби титраяпман, юрак каби қон бўляпман...

Муҳаббат, бу хайхотдай дунёда телбаларгагина кунинг қолган қашшоқ туйғусан! Бу туришда барча ночор халқлар каби асрнинг сўнгига бормай кўмиласан. Эшаккуртларга салом берасан. Айни қоқ пешинда, момақалди роқ гумбурлаган он сени кўмади инсоният ёмғирдан юз чайган тоғу тошларга!

“Ким ҳам кутуларди ажалдан, мен ҳам ўлдим. Дунёга бўлмас экан муҳаббат устун”, – дея фалсафа сўқийсан. Аммо эшаккуртлар сени эшитмайди, минг чақирим наридан тўғри мўлжал оладилар жасадинг томон ва сероёқ таналарини мохирлик билан ўйнатиб, не-не улуғлар мадҳ этган нозигу муқаддас танангни топтайди – ейди.

Берлинда фақат сенинг овозинг бордай!

Берлин сен учунгина мавжуддек, Берлин мен учун сенсан, Лола!

Айрилиқ миллари тинди – тўхтади. Айри-айри ариқларда оққан умрнинг ичга сўрилган маъносиз аламлари ҳам тамом. Балки, ҳаётим мазмунини шу ердан топарман, қутуларман саволлару мудроқликдан. Шарҳсиз ҳасратлар, бутун вужуд талпинган икки жоннинг бир дунёси ёнди.

Бирга ёнди...

Бир армони, бир гуноҳи, бир бахти, бир бахтсизлиги – бари ёнди.

Ох, хозир у бевафо юрак тўхтади ва... Лекин, энг муҳими, жигар омон бўлсин, жигар. Қоним айланиб туради, тоза қон зарардир муҳаббат учун, покиза, тиник қон.

Мен нафас оляпман, Лола!

Мен оляпман бу дунёдан улуш... Балки, сени севганим учун ҳам Худо менга ёрдам бераётгандир... Бўлиши мумкин-ку, ҳаётга ёлғиз бир сабаб! Ёлғиз нишона, ёлғиз умид, ёлғиз орзу, худди ғариб Ватанинг каби танҳо!

Кел, жоним сермунг, мусиқага айланамизми?

Мусиқа ҳеч қачон кўринмайди, уни ушлаб бўлмайди, тутиб бўлмайди, бирор жинояти учун айбдор билиб қамаб ташламайди миршаблар, суд қилмайди судьялар, ҳамма тинглайди, соғ ҳам, телба ҳам.

Кел, мусиқага айланамиз, тезроқ, эртароқ, ҳозирок... Синик ураётган юрак унимиз мангу ўчиб қолмасидан.

Қабрлардан тунда овоз чиқишига кўрқокларгина ишонади ёки фақат авлиёларгина ичидаги азобланаётган жасадни тинглай олиши мумкин, бизни эса фақат биз.

Кел, ўз куйимизни тинглайлик.

Эшитяпсанми?

Лола, Лолам, гўзалим менинг! Азобли айриликка тўла кунлар адоғига етди, хижрон ўлди, шубҳалар қирилди, армонлар кўмилди, кўзларингда тонгги куёш нурларини кўрар онлар келди. Ҳа, тонг куёши, тонг, тонг ҳақида ўйлаймиз, кел, ҳеч бўлмаса!

Ҳа, ҳа, ўйлашни унутган одамларга ўргатамиз.

Муҳаббат ҳақида бўлса, улар доим кўнадилар. Муҳаббат бу ўзингни тинглаш дегани-да, тўғрими? Уларга ўлим ҳақида гапирмаймиз. Бу сўз жуда ёмон, жуда... Айниқса, висолнинг олдида ўгай.

Юракни бироз авайламасликни ҳам ўргатайлик, кел, рози бўласан-а? Оч оғизни оч қолдириш дарси ҳам тузук. Йўқ-йўқ, баридан жигарни сийпалашни ўрганамиз. Чунки у жуда писмиқ, тўсатдан қонни заҳарлай бошлайди, тоза қон эса жуда керак кимнидир ёки бу оламни севиш учун!

Мен келдим!

Оҳ, шу сўз кадрили иккимиз, ҳа, иккимиз жуда-жуда яхши биламиз! Сўқир чол ўз юзини бир марта ва сўнгги бор кўришни истаганидай... мен сени истадим...

Дарё лабида ўлган балиқдай... интизорлик азоби ўтди неча тун... Тўрт йиллик тун! Сабру бардош, чидаму матонат сўзларининг ҳамма-ҳаммасига тупурганча бутун Оврўпани муҳаббатга кўммоқ учун шу ердаман.

Мен келдим! Муҳаббатга висолдан ортик чора йўқ!

Узр-узр, адаш ўй, калта ўй, бор-бор, ҳа, ўлим... ўлим бор-а?

Ҳозирча муҳаббатни тийиб кўйишга кучи етадиган ягона куч. Икки ёрни бир-биридан, болани онадан, ёлғиз қолган қаҳрамонни Ватанидан айиради. Ўлим ёмон! Кўрқаман. Бу ҳақда ўйлагим келмайди унинг муқаррарлигини кеча англаб етган ўсмирдай. Миллионлаб гуноҳкорлар каби. Ҳозирча ўлимдан кўра висолга бир дақиқа яқинроқ турганга ўхшайман. Беихтиёр, сенга тўнқаб бор гуноҳимни, фақат севги ҳақида ўйлайман.

\*

Бобом елкамга янги халта тақди. Каттасидан.

Ўнта қўйнинг пулини момомнинг рўмолига тугиб белга маҳкамладик.

Биз талабаликни сотиб олгани Тошкент бормоқдамиз.

Улуғ Курсдошни қора қилдик.

Ҳа, унинг қўли ҳамма жойга етади, талабаликда ректоратга борарди, ҳозир ойни ушлаб турганларнинг бири бўлса керак!”

Бобом йўл бўйи гурунг бериб келди.

– Эллик йил олдин, бола, мен ҳам шаҳарлагандим. Энам оёғимга тирмашиб қайтармоқчи бўлди. У отамдай қарғишга ботишимдан қўрқди. Мен унга қасам ичиб шаҳарладим. Қўлимда битта тарих китоби, битта нон ва рўмолга тугилган бир килограмм хом гўшт бор эди. Шулар билан институтнинг эшигини тепиб кирдим.

– Отангиз қандай қарғиш олганди, бобо? – деди узоқ йўлга қатнайвериб ранги хира кўзлари киртайиб кетган хайдовчи. Унинг қорни машинада кўп ўтирганидан шишиб кетган ва ҳозир ҳам рулга тиралгудай бўлиб турарди.

– Номоз вақти бўлди, – деб яна талмовсираб гапдан қочади бобом. Ва ўтирган ерида тиловат бошлайди. Асрни адо қилгач, шомгача гапни бошқа ёққа буради.

– Қаллам зўр эди, ўзим имтиҳон топшириб кирганман.

– Мен ҳам шундай қиламан. Ўнта қўйнинг пули чўнтақда қолади. Мазза қилиб шаҳар кезамиз, – йўловчиларнинг гап-сўзини писта чақиш каби эрмакка эшитишга ўрганган хайдовчига негадир ўзимни кўрсатиб қўйгим келади.

– Бефойда, сенинг бобонг қайтиб бориб, эсон-омон

уйга кириши керак, яшаши керак ҳали бир-икки йил. Агар талаба бўлмасанг, биласанми, нима бўлади? Момонг мени уйга қўймайди, тириклайин кўмади. Ўйлама, Курсдош ҳаммасини ҳал қилади. Бир пайтлар энасини бирга кўмганман. “Севган қизинг оёғини эгри ташларкан, ундан нари тур”, – деб балодан қайтарганман. Ҳалислаган, бўлмаса, уйини нас қиларди. Урғочи ит асрагандай уйини хирс босарди. Курсдошнинг калласи зўр эди, институтда қолди. Тарих фанлари доктори, профессор, балки ҳозир академик бўлгандир. Менинг жон иним у, агар боргунимизча ўлиб қолмаса, сен: “Талаба бўлдим”, – деб янганларга хабар ёзиб юборавер. Ўқиш тўйинг учун битта буқани сўйиб, элга ош бераман.

Хайриятки, Улуғ Курсдош боргунимизча ўлиб қолмади.

Ҳозир ҳам тирик, яшаяпти, бобом эса...

Аммо уни топгунимизча хийла вақт ўтди. Бобом туфланди, кафедрадаги қизларни шарақлатиб сўқди, зерикарли тарих кафедраси қишлоқнинг нафасию ўтқир шеvasига тўлди.

– Сизга неча марта айтдим домланинг телефон номерини бера олмайман, отахон! Сиз бегонасииз, – деди камҳаракатликдан оппоқ бўлиб семириб кетган жувон беписанд.

– Нима дединг, мени бегона дедингми? Бемаврид гапираркансан сен қиз? Мен домланг билан ўқиб юрганимда отанг бешиқда ётарди. Кейин мен домлангни ўзим ўқишга олиб кирганман.

– Ман ота демайман, “Ада”, – деб чақираман адамини, – деб энди катта-катта кўзини беписанд қадайдди бобомга.

– Нима фарқи бор, тарбия бермагандан кейин адами ё отами, бир гўр экан. Мана, менинг ҳам етгита болам бор, ўзимни ота деб ҳисобламайман. Буқа ҳам

мингта сигирни қочиради, аммо уни ҳеч ким ота ё ада демайди. Тарбия ҳисобга ўтади, қизим. Мен болаларимни тузук ўқитмадим, ҳеч бўлмаса, бобо бўлай деяпман. Бунинг ота-онаси ўлган, сағир. Шуни институтга киритмоқчиман, қанча қўй кетса кетар, бераман.

– Бизда коррупция йўқ, отахон! – ўрнидан учиб туриб кетади аёл ўзини жahlдор кўрсатишга уриниб. Бобом бўлса унга бир сукланиб қарайди-ю, сўнг кўзини очик сонлардан олиб қочади.

– Сенда инсофдан бошқа ҳамма нарса бор. Бу тарихчи бўлиши керак. Германияда ўқиган етмишта талабани биласанми?

– Нима?

– Билмайсан! Сенга эр керак. Бу ўша талабаларни туш кўради. Бари қахрамон! Тарихни ўқиганмисан? Улардай бўлиш керак. Қўй топилади... Қонни тозалашим керак. Отам қилган айбларни мен поклай олмадим, болаларим эпламади, зора неварам удаласа.

Шунда бобомнинг, момомнинг, бутун қариндош-уруғнинг азиз одами – Улуғ Курсдош келиб қолади. Мен уни таний олмайман, суратдаги лўппи юз, басавлат одам ўлган-у, ҳозир қаршимда тиршайиб осилиб қолган бир бурда эт турарди! Аммо кўзлари ҳамон оч одамнинг нигоҳидай атрофга ташна боқади.

Ёнида магистрант қиз.

Улуғ Курсдош бобомга ҳайқирганча қулоч очади.

– Эй, бормисан, жўра?

– Танимаганингда, бола, қўйнимдаги пичоқ билан каллангни олардим.

– Ўлибмизми, сени-я, сени?!

Магистр қиз унутилади, мен унутиламан, кафедра ҳам, икки чол ортда қолиб кетган талабалик даврига қайтишади. Битта шиша ағнайди. Кафедра спирт ва колбаса хидига тўлади.

Сўнг бобом: “Қўйнинг пулини ол”, – дейди. Мен



белбоғни Курсдошнинг костюмини тортиб белига боғлайман. Болаларникидай танаси юмшоқ, билқиллаб ётибди. Бобомники тарашадай қаттиқ.

“Пулни олмайман”, – дейди чол рўмолни боғлаб бўлишим билан. Хуллас, ўнта қўйнинг хурматига мен талаба бўлдим. Тарих факультетига кирдим. Бобом гапида туриб, бир хўкиз ағдарди. Эл маза қилди, амакиларим яйради. Кенжам устимдан кулди: “Сен ҳам бизлардай қайтиб келмасанг гўрга эди”. Момом эса кенжасининг бошига ўқлов билан солди: “Тугатмай келсин, мен шу куни ўлиб бераман, кўрасанлар кейин кунингни, ахлатга ботиб!”

Янгамлар жеркимай қолди, амакилар қўллаб турди.

Тўнғич амаким ҳар келганимда киссамга пул тикадиган бўлди. Ўзимни худди шонли келажак ваъдаси учун пора олгандай ҳис қилардим.

Мен бошладим ўқишни.

Сўнг кўп ўтмай дарслар мудроқликка алмашди.

Ярим куним дарсда мудрар, сўнг ярим паллани архивда сарф этардим.

Мен етмишвойларнинг кетидан кувдим.

Ўн минг йигит-киз ўқийдиган институтдан бир талаба кидирдим.

Улардек қахрамон, улардай мард, улардек мақсади катта, нияти улуғ бўлган бир талаба.

– Сен нима учун ўқияпсан?

– Сенинг нима ишинг бор. Кимдир айтиб қўйдими хўкиз сотиб кирганимни? – у гапларимга ишонмай бирдан ёқамдан олади.

– Йўқ! Қўрқма, жўра, – қўлини бироз қисиб, тортқилаб бўшатарканман, тинчлантираман. – Мен

сенинг айбингни очмоқчимасман. Ўзим ҳам ўнта қўйнинг бошини еб, талаба бўлганман. Шунчаки нима учун кирдинг институтга? Буқанинг пулига машина олсанг, бўларди-ку!

– Ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, бўла! Курсдошимдан телефон қилиб сўрасам, бўладими? Балки яхшироқ жавоб берса, кўчирарман.

– Йўк, у каердан билсин сенинг нима мақсадда ўқиётганингни. Бука билан гаплашиб кўр-чи, у ўзининг нимага қурбон бўлганини сендан яхши англаса керак!

Мен ҳар куни юзлаб талабаларга шу саволни берардим.

Улар орасидан ўша етмишвойлардай бирорта чиқиб қолишидан умидвор юрардим.

– Сизлар нима учун ўқияпсизлар, қизлар?

– Сенинг сўлакайингни оқизиш учун. Қизларни ўрашга бошқа гап топа олмадингни, довдир, куйган шўрданак!

Сўнг бирдан бировнинг кун кўрмаган, қоқ суяк қўлларидан ушлайман ва ўзимга тортаман, димоғимга аёлларнинг арзонгаров хиди ўтиради. Қиз худди шундай ҳаракатимни кутгандай сира кўркмайди, аммо кўзлари бежоланади.

– Ҳарир кўйлақларингни қандай ечасан, тугмалари биланми ё бошингдан оширасанми, бесабрлик билан биров кутиб тургандай?

– Бу саволинг анча қизиқ, жинни! – дея оёқларидан мажоли қочиб қулишарди беҳаё гапдан.

Баъзи қизлар ўйлаганча жим қолишарди.

– Нима, қандайдир мақсад учун ўқиладими? – дегувчилар ҳам топиларди кўп!

Айримлари саволимга жиддий туриб жавоб берарди.

– Мен нима учун ўқияпман, айтайми сенга, ҳ-м-м...

Мен мардикор бўлмаслик учун, сал осонроқ пул топиш учун, одамдай яшаш учун ўқияпман, бой бўлиш учун, кучли бўлиш, гапим ўтиши учун ўқияпман. Бир сўз билан айтганда ўзим учун!

– Мен эса адам учун. У шуни хохлади, бўлмаса аллақачон бозорда ўз ишимни гуллатиб юборардим. Иқтисодга зигирча қизиқмайман. Менга кўпроқ кўча иқтисоди маъкул!

– Мен катта ойлик олиш учун.

– Мен эса яхшироқ эрга тегиб олиш учун. Ўқиган қизларнинг совчиси кўп, биласанми? Улар қолиб кетмайди, ҳатто аллақачон иффат деворини бузишган бўлса ҳам.

– Менми, президент бўлиш учун. Агар ниятим амалга ошса, янги президентдан биринчи интервью олган одам сен бўласан. Қабулимга киришга ҳаракат қил, жўра!

– Менми, ҳарбий бўлиш учун. Кейинчалик генерал бўламан ва ҳаммани измимда тутаман.

Йўк, ҳеч ким ўша етмишвойлардек жавоб бермасди:

“Биз шу миллат учун ўқияпмиз ва унинг учун ўляпмиз!”

Ўн минг йигит-қиз ўқийдиган институтда битта ҳам талаба топа олмай сарсон юрардим.

Энди уларни ўзимдан ахтара бошладим. Изини тушларимдан қидирдим. Хаёлларнинг ҳақиқатини қидирдим.

Бунинг учун учта ғалати хонадошларим билан қўшилиб ичмадим, емадим, интернетда ўтирмадим, мен тарихни тингладим, тарихни титдим, ўзимни сўқдим.

Мен ичимдаги одамларни эшитдим. Сўнг уларни архив билан солиштирдим. Эс-хушим шу бўлди. Ўша

бир аср олдин ўқиган талабалар дарди билан мудрадим.

Лола энди мени тарихдан қизғана бошлади. У немис ва инглиз тилини, докторликни танлади, мен тарихни. Чунки тарих отам, ўз тилим эса онам эди.

Лола эса тарихга қўйлардан бироз кўпроқ қизиқарди, холос.

\*

Мени Берлинда ўқитишга бобомнинг қўйлари етмаслиги аниқ.

Аmmo бир аср олдин, нонга зор турган бир пайтда шунча пулни қаердан топишди? Мен учун ўн қўй қурбон бўлди, улар учун нечта кетган?

Берлинда ўқиш учун қўйларнинг пули етмасди, албатта! Шунинг учун “Кўмак” очилди. 1922 йилда.

Мен уларни тинглай бошлайман, архив ва газетлар буни исбот этади:

“Ёруғ юз билан болаларимизни Оврўпада ўқитиш ва халқни қора кунлардан нузли келажак томон етаклашни мақсад қилган “Кўмак” ташкилоти иш бошлаганини маълум қилмоқчиман!

Азиз миллатдошлар, ул хушхабар барчамизга кутлуғ бўлсин!

Бугун элнинг чин байрами. Биз шарафли, қутилган кунга ҳам етиб келдик. Ташкилотнинг очилишида таникли зотлар, маърифат ва адабиётимизнинг улуғлари, кўп сонли ёшлар, кўли узун, эртани ўйловчи бойлар илғор ёрдам бердилар. Аллоҳ улардан рози бўлсин! Ёш жонини куйитиб, тенгдошларига “Кўмак”ка ўтинганлар ичида Саййид Алихўжа, Иброҳим Орифхон, Камол Дадахўжа ўғли, Риски Раҳимий, Абдувоҳид Жаҳонгир, Тўлаган Мўмин, Очилхўжа, Аҳмад Шукрий, Тоҳир Шокирий, Салимхон Тиллахоновларнинг борлиги миллат кўзига кўп ўтмай қувонч ёшлари куйилишидан умид беради. Улар ўзни ўйламади, чойхонада

қариялардай эснамади, миллатнинг юзага чиқишини истаб, кўчама-кўча юриб, тиланиб бўлса-да, талабаларни четда ўқитишни ният қилди. Биз ҳам дуо қиламизки, улар сафи минглаб болаларимиз билан бойисин, “Кўмак”нинг яшаши, юклатилган вазифасини оқлаши учун қўлидан келган ишни аямасин. “Кўмак”нинг тез орада худудий бўлимлари очилиб, фарзандларимизнинг Олмонияда ўқиши учун хайрия пуллари ул тарафлардан ҳам йиғилади. Биз Маннон Уйғур бошчилигидаги театр жамоаси ҳамда улуғ шоиримиз Чўлпон ҳамкорлигида бир спектакль тайёрлаб, “Кўмак” учун намойиш эттирамыз. Демак, бугун, яъни 1922 йил 2 май биз учун унутилмас бўлсин! Барчамизга ёруғ кунлар муждаси қутлуғ бўлсин!”

“Кўмак” бу жасорат, матонат, халқнинг бирлигини кўрсатган миллатпарварлар йўли эди.

Мен ҳозирги одамларни синаб кўрдим.

“Мен ўқишга жуда қизиқяпман. Немис тилини ўрганишим керак. Отам йўқ, онам йўқ, улар давлатнинг пахтасига қўшилиб ёниб кетишган. Илтимос, маърифат учун эҳсон қилинг! Садақа сўраяпман юз минг, ўқиш учун! Мурувват қилинг минг сўм келажак учун!”

Лўлига чўзилган қўл маърифат учун кимирламасди.

Шаҳар кўчаларида бирорта одам тўхтамади, кизлар устимдан кулди, болалар мазах қилди. Фақат бир болали хотин нонга етадиган пул берди, менинг гапимни тушунмади, шекилли. “Шу пулни садақа қиламан”, – деб олиб кўйгани учунгина берди. “Илм учун бераман, бир банданинг ўқишини сақлаб қоламан”, – деб эмас.

Илм-маърифат учун одамлар сизга ҳатто қайрилиб ҳам қарамайди.

Бир олим очликдан ўлаётган бўлса, унга итга кўр-

сатадиган меҳрни кўрсатишмайди.

Мен шаҳар кўчаларида одамларни синадим. Улар миллат боласи илм олиши учун сариқ чақа эҳсон қилмайдилар. Ҳатто буни эшитишни ҳам истамайдилар. “Бу ерда одам ўламан деяпти, бу ўқиш учун дейди, аҳмоқ!”

Тўнғич амакимдан сўрадим.

Баҳона қилди, хотини қўймаганини билардим. Ўз жигарим пул бермади, бегоналардан нимани кутаман!

“Кўмак”чилар ўзлари танимаган, кўрмаган миллатдошларининг ўқийман деган истаги учун гадойлик қилдилар. Зеро, “ўқийман” деган шу сўз улар учун озодлик каби улуғ, мўътабар, азиз эди. Қудрат, ғурур, шон, умид эди. Шунинг учун бировларнинг болалари ўқимоғи учун гадойлик қилдилар!

Нақадар буюк иш бировнинг боласи ўқиши учун сен гадойликни бўйинга олишинг! Ўқийман демоклик, аслида, қаҳрамонлик эди. “Ўқимоқ” озодлик, хурлик, тўқлик каби кўп тотли сўз эди.

Мен ҳар куни кутубхонанинг нодир нашрлар бўлмасидан ғалати кайфиятда, йиғлай билмаганим сабабли ўртаниб-ёниб чиқардим. Оч, бунинг устига совуқда ёзлик кийим билан қолганим учун эмас, етмишвойларнинг қандай одам бўлгани, миллат учун бирлашгани, эрк учун ўлимга тик боққани мени ўртар ва бундан аламли кулардим.

Мен: “Қаҳрамонлар китобларга, газеталарга қамалганми?” – деб ўйлаб қолдим.

Улар доим биздан юз йил олдинда ё яна шунча йил кейинда яшашга кўникдикми дейман. Тирик қаҳрамонлар ҳеч қачон бўлмайдигандай, биз уларни кўрмайдигандай. Ё кўзларимиз сўкир, ё улар қуриб битган жигар каби.

Бир хат топдим ва уни кечаси ухламай ёд олиб чиқдим:

“Устод, омонмисиз? Бир ой бурун Германияда ўқиш истаги билан куну тун ёнаётганим ҳақида ёзиб юборгандим. Ҳозир бу олов яна кучайди, оташи тунлари ухлатмайду. Ота-онам бошида кўнмаган, аммо бу истак мени қай ҳолга солганини кўриб: “Ўзинг ҳал қилсанг боравер”, – деб рўйхушлик кўрсатмоқда. Ёлғиз умидим сиздан, устод! Бандаи ожизингиз ҳам илгидан келгунча туну кун уриниб ётибди. Тўрт ойдан бери қилмаган паст-баланд юмушим қолмади, дўстларим Тошкандан олис қишлоқларга бориб гадойлик қилди, мен учун, ўқишим учун! Аллоҳ улардан рози бўлсин! Натижада анча-мунча маблағ йиғилди. Аммо сиз марҳамат қилмасангиз, тежаб жамлаганим Олмония учун сариқ чақа ҳам бўлмайди деб кўрқаман. Азиз устод, сиз элимизнинг маърифат ила юзага чиқмоқлигини истайсиз! Мен-да шу ўй билан ёнаман, ўқишни, дунё ажойиботларини кўргим, сўнг улардан миллатимни-да баҳраманд қилгим келади. Олмонияга тезроқ кетсаму, ўқиб келиб элнинг оғир кунига ярасам.

Олмонияга кетиш учун паспорт лозим бўлурмиш. Бу борада сизнинг кўмагингиз жуда зарур. Не умидки, тез фурсатда паспорт олиб, Бухоро ҳукумати Берлинга жўнатадурғон талабалар рўйхатига каминанинг номи ҳам қўшилса, бошим кўкка етган бўларди. Қай кун ва қай тақдир ёқамдан олмасин, не азоблар интизор қаршиламасин, ҳаммасига мардона чидаб, ота юртга қайтиб келишга онт ичаман. Бу сўзим туну кун танамда иссиқ қон янглиғ айланиб юргувчи. Ҳар юрак зарби ани эслатувчи, ажалим-да онтим сабаб фақирни айланиб ўтгувчидир, иншааллоҳ!

Сизнинг жавобингизни интиқ кутгувчи ўқувчингиз...

1922 йил. Тошкент”.

Бухоро ҳукумати амирдан қолган-кутган бойлигу қоракўл териларини сарф этмаганда талабаларнинг

Олмониядаги таҳсили хомхаёллигича қоларди. Талабалар орасида замона бойларининг болалари ҳам кўп бўлиб, улар ҳиммати хўб қўл келди.

Йигит-қизлар кетаётиб миллат учун туну кун ўқишга қасамёд этдилар:

“Миллат учун, миллат учун, миллат учун ўқий-миз!”

Отаси, боласи, хотини учун эмас, севги, бойлик, мансаб ё президентлик учун эмас, шу миллат учун ўқишни исташ – нақадар гўзал, нақадар гўзал, нақадар гўзал!

\*

Қишки таътил – “Янги йил” байрами яқин!

Қуруқ қайтмай қишлоққа деб иккита юмшоқ нон оламан.

Бобом билан кун ора телефонлашиб турсак ҳам, доим хавотирдамиз. Улар ўқишимдан, мен эса ўлиб қолишларидан қўрқаман.

Ўлимни жуда ёмон кўраман!

Йиғлай олмаганим учун икки карра кўпроқ.

Қуруқ овоз чиқаришга мажбур бўласан, йиғлашни билмаганингдан сўнг нима ҳам қилардинг – ё куласан, ё қуруқ бакириб-бакириб, ҳаммага мазах бўласан аздор кон йиғлаётган пайт.

Хар Янги йил келиши билан: “Худога шукурлар бўлсин, неварамиз бу йил ҳам ўқишдан ҳайдалмади!” – дерди етти ўғли ўқишдан қувилиб оғзи куйган момом.

Мен эса: “Худога шукурлар бўлсин, бу йил ҳам ўлиб қолишмади!” – дея улардан суюнаман.

Гоҳида момом кенжа амаким телефонида кўнғирок қилиб турарди.

– Бобонг билан сени ўйлаб чикдик. Тинч ётибсанми, болам?



– Ит ермиди мени, момо? – доимгидай эркаланишга тушаман.

– Агар яхши ўқимасанг, ўзим сени қозонга босаман! – момом меҳрибон овозда ўдағайлайди.

– Хўп, сизни соғиндим, момо! Қимирлаб турибсизми?

– Ҳартугул, тупроқнинг устидаман.

– Биладан, қабрда бўлсангиз, умуман гаплашолмасдик. Сизнинг овозингиз менга келмасди, меники сизга етарди, лекин! Чунки бакирардим ўликларни уйғотиб.

Бобом ҳам кулади, момом ҳам.

– Ҳали бери ўлмаймиз, чолдан кутулиш қийин.

Бобом гапирмайди. Овозини қириб-қириб барчасини эшитаётганини билдириб қўяди. Гапларим ўзимга акс-садо бўлиб қайтади.

Аммо бу Янги йил байрами вафо қилгани билан қиш чилласи аямади, ҳамма нарсани музлатиб қуритгани етмагандай, бобомни ҳам кулатди.

Бир қиш бобомни, кейингисида эса момомни кўмдик.

Энди қишлоққа боргим келмайди.

Мен учун қишлоқ ҳеч ким бир-бирини танишни ҳам, тан олишни ҳам истамайдиган шаҳарга айланиб қолди.

Улар тирик бўлса эди – байрам бўларди. “Янги йил” мен учун уларнинг тирик яшаётгани эди. Турли шаклга кирган арча чироқлари эмас, уларнинг меҳр кўзлари қутлуғ қиларди янги йилимни.

Мен борсам, бобом қўйларига емиш ташлаётган бўларди.

Қандай кўришсам экан деб ўйлаганча остонада узок туриб қолардим. Эшикка илинган исириқ каби балою касалликларни қайтариб тобора кексайиб, мун-

киллаб бораётган бобомни барча ташвишлардан озод қилгим келарди.

Унинг кўзи тушиб қолгунича мен муаллақ қотаман.

Ҳар сафар яна-да қариб-қартайиб кетаётгандай туюлади, суяқларидан гўшт моҳирлик билан шилиб олиниб, устидан буришган тери ёпилгандай.

– Э, отам, отам... Кел, ҳа... кел-да. Момоси, эй момоси, ёрил-ёрил, боланг келди...

Момом менга атаб палов пиширади. Ҳар сафар: “Мен сизнинг қўлингиздан ейман, келинларингиз ўчоққа яқинлашмасин”, – деб шарт қўярдим.

Янгалар ғижинарди. Момом инқиллаб, гуручни катта тоғорада сопи қилар ва шу гуруч доналаридан кўп мени дуо қиларди.

Улар ҳар икки тарафимдан ўпиб, юзимни нам қилиб ташлайди.

Пальтомни силайди. Телпагимга илашган қорни қоқади... Мен эса яна болалик қиламан. Йўқ, мен болага айланаман... Сўнг икковини ҳам қорга отаман, қорга пишаман. Бобомни ирғитаман, момомнинг юзига қор ишқайман. Бобом кулганча менинг билакларимдан ушлаб қўяди. Момом яна пешонамга ёпишади. Йиғлайди, сиктайди ва сўнг бахтиёр кулади. Яшаяпмиз-ку, ахир!

– Сен келиб уйим ёруғ бўлиб кетди, болам. Қордай оппоқ бўлди, ёниб ётган танам тандирнинг ичидай қорайиб куйиб ётувди.

Жиянларим келади. Бари қиз. Амакиларимнинг ярмига фарзанд берган, ярмини қисган. Шунинг учун болалар биз учун жуда азиз. Қизчаларга олиб келган шаҳарнинг арзон-гаров совғаларини улашаман. Ўзларини бойиб кетгандай ҳис қилиб қикирлаганча қўшниларга мақтаниб қолишади. Улар менга доим тамшаниб, ҳавасланиб қарайди.

– Яхши ўқисанг, акангдай бўласан, бўлмаса ана кенг дашт... ишлайсанлар... Мактабни тугатиб-тугат-

май эрга бераман, – дейди момом.

Қизчалар сирли кулади.

Мен улардан ҳам бобом билан момомни рашк қиламан. Кечаси уларнинг ўртасида ётаман. Аввал ҳам худди шундай эди.

Бобом яқин-яқингача сира тинч ётмасди, шўхлик қиларди.

Момом: “Севмайман”, – дерди.

Бобом: “Кўймайман”, – дерди.

Кейин иккови ҳам инқиллашиб кимнингдир раъйига кўнишарди.

Мен тескари қараб ётардим. Улар мени ҳали бола деб билгани учун шундай қилишарди. Аммо мен олти ойлигимдаёқ оламнинг ҳаёт тарозисида тортила бошлаганман. Ер ёрилса ямаганман.

Сувчи амаким энди уйланган пайтлар.

Бобом билан момом тоққа ошнасиникига кетади. Мен янгам билан қолдим. Улар мени чақалоқ деб сира уялишмасди. Кўзим чиққудай бўлиб бир-бири билан хиринглашганча сийпалашаётган келин-куёвни томоша қилардим. Кулардим. Охири янгам чидай олмади:

– Бунингиз ҳаммасини билиб турганга ўхшайди, қарашини!

– Тентакмисан, жоним! Олти ойлик-ку бу баччағар...

– Йўқ-йўқ, чимилдик ортига ўтамиз... уяляпман.

– Хўп, жоним, турма, кўтараман ўзим...

Мен кикирлаб кулардим.

Бугун ўша тунларнинг ширин мевалари мендан совға кутарди.

Ҳар сафар уларга орзулар дарсини ўтаман.

– Майлими, қирга чиқиб ўйнаб келсак?

– Майли, боринглар! – дердим уларнинг раъйини ҳеч қайтармай. – Фақат орзулар чизигидан чикиб кетманг...

– У қаерда бўлади, ака...

– Сенинг жингалак сочларингда, кўзларингда, кўларингда – ҳамма ерда орзулар яшайди. Уларни унутиб қўймасанглар, бахтдан қуруқ қолмасанглар бўлди.

Улар шаҳар болалари эга бўлган кўп нарсалардан маҳрум. Тоза сув, иссиқ сув, юмшоқ мебеллар, юмшоқ ширинликлар... Аммо бу ерда иссиқ орзулар бор. Шундай орзуларки, осмондек катта, сувдек тиниқ, асалдек тотли. Аммо у ҳам усти очиқ қолган нон каби совиб қолиши мумкин, тошдай бўлиб қотиб юрак.

Орзуларсиз шаҳарлар қуриydi.

Дунёни орзу қиладиган одамлар безаб туради, улар мазмун бағишлайди.

Халқ орзуси зерикарли кафедралардан изланмайди. Иссиқ қалбни юрагида совитмай омон олиб юрган одамларгина уни қуёш нур таратган мисол таратадилар.

“Ўйлаш ва орзу қилишни унутаётган янги оқим одамларига саломларим бўлсин”, – дейман амакиларим билан кўришаётиб.

Уларнинг ранги гўрдан чиққандай оқариб кетади.

Қишлоқда бир нима ҳидланди.

Кўланса, ўлакса, ёқимсиз. Қарасам, бир сувсиз қолган ариқ ичида орзуларим... сасиб, тутаб ёнарди.

Одам, ит, мушук ва жамики жонзотнинг жасадини биринчи бўлиб кемирадиган эшакқуртлар орзуларимни ямламай ютарди.

Қоринлари аллақачон қаппайган, оёқлари шишган, устлари аллақачон булғанганди. Орзуларим устига ёзилибди, қўшилибди ҳатто.

Жаҳлим чиққанидан бензин қуйиб ёқиб юбордим.

Орзуларим отам, онам ва эшаккуртлар каби ёниб кетди.

Шундан бери эшаккуртларни ёмон кўраман. Улар оёқларим остида ўрмалаб, ўлимга азон айтаётгандай бўлади.

Пичирлайди секин минғирлаб: “Ҳамма ўлади ва сенинг миллионлар сарфлаб асраган тананг менинг тишларимдан бошқа жойга бориб тушмайди – таом бўлади биз куртларга!”

Эй, уларни ўлдиравериб, оёғим билан босавериб, жирканиб кетаман. Адоғи йўқ, кети узилмайди, пана-панада ўлим кутиб ётади.

Сероёк, кичкина, шалоғи чиққан автобусга ўхшаб инқиллаб ўрмалайди. “Ўлим автобуси!”

Улар ҳеч кимни чақиб ўлдирмайди, тишламайди ҳам, лекин жимгина, садоқат билан ўлимингни кутади.

Қабрни биринчи бўлиб излаб топади ва сен асраб-авайлаган мўътабар онанг этини еб, тамом қилади:

– Тирноқнинг учича чиқмайсан-ку, филнинг гўшти ҳам сенга кам. Жами одам ўлса ҳам, сен тўймайсан, эшаккурт!

– Бугун бобонгнинг чап қўлини едик.

– Ширинмикан?

– Бўлади, қари, тиришган. Лекин, жўра, кўп гўшт еганим учун таъм хотирасида адашаман.

– Менга ҳам олиб чиқ, озгина, бир парча гўшт. Бобомни соғиндим!

– Аҳмоқмисан, тиригида шунча кемирганинг етмайдим, бу ёғи меники...

– Эшаккурт!

– Сен эса одамкуртсан!

Бобом сахарда жон берди.

Ўлиш олди мени уйғотди.

Ҳар доимгидай бобомга эркалик қилдим. Кўзимда ширин ва шайтоний уйқу тўлиб турарди. Талаба бўлгач, унга меҳрим кундан-кунга ошиб, мудраш бораси-

да баҳоларим “беш” эди.

– Нима, кампингиз гапингизни олмай қолдими, бобо? Мени ярим тунда туртасиз?

– Эшит, нодон! Мен ўляпман... Азроил атрофимда кезиб юрибди...

– Момом сизни севмай қолдими? Ухлашини қаранг, хур-хур, ўйламайди бобойни. Жойимни бошқа ерга кўчирайми, сизларга халал бермай!

– Келяпти, болам... Бир нима келяпти...

Жим бўлдим. Ўйладим. Барча нарсалар ҳақида.

Бизнинг кулбага арвоҳлар, ўғрилар, шайтонлар, амакиларим, тушлар, ҳатто жаноб президент ҳам келишини тахмин қилиш мумкин, аммо ажал!..

“Бобом қари тут каби қуримайди”, – дердим. Аммо ўша қиш пишди у.

Ўлимнинг нафаси январь тунидан миллион баробар совук эди...

– Қорбўрон ўйнайлик, бобо...

– Кейин, – қулишга мажоли етмайди. – Тортмада ўн кўйнинг пули бор... Ўлимимга қисилманглар, ошни беринглар, бировларникидан еб юрганмиз. Қарзим йўқ ҳеч кимда. Менга қасам ич: “Лаънатларни оиламиздан аритаман”, – деб...

– Мендан-чи, қарзингиз йўқми, бобо? “Ўйлантираман, тўйингда ўйнайман”, – дегансиз! Шунчалар номардмисиз отангизга ўхшаб?

– Сен ғалатисан, болам. Сен уйланиш ва бола туғдириш учун келмагансан! – унинг кўзларидан ўлим оқади – сўнги иссиқ томчи!

– Нима учун овора қилган онамни Худо? Гапингиз, бобо!

– ...

Олдимда қора тирқиш пайдо бўлади, барча нарса унга тортилади, югилади, бўрон сингари у барчани ўзига ютади. Мен ернинг ўша туйнугини қафтларим

билан беркитаман. Осмон диаметрига тенг ёрик пайдо бўлади ўлим келган он.

Оч ерни муштлайман, ўлик ерни тишлайман.

– Оғзингни очма, тупрок! Бобомни ўлдирма, Аллох.

– Бўқирма, шунча йилини берди, шукур қил. Факат қизил отам билан дуч бўлгим йўқ. У дўзахда, мен жаннатга ўтишим керак!

– Отангиз жаннатда бўлса-чи?

– Адолат сотилмайди у ерда.

– Момомга айтсам, сизни қора косов билан солади... Сиз ўша талабаларни излаб топганимни кўришингиз керак! Мен талабалар билан дўстлашиб кетганимни кўрмайсизми?

– Сен бўласанми шундай, катта бобонг қилган тавки лаънатларни манглаймиздан тозалай оласанми?

– Мени ташлаб кетма, бобо! Ўлимни ёмон кўраман. Ўрнинг тўлмайди! Ўлим эркаликни кўтармайди, бобо. Ўлим Ватан каби битта бўлади, ўлим билан ўйнашиб бўлмайди. Тур, қорбўрон ўйнамиз, тур-а, тур, бобо! Мен факат ўлим билан чиқиша олмайман, унинг чиллари доим мени йиқитган.

Бобом қўлларини елкамга ташлайман. Маҳсини кийдираман. Оёқлари тарновдаги қордек музлаб ётади. Жони юқорилаб кетяпти, ё Аллох! Ернинг оғзини ўзим ёпаман, махшаргача йиртиқ бўлса ҳам!

Ажал алдаб жонни, совитгани аниқ оёқларини!

Қора ва зах уйга бензин куйгим келади. Чирок йўқ, ўчган. Шайтонга ўхшайди электр, бир келади, бир кетади. Одамларни халак қилади, ўлади, тирилади.

Чопонни елкасига иламан, телпагимни кийдираман. Мойчирокни ёқаман... Момом энди уйғонади... Хай-хайлаб қолади... Мен бобомни қорга отаман...

Қорда юмалаймиз...

– Бобо, кулсанг-чи? – дейман.

Мурда кулади.

– Йиғлама ёш болага ўхшаб! Қара, қишлоқда сендай ҳеч ким оппоқ қорларда ўйнаб, йиғлаб ўлмаган.

Мурда йиғламайди.

Бобом бола, мен бобо бўламан.

Момом инқиллаб чиқади...

– Момога қор от, бобо! – Бобом қорни кафтда қисади. Суйганига отади. Тегмай парчаланади қор, бобомнинг яшаш истаги каби. Заиф жонни кучли ажал босади.

Куламан бақириб, ўкириб, ўртаниб, йиғлайди бобом, момом кўрқади ўлимдан, бари-бари билан хайрлашишдан.

Қор ҳам йиғлайди, қўйлар ҳам, хўрозлар ҳам, товуқлар ҳам йиғлайди, бир мен ва панада тикилиб турган эшакқуртларгина кулади.

Қор ўзини осмондан ташлайди, кўз ёшлардай исик.

Қор кўзини ёшлайди, ажал каби муздек!

Янгалар ярим яланғоч отилиб чиқди. Қарасаки, ҳовли ўртасида бир гала арвоҳ ўйин ўйнамоқда ажал билан. Улар бир пой калишларини қорда қолдириб эрларини уйғотмоққа шошилади.

Момом йиғлаб-йиғлаб, бобомга қор отади.

– Эҳтиёт бўл, қорда йиқиласан, – дейди ўлаётган эр ҳамон хотинини ўйлаб.

Қолганини эшитмайман.

Қор тўхтади тўхтагани каби ҳаёт!

Тобут йўли лой бўлади, қор хор бўлади, кўз ёши дарё бўлади.



Аmmo мен кўрмайман. У йўлдан юрмайман...

Бобомни олиб кетаётган сурувнинг чўпони янглиғ орқада бораман, сурувнинг ити янглиғ чеккалаб чопаман.

Бақириб-бақириб куламан, этигим қорни ерга уради.

Бобомни ҳайдаб бораман! Бу дунёдан барча ҳайдалади. Шунга кўнмай бораман.

Оёғимдан қор сачраб, бобомга гап ташлайди.

Тупроқ оч, ташна ётгандай саксон йил ютиб юборади жасадни!

Тугайди, тугайди... тугайди... бобом эртаги.

Мозордан тўғри шаҳарга кетаман.

Шу кетишда кейинги қишда қайтаман. Бу сафар момони ҳайдайман, уни бобомнинг олдига, Тепамозорга кўмамиз. У ердан бутун қишлоқ кафтдек кўришиб туради. Терак барглари чалган ўйноқи куй эшитилади.

Тепамозор менинг уйим – қишлоғимга айланади.

Ҳаётим буткул тўзиб кетди.

Мен шунинг учун ҳам ўлимни ёмон кўраман.

\*

Тил ўрганардим бир ойига бир кўйнинг пулини бериб.

Немисча мақолаларни ўқийдиган бўлдим.

Олмон меҳмонлари билан бирга юрдим, уларни тингладим, немисларни меҳмон қилдим. Қизлари билан ёзишдим. Дил ўргандим.

Кутубхоналардан етмиш талабага оид пичокнинг учидай нарса чиқса ҳам олтин топган гадойдай яйра-

дим. Ғалати ҳирингладим, бобомни, момомни хотирладим.

Бобом ўлгач, момомгина мени бир йил институтда тутиб турди.

Унинг жони бу дунёга илиниб турган каби мен ҳам институтда кузги япроқдек илашиб турардим. Бобомнинг жигари каби баридан кўнглим қуриб бўлганди.

Ҳа, Бобом жигардан ўлди. Ранги қорайгани шундан экан.

Институт деворидан бир мўралардиму, архивга чопар, у ердан чиқиб туни билан ишлайдиган кутубхоналарда тунардим.

Кечки пайт хотинидан безор тўрт китобхону мен қолардим. Кутубхоначи эса столга суянганча хурракни отарди.

Мен талабаларнинг сўзларини тинглардим. Улар кундан-кунга мени кучлироқ таъкиб этиб борардилар. Ичимда қамалиб қолгану тинмай қутқариш тугмасини босаётгандай безовта бўлаверардим.

Ҳатто, курсдошларим нима ҳақда гапиришмасин, менга бир аср олдин Олмонияда таҳсил олган талабалар тўғрисида сирлашаётгандай туюлаверарди. Икки-та китоб кўтаришга эринадиган сабоқдошим бир куни шундай дедики, гапининг исидан бу сўзлар ўзиники эмаслиги аниқ сезилди: “Уйғонмоқ ва уйғотмоқ истаги танамизни ёндирмоқда, туну кун ором олдирмайди! Ҳа, ўн икки миллиондан ортик<sup>4</sup> Туркистон халқи ўз қонида ётган ва ҳеч қандай куч билан ўлдириб бўлмайдиган қудратини ва истеъдодини уйғотишни истади! Туркистонда жадидлар бошчилигида катта бир уйғониш шамоли эсмоқда. Фитрат, Файзулла Хўжа, Чўлпон сингари туркий оламга танилиб улгурган улуғ йўлбошчилар пайдо бўлган. Улар миллатни маърифатли қилиш ва шу орқали келажакда мустақил

<sup>4</sup> 1920 йилдаги аҳоли жон сони назарда тутилмоқда.

давлат барпо этиш учун жонларини қил устига қўйиб, туну кун курашмоқдалар, ором нелигини унутганлар! Уларнинг умрлари узоқ бўлсин, шаҳид бўлганларни Аллоҳ раҳмат қилсин! Аммо билмаймизки, юртимиз осмонда кир ниятлар ила тўпланган қора булутлар халқимиз бошига мудроклик ва кўрқоклик ёмғирлари бўлиб ёғилмоқда. Бу бало ёмғирлари ҳамон кўзимизни очишга қўймайди. Бундан халос бўлишимиз учун, ота маконнинг озодлиги учун нима қилмоғимиз керак, нима? Берлинда таҳсил олаётган, халқнинг берган нонига яшаётган азиз тенгдош талабалар, бизнинг вазифамиз қандай?! Хўш, Ватанда кўпчилик очлик ва олдий касалликлардан ҳалок бўлаётган пайтда Оврўпада шунча олтин тангаларни сарф этиб нега ўқияпмиз? Нега, нега? Бунга ўзимизни арзитамизми?”

“Жиннимисан?” – деб унинг қовундай бўртиб турган пешонасидан ушлайман. Кўзлари ғалати бўлиб, мени: “Телба”, – дея нари кочади.

Мен радио эшитсам ҳам, шу мавзуга дуч келаман.

Бошловчи об-ҳаво ҳақида ахборот беради: “Бугун 1923 йилнинг баҳори. Кун илиқ. Олмонияга юборилган талабалар миллатни озод ва ҳур қилиш учун таълим олишда давом этмоқда. Ҳаво харорати...”

Радиога сим қоқаман: “Адашмадингларми? Ҳозир 1922 йил эмас-ку! Юз йил олдинги ҳаво тафтини башорат қилдингиз...”

“Кўпроқ ичиб юбордингизми, ҳурматли тингловчи! Ухланг оёкни кўтариб.”

Мен институтга олди-қочди дарсларга қарши ултиматум эълон қилдим. Ҳеч ўзгариш бўлмади, сўнг бормай қўйдим.

Улуғ Курсдош ҳамон мени қўллайди.

У тирик, қўйнида эса ҳамон магистрантлар.

Момомни ўлдирмаслик учунгина яна бир киши институтни ташлаб кетмай турдим.

Тарихни эшакқуртлар кемираётганини билиб-кўриб қандай чидаш мумкин? Бир гала профессорлар ўтмишнинг устига ким кўпроқ кул сепиш бўйича баҳслашиб ётишарди.

Бобомнинг ўнг қўлини чайнашга ўтишган бўлса керак ҳозир у ярамас куртлар!

Бир куни оғзи қийшиқ эшакқурт кафедрада менга ташланиб қолди.

– Аҳмоқ бўлма, бронза даври меники. Бу мавзуга умрим кетган, сенинг тишинг ўтмайди, бола! Ўзим ямламай, чайнамай ютиб оламан.

– Қандай катталигини биласизми, домла? Ёрилиб ўласиз, ичингиз ўтиб қолмасин, профессор!

– Ишинг бўлмасин! Меники дедимми, тамом! Бор, сен мустақилликни ғажи, ўша даврни ўрган. Гап укмайдиган, итэмган авлод шаклланди-да!

Мен унга тупураман, у ҳам! Мустақиллик ва бронза даврининг тупуклари бир нуқтада бирлашади. Ўша нуқтадан тарих тугул, ажирик ҳам кўкармайди. Лекин биз шу ўтмишшунослар ёзганини ўқимокдамиз!

Бир гала қари эшакқуртлар институтдан ўрмалаб чиқиб кетаверарди:

“Сенларни барибир мен ейман, итэмган авлод!”

Ҳақиқатан минглаб йигит-қизлар ем бўлади уларга тириклайин.

Умри, тани, рухи, орзулари, муҳаббати, қисмати, бари-барини еб битиради улар.

Эшакқуртларга барра гўшт бўлмаслик учун инсти-

тутдан узоқлайман.

Тарихчи кутубхоналарда ўтирибгина ўтмиш билимдони бўлмайди, кафедраларда билимсиз, лекин оёқлари чиройли кизларнинг чойини ҳўплаб тарихчи бўлмайди, тарихчи ўз ўрганаётган даврида яшасагина, бир нималар қилиши мумкин. Ўз тарихини ҳаммадан чуқурроқ англасагина, тарихчи бўлади. Мен шунга, ўз ичимдаги тарихни билмоққа уринардим. Ҳеч бўлмаса, ўзимнинг тарихимни тушунмоқ учун...

Етмиш талабанинг изидан қувиб етаман!

Ўзбекнинг илк талабаларини барчага танитмоқчиман.

Ичимни ёриб, уларни озод қилмоғим керак.

Мен тарихни излайман тарихимиздан.

Эшакқуртларга ем бўлиб кетиш учун дунёга келмаганман, йўқ!

Ўша даврга тирқиш қидирдим, бош суқадиган бирор туйнук топсаму, кириб олсам ва мангу улар билан қолсам.

Бир бўлиб яшасам, ўзлигим билан, тавқи лаънатдан озод бўлса уруғим. Бир бўлиб, бутун ҳаёт курсам ва ўлсам! Эшакқуртлардан нари туриб, албатта!

\*

Чидаб бўлмади, бизнинг оилада Пайғамбардан сўнг эсланадиган Улуғ Курсдош билан орани уздим.

У саксон ёшида навбатдаги магистр қизни семиртириб қўйди.

Қишлоқ қизи эди, содда, орзулари ҳаддан ташқари кўп, балки нафси ҳам.

Ғазабдан ёрилай дедим.

Кўчкордай ўғил туғди.

Улуғ Курсдош тан олмади боласини.

Туғрукхонадан кафедрага беш кунлик чақалокни кўтариб келди она. Ўғил экан. Йўлак энди туғилган чақалоқ исига тўлганди. Менинг сабр косам каби.

Қачонлардир машхур Курсдош билан кўрпа-тўшак бўлган, хатто ўзлари ҳам ундан туғишгача борган доцент аёллар қизнинг устидан орка ўғирмай кулишарди. Аммо уларнинг алдагани эри бўлиб, бу бечора боласига кимни ота қилсин.

Улуғ Курсдош минғирлади, киз унга шапалоқ туширди ва чикиб кетди, боласини ахлат кўтаргандай жирканиб ушлаб.

Ортдан чопиб ялиндим: “Болангни ташлаб кет менга!”

У мени сўка кетди: “Йўқол, ифлос, яна туғишни истамайман! Ҳамманг шу жойинг билан фикрлайсан!”

Ёлвордим, мени эшитмади ҳам. Ғойиб бўлди.

Кейинчалик ойдин бўлишича, чақалоқни институтнинг ўрис тахтадан қилинган хожатхонасига ташлаб кетибди.

Онани ҳеч ким топа олмади, болани ҳам.

Айрим хожатхонада узоқ кучаниб ўтирганлар чақалоқ йиғиси қулоқларига чалинаётганини айтиб кўпиртиришарди. Мен ҳам бордим. Қисталгандим. Аммо киришим билан болакайнинг кулиб турган нигоҳларига урилавсардим. Мен беҳожатга айландим. Аммо бутун кафедранинг тарих устозлари ҳамон шу чақалоқ устига пешоб тўкарди, худди Ватанини, ўтмишини булғаганидай.

Даҳшатлиси, Улуғ Курсдош ҳам қаричилик деб серкатнов эди ўша гўрга.

“Унга бола туғдириш ахлат тўкиш каби бир юмуш

бўлиб қолган”, – деб ўйладим.

Балки, ўзини экспорт қилгандир она бечора.

“Қишлоқдан эди, қишлоқда бузилганди биринчи марта!” – деди Улуғ Курсдош.

Унинг юзига уч марта туфлашга журъат этдим, у кулиб қўйди ва деди:

– Бобонгнинг муштини еганмиз, сенинг туфлашинг эса бўсадан сал фарқ қилади. Тарихда шундай хурмат изҳор қилиш одати ҳам бўлган. Юнон маданиятидан олдин, албатта...

– Мана, сенга хурмат, эшаккурт! – бу гал зардоб тупурдим. Парво қилмади, бир марта ҳам юзини артмади.

– Ўқишинг қалай? Ким хафа қилса, айт, ўзим гаплашаман. Бобонг бўлганда бир қўйни юборарди ҳозир.

– Ҳожатхонани тўлдириш учунми?

– Сен ўйлагандай бу ёмон иш эмас. Ҳамма билганича яшайди. Мен бир-икки йилда ўламан ва барига жавоб бераман.

– Сўрок ҳожатхоналардан бошланса керак?

– Йўқ, онамдан бошланади.

– Ҳей, сенинг онангни!..

– Ҳей, сенинг бобонгни!

Туфлашлар унга хурматдай таъсир қиларкан.

Шапалоқлар ҳам севгининг олий рамзи бўлса керак. Наҳот, шундайлар қўлида бўлса бутун миллат тарихи!

Уришган бўлсак-да, у барибир орқаваротдан мени химоя қилиб юрарди...

Бунга баттар ғашим келар, куракда турмас қилиқлар қилардим, доцент аёлларга тегишар, профессорларга тупурардим. Аммо метин эди Улуғ Курсдош, ҳамма нимагадир ундан кўркарди. Бирдан босди-бос-

ди киларди айбларимни.

Бу орада момом кетди-ю, тугади ўқиш! Тамом!  
Мудроклик курси бошланди.

Тўнғич амаким – тўнғич тентагим телефон қилди:  
– Момонг бўлмади... Тез йўлга чиқ, эҳтиёт бўл, жа-  
нозани кўпайтириб юрма! Ичма, йиғлама...  
– Мен йиғламайман ҳам, ичмайман ҳам. Тўхтанг,  
нима дедингиз, момом...

Йиқилиб кетдим, тойинмай, урилмай ҳеч нимага.  
Ўлим ирғитди мени.  
“Момонг бўлмади...” “тез...” “йўл...” “чиқ...” “эҳти-  
ёт...” “бўл...” “кел...”

Ҳеч бир-бирига ёпишмаган сўзлар.

Ҳеч тутуруғи йўқ гаплар!

Момонг – онам менинг, у ўлади – бўлмайди, сен  
тезда, тагин эҳтиёт бўлиб, йўлга чап-ўнга қараб чиқи-  
шинг керак...

Борсанг, ҳар доимгидай у бўлмайди.

Эшикдан кирасан, уларнинг деразасидан қарайсан,  
катта рўмол ўраб ўтирган момонг бўлмайди.

Талабалар каби момонгни ҳам ушлаб бўлмайди.

Туркистон парчаланган, мамлакатни реформа қил-  
моқчи бўлган талабалар отилган, бу орада менинг мо-  
мом ҳам ўлган.

Йўқотишларим ортиб бораётгандай. Сонсиз, ҳи-  
собсиз ҳожатхоналар гўрга айланмоқда.

Инсон ҳеч нарса топмайди, балки умр бўйи бе-  
рилган нарсаларни йўқотиш учун яшайди, чин инсон  
йўқотиш шарафи учун дунёга келади.

Етиб борганимда момонинг юзи оқариб, музлаб  
улгурганди. Қўллари иссиқдай туюлди.

Ўпдим, кўкрагига бош кўйдим.

Маммасидан мен учун ҳеч қачон сут чиқмаган бўл-



са-да, доим тўйдирган.

Момом кулди, шу ҳолатда ётганидан хижолат тортиди.

Ҳар сафар ош қилиб турарди-да, бўлмаса хархаша қилардим: “Ўзингизни кўтара олмай қолибсиз, момо! Палов ҳали пишмадими? Бобой хўп эркалатиб, ипингизни бўш қўйди-да!”

Момом ҳамон кулиб турарди. У негадир жуда ёш кўринарди. Худди шу ҳолатда яна уч кун ётса, ўн саккиз ёшига, бобом илк бора қўлидан ушлаган пайтларга қайтиб қоладигандай.

“Илтимос, кўммай турайлик, қаранг, ёшариб кетяпти. Бобомнинг олдига киздай борсин!”

“Момом-ов, момом!”

Момолар йиғлади, улар сўнгги кунларида қайсидир невараси мен каби қон бўлармикан деб ўйлади.

“Момо, қаймоқ бер, ё ўзинг эмиз!” – дердим бир пайтлар.

Момом истаганинг дерди. Мен икковидан ҳам фойдаланардим.

Ҳозир ҳам йиглаб-бўзлаб турган момолардан сўрайман: “Майлими, момомни сўнгги бор эмсам?” Узоқ тутаб турган ўтин бирдан гуриллаб ёниб кетгандай барча бақириб йиглаб юборади.

“Бўлмайди, болам, мен ўлай сенга, бўлмайди”, – дейишади...

Мен момонинг кўкрагига лаб босаман...

Ундан мен учун ҳеч қачон сут чиқмаган, ҳозир ҳам чиқмайди, аммо доим тўйдиради, ҳозир ҳам ичим тўлди. Бақирдим!

Райҳон ва момом иси бир!

Менинг ризқимни момонинг эмчагига солмаган Худо. Оладиган бор меҳримни унга берганди қўшиб!

Мен хар сафар қурукшаган кўкракларни тортар-  
канман, дунёдаги энг тўқ болага айланардим. Дунёда-  
ги энг тўқ етим мен бўлганман.

“Момом, жаннат эшиклари сен учун бугун ланг  
очикдир!”

Момомни чақалоқ каби чўмилтиришди.

Инсонни чақалоқликка фақат ўлимгина қайтаради,  
кексалик эмас.

Мен тўйган боладай мамнун турардим. Амакила-  
рим ўликнинг хурматига: “Момом”, – деб йиғларди-  
лар, “Эна”, – демасдилар. Одамлар шундай йиғлаб  
келган ўлим куни. “Эна” сўзи кўп жарангсиз, “Момо”,  
– деб бақирсангиз, олам эшитади.

“Фалончининг онаси кетибди, эшитяпсизларми,  
момомлаяпти?”

Эна ўлгандан кўра момо ўлгани ҳам яхши. Аммо  
бугун она ўлди!

Момом райхонлар ичида ётади. Мен қабрга тупрок  
эмас, қуритилган бир этак райхон сочаман.

Момом хурсанд бўлгани аниқ. Ҳидлаб ётади.

У райхон ифорини, мени ва бобомни кўмсаб яша-  
ди доим...

“Момом кетди, жаннат эшигини очинглар, момом  
кетди сизларга мангу!”

Боя момомнинг кўксига тамшанганимда унинг  
юрак уришини эшитгандим.

Ўлмаган эди... Оқариб, танаси музлаб ётарди...  
Аммо юраги урарди... У менинг учун урганини, мен  
ўлимдан кўркишимни билиб, юрагидан сония ишла-  
шини сўраган.

Шуни ўйлаб кечгача Тепа қабристониди, момом  
ёнида қолиб кетдим.

“Сўроқни мендан бошланглар”, – дедим.

“Бизнинг саволлар ўликлар учун, тирикларга бало борми?” – дедилар.

“Мен момом учун ўликка айланишга тайёрман”, – дедим.

“Сенинг ажалинг қарзи кўп ҳали”, – дедилар.

Кейин эшаккуртларнинг кулишини эшитдим. Бутун қишлоқдан эшаккуртлар шу томонга ёпирилиб келаётгандай бўлди.

“Эшитдингларми, фалончининг момоси ўлибди, бир бориб тўйиб келайлик!”

Уйга келсам, янгамлар ҳамон йиғларди. “Қайнона” эмас, “Она”, – деб йиғларди. Кўргазма учунмас, юраги ёниб йиғларди.

Мен биринчи марта уларни яхши кўриб кетдим... Бу гал масхаралаб ҳазил қилмадим. Кўчимни олдим у шаҳарлаб кетдим.

Лола, сени ҳовлиққанча отангдан яширган момом кетди.

Эсдан чиқармадингми уни?

\*

Шопмўйловли тўнғич амаким хотинидан ташқари ҳаммага бақира олади.

У яна хотинидан бўлак барчага кучини ҳам кўрса-тади.

Тўнғичим момом ўлгандан сўнг менга ойига беш юз жўнатадиган бўлди. Ва мен текинтомоқ бўлиб шаҳарда изғишда давом этдим.

Тўнғичим буни ҳар сафар бетимга айтарди ва тезроқ катта одам бўлиб сафга киришимни кутарди.

Мен унга ҳеч қачон бой ва катта одам бўлишни истамаслигимни айтганман.

У эса буни бўйнига олишни хохламайди. Ҳатто хотини ҳар кеч: “Унингдан катта одам ҳам, бой ҳам чиқмайди!” – дея сўзларимни шарҳлаб берса ҳам тушунмайди.

Гоҳида эса сабри тугаб, менга ақл ўргатиб қолади: “Сен аҳмоқмасмисан, ё бошқа қиладиган ишинг йўқми? Қўй олиб бераман боқ ундан кўра... Семирса гўштини ейсан, бу қоғозлардан нима наф?..”

Ҳақиқатан, тарих мени боқмайди, касал бўлсам, даволамайди, уст-бошим йиртилса, ямаб бермайди, у мени ҳеч вақосиз қолдиради, лекин... нима учун...

“Миллатинг учун?! Кулгимни қистатма!”

Телевизорда чикиб турадиган диктор қиз ҳам ичимни ўқигандай гап уқтириб қолади ойнаи жаҳонда: “Қайси миллат ҳақида гап сотаяпсан? Ўттиз миллион булар. Менга айт-чи, йигитча, қай бирини ғояннга эргаштира оласан, ким сенинг бир замонлар отилиб кетган талабаларинг каби: “Миллат учун яша, миллат учун ўқи!” – деган баландпарвоз сўзингга, аҳмоқона ҳаёт тарзингга кўнади! Пуф-сассик, кула-кула ўласан киши! Бу осмонўпар гапларни қаердан топасан-а? Пулдан бошқа нарсага тупурган худбин ва худпараст тошюрақларга қандай сингдирасан?! Сингмайди, бу сароб ғоялар, қайтариб айтаман, ҳеч қачон халқингга сингмайди! Менинг иккита ўғлим бор, ҳар тонг қоп-қора кўзларига қараб кўрқиб кетаман. Улар менсиз нима қилишлари тасаввуримга сиғмайди. Яхшиси, ўзингни босиб ол, йигитча, хўпми?! Тенгдошларингдай уйлан, машина ол, уй қур, қолган ҳаммаси бўлаверади.

Сени севаман, лекин, жонка... Бир қора тунда келиб, мени бахтли қил, лекин асло тарих ҳақида ортиқ гапирма, қайт қилиб ташлайман, ишрат бурнимдан булок бўлади!”

Тушлар сценарийсини ким ёзаркан-а?

Қани, жумҳуриятимиз тушларига сценарийнавислик қилиш имтиёзини қўлга киритсам. Гуллатган бўлардим барини. Сенаторлар, судьялар, депутатлар,

таксичилар, жаноб президент, унинг аъёнлари, севишганлар, энг мухими, миллионлаб ёшларнинг барча-барчаси ҳар кеча ухлашга ётиши билан Туркистоннинг эрта қирилган етмиш талабасини туш кўриб, тонгда уларни севиб уйғонарди. Бирор чақа гонорар сўрамасдим Давлат киносидан. Ҳозирги кунда инсоният уйқуларинигина бошқара билмаяпти. Шунгагина тиши ўтмаяпти. У ухламай тура олмаганидай, нимани туш кўришини ҳам ўзи ҳал қилмайди. Шунга кодир бўлмай турган бир пайтда қандай соз бўларди тушларига сукилиб кирсам. Ҳеч ким ҳайдай олмайди, текширмайди ва улар билишарди миллат қаҳрамонлари қандайлигини.

Бир куни машҳур сенатор билан кўришдим. Ўнгдамас, тушда. Албатта, улар билан фақат тушда учрашиш мумкин.

У менга насиҳат қила кетди: “Сенаторлар сендан ҳам ақллироқ одамлардан тузилган. Нималардир ўйлаётгани учун Олий сенатнинг бир жойини банд қилган. Бу кетишда ўша талабалар каби итдек ўлиб кетасан. Тўсатдан машина уриб кетади ё саёз жойда чўкасану, йўқ бўласан. “Фалокат-да, ака”, – деб қутулади-кетади! Ундан кўра сенатор бўл ва яша дахлсиз беш йил!”

Беш йилдан сўнг, миллион йиллик қабрда қандай ётасан?

Сенатор тушларимдан мангу қувилгач, бобом киради.

Соқол қўйиб юборибди, оппоқ эмас қизиғи... қора... узун. “Ёшариб кетибсизми?” – дейман кўзларим ёниб.

“Ҳа, энди ёшлар билан юргандан кейин...” “Эҳ, бобой!” – унга тўйиб-тўйиб қараб тураман. Сочини ўриб, дўппи кўндирган бир қиз чиқади ортидан.

Момом! “Ёшаряпсиз, дегандим-а, момо? Ишонмовдиз, мана ўн саккиз ёшга қайтибсиз, осилган юз ҳам, тер ҳиди ҳам йўқ, фақат кўзларингиз ўша-ўша кўм-кўк!”

Момом мендан уялиб қочади. У қиз бола, мен ундан ҳозир каттаман, йигитман.

Бобомнинг қўлидан тортиб ғойиб бўлишади, жаннат исини қолдириб!

Сархуш бўламан ўн уч кун!

Кўзи қисик, кирра бурун, ўрис хотини бор бир домла менга насихат қилади: “Шунча одамларимиз қатлиом бўлгани етмайдими! Кўзингни оч, очгин! Қарасанг-чи, афт-башарангга қуриб-қакшаб қолибсан! Ўзингни босиб ол, илтимос! Бу ғоялар сени боқармиди? Пулсиз қолсанг, ғояни қозонда қайнатолмайсан-ку? – шунда бирдан сапчиб ўрнидан турди-да, бақирди: – Официант, марҳамат қилиб бизга яхши қовурилган, эзилиб пишган ғоялардан, ҳа, бари миллий бўлсин, қани, олиб келинг, тез бўлинг! – кейин бирдан менга қараб. – Кўрдингми ё кўрмадингми, ҳамма бизни мазахлаб иршаймоқда. Шунинг учун ўзингни тий, аҳмоқлик қилиб юрма! Ҳа, нега ундай қарайсизлар, ҳали эсимизни еб қўйганимиз йўқ, бир-икки бекат бор жиннихонагача. “Товуқ, – дедим. – Товуқ олиб келинг, яхши пишган миллий товуклардан бўлсин”. Ҳа, сизларда оқидан сотиладими, юз грамм, йўқ юз эллик, миллий бўлсин, уйимда фақат хотиним номиллий! Тезлаштиринг, томоғим тараша бўлиб кетди! Шунга куяман, хотин – ўзбекмас, болалар чала, неваралар эса ўрис! Аввал шунақасини олиш мода эди-да, ҳозир эса миллийи тузук!”

Тунларимдан маъно қочди.

Даволанган бўламан, яна бир қўйнинг пули кетади. Кор қилмайди... Тушлар сценарийсини ким ёзади?

Менга одамларнинг туш кўрар вақтини топширишса, бир мўъжиза юз бериб шундай бўлса эди, қахрамонларини соғиниб уйғонарди халқ!

1918 йил. Бухоро.

Жанжалнинг устидан чиқаман.

Икки жасад арк тепасига осиб қўйилган. Пастда унинг ҳаққини сўраб келганлар тўполон қилмоқда.

Мурда атрофида ғизиллаб айланиб ётган арию пашшалар овозига кулоқ тутаман. Улар эт дардидами ё қон?

Осиғлық турганларнинг бўйлари узун, келбати йирик. “Ип узилиб кетса-чи!” – деб ўйлайман. Бир гала етим бола сарғимтир қимматбаҳо чопонларга хавас қилиб бошини тепага қаратиб турибди.

Дод-вой солаётган одамлар ўликнинг эгалари.

Сарбозлар мурдани олишга қўймаяпти.

Шунда арк қаршисидаги масжиддан азон товуши эшитилади.

Тўс-тўполон тинчийди.

Фақат бир аёлнинг охи тинмайди... қолганлар тин олади, оломон ханжарни қинга солиб масжидга чопади.

“Аллоҳу акбар, Алло-о-оҳу акбар!”

Она сочларини ёйиб: “Бола-а-ам!” – деб бўзлайди.

Мен унинг уст-бошидан, таққан такинчоқларидан бой хотин эканлигини англайман, ачинаман онага.

У ҳозир боласининг чақалоқлигини қўмсаётгандир. Қандай ожиз эди, она кўкраги билан кун кўрарди. Агар шу ҳолда, катта бўлмай қолганда ҳам эди, бугун амир уни осмаган бўларди.

Онанинг ёшли кўзларига термиламан – бор дўзах шу кўзларга кириб олгандай.

Мурдаларни шамол сезилар-сезилмас тебратмоққа журъат топган. Қатлиом этилганлар ҳар кўзгалганда она бутун Бухорони титратиб, ерни муштлайди: “Бола-а-ам!”

Бухоро қалқийди...

“Аллоҳу акбар, Алло-о-оҳу акбар!”

Пастда синик кўзойнакли жиннисифат дарвеш нималарнидир чулдирайди. Онанинг аламли фарёди ва тиловат оҳангига тўлиб кетган Бухоро бу дарвешга кулоқ тутмайди.

Дарвеш қўлидаги кулоҳни силтаб, тинмай бақирмоқда: “Бухоро, ўлган эмас, онаизор! Уни осиглик деб қаттиқ адашасиз! Бухоро ўлмаган, ўлмайди ҳам. Фақат не бир кунларни бошдан кечирган бу кўҳна кент қаттиқ уйқуда, мудрамоқда, халқ каби! Бундан фойдаландингиз, усталик билан унинг оёқ-қўлини боғладингиз. “Ухлаган одам зарарсиз”, – деб ўйладингиз ва арк дарвозасига Бухорони осдингиз! Аммо адашасиз! Қаттиқ адашасиз!

Бухоро ўлмаган булутлар ортида қолган куёшдек кўринмаяпти, холос!

Сиз бор адолатни, бор ислоҳни, бор номусни осингиз мумкин, аммо келажакни оса билмайсиз!

Қара, Бухоро тирилмоқ истаяпти... Қара, она, у тебранаяпти... Бухоро тириляпти, у тирик она! Ё Аллоҳ!”

Она йиғлайди.

“Онаизор, нега йиғлайсан?”

“Шўрлик Ватанимни осиб қўйишди. Ўлигини ҳам бермаяпти номардлар. Пашшалар кўзини ёқмоқда, қара, қара, қара, бола-а-ам!”

Бухоро ухлайди... Дарвеш одамларни излайди... Мўминлар салом беради раҳмонга, кейин бир-бирларига...

Бухоро бўзлайди.

\*

Менга бир ҳиндни рўпара қилишди: “Тарихни биласан, тил биласан... шунга гидлик қил... долларда тўлайди... Ўзи тарихчи, кадрли меҳмонимиз!”

Мен кулдим: “Мен тарихчидан, масхарабозлик қилиш қўлимдан келмайди. Гидларнинг тарихни ис-



таганча қош-кўзларга мослаб талқин килишларига қаршиман. Самарқанд ва Бухоро аҳмоқ тилчиларга тўлиб-тошиб ётибди. Улар лўлилардан доим сон жиҳатдан кўп ва қадим шаҳарларимиз учун улардан кўра хавфлироқ, кўпроқ талафот келтиради. Улар шаҳар эстетикасини ҳеч қачон ҳис қилмаган. Улар “Минораи Калон”га қараб фақат Франклиннинг расми туширилган чойчақанигина кўришади, холос!”

Аммо ўша куни амакиларимнинг: “Текинтомоқ”, – деган гапи жонимдан ўтувди. Оёқ кийимдан аллақачон сув ўтган, уни ишлаб чиқарган хитой усталарининг ҳеч ҳаққи-хурмати қолмаганди.

Йўқчилик – кўргилик, йўқчилик – итчилик.

Кўндим. Ўзим ҳам лўлига айландим. Бир томондан кизикдим ҳам, балки янги сирлар очилар. Аммо меҳмонни кўришим билан ҳафсалам пир бўлди, ўлғудай семиз экан, тарихчинимас, тарихда ўтган жаллодларни эслатарди. У билан Бобур ва Тожмаҳал борасида баҳслашиб қолдик. У Лондонда кўп бўлган экан. “Биз хиндларни одам қилган инглизлар”, – деди. Мен унинг ахволидан кулдим. Ўзимизда ҳам бундайларнинг хисоби йўқ-ку, лекин ўзга юртга бориб очиқча айтадиганлари кам.

“Тентак миллат танламайди”, – дерди бобом, рост экан!

“Бобом сендан тарихни кўп билади”, – дедим. Бу гал менинг гапимга у кулди, негадир йиғлагим келар, аммо қани...

Мен илк бора ўзим истамаган ишни қилаётганим учун йўқчилик – халқнинг ўлимлиги эканлигини яхшироқ англадим.

“Бу Самарқанд... ҳар бир ғишт минг ҳасрат... унинг атрофи улкан мазор... мазорлар остида эса беш минг йиллик саройлар ётибди... ундан ҳам тағларида эса эллик минг йиллик хазиналар, ундан ҳам олдин эса...”

“Менга остимдаги сочи узун самарқандлик

муҳим!”

“Нима?”

Меҳмоним терлаш бўйича чемпион экан, сал қолса Самарқандни сувга бўқтирарди. Пишиллашда эроний пахмоқ мушуклар йўлда қолади...

Мен уни Бибихонимга олиб бормадим... Онамизни ундан кизғандим... Шунда у бирдан тўғри қилганимни айтди: “Ука, Бибихониминг ўлган бўлса, нима киламан, менга тирик қиз керак!” “Биродар, сен Осиёнинг маркази – Самарқанддасан. “Тирик қизлар” деган кадамжо бу ерда эмас”, “Мен Самарқандни пишириб ейманми, жонга тегдинг-ку, менга қиз керак, истаганингни ол-у, менга битта ингичка, оппоғидан топ ва бизни тўрт кун безовта қилма! Самарқанд мен учун чиройли қизлар юрти. Самарқанд бу лаззат, оҳ юзларини, жаҳонда кўрмаганман бундай гўзалликни!”

Миям қизиди. Қаттиқ кулиб юбордим. У ҳам.

Кўлини жуфт қилиб оғзига босдим. Кўзи қонга тўлиб турарди. Шу пайт гидликка рози бўлганим учун бошлаб ўзимни сўкардим.

“Зарафшонда гўзал билан сени чўмилтираман”, – дедим.

У ҳам ишонди.

Самарқанднинг бутун ахлат суви оқиб ўтадиган жарликка олиб бордим. Қўрққанидан юраги ёрилай деди: “Қўрма, бундай ишлар пана жойларда қилинади. Сенга қолса, Самарқанд билан Регистонда ётсанг?!” “Йўқ, меҳмонхонада жойим бор-ку, душ қабул қилиб, сўнг...”

Шунда уни кўкрагидан чунонам тепдимки, айланиб исқирт оқава ариғига ағнади. У инглизча жавраётганди, тили танглайига ёпишди. Сўнг кўрқиб кетганидан ҳиндийча ёлворибга тушди, тилини билмаслигимни нутиб қўйганди.

Шунда билдимки, ўлим сенга онангни ва она ти-

лингни яхшигина эслатиб қўяди...

“Сен Самарқандни эмас, шу қора балчиқ ва пешоблар оқадиган сувни кидириб келибсан. Топдинг, мархабо!”

Меҳмоним инглизчани унутган, ҳиндийда гапириб, пилдираб сувдан чиқмоқчи бўлар, нукул ютганини тупурарди.

Шундан сўнг: “Гидлик менга ҳаром бўлсин”, – дедим. Кўнглимнинг буйруғини бажармаганим учун ундан тиз чўкиб кечирим сўрадим. Ғазабдан кулдим, ўзимнинг устимдан кулдим... Самарқандни булғаганимдан кулдим...

“Самарқанд, мени кечир, кечир”, – деб ёлвордим.

Мен ортга қарамай ўз талабаларим ортидан чопдим!

\*

Талабалик – мудроқликка йўл очиб берди.

Мақсадсиз эдик, тентирардик, катта йўлда фақат омад эмас, ғафлат тутди қўлимиздан.

Биз ойлаб хонадан чиқмай ухлашга ўргандик.

Худди оламдаги уйғоқ одамлар қандайдир бир ўлатни бизга юқтирадигандай, қўрқар эдик. Ҳатто ҳафталаб тонг отишини кўрмай кўйдим. Куёш чиққан ё ботганини ҳис қилмасдим.

Ижарахонада тўрт киши эдик, ҳаммамиз институтга бориб-келувчилар. Энди шундан ҳам эриниб, ухлардик нукул.

Бу ҳафта ҳам эринчоқлик кунлари давом этмоқда. Энг ками етти кун, узоғи бир ойгача чўзилади. То сўнгги чақа нон учун ишлатилгунча.

Деразалар очилмас, эшик ичкаридан беркиларди. Кўзлар шишиб, кўрпача орқага ёпишиб қоларди.

Қоровой, мен, Қизтака ва Телефончи – уйку

хонасининг сардори эдик. Қоровой ухлаш ва овқатланишдан ташқари яна бир иш қиларди. Ҳар куни уч соат ваннани банд қилиб, ҳамма ерга сув сочиб чўмиларди.

– Оқаришим керак, жўра. Оппоқ бўлсам. Шаҳарда шунинг учун ўқияпман, ахир.

– Сувнинг уч соат шариллаб туриши, сен қўйган гиёҳларнинг қўлансалиги, чиққанингда сендан тушган қилларнинг кўплиги кўнгилни беҳузур қияпти.

– Қизларга оппоқ болалар ёқади. Менинг коралигимни қара, ҳали ҳам сал тиниклашиб қолдим! Тўғрими ё менга шундай кўриняптими? Яхшиси, расмимни синфдошларимга ташлайман, улар аниғини айтади.

Қизлар ҳақида гурунг беради Қизтака. Аммо шу мавзуга ҳам кулоқ тугмайдиган – Телефончи. У ўйинлар, видео ва хабарлар ботқоғига ботиб кетган, фақат икки қўли ва сочлари қимирлаб туради хонада тириклигини билдириб.

Дунёдаги энг севган ўйини “Тўнка ва пичоқ”. Ёғоч айланаверади, унга пичоқ санчаверасан, санчаверасан, гар пичоғинг устма-уст келса, енгиласан, ўйин қайтадан бошланади. Шунини нақ ўн саккиз соат тинмай ўйнайди.

У умрида дарс қилмаган, нияти ҳам йўқ.

Мен мудрайман.

Телефончи ўйнайди.

Ваннада сув шариллайди.

Қизтака қизларни ўрайди.

Биз – институтга бориб-келувчилар!

Қизтака зерикишни тарқатиш учун тантанавор равишда уйга фоҳиша чақиради.

– Тезроқ ваннани бўшат, у таксига ўтирди, келяпти жонон!

Телефончининг отаси сим қоқади. Ўйинни авжида бузганидан асабий жавоб қайтаради туғилгандан буён боқиб келаётган одамга:

– Эшитяпман!

– Болам, институтда қийналмаяпсанми? Вақтида ухляяпсанми?

– Ўн саккиз соатдан бери мижжа қоққаним йўқ.

– Эҳ, дарсларинг шунча кўпми? Нега ўзингни қийнайсан?! Майли, катта олим бўлмасанг ҳам, бизга кичкина олим ҳам етади. Эшитяпсанми?

– Ҳм-м! – деб тўнғиллайди суҳбат тез тугашини кутиб.

– Амакингдан бериб юборган пулларни олдингми?

– Ҳа.

– Тугадими?

– Йўқ хали...

– Тўғрисини айт!

– Тугатаман бугун.

– Ҳозир ўзингинг пластик рақамингга ташлайман.

Онаси, онаси, боламизнинг пули тугабди. Нақд қилиб ол, узоқмасми?

– Йўқ.

Она энтикиб гапирди:

– Болажоним, ўзимнинг. Хўп қийналганга ўхшайсан, овозинг синиқ, нимага ўн саккиз соат ухламадинг. Отанг гапираверади, бир кун кейин олим бўларсан, ухлаб ол вақтида!

– Она-а...

– Болани ўқишдан қўйма! – телефонни тортиб олади ота. Хайрлашади узоқ.

Уйда аёл ҳиди анқийди. Фоҳиша. Бўйи калта, семиз, лекин кўзлари чиройли экан.

– Жуда арзон гаплашдим. То азонгача шу хонада биз билан мудрайди.

– Қанчага?

– Тенг тўртга бўлсак, сарик чақадан тушади.

– Касал бўлмасин, тагин, – дейди сочини курита-ётган Қоровой парланиб кетган ювиниш хонасини бўшатаркан.

– Заҳарланган бўлса ҳам менга фарқи йўқ! – дейди текис тишларини кўрсатиб Қизтака.

Телефон бир чеккага улоктирилган, эшиклар ёпилган, жулдур парда туширилган.

Ишшаяди, тиршаяди, тиришади институтга бориб-келувчилар!

Мен эса мудрайман. Кучли ҳорғинлик тўри бутун вужудимни қамраб олади.

Соат иккилардагина кимдир оёғимни китиклайди.

Аниқ биламан – у. Кўзларимни хиёл очганимда тепамда фоҳиша беҳаё кўзлари билан бокиб турарди. Аммо бефарклигимга чиройли кўзлари узоқ бардош бера олмади ёки зерикди. Дераза ёнига бориб тутатди.

– Улар қани?

– Учовини ҳам ер тишлатдим. Битта ўзим ҳамма эркакни йиқитаман, қойилмисан?! Ҳатто бутун бошли кўшинни. Тагин эрталабгачамиш, кўзи оч буларнинг. Лекин сен нега... болапақир, ё касалинг борми?

– Ҳа, бетобман, севги... шунга қўлим бормади.

– Мени истамаяпсанми, қара, – очиқ маммаларини беҳаёларча ўйнатди. Ундан негадир ҳирсга қувват эмас, меҳр туяман.

– Сендан кўра уйқу фойдалироқ.

– Тўғри, мен ҳам уйқуга зорман. Кундузлари танам қақшайди. Ҳар битта мижоздан бир оғир суяк танамга ўтиб қолгандай оғрийди. Минг битта эркакнинг ҳидини олиб юраман ўзим билан қўшиб. Айниқса, мардикорлар билан бўлгандан сўнг чиқа олмайман тўрт кунлаб, исқирт ҳаёт жонга текканки, асти сўрама!

– Қорним очди, овқат пиширишни билмайсанми?

– Аҳмоқ, қайси қиз билмайди?

- Кечир мени.
- Бу гапинг бузук деган сўздан ҳам баттарроқ таъсир қилди.
- Менга ош дамлаб бер.
- Шу пайтда-я...
- Ҳа...
- Йўқ, бўлмайди. Булар уйғониб қолишади, сўнг ош ейди ва яна... тагин менинг ишим бошланади. Ундан кўра оч ухлаганимиз яхши...
- Боланг борми?
- Қизим, тўртга кириб қолди.
- Уни тўйдира оляпсанми?
- Ҳозирча етиб турибди. Лекин кўряпсан ҳар нафасда нарх-наво ошяпти. Бу дегани биз баттарроқ хўрликка, қулоқ эшитса, қизарадиган беҳаёликларга тайёр туришимиз керак. Мен бир пайтлар ўқитувчи бўлишни истардим, бари ниятлар олис ўтмишда қолиб кетди. Нақ юз йилдан бери яшаётгандайман, умрим тугаши бунча қийин! Сен ҳам қилганмисан шундай ҳаёсизликларни?
- Йўқ!
- Боламни ўйлайман. Ўлсам ҳоли нима кечар экан? Фоҳишалар ўлим ҳақида кўп ўйлайди. Шу борада баъзилардан гуноҳсизроқмиз.
- Тўғри.
- Танамдан бошқа нарсани сотишни ўйламаганман. На қизимни, на онамни, на оиламни, на шу мени қийнаётган давлатни. Айримларда эса сотилмаган ҳеч нима қолмаган. На иймон, на дўст, на эр... Менда эса фақат шу гўрсўхта – тана. Сассиқ ва чандиққа тўла.
- Сенинг чандиқларингга Ватан айбдорми?
- Бўлмаса-чи?
- Сендан қўланса ҳид анқияпти.
- Итлар талашди-да.
- Агар ваъдалашганим бўлмаганида сенга жон деб уйланган бўлардим.

– Аҳмоқ, сендақаларни кўп кўрганман. Уйланиб нима қиласан, кел, ман ёнингдаман-ку, жиннивой, – у менинг сочларимни силай бошлади.

– Гапимни охиригача эшит! Қизинг етим бўлиб ўсмаслиги учун шундай қилардим. Лекин ваъда берганман Лолага. Унга қасам ичганман, ҳозир Берлин-да. Лекин сенга бир чиройли орзу ўргатаман. У сени ўлимдан ва бахтсизликка тўла ботиб кетишдан асраб қолади.

– Ўргат! – дея яна дераза олдига борди.

– Сени ҳеч қандай шартларсиз шу қизалоқ учунгина хотин қиладиган ёки бир кун танангни пулга сотгани борганинда чиндан севиб қоладиган мард эр чиқишини орзу қил. Фоҳишалигингни билиб ҳам кўнгил кўядиганлар борлигига ишон. Ахир, хоин эмассан-ку Ватанга, демак, гуноҳинг кечирилади. Сен фақат танангга хоинлик қилгансан.

– Мен доим шуни ўйлайман!

– Ўша одам сени тозалаши ё сен уни ҳам булғашинг мумкин. Менинг эса севгилим бор. Яқинда Берлинга кетаман.

– Мен эса қабрга. Яқинда қон топширдим. Жигарим ўтабди вазифасини ҳаддан ортиқ.

– Қизингни менга ташлаб кет, ўтинаман.

– Уни эркаклар йўқ жойга отаман.

– Ундай қилма, ўтинаман.

Тиз чўкаман пойида, кўлларидан ўпаман. Бақириб-чақириб ўз боласига омонлик сўрайман.

Шунда барча уйғониб кетади. Улар менинг яланғоч фоҳиша олдида тиз чўкиб турганимни кўриб кула бошлашади. “Зикна, пулга қизганиб тиз чўкяпти!” – деб кулади Қизтака.

Фоҳиша-да уларга кўшилиб кулади.

Ҳаммаси юзимга туфлайди.

Мен ундан ҳамон қизчани асраб қолишини сўрайман.

“Сен онасан, ҳеч қачон ундай қилмайсан, уни ахлат



челакка улоқтирма!”

“Мен фоҳишаман. Ўлимни ҳаммадан кўпроқ ўйлайман. Гуноҳимни қизим билан юваман!”

“Савобингни кўмма, уни омонат қолдир дунёга. Кир ва гуноҳларга ботган оламингдан кутқаргувчи шу, нажотинг шу!”

“Йўқотинглар бу латгани, сизлар эса ухлаб олган бўлсанглар, қани, кўтирваччалар, бирин-бирин кинринглар, тишлаш ва ишнинг ўртасида қочиб қолиш йўқ!”

\*

Берлин.

Ниҳоят, Лола ёнимда.

Юриши, кулиши, кўзи, бурни, ориқ қўллари... ўзи...  
ҳа... ўзи ўзгармабди, кўнгли?..

– Салом!

– Салом!

Бир муддат унинг овози қулоқларим остида жанранглаб, бошқа товушларни ўтказмай, англамай қўйди.

Лола тикилади, мен эса негадир маънисиз жилмаяман...

У чуқурроқ тикилади... Мен эса бақраяман.

– Нимага кулади бу одам?

Кулги мияда истакланади, оғиздан чиқади, лаблардан йўл топади.

Бу лаҳзада лабларни беркитмоқ, ҳа, жуфтламоқ шарт!

Соғинч ва ғазабдан қақраган, азобу аламдан тилинган, хатою кулфатларда тишланган лабларимни майин, ширин, иссиқ лабларига босдим.

Унинг ҳозиргина ойнакка қарамай, инглиз лаб-бўёғи сурилган, атиргулдай майин, шафтоли гулидай силлиқ, асалдек тотли лаблари менга боғланади, дунёмга айланади ва бу дунё лаҳзада қолган барча

нарсаларни унуттиради.

Кулгини ҳам, саволларни ҳам, жавобларни ҳам, изоҳларни, тарихни ҳам, бугунни ҳам, эртани ҳам йўқ қилиб юборади.

Дунёда фақат Лола ва унинг лаблари, шафтоли гулидай силлиқ ва ширин бир олам қолади, холос...

Берлин бизни кутиб туради.

Лабларимиз борлиқни унуттиради, дунёни тан олмайди.

Биз Берлинни унутамиз, Берлин бизни эмас!

\*

Тарихчи чолнинг кўзлари дўзах. Қараган одам даҳшатга тушади.

Мен тегишганим сайин қийшанглаган танаси баттар тўлганиб, юзи қурбақанинг бакбақасидай лак-лак ўйнайди, даҳанидаги шолғомдай чандиқ қонагандай қизарди.

– Менга қара, камсомол, тфу, камолотчи... Одам деган сал ўзини билиб юриши керак. Шарманда қилма! Тарих ҳақидаги қарашларинг ғирт аҳмоқона... Тарих тушлар билан яратилмайди... Сенга устоз сифатида буни эслатиб қўйишни ўз бурчим деб биламан! Ахир, биз байналмилал халқмиз! Менга бундай саволлар берма! Замон нозик эди, шундай тарихни ёздик, бўлди, қолгани билан сенинг ишинг бўлмасин!

– Раҳмат, кечиринг минг бор, вақт ажратиб мен учун оғиз жуфтлаганиз қолди, камина энг паст сортдаги талабаман. Лекин фикрларим сизни қизартирди. Шунга ҳайронман, сиз айтгандай аҳмоқ эмас эканман-да, мен ҳам академик, сизнинг даражангизга чиқиб қолибман-да? – ундан қандайдир зах босган омборхонанинг ҳиди анқирди. Бироз нари қочаман. У эса мендан кўрқяпти деб баттар тутақиб керилади.

– Ўв-в, нима деганинг бу? Қаерга қараб фол очяпсан? Саксон йиллигимга атаб ким табрик ёзгани-

ни билганингда эди тикка туриб иштонингни хўллаб кўярдинг, чала комсамол!

– Нимага барра гўшт турганида, мурданинг фалсафасини чайнашим керак?

– Эй, кимсан сен менинг китобларимдан хато излаётган?

– Китобларингизни аллақачон қашшоқлар хожатхонасига ташлаш керак эди. Ёқиш керак эди совуқ кунларда қақшаб ўтирган қоровуллар ҳеч ўйланмай. Ёки истеъмолга яроқсиз таомдек, билмай еб кўйган одамни заҳарламасдан ташлаш керак этни дайди итларга. Ёки етимларга хайрия қилишимиз керак институт номидан. Ҳарна шу орқали меҳр кўрмаган бечораларнинг кети тоза бўларди ёлғон ёзилган китобларингдан! Ҳа-ҳа, бир қошиқ айбдан мосуво бўлардингиз. Билсангиз, тарих ва ҳақиқат ҳамма нарсадан устун туради! Қурбақадан ҳам, тошбақадан ҳам... Жамиятда булар жуда кўп... Қурбақа, тошбақа ва эшакқуртлар. Кулганимга эътибор берманг, бу касаллик. Сиз тарихчисиз, рус босқинини мақтаб ёзган китобларингизни ўзингиз ёқа олмадингиз, энди қўлингизни чопиб ташласангиз ҳам, барибир бефойда. Тан олинг, йўқ-йўқ, мард одам тан олади. Ҳақиқатан, қўрқоқларгина жазавага тушади! Мен қўрқоқ мамлакатнинг чекланган фуқароси бўлишни истамайман, исқирт чол! Китобларингни тарихда қолдиришдан кўра, орқангни ўйла, ёзиқларингга кетингни арт. Ҳаммаёк сасиб кетди, автобусда сен билан бирга ўтириб қолган талабага раҳминг келсин.

– Ўв бола, кизил гапларингни байрам кунлари телевизорингда айтасан! Кеча тухумдан чиқиб, бугун менга ақл ўргатяпсанми? Сенга ўхшаганларни ҳали ҳам бир чўқишда қочираман. Суф, сендай Ватанпарварга... Тарихни биз ёзиб кўйдик, энди ўзгартираман деганнинг энасини кўрсатаман... Эслаб қол, энангни кўрасан. Ундан кўра сен энг қадимги тарих билан шуғуллан... Сенга шу тузук... Гапларим ёдингда бўл-

син! Менинг китобларимга тегинма, тумшуғингни уриб синдираман! Бу мен ёзган тарих, менинг ишим, менинг кафанлигим!

– Юзингизга тупурсам, бундай бахтга эришган талабаларнинг нечанчиси бўламан?

– Майли, тупур, бетарбия! Гўримга тупур истаганингча, аммо тарих мен ёзгандай қолсин!

– Кулгимни қистатма! Ҳатто Фиръавн ҳам сенчалик ўтмишга бунча кўп пора тутмаган. Ибодатингни қил ва вақтида ўл. Гўрков танишим бор. Юмшоқ жойдан кавлашади.

– Мен кўп яшайман, хали-бери ўлмайман. Тошбақалардай!

– Қарғадек де, ҳеч бўлмаса! Барибир эшакқуртлардан қочиб қутула олмайсан. Уч аср яшасанг ҳам эшакқуртлар бир куни патларингни ҳар ёққа сочиб, миллатинг тарихини сотиб семирган ичакларинг ичида копток ўйнашади!”

– Йўк бўл, ўлдим, йўқол!

Кетдим!

Ўша кеча иситмалаб чиқдим. Яна юрагим санчди. Гўё танам огоҳлантирди – ортиқ уришма. Бу кетишда саксонга кирган мунофиқ сени кўмади.

Тонгда кўзим кетибди, туш кўрдим.

Бир одам чикиб қулоқларим остида бакиряпти. Аммо сўзларини тушунмайман, қўлидаги қалин қоғозга ёзган сўзларнигина пичирлаб ўқийман: “Сурбетсан!”, “Хоинсан!”, “Лўттибозсан!” “Буюк Туркистонни талаб единг, тўймадинг. Хоин ўзбеклар-да чикиб ногорангга ўйнади, ўз уйига ўт қўйди, элини эзиб келган рус монархистларини алқадилар, аммо халқ қирилмади, ўзлигини йўқотмади. Мана бугун Туркистон болалари Олмонияда, бир ўрис қатори, бир немис, бир поляк қатори ўтирибди, керак бўлса, ундан ортиқ тафаккур билан ўқияпти. Аммо яна сен иғво тўқимокдасан. Наҳот бир пайтлар Петровский Оврўпага ўқиши

учун бирорта талаба тополмай қолганини эсларингта олмайсан-у, “Сартлар Оврўпада нима қиладилар?” деган истехзолар билан матбуотда чиқасан, бошимизни букмоқчи, шаънимизни тўқмоқчи бўласан, қичқирасан беҳуда. Наҳот, хўрлаб тўймайсан?!

Ўв қорни катта жаноблар, бизни Оврўпа маданиятига муносиб кўрмаган эдингиз, бизни ким деб ўйлаган эдингиз? Айтинг, бизни ким деб ўйлаган эдингиз? Оврўпага биз муносиб эмасми?”

Талабалар ҳайратда қотишади...

Улар камситишлардан кўрқмайди, бир куни келиб қабрларга бориб тупурмасга бўлди авлодлар.

Чопонлар ечилди, турмаклар ҳам. Гўзал ва барно қизлар ҳам ўзгаришди Берлинга келиб. Мен улар билан тез-тез суҳбатлашиб турардим... Гоҳида эса қизлар гапимни эшитмас, ҳали ҳам тинмай кимларнингдир сўроқларига жавоб берарди. Мен уларнинг елкасидан босиб: “Ул замон ўтди, бўлди, тинчлан”, – дердим, йўқ, фойдаси бўлмасди... улар ёнишарди, кўрқарди ҳар соат чиқ-чиқидан ва енгил олинган нафасдан.

Талаба қиз йиғлайди:

“Германияда ўқиш учун розилик берганим – ягона айбим. Эмизикли болам ҳаққи, ҳар доим виждоним поклигини сақлаганман, қалбимда заррача ғайирлик бўлмаган, онт ичаман. Мен доим инқилоб тарафдори, соф совет қизи бўлганман. Яна нима дей, нима истайсиз?”

Савол беринг, жазо беринг, ҳаммасига тайёрман, чақалоғим оч, эмиши керак. У ҳали жудаям ёш ва нимжон. Илтимос, менга уни кўрсатинг! Келаётганимда йўталиб қолганди, ҳозир қақшаётгандир бечора!

Ўқимамай мен ўлай! Агар шу хатом бўлмаганида, бошимга бунчалик азоблар тушмаган ва тақдирим бошқача, бахтли кўчага бурилармиди? Адолатсизлик ва тухматлар ичида қолиб кетаман деб ўйламагандим!

Хоразм партия Марказий Қўмитаси бюросининг қарори билан Туркистондан Германияга кетаётган ёшлар қаторига қўшилдим. 1922 йилдан 1924 йилнинг бошларигача Берлинда бўлдим, кейин эса Дармиштатга кетдим. Шунинг учун Берлиндаги талабаларнинг сиёсий ҳаракатларига аралашмаганман. Ёлғон гапирсам, Худо урсин!

Айбсизлигимни қанча такрорлашим мумкин сизларга, шунчалар ҳам бағритош бўласизларми, сизларни ҳам она туққандир, ит туғмагандир!”

Қиз бақиради, ҳақоратлайди, сўнг оч қолган бола-си ёдига келиб яна ёлворишга тушади:

“Илтимос, боламини беринг! Биз фақат илм олиш билан банд эдик, барчамизнинг ниятимиз Оврўпанинг фан ютуқларини ўзлаштириб, юртимизга қайтиш, билганларимизни оддий одамлар яхши яшаши учун сарфлаш эди. Яна айтаман, бизни фақат юртдошлик ҳисси ва ўқиш бирлаштирарди!

Мақсад ва режалар ҳақидами? Кетаётганимизда бизнинг олдимизга қўйилган ягона вазифа “Европа илм-фанини қувиб етиш ва ундан ўтиб кетиш” эди. Бу мақсаддан бошқа нарсани билмайман! Ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаганман, туну кун ўқиганмиз! Оврўпаник сабоқдошларга етиб олиш учун ғайрат кўрсатмасак бўлмасди. Китоб титиб, тўрт соатдан нари ухлаганимиз йўқ!

Сиз менга тикиштираётган сиёсий ҳаракатлардан хабарим йўқ. Мени қандайдир “Озод Туркистон” аксиланкилобий-жосуслик ҳаракатига аъзо бўлиб, Германияга агентлик қилгансиз деб айблаяпсиз. Мен ҳеч қандай ташкилотга қўшилмаганман ва бундай уюшмалар борлигини шу ерга келиб, сиздан эшитиб турибман. Эмизикли қизим бор! Ҳозир бечора чирқиллаб қон йиғлаётгандир, илтимос, мени озод қилинг, ҳеч бўлмаса боламга одам юборинг, эмизиб берай, ўтинаман сиздан, эмизай...”

Гўдакка ўзим бориб сут тутгим келади. Аммо у онасини кўмсайди... чиркирайди... Чақалоқ дунёни уйғотмоқчи бўлади, аммо бутун Хоразм Ичан қалъа ичида қолган, Дишан қалъага мўраламайди.

\*

Хонадошларим овқат қилишга ҳам эринади. Тўйиш ҳам ёкмайди, оч қолиш ҳам, умуман ҳеч нима маъкул эмас ҳаётда!

Бир ҳафта бурун ош қилгандик. Ҳали ҳам музлаткичда турган экан. Қовурилган гуруч егандек ғичирлатиб ўтирдик тонггача музлаган сарғиш паловни. Ном кўйдик унга бекорчиликдан – музпалов. Бу тугаса, яна ош дамлаймиз ва яна... ҳафталаб қорин тўқ, қора қозон дам олади.

Музҳаётга – музпалов!

Қоровой эса навбатдаги уч соатлик чўмилишга кириб кетган.

– Рангим менинг азобим бўлди, оқаришим керак, жўра! Шунинг учун ўқишга киргандим. Бўлмапти, ювинишни кўпайтирмасам, ўзимни институт кираверишига осаман.

Чўмилиш хонаси аллақачон кўз ёш тўкарди, девор шифтлари, тўзиб қорайган сочиқлар, устига ўрисча ёзилган атир совуннинг жимжимадор қоғоз кутиси. Эскиркиб чириган, уч-тўрт жойидан ямалган жойлари бўртиб яранинг ўрни каби қолган қувурлар, тепадан сув томиб кўчган оҳак бўлақлари, ислиқиси чиққан шолча, ҳамон сув тутиб турган бурунги челак – бари кўз ёши тўкарди уч соатлик чўмилишдан сўнг.

Инсон тушларининг сценарийсини ким ёзса ҳам, ўта чаласавод ва фабула қоидаларини атайлаб бузади.

Ҳаётим фабуласи ҳам тўзиган.

Мудрайман.

Олмонияга шошади хаёллар.

Оқ рояль олдида бир гўзал киз. У жуда чиройли, аммо куйни расво қияпти. Хаёли ўзида эмас, соғинчи Тошкентгача чўзилган. Унинг ўзбек талабасидан қизалоғи бор. Жонидан ортиқ севади ҳар иккисини. Клавишдаги нозик бармоқлар титраб соатлаб жим қолади рояль, мен унга ҳавас-ла термиламан. Хушбўй ифор келади. У шунда тўсатдан ўрнидан туриб, деразага ташланган пардаларни сидиради бир томонга ва уч оёкли чех столига ўтириб ёза бошлайди:

“Жоним, омонмисан... Кўп соғиндим, жуда кўп азоб тортяпман, ҳаётимдан тартиб ва мазмун йўқолган, соғлигим ҳам дуруст эмас.

Севаман, севаман, севаман...

Сенга бу гал изҳору аламлар битилган нома эмас, бир сурат ҳам жўнатаман. Қизингнинг сурати. Катта бўлиб қолди. Вақти келиб, уни Берлиндаги энг яхши мусиқа мактабига бераман. Биласан-ку, болалигимда мусиқачи бўлишни орзу қилардим. Сенга ҳам бирор нима чалиб берганманми ёки йўқ? Ёмон чаламан, шунда ҳам дадам мени мақтайди. Сендан уялган кўринам. Энди қизимни зўр мусиқачи қилмоқчиман, амалга ошмаган орзуларимни унда кўришни истайман.

Мени нега бунча қийнайсан?!

Айрилиқ юрагимни тимдалаб ташлади.

Сенсизлик оғир, жуда оғирлик қияпти менга...

Хастаман, биласан, аммо сен ўйламайсан?! Бир йил ўтмай, ёнингда бўламан, Берлинга қайтаман, дегандинг, шунча вақт ўтди, келмадинг, келмаяпсан? Кўрқяпман, жуда кўрқяпман!

Энди бутунлай кўриша олмасак нима бўлади? Худо сақласин! Ўйлашга ҳам қўрқаман!

Берлинда алғов-далғов хабарлар урчиб кетди. Янги ҳокимият пайдо бўлди, бошрахнамо – фюрернинг ҳали нима қилишини, қандай ниятда эканлигини ҳали ҳеч ким билмайди. “Германияга катта бахт олиб келаман”, – деб ваъда берапти. Кўп ҳам сиёсий найранглари



тушунмаганим учун бу борада акли ноқисман. Кўчага кам чиқяпман, ҳар хил хабарларни газета, радиодан эшитаман, ошкор этилмайдиган сирларни эса отам ишдан қайтганда айтиб беради. Ҳар замонда сенинг юртдошларинг, туркистонлик талабаларни кўриб тураман. Улар кўзидаги аввалги қувонч, умид нурлари сўнгандай, ўрнини ваҳима, таҳлика ва кўрқув тутгандай туюлди менга. Сабабини айтишмайди. Тахмин қиламан. Ҳа, яна яҳудий кампирдан эшитдим, бир юртдошинг уйида ижарага турган экан, исмини эслолмадим. Ўша хотин: “Ҳар тарафда советларнинг хавфли айғоқчилари, қотиллари изғиб юрганидан туркистонликлар кетиб қолишяпти”, – деди. Шунини эшитишим билан сендан хавотирга тушиб қолдим. Сени қўйиб юборганимга минг пушаймон бўламан, ўзимни қарғайман! Бир томондан, бу ерда авж олган миллатчилик ҳаракатлари, иккинчи томондан, юртингдаги қатағонлар барчанинг қалбига хавотир ва кўрқув солиши табиий. Таҳликали даврга тўғри келди бизнинг кунларимиз, азизим! Турли сиёсату ҳукуматларнинг манфаатлари деб яна ер юзида канча одам қурбон бўлиши керак, нечта дарё оқиши керак инсон қони билан, оҳ асабларим тамом бўлди! Сен тезроқ кел, ҳеч ким билан зиддиятга борма, бир йўлини қилу Берлинга жўна, оиланг олдига!

Қара, қизинг ҳам катта бўлиб қолди, у ўзининг қора қош отасини сўрагани-сўраган. Иккимиз ҳам сенинг йўлингга интизормиз, азизим!

Бу ердаги вазиятдан хавотирланма, биз қонуний эр-хотинмиз, отам бизни ҳар қандай балолардан ҳимоя қилишга қодир инсон – ҳукумат одами.

Тезроқ қайт, ичган онтингни унутма!

Сени жонидан ортиқ кўрувчи қизинг ва севгилинг!

Ҳа, айтганча, қизалоқ сенинг исмингни тўғри талаффуз қилишни ўрганди.

1934 йил. Берлин.”

Хушбўй ифор таралади аёлдан, сўнг у ёзган ҳижрон

хатидан.

Куламан, қаттиқ куламан... Немис қиз йиғлайди. Шунда отаси келиб қолади. Эшик олдида қизига сездирмай уни кузатади. Боласига ичи ачийди. Сўнг чидай олмай қизини бағрига босади.

– Самарқандга кетгим келяпти, ота!

У ҳеч нима демайди, сўнг қизи яна узоқ йиғлайди.

Ота уни бақувват қўллари билан бағрига босиб тураверади. Худди ҳозир қанот чиқарадию Самарқандга учиб кетадигандай.

Самарқанд, сенга интилганлар минг..

Аммо етганлар кимлар? Ўша нафси бузук ҳиндни улоқтирган ахлатга ўзим ҳам калла отишим керак.

Мен шунга муносибман.

Самарқандга мактуб!

“Сизнинг газетага берган мақолангиздан руҳланиб, биз ҳам миллат болаларининг ўқиши учун бир улуш кўшишга шайланиб, орзуланиб турибмиз. Зеро, Туркистон йигит-қизларининг Оврўпага таълим учун кетаётгани биз учун катта бахт. Халқ учун нури кунларга ваъдасидир! Шу мақсадда сизга маълум қиламизки, биз Шерматбой Нуруллоҳбой ўғли, Жовлибой Олимбек ўғли билан бирга Каттаарик бўйларидаги ерларига кўклам нима қадалган бўлса, барчасининг ҳосилини “Кўмак” ташкилоти учун аташни ихтиёр этдик.

Шул сабабдан ташкилотнинг Самарқанддаги вакилларини ҳисоб-китоб қилиш учун чақирамиз. Насиб қилса, талабаларга бундан кейин ҳам катта-катта тухфаларимиз бор! Иншааллоҳ, дуолар қабул бўлсин. Эл болаларига Худо ёр бўлсин! Яхши кунлар ваъдаси бўлсин!”

Пичирлаб такрорлайман сўзларни: “Талабаларга мадад беринг!”

“Мен улар учун гадойликка чиқдим, сиз уйдан

чикинг, сандиқни очинг!”

Сув шариллайди, телефон тинмайди, кимдир ўлгандек сасийди, ҳатто неча ойлаб очилмаган деразалар қимирлайди.

Қоровойга дейман:

– Бутун дунё суви сени окартириш учун бизнинг хонага оқмоқда.

– Ваннани буғлантириб юбординг демокчимисан?

– Қанийди фақат шундай бўлса. Дунёни бўғяпсан!

– Мен оппоқ бўлишим керак, жўралар. Жонга тегди қоралик, бирорта ҳам кийим ярашмайди. Шаҳарда ўқигандан кейин ўзгариш ҳам керак-да!

– Сен баҳорида совуқ урган ниҳол баргига ўхшайсан. Совуқ юзингни қора қилган. Минг ювганинг билан барибир мева бермайдиган оғочсан.

– Фалсафани кўй, жўра, менга мева нима керак. Қизларга ёксам бўлди.

Қизлар. Бутун уларни чорлаб турувчи ҳамхонамиз – Қизтака ўқиш пулини тўлай олмади. Ҳайдалишини кутиб ётибди. Агар бир йил давомида фоҳишага сарф этилган пулни ўқишга тўлаганида... Аммо биз нафсни ҳеч хафа қилмаймиз, бизга бачканалик, гуноҳлар, фоҳишалар ва улардан қолган искирт доғлар керак.

Бундан ташқари, фоҳишалар ҳам боласини бокиши керак-ку!

Ҳар йили мамлакатда минглаб талабалар ўқиш пулини тўлай олмагани учун институтлардан ҳайдалади.

Ҳар йили яна ўн минглаб талабалар фақатгина отасининг пуллари бўлгани учунгина ўқишга киради ва диплом олади.

Ҳар йили юз минглаб оталар боласини ўқитиш учун кулликка рози бўлади.

Ҳар йили яна шунча оталар боласи учун пора олади, давлат сирларидан кўра ҳозир азизроқ бўлган бой-

лигини талон-торож қилади.

Ҳар йили минглаб ўқитувчилар бир тийинга қиммат илмий ишларини ёқлайди ва шу илмни талабаларга пуллайди.

Ҳар йили қанчадан-қанча қизлар фақат ўқиш пули учун ўзини сотади.

Ҳар йили минглаб оналар боласини ўқитиш учун ўз жигарини даволатишдан воз кечади.

Ҳар йили неча ёш ўқишга пул топиш учун Ватандан чиқиб кетади.

Ҳар йили... ҳар йили шу аҳвол янги бўлади. Яшаради, тозаланади ва такрорланади.

Қиз зориллайди:

– Она, нега касалхонага боришга кўнмаяпсиз?

– Кет ўқишингга дедим сенга.

– Ёниб кетсин шу ўқиш. Менга сиз керак, ўлиб қолсангиз, қандай чидайман!

– Менга сенинг дипломинг керак. Яхши жойга келин бўлиб тушасан.

– Ўлсангиз ундан ҳам кўп пул кетади.

– Ўлмаيمان ҳам, даволанмайман ҳам, сен тугатгунча чидаб бераман.

– Она, жигарингиз қуриб боряпти... Она...

Курсдошим талаба-мардикор. Унинг онаси ҳам касал, жигари қуриб бораётганмиш.

Тарихни билмайди-ю, девор шувашни, гулқоғоз ёпиштиришни эплайди. Аммо диплом керак касал онаси учун.

– Бир кун келиб катта одам бўлишим керак. Бўлмаса, энам чеккан азоблар бекор кетади. Онаман бу лаънати ўқишни деб ўляпти.

– Сен шунинг учун ҳам кўп нарсани ўрганишинг керакмасми?

– Шундай, аммо менга пул керак. Қишлоқдаги ягона докторнинг пластик картасига ҳар ой миллион сўм

ташлайман. Онам даволанади. У текин, давлатдан деб ўйлайди, давлат қаерда беради, аслида бари шу мардикорчиликдан.

– Онанг ўкишинг учун ўляпти.

– Мен эса онам учун ўляпман! Минг лаънат бу институтга!

Ҳар йили минглаб талабалар ўкишни тугатади.

Аммо уларнинг кўксини ёриб кўрсангиз, фақат ичак бордай, узун ичак... “Ейман, ейман, ейман”, – деб кўлни тирнаб тишлайдиган каттакон ичак ва тишлар!

\*

Чўлпон хаёлни нақадар тиниқ тасвирлаган: “Хаёл. Хаёл. Ёлғиз хаёл гўзалдир, Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман”. Нақадар кўрқинчли ҳақиқатнинг кўзларига қарамок! Германияда фақат миллат, келажак учун ўқиган ёшларнинг аянчли тақдири наҳот жон куйдиришга арзимади?!

– Қўйсанг-чи эски-туски гапларингни? Макарон қайнатинглар, музпаловдан безор бўлдим, – дейди ўқишдан ҳайдалаётган ҳамхонам.

Телефончи турмайди, телефонга тикилганча тошдек қотиб қолгандек туюлади. Фақат овқат пишса ва қизлар келса, қимирлайди танаси, холос. Шунда яшаётган мавжудотлигини пайқаймиз.

Қоравой чўмилади, чўмилади, ҳатто сувнинг кўнгли айниб кетади ундан.

Бузилади уни кўриб соч қуриткич. Уни кўриб жирканади хонамизга билмай кириб қолган тоза ҳаво.

Туркистон талабалари-чи?

“Биз улуғ давлат қурамиз!”

“Биз улуғ давлат қурамиз!”

Шу ният уларни бирлаштирди ва бошига етди, кафанлик орзу бўлди.

– Мен ҳали шундай катта одам бўлай! – дейди ўқишдан хайдалаётган Қизтака. – Ҳамманг бугун устимдан кулганингга минг пушаймон бўласан.

– Қачон кулдик?

– Ичингда хурсандсан, Қоровой... Сен эса доим кулгансан.

– Мен йиғлашни билмайман. Бўлмаса, кўз ёшимга тўларди хона.

– Йўқ, мен ҳали шундай катта одам бўлай, ҳаммангни қақшатаман. Мени хайдаётган деканнинг кизини...

Туркистон талабалари тунлари пичирлардилар: “Ё Аллох, миллат учун ўқишликни насиб айла, ўзга ниятни ўлдир, ҳаром эт бизга!”

Билмасмидинг сенинг гапга мойил оналаринг ҳар маҳал ҳам бундай фарзандларни туғавермаслигини? Бир сенга замон келган, Худо берганди!

Фарзандларингни асраб қололмадинг! Фоҳиша ўз боласини хирсдан асраб қолмаганидай.

Сен ҳам уларнинг отилишини томоша қиласанми, жим, пиёладаги қора соянгни пуфлаб?

“Бирма-бир отамиз барини, халойиқ! Илоҳим, бундан кейин хотинларинг эркак эмас, бир туюр кўрқув туғсин, муҳаббатларингдан бино бўлсин фақат ширин жон хунасалар!!!”

Шунда бир девсифат йигит отилиб чиқади майдонга. Унга тиш ва милтиқ қайрайди қизил нозирлар: “Ҳа, сен қаҳрамонлик қилмоқчимисан?..” “Йўғ-а, битта элнинг бахшиси қочиб кетаётган экан, шуни ушлаб келдим, типирчилашини қаранг!” – дея оёқлари остида ётган миллат шоирини тепкилайди кўрқувдан.

“Қаҳрамонингни ўзинг от. Пешонасидан ва авратидан!”

“Отавераман, менга нима фарқи бор!”

Халқ эса “томоша кўрар жим!”<sup>5</sup>

“Кунларингни қарит хоинлик билан! Ўлсанг, ўзга ерда ҳам бир кетмон тупроқ топилади!”

“Жирканамаман барингдан, йўқол!”

Излай-излай ўша талабаларнинг бир авлодини топдим.

Қариган, аммо ҳамон кўрқарди тузумдан, ҳибсдан ва ўзидан.

Телефон қилдим. Тутаб кетди. У аллақачон юз килограмм куртлаган гўштга айланганди.

– Мен сизни бир йил кидирдим. Ниҳоят топганимда сўзларимни тингламаяпсиз!

– Мендан нима истайсан, тинч қўясанми ёки... 02 га телефон қилайми?

– Отангиз ҳақида гаплашмоқчи эдим. Илтимос, кўп вақтингизни олмайман.

– Отам учун тортган азобларим етиб ортади. Қолгани ортиқча. Бечора акам ва опам ўлиб кетишди терговларга қатнаб. Энди менинг бошимни оласанларми? Саксонга чиқдим, шундоғам ўламан, тинч қўйинглар! Қамаб нимага эришасан мени?

– Кечирасиз, сизга ёмонлигим йўқ. Мен махсус хизмагданмас, йигирманчи йилларда Германияда ўқиган туркистонлик талабаларга оид саволларим бор эди? Отангиз ҳам улар сафида бўлган-ку... Жон момо, гаплашинг, сиз ҳам ўлиб қолсангиз, билганингиз тупроқка сингиб кетади. Эшакқуртлар эса тингламайди, этингизни кавишайди, холос.

– Ҳамманг бир гўрсан, аввал ҳам алпақандай Шойим дегани пайдо бўлганди: “Отанг билан қамоқда бирга ётганман”, – деб уйимизга кириб олди. Содда онам марҳумнинг хурмати деб навнихол опамни унга қўшди. Бир хонани уларга бўшатиб бердик. Билсак,

<sup>5</sup> Шоир Шукур Қурбоннинг бир сатри.

отам аллақачон отилиб кетган, унинг ўзи эса жосус экан. Опамни ҳомиладор қилди-ю: “Мен давлат одами, ғинг десанглар кириб юбораман”, – деб кетди-қолди. Сенинг ҳам мақсадинг аниқ, мени алдайсан-у, совет турмасига юборасан. Зўрлайсан, бардош бера олмайман. А-а, овозинг чиқмай қолди, тилингни ютдингми, топдим-а дардингни?! Отамни тинч кўй, аллақачон отилиб кетди бечора, қандай ўктам йигит бўлган! Германияда ўқигани бошига етди. Энди менга телефон қилма! Эшитдингми, юрагимни ёрма. Сталинга аллақачон тавба қилганмиз.

– Ахир, ҳозир мустақилмиз. Ҳеч кимдан кўркманг!

– Ишонмайман, бари ёлғон ваъдалар!

– Эсингиз жойидами ўзи, бирор бир набирангизга беринг телефонни!

– Мустақиллигинг билан ишим йўқ. Мени тинч кўй, юрагим чатоқ. Сенларни биламан, совет турмасига тикмоқчисан...

– “Отангиз тирик”, – десам ҳам ишонмайсиз-а?

– Ана, кўрдингми? Ўзингни фош қилдинг...

– Ҳа, фош қилдим... Отангиз тирик ҳали ҳам...

– Қандай қилиб, мен саксонга кирдим-ку, у... алдама, номард!

– Ўлигини кўрганмисиз?

– Йўқ!

– Нега бўлмаса ишонмайсиз тириклигига, ҳеч бўлмаса умид қилмайсиз. Ҳатто мен, ғирт бегона бўлсам ҳам, ишонаман тириклигига! Сиз отангиздан кўрқасиз.

– Чунки у “халқ душмани”. Ит кунлари тушди бошимизга. Менинг ундай отам йўқ.

– Ана, масала шунда. Кўзларига қарашга ботина олмайсиз. Мабодо отангиз тирик келганда ҳам эшикдан кирмасидан ўзингиз биринчи бўлиб бошига темир чойнак билан уриб ўлдирасиз. Чунки сиз кўркувсиз ваҳимага ҳомиладор. Гапим йўқ сизга. Отангиз эмас, сиз аллақачон отилган бир мурдасиз.



– Ўлим тилама менга, хали қўрқув ичра кўп умр яшайман...

\*

Ўзига ачина бошлаган одам қўллари толиққани учун сувга чўкаётган одамга ўхшайди.

Мен ўзимни унутишни истадим.

Тушлар – кучларимга айланди.

Мен ухладим – туш кўришга, талабалар билан дийдорлашиш учун ётдим.

Қўлимдан ортиқ бир иш келмаслиги нақадар даҳшат.

Базм бошланди.

Мен бир умр кўришни истаган миллат шоири Чўлпон келди у ерга.

У тасаввуримдагидан кўра бахтиёрроқ кўринарди, гўё ҳеч қачон Ватан учун отилишини хаёлига келтирмагандек.

Замонасидан илгарилаб кетган инсон.

Айни базм қизиганда кириб келди ва барчанинг эътиборини ўзига қаратди. Чўлпон ортиқча гапирмади, шеър ҳам ўқимади, минбарга чиқиб, Германияда ўқиётган туркистонлик талаба Абдувахоб Муродийнинг ўзига ёзган хатини ўқиб берди.

Талаба тирикликни таъминлашга маблағи қолмай қийналаётгани, агар юртдошлари ёрдам бермаса, ўқишни давом эттириши мушкул эканлигини билдирганди. Чўлпон барчага таъсир эта оларди. У мактубни ўқиб бўлгач, даврада бир тўлқин пайдо бўлди.

Кўмак тўлқини эди бу!

Чўлпон элни бир ёқадан бош чиқаришга даъват этиб: “Ватаннинг бир боласи илм оламан, деб турса-ю, пул сабабли ўқишни ташлаб кетса, бизнинг туркий миллатимизга, шаънимизга уят, шармандали ҳол эмасми?!” – дея барчани ёрдам беришга чақирди.

Шу ернинг ўзида тошкентлик гап-гаштакчилар ҳар ой маошларининг йигирма беш фоизини четда ўқиётган талабалар маишатлари учун ажратишга ваъда берди. “Агар сариқ чақаси ёнимизда қолса, болаларимизга ҳаром бўлсин!” – деди азаматлар. Бундан ташқари, шу пайтгача эшик ёнида жим турган калта соқол бир киши (мен унинг кимлигини аниқлай олмадим) ҳамёнидаги бор пулни талабалар учун бағишлади. Ҳатто уйга кетиш учун бир-икки чақа олиб қолишга ҳам кўнмади. Шунда ҳамма унинг миллатпарварлигига таҳсин айтди. Аммо мен йиғилаётган пулларга улуш кўшолмадим. Киссамни кавладим, бир сўм ҳам чикмади. Шармандалик!

Яна бир актёр менинг аҳволим каби мулзам тортди. Чунки бир ҳафта бурун театр труппаси Марғилон сафаридан қайтиб келаётганда босқинчиларга дуч келган, уларга барча ақчаларини олдирган экан. Кейинги ҳафта алоҳида томоша кўрсатаркан, унда бой ота ўзининг ноқобил ўғли томонидан ўлдириларкан. Шу томошадан тушган пулнинг ҳаммасини талабаларга бағишлашга ваъда берди. Ўша куни чўнтак кавлаёлмаганимга жуда уятли бўлдим. “Ақчаси йўқнинг сўзи йўқ”, деганларидай тортиниб бир чеккада гап кўшмай турабердим, шунинг учун кўпнинг юзини яхши кўролмадим. Шундан сўнг Чўлпон бир адабиёт кечаси ҳам ўтказди, унинг мухлислари кўплигидан чипталарнинг барчаси сотилиб кетди.

Тушган маблағларнинг барчаси Германияга Москва орқали жўнатилиши айтилди. Бунинг ҳисоботи матбуотда ҳам бериларкан.

Кечаси билан саргузаштлар ичра кезасан, тонгда эса бошинг ғовлагандай гарангсийсан, ҳеч кимни кўргинг келмайди, бирор бир овоз ёкмайди. Ҳамма сенга душмандек, худди ҳаммаси сени машъум 1937 йил томон бошлаб кетаётгандай.

Уйқунинг кўпи уйқуни чақиради.

Биз қанча кўп ухласак, яна шунча ухлаймиз!

Агар ўзимиз уйғонмасак, кўзларимизни ўзимиз очишни истамасак, биров қовоқларимизни узок ушлаб тура олмайди. Худди кўп овқат еганинг сайин ошқозонинг ҳам кенгайиб боргани каби уйқу оламинг ҳам каттариб бораверади. Сен мудроқлик билан дунёни эгаллайсан!

Қорин ғамида картоша қовураётган ва бу гал сўраганидан юз минг кам пул жўнатган ота-онасини сўкаётган телефон жиннисини тутиб ургим келади. Аммо уйқудан қизғанаман. Жирканаман туришдан, хонада фоҳишанинг ўлик боласи ириб ётгандай нафас олгим келмайди.

Кимдир мени ҳам бу дунёга картошкадек қовуриш учун туширгандай!

Уйқуга кетасан, турасан, яна ухлайсан ва яна кўзларинг очилади.

Бу сафар ёғ ва картошка жанги оч қорнингни ғижимлайди, бир он ожиз тананг силкинади, аммо барибир уйқу сенда ғолиб, мудроқлик қонингда музаффар.

Оврўпача кийинган ўзбек боласи сенга Олмониядаги мактабларни мактайди. Сўзлари равон, нигоҳида куч бор.

Картошка ҳиди ва она қурсоғига тушмаган болалар инграши ҳам йўқолади, қорин ҳам оғримайди, олдингда Берлин мактаблари кўринади. Ёруғ ва иштиёққа тўла дарсхона.

Йигитча тинмай жаврайди, сен уни мазали таом егандай хузурланиб тинглайсан: “Олмонияда мукамал режага бўйсунган мактаблар бор. Ҳар бир мактаб – бир дунё, янги олам. Ҳар бир ўқитувчи – ихтирочи. Болаларда ихтиро қилишга хоҳиш зўр. Ох, бу жуда ҳавас қиларли ҳолат! Шундай бўлар экан, Олмония гул-

ламай, мудраб ётган Туркистон гулласинми! Биздаги бойкуш уясининг ҳолига келиб қолган мактабларда одамлар болалиқдан ўлим учун тайёргарлик кўради. Бу дунё учун эмас, фақат у дунё учун илм йиғади. На-тижада, обод еримиз ўзгаларга тортиқ бўлди, ўзимиз эса хароб бўлдик, хору зор бўлдик. Илмдан, маърифатдан қайтдик, жаҳолат томон қочдик!”

Кимдир мени туртади: “Картошка пишди, турсанг-чи...”

“Қоч, йўқол!”

“Ҳозир тугайди, тур!”

“Индама, жойида очдан ўлсин!”

“Бир мен эмас, барчамиз шу ерда ўламыз!”

“Ўзингдан кўр, очдан-оч қолавер!”

“Олмонияда шундай мактаблар борки, мен сизга...”

“Яна бошлади, энди соатлаб вайсайди, туғма жинни бу...”

“Қараманглар, енглар, бугун бир ёши каттарок аёлни чақирганман, уни тўйдириш учун ўзимиз тўйиб олишимиз керак!”

Мен куламан... Уларни итараман, ҳайдаيمان. Қорним оч, аммо тушимнинг давомини кўргим келади. Яна уйқу уйқуни бошлаб киради. Бу гал оқ халат кийган бир талаба ҳовликқанча келиб ёқамдан олади: “Уч ярим миллион бола ўқиш ёшида бўла туриб, мактаб йўқ. Оддий касал бўлса, тузалишга хоҳиш йўқ, имкони йўқ. Ҳозирги оғир кунимизда туғилган болаларимизнинг 30-40 фоизи гўдаклигидаёқ ўлиб кетяпти<sup>6</sup>. Наҳот, булар сизни ўйлантирмаса, азобга солмаса, виждон кийноғига ташламаса? Халқингиз бу ҳолда бўлиб, сиз қандай ишрат билан тонгни отгирмоқдасиз? Қайси виждон билан болаларингизга боқмоқдасиз, қандай тупроққа кирмоқчисиз? Ахир, ҳозир XX асрнинг илк

<sup>6</sup> 1920-йилларда Туркистонда туғилган чақалоқлар ҳисоби бўйича.

чораги, бу кетишда юз йилдан кейин қай ҳолга тушамиз?”

Бақириб юбораман: “Мен картошкадан нафратланаман, картошкахўр талабалардан ҳам, ўлаётган чақалоқлардан ҳам, ҳожатхоналардан ҳам, боласини телефонга сотаётган оналардан ҳам...” Хонадошларим кулиб юборади... Мен эса тебранаман... Улар мойли қўллари билан пешонамни ушлаб кўришади...

Тараканлар ўрмалайди ичимга. Уларни ўлдиргим келади. Аммо тушларнинг давомига қизиқаман.

“Ғафлат ғафлатни етаклаб келади”, – дерлар!

Мен уйқуда бахтиёрроқман.

Талабаларим ортидан от соламан: “Тўхтанг, дўстлар!”

Самарқанд чўккан, Бухоро уйқуда.

Талабалар кўринмаяптими?

Орол... ха, Орол денгизига учаман!

Қирғоқлари бўйлаб кетишяпти улар. Хабар берар денгиздан айрилган денгизчи қушлар. Қани, эй шавкатли денгиз шамоли, нега тарк этдинг бизни?..

Хонадошларим кулади, қотиб-қотиб, ётиб-ётиб. Кейин Қоровой ишшайганча шундай дейди: “Ваннага кираман, денгиз бўлади ҳаммаёқ!”

Сўнг улар барча нарсадан зериккандек масхара-лашдан ҳам чарчайдилар тез. Ва ҳаммаси ўз мақсади томон одимлайди. Телефон, қиз ва муздай сув.

Сув қани, қани? Наҳот шунча сувни ер ютган бўлса?

Орол, ким бағринг ёрган бўлса, ўзим жазолайман, ернинг ёригини мен ямайман, фақат менга талабаларимни топиб бер, сенга сувни қайтараман!

Орол суви тошади.

Оролни қаранглар, баликларнинг катталигини... Сув қайтибди, сулувлар!

Уф-ф, тезроқ келса эди эрига тўймаган аёл!

Устимдан совук сув сепишади, ёғли қўллари билан шапатилайдилар, уйғонмайман. Қайт қиламан очлик ва жирканч муҳитдан.

Сув бетида ёғ расм чизади. Орол пайдо бўлади кўзларимда, ёғли қўллар ясаган орол!

Денгизнинг муздек сувида чўмиламан. Нахот шундай катта бойликдан маҳрум бўлганмиз...

Чўзиламан сувга.

Оғзимни тузга тўлдираман, сўнг жавоҳирларни йўқотиб қўйишдан қўрққан сайёҳдек ютаман ютокиб. Денгизга ташлайман бор ҳасратимни. Тошлар отаман ўзим ета олмаган тубига, сўнг балиқларни чақираман.

– Оролни қайтаринглар, балиқлар...

Сўзим ўзимга акс-садо бўлиб қайтади: “Оролни қайтаринглар, наҳанглар!”

Тўхтамайди акс-садо.

Кумга йиқиламан.

Денгиз чайқалиб, оёқларимни ювади. Нега шўр бунча, сассик... ёқимсиз ҳовур, худди нафрат этганидан Орол бобо оёқларимга пешоб ағдараётгандай.

Мен тўлқинлардан етмиш талабани дараклайман.

Жим.

Сахрога айланади сўзларим.

Сўкаман. Орол тўлғанади ҳақоратимдан.

Денгиз нимага керак тўлқин ҳовурини унутган халққа.

– Нахот, шунча одам ташлаб кетган бу юртни, сен ҳам тарк этсанг? Денгиз дегани одам эмас-ку, туғилган жойида тошмайдимиз у?

– Юзингга тупуриш учун қолишим мумкин.

– Кури, кет, бўлак саволим йўқ, Орол бобо!

– Қачон қайтишимни сўрамайсанми?

– Биз ўзликка қайтсак, сен ҳам қайтасан. Аммо йўлни сира қўрмайман.

То Ой чиккунча шу ерда қоламан, йўл қидираман ўзликка.

Денгиз тўлғанади... Шунда уларни кўраман, ана ойдинлар.

Ортидан чопаман. Ҳой, барака топкурлар, тўхтанглар!

Улар Оролга қараб бақиради, Оролга қараб бир-бирига ахднома ўқийди:

– Дунё билсин туркистонлик талабалар ҳам ҳеч кимдан қолишмаслигини, фикрли, ихтирочи, улар ҳам илмсевар эканлигин англасин!

– Биз шундай ўқийликки, тимсолимизда енгиб бўлмас миллат иродаси, шижоати, кураш ва зехния-ти аниқ-тиниқ кўриниб турсин. Биз шундай ўқийликки, эртага ортимиздан минглаб болалар бошини тик кўтариб ўқиш учун Олмонияга келсин ва Туркистон ихтиролари дунёни тутсин! Биз шундай ўқийликки, бир кун келиб Ватанимиз Оврўпа мамлакатлари билан бўйлашсин, одамларимиз оврўпаликлар каби фаровон ва озод яшасин! Биз шундай ўқийликки, Аллоҳ биздан рози бўлсин! Биз шундай ўқийликки, юз йиллардан сўнг эмас, бугун миллатим тараққий этсин, бугун хурликка етсин, бугун инсонларнинг қорни тўйсин, бугун дунё танисин! Биз шундай ўқийликки, дунёни бизнинг маърифат ўзгартирсин!”

Бу гаплардан Орол тошади ва уларни ўзи билан олиб кетади.

Кўринмай кетди тўлқинлар ортидаги тўлқинлар.

– Мени ҳам ютиб кет, Орол! – дейман хайқариб.

– Ҳазар қиламан сенлардан. Ўлигингни ҳам кўрмай деб чўкиб боряпман ўзимга ўзим.

Шу сўзни айтади-ю, бирдан Орол қурий бошлайди.

Талабалар ортидан чўкиб боради ўзига ўзи.

Балғамлар сузади, Орол тонади ўз она тузидан.

Талабаларимни қайтар!

Орол эса кўзимга тупуради – кум сочади.

Шу ерда йиқиламан.

Орол эмас, биз қуриб борамиз.

Тўнғич амаким телефон қилиб уйғотиб юборади,  
гойиб бўлади қуриган Орол.

– Бобонг сенга ташлаб кетган қўйларни ҳалолладик. Жигари қуртлаб кетган экан, сўйиб олдим. Пулини келсанг, қўлингга бераман, жиян...

– Йўқ, пулни эмас, ўша қуртлаган жигарларни бир челақка солиб жўнатинг.

– Нима, менга ишонмаяпсанми? Дарё бўйидаги ажриқлар қуртлаган экан, қўйлар ундан ебди, ҳаром билиб кучукка ташладим.

– Итга раҳмингиз келмадими?

– Ўчир овозингни. Нимага гарангсирайсан? Ҳали ҳам ухлаб ётибсанми? Бу туришда қачон катта одам бўласан. Туманга ҳоким бўлиб келишинг керак. Мен ҳам орқаларингдан керилай!

– Мени ҳам кучукка ташланг, ака...

– Ичганмисан?..

– Туш кўраётгандим, бузиб юбордингиз. Балки, Оролни кўндирган бўлардим.

– Нимага?

– Қайтишга!

– Тушингда қайтади. Эсингни йиғ, энди бобонг ташлаб кетган қўйларинг ҳам йўқ... ишла... нон топ!

– Орол талабаларни ютиб кетди. Мени олмади бағрига.

– Уйлан, жиян, мана шу пулга. Хотинни хоҳлаган пайт бағрингга тортишинг мумкин.

– Сиздан бошқа ҳамма эрлар шундай қилади.

– Ўчир овозингни, бетарбия!

– Пулларни жўнатинг, тўнғичим.



– Ишлатиб кўясан...  
 – Йўқ, уйланаман...  
 – Кимга...  
 – Лолага.  
 – Қассобнинг қизигами? Берлинда ўқир эди-ку, сенга тегармикан?

– Хуржунга солиб олиб келаман...  
 – Жонинг бор, жиян! Амакингга ўхшайсан-да.  
 – Қанийди сизга ўхшасам-у, етмиш йил тинч яшаб, эшаккуртларга ем қилсам қўй билан семиртирган қорнимни.

– Тўғри гапир, шеърга солмай. Қорнимга бир сен эмас ҳавас қилган, савлат-а, зангар. Қорним сабаб пойтахтга борсам, ҳеч ким тўхтатмайди. Ориқ одамни бирдан қишлоқи, ҳуқуқсиз, берўйхат юрган деб қамаб кўяди миршаблар. Ориқ одамнинг ориқ қўйда нархи ер. Ҳа, шаҳарда қўйнинг пулини еб битирмай, кел, тўй қиласан!

– Ҳа, хотин оламан... Пулни жўнатинг.  
 – Хўп. Бобонг сенга қолдирган. Нима қилсанг, ўзинг биласан, мен сенга маслаҳат бердим.  
 – Етмишта қуртлаган жигарни еб ўлиб қолманг, амаки...

Амаким каловланиб қолади. Қўйларни ўзлаштиргани аниқ. Аммо шу тўрт оёқли аҳмоқлар учун жигаринг билан гаплашаётган он телефонда бақирининг, туфлашинг – аҳмоқлик.

Мен учун ҳали ўз жигарларим омон, қуриб битмади.

Берлинга бориб-келишга етмиш қўйнинг пули етади.

Орол талабаларни текинга нариги қирғоққа ўтказиб кўйди, мени истамади. Ҳечкиси йўқ. Қуриган кўк-сида бир ориқ пашша каби учиб ўтаман.

\*

Лолани тинглаяпманми ё Берлинни, билмайман.

Иккови уйғун бир куйга айланади.

Олам ҳаракатдан тинган, фақат биз ва куй!

Мен Берлиндаман.

“Қандай яхши севаман!” – деб пичирлаб айтсанг ҳам эшитади энди севгилинг!

Гўёки мастман, куламан, куламан, ўйнайман... Лола эса мени кўриб хайрон боқади, Берлин эса жиддий...

Ғалати, танимаган, ҳеч қачон кўрмаган одамнинг кучоғига тушиб қолгандек питирлайди. Худди мен уни биринчи марта деворга тақаб титратгандай, илк бора ўпаётгандай.

Табассум муҳаббат билан зўр газак бўлади.

Дунёни поклайди.

Дунёни безайди.

Дунёнинг камини беркитади муҳаббат.

Аллоҳ яхшиямки сени яратган, бўлмаса бир зикна ва худбин бой каби муҳаббатсиз кўмилиб кетардим. Эшаккуртларга танамни созлаб. Ер мени уларга шундай текинга исроф этарди.

Сочларини силайман, тарайман, киприклар орасига беркинган кўзларни излайман, ўпаман.

Киприклар қаршилиқ қилади, юзимга қадалади, қалбимни супуради, Берлинни тозалаймиз тоза изҳорлар билан, ўпичлар билан!

Титраймиз, титрайди киприклар, худди титраётган Берлин каби.

Момом, бобом ёдимга келади, сўнг узук-юлук, кискартирилган бахтиёр онларим...

Бахтни кўпдан бери эсламагандим. Муҳаббат ой-наси тиник, бирига боқсанг, минг биттасига нури тушади.

Лола келишим тушига ҳам кирмаганини айтди.

– Тушларинг ҳамон совет қонунларига бўйсунар экан. Чет элга чиқиш мумкин эмас, ҳатто хаёлан ҳам.

– Ростдан, тушларим чегарамдан чиқмайди.

– Қойил, тушларингда хеч мен билан ўпишдингми?

– Эй, кўйсанг-чи?

– Ишонмайман, мен эса неча бор сен билан тонг оттирганман. Ҳар бир давлатга визасиз кира оламан. Берлинга билмадим нечанчи бор тушда келишим. Мингдан ҳам кўп чиқар...

– Йўғ-е, – деди ишвали кулганча ўнг кўзини нозли кисиб.

– Ҳа, мен бу ерга сен учун, тушларим ва ўша етмишта талаба учун келганман. Уларни кидириб топишим ва ичимдаги ўйлардан кутулишим керак. Лаънатдан ҳам...

– Ҳали ҳам шуларни ўйлаб юрибсанми?

– Бир асрдан бери.

– Ҳеч тузалмайсан!

– Туғма. Даво йўқ. Балки, Берлинда чора бордир тушларга ҳам. Кел, аввал сени ва Берлинни кўпроқ тинглашни истайман.

– Берлинни қандай эшитиш мумкин?

– Нима? Сен эшитмадингми ҳали? Ишонмайман, кулоқларинг гарангмасми? Мен кар қизга уйланмаяпманми?

– Йўқ! Лекин қандай қилиб Берлинни тинглаш мумкин, шовкинни айтмаётгандирсан? У бирам жонимга тегиб кетган.

– Одамлар ташвишлари ва яқинларининг гапинигина эшитади. Ҳар куни тупроғини босиб ўтадиган шаҳар эса зорланганча қолаверади. Мен бирор тарихий шаҳарни шунчаки айлана олмайман. Тинглашни истайман. Шаҳарнинг ҳасрати мўл... кулоқ ёпиб бўлмайди. Ер шивирлайди, осмон гумбурлайди, минг йиллик тупроқ ўзини босмиш излар оғриғидай сўзлайди. Кулоқ тут, оч кулоқларингни. Ана, ана... тўплар гумбурлаши, суворий отларнинг аччиқ кишнаши, ўқлар, милтиқлар, рус танклари ва кўз ёшлар... Тинглаяпсанми?

– Йў-ў-ўк, – эркаланиб бошка мавзуга ўтишимни кутади Лола.

– Ерга кулок бос... Қара қандай халқ излари. Миллатчи эмас-ку бари немислар, тўғрими? Бу советлар ваҳимаси, биз тарафларга кўп сачраган. Ерга кулок тут, уялма! Мен одамларга қилиқларим ёқиш ё ёқмаслик ҳақида ўйламайман. Чунки бу менинг ҳисларим ифодаси. Ҳар бир шаҳарнинг ўз афсонаси, минг йиллар давомида тингланётган куйи борлиги ва буни эшитган миллионлар сафига сен ҳам қўшилишинг қандай бахт. Мен бирор одамга қилган ишларим ҳақида ҳисоб бермаганман. Хижолат ҳам бўлмаганман. Бугун ҳам сендан сира тортинмайман. Сакрайман, бошимни эгаман, тинглайман, куламан, бақириб хахолайман. Эшитяпсанми?

– Йўк!

– Берлин ҳайкиряпти...

– Йўк...

– Берлин йиғляпти...

– Йўк.

– Берлин куляпти... Эшитдингми?

– Ҳа...

– Жоним менинг.

Бизда ранглар иссиқ, бизда тафтлар оловли.

Қуёшимиз каби, одамлар каби, туйғулар ҳам, муҳаббат ҳам серхаяжон ва ёруғ... Бизда анъаналар ўтли. Ҳатто яшашни, фикрларни бошқаради урф-одатлар.

Дин ҳам, дунё ҳам, қонунлар ҳам эмас, анъаналар устунлик қилиб кетган.

Иссиқ анъаналар ҳукмрон иссиқ мамлакатда.

Берлин анъаналарини билишни истайман. Қулок осаман, бақироқ чол ўз неварасини сўкади, уят сўз билан, беписанд, сўнг эркалайди меҳри жўшиб. Бобомни эслатади. Дунёдаги барча қариялар, ҳатто бирорта ҳам

фарзанд кўрмаганлари ҳам, ёнидан невараси билан юрган қарияга ҳавас билан бокса керак. Мен улар нигоҳида умид ва афсуснинг сўлғин рангларини кўрдим.

Юзини уч хил: қизил, сарик ва яшил рангга бўяб олган йигит ўз футбол жамоасини қаттиқ севишини айтиб берарди. Футболчиларнинг лоақал бирортаси уни танимаслиги, оч мухлисликдан бирор манфаат топмаслиги аниқ. Аммо миллионлаб чин ишқибозлар орасида борлигидан бахтиёрлик туя олади. Қизлар, пиво ва мотопойгалар эмас, айнан ўша футболчилар муҳим унинг ҳаётига. Ўз севгисини ҳам ўйинга қурбон қилишга тайёр. Иккиланмай, ўйланмай, унинг учун муҳаббат футболсиз тўрли қафасдир.

Кўчаларда турли тилларда қўшиқлар янграйди.

Ёзувлар ва унинг ортидаги одамларнинг шанғиллаши, реклама баннерларнинг турли шевадаги лаҳжалари кулокка урилади.

Қуйилаётган куйга бир улуш бўласан.

Азон товуши масжидга, қўнғироклар эса черковга чорлаб турибди.

Тиловат янграйди. Жимлик излайди юрагинг!

Биз худди болаликдаги каби тинмай санғидик. Яйрадик, шодландик... Фақат бу ер бизнинг қизғиш тупроқ эмас, Берлин.

Ёнимдаги қиз эса ўша ҳуркак, қалин ўсма қўйган кишлоқи эмас, мағрур хилқат.

Аммо менга Берлинда талабалар етишмасди.

Соғиндим.

Германия мени уларга янада яқинлаштирган, аммо уларга дуч келмаётганимдан ичим куйиб-ёнарди.

\*

– Ҳозир шу ерда ағанаб тушасан! – деди Лола.

Аҳмоқона илжайдим. Ёш боладай қўлини бўшатгим келмасди. Лола мени институт меҳмонхонасига жойлаштирганди. У талабалар ётоқхонаси билан ён-

ма-ён экан.

– Тўйиб ухлаб ол!

– Мен ухлаб бўлганман. Яшашни истайман. Талабаларни излаб топсам эди. Кейин сен билан бахтли...

– Нега бунча куласан-а?

– Ярашмаяптими?

– Ҳа.

– Аввал ҳам шундай эдим.

– Бола эдинг. Тўғри келарди, энди улғайгансан...

– Нима?

– Кўп куласан.

– Ҳаддан ташқари. Ҳаётга кулги етмагани учундир, балки... Дунёда одамлар азобга кўпроқ маҳкум этилганидандир, тўғриси, билмайман. Кўз ёшим Орол денгизи каби қуриган. Кулгилар туйғуларимни изҳор қилиш учун исроф этилади доим! Лекин ҳозирги ҳисларим бари чин, юракдан, йиғи аралашмаган, ишон, бир қошиқ ҳам қўшмадим. Сени севдим ва барчасини шунга алмашдим. Энди уйғоқ яшашни истайман. Кўзларим ҳеч қачон юмилмаса, юммасам. Аммо уч кунга бормай ситилдим, титилдим. Қара, инсон нақадар ожиз, уйқунинг ўрнини босадиган бирор дори кашф этилмаган. Иддаолари эса бу коинотга торлик қилади.

У индамай қўлини кафтларим орасидан оҳиста тортиб олади. Сўнг нозик бармоқларини силқийди, энгил, овозсиз хайрлашади.

Кетди!

Ёлғиз қолдим.

Негадир шу онда талабалар ёдимга тушди ва Ванга хоинлик қилаётган одамнинг кўзига ноҳос онаси мўлтираб кўрингандай сесканиб кетдим.

Ётоқхона мудираси пайдо бўлди. Кўзларидан бахтсизликка ботгани сезилиб турарди. Аммо ўзини жаҳлдор кўрсатишга уста. Бундай аёллар бизда жуда кўп! Унга кулдим, у дарғазаб бўлди. Қоидаларни қайта-қайта тушунтирди. “Хўп” десам ҳам, менга шубҳали кўз

билан қарашда давом этди. Сўнг чидай олмай ортимдан нималарнидир жавради. Шундай дағал гапирардики, камокхонага тушгандек бўлдим. Унга яна табассум қилдим. У ковоғини солди, мен эса кулдим.

Хонага кирдим, эшикни кулфладим. Бека кириб, яна ваъз ўқишидан хавфсирадим.

Оёқларим янги туғилган кўзичокникидай бир жойда турмас, титрарди. Кўзларим киртайган, қўлларим кўтарилмайди – мадор йўқ.

Бир амаллаб ювиниш хонасига кирдим, муздай сувга чўмилдим. Сувнинг баданимдаги томчиларини томоша қилиб, аввал Лола, сўнг Орол денгизи ёдимга келди. Орол каби йўқликка сингиб кетган йигитларни топа олармиканман?

Ҳамхоналарим устидан қуйилаётган сув каби хаёлимга оқиб киради.

Қоравой ҳамон оқариш учун чўмилаётган бўлса керак.

Телефончи эса ўйиннинг иккинчи босқичига ўтган, банд.

Қизтака яна гуноҳ қияпти эри ўлган бир аёл билан.

Биз кўп ухлаб, тиниқиб, кучга тўлиб, уйкудан турамиз, албатта, яна ухлаш учун!

Сув шариллайди. Танамда сочилаётган саноксиз томчилар тозалайди вужудни. Лекин жўмрақдан отилаётган ҳар бир зарра менга уларни эслатарди. Шу онда ўзимни сира кечириб бўлмайдиган, тушуниш мумкин бўлмаган даражада кўрқоқ ва ожиз эканлигимни англайман. Бу менга дунёдаги энг катта гуноҳдек туюлади. Кўрқоқлик кечириб бўлмайдиган жирканч иш.

Сувдан тоза бўламан сувни булғаб.

Мен ўзимни уйсиз, ўтмишсиз ва келажаксиз қолган қария сингари ҳис қиламан. Фақат ўлим ҳақида

ўйлайдиган, қон босими кундан-кунга дорилар билан босилмай бораётган, дунё янгилангани, ўзи эса ёлғон сиёсатга кул бўлганини анча кеч сезган иймонсиз одам сингари...

Мен чўмилмаяпманми, булғаняпманми... ўзимни фош этипманми... сезмайман... Кўлидан бир иш келмайдиган одам каби ғарибман.

Инсонийликдан мутлақ кечишим ҳақида қасамёд қилишим қолгандек гўё.

Чўмилмаяпман, қирланяпман... ўзимнинг ахлатим оқаётган ариқдан қониб ичяпман. Жигарим қуришига хизмат қилиб...

Орол денгизининг қайтишини бутун умр кутган балиқчи чолнинг сўнги нигоҳидай ачинарли ҳаммаси. У кўзлари очик ҳолда, қуриган ариққа тушиб тамшаниб ўлгани аниқ.

Қизчалар мактабга кетишяпти.

Юзларига келиб урилаётган тузлар бир озгина вақт олдин денгиз остидаги жавоҳирлардан бўлганлигини билишмайди ҳам...

Тузлардан ёшланган кўзлар оғриғига ҳар тонг дон излашга кўниккан қушлар каби кўнган.

Туз билан туғишган, тузга кўмилади ва бир куни туз бўлиб ўз овулининг эшигига учиб боради.

Мен қизчалар билан ўйнаб, қумларга кавушим ботиб, мактабга бораман. Улар каби учаётган тузлардан “Она тили” дарслигимни юзимга босиб ўзимни асрайман. Кўзларимни ёпиб оламан... Аммо томчилар тўхтамайди, қизчалар йиғлайди... мен эса куламан.

Уларнинг гўзаллигини тузлар денгизи зўрлик билан тортиб олади.

Юзига ажинлар тўлади, аммо Орол тўлмайди.

Берлин ётоқхонасида бошимдан сув эмас, қум тушаётгандай баданим жимирлаб кетади. Қиқирлаб куламан... Оролдаги “Кемалар қабристонига” қараб



ўтирган бир кам юз ёшли чол хаёлимга келади... Мен ундан талабаларни кўрган ё кўрмаганини сўрайман... У қорайиб, буришиб ётган, чивинлар чакиб қирмизи яра босган танасини арчиб қашиганча мен излаётган одамлар Орол каби қуриганини айтади... Куламан... у эса қисик кўзларини олис-олисларга қадаб дейди.

– Эй шўртумшук, сенга Орол кўринмаяптими?

– Йўқ, – дейман.

Чол эса қикирлаб кулганча менга бакиради. Кулганда ажинлари юзида шундай йиғиладики, кўркиб кетаман, ундан кўра йиғлагани анча дуруст эди.

– Кўр! Баринг бир гўр, ўлимликни ҳам тутиб кела олмайсан.

Узоқ қарайман, ҳеч нима сезилмайди. Фақат одамлар кумларга қармоқ ташлаб тургандай. Қизлар китобларини бошларига қўндирганча мактабга шошилмоқда...

Сувдан чиқиб, артинмай ётаман. Ўрним нам бўлади, сочимдаги томчилар кўзларимни тўлдиради, аммо Орол тўлмайди, талабалар қайтмайди, ҳеч нима ўнгламайди...

Секин қуриган Орол ва меҳр-муҳаббат каби чойшабларим ҳам илий бошлайди. Аммо сира ухлагим келмади.

Анча вақт оёқларимни уқалаб, ҳар тарафга ағнаб ётдим. Сўнг киприқларим беихтиёр кишанланди, кўзларим юмилди. Аммо кулоқларим очик, бурга отишни мақсад қилган овчи каби сергак эди. Қандайдир бир овоз мени ухлатмасди, аммо нималигини билмасдим. Пича ўтгачгина пайқадим – сувнинг шариллаши. Очик қолибди. Эрталабгача оқиб ётадимми? Туришим керак. Кўзларимга кучим етмайди, мадор йўқ. Қани, ўринга ётишинг билан қулоғинг пардалари ҳам театр зарпардалари каби ёпилса... Эшитгинг келмаган онларда ҳеч нимани илғамасанг, тингламасанг... Дунё бақирса ҳам, олам чорласа ҳам, турмасанг, худди минглаб Ватан-

дошларинг каби мудрасанг, ҳаракат килсанг...

Турдим. Шунда қаршимда бир одам турганини пайқадим. Қотиб қолдик иккимиз ҳам.

Ким у?

Сўнг кулиб юбордим, кулавердим, бақириб-бақириб...

Мен кўрдим, кўряпман уларни, Ўзингга шукурлар бўлсин, эй Худо.

Ҳа, қаршимда ХХ асрнинг 20-йилларида Берлинда ўқиган талабаларнинг сардори, биринчи ўзбек агрономи Абдуваҳоб Муродийнинг шахсан ўзи турарди.

Тирик ва тик!

\*

Бобомни кўпчилик тарихни бўрттиришда айбларди.

Унинг катта ўқувчилари бугун эллиқдан ошган, беиш, ғийбат қилишдан бошқага ярамайдиган махлуқларга айланишган. Улар кўзларини булғаетган пашшани қувониб ҳайдаркан: “Тарихни эртакка буриб ўқитарди бобонг”, – дерди мазах қилиб.

“Агар бобом эшитса, шолворингни тагини қизартириб кўяди, худди ўша пайтдагидай”, – деб сўкинаман.

– Жон деб қайтган бўлардим. Бобонг ҳақиқатан кўп ургич эди, кўрқардик. Лекин тарихни эртак сингари айтиб берган, калла йўқ эди.

Улар тарихни қайдан билсин, тарих – ўтган вақтлар эмас, келажак эмас, ҳозирнинг ўзи... Тарих – биз, сен, мен ва шу сиёсат. Мана бу боғлар, бийдай чўллардаги сирлар ва мана бугун яшаётган ҳаётимиз. Қора, оқ, сариқ қўйларимиз... Аммо улар буни билишмайди. Тарих булар учун ўтмиш, келажак эса қабрدير.

Замон олов эди, текканни куйдиради.

Бобом эртакка улаб, Темур ҳаётидан бошлаб юборган: “Юртга келган саккиз каллали аждаҳога фақат Те-

мур бас келибди. У ишчилар синфидан чиққан, чўпоннинг ёлғиз боласи эди. Темур йигирма етти оламни озод айлади. Оврўпани ҳам одам қилди. Кунларнинг бирида душманлари Боязид иниси билан орани бузибди. Икки турк душман бўлибди. Ака-ука уришгани – туркнинг ўлгани.

Оқибати ёмон, жуда ёмон бўлибди. Қон-қариндошлар бир-бирини ўлдирибдилар. Шундан бери Анқаранинг олмалари уятдан қизариб эгилиб пишармиш, Самарқандда куёш ҳар тун тўмрайиб ботармиш. Лекин болаларим, бу шоҳ Темур эмас, у муштумзўр бўлган-ку!”

Туркистон тарихига Темурсиз қараш коптоксий футбол ўйнашдек гап.

Бобом шунинг учун эртақчи бўлган, виждонини сотмаган.

Ўзгача гап қилиб бўлармиди, ахир советлар Темурни фақат қотиллигини намоёйиш этишарди.

Бобом тарихни менга ҳам шундай тушунтирган. Унинг ҳар бир айтганида ўтмиш бугунга кўчарди. Эртақнинг изини қишлоқдан, тумандан, Темурдан қидирардим. Бобом учун Бастилия нечанчи йил ва қайси санада қулагани эмас, французларга бу нима берганлиги муҳим эди. Биз шу ҳақда гурунглашардик.

“Иккита дев тўкнашди. Бири: “Мен олий иркман”, – деди. Иккинчиси ҳам ичида шундай деб ўйларди. Натижада яна уруш бошланди. Оддий халқ қирилди. Тфу, олий ирқларингга, хотинчалишлар!

Тарих бу отанг! У ўлган бўлса ҳам, тарих ўлмайди!  
Тарих одамларда яшайди”.

Бир неча йилдан буён немис аёли менга хат ёзармиш. Жавоб хатларим эса унга етиб бормас экан.

Ғалати томони, хатнинг сўнгида қолдирган йиллар. Мактублар бундан саксон-саксон беш йил олдин ёзилган. Мен унинг ҳамон тириклигига ишонаман.

Излаб топишга уринаман.

Кимгадир ўхшатган бўлиши мумкин-ку.

Мени ўша талабалардан бири деб ўйлаётгани аниқ...

Хатлари соғинч ва хавотирга тўла...

Севилган талабага ҳасадинг келади.

Мактуб.

“Қай кун қайтишингни аниқ билмай, ҳар тонг йўл пойлаймиз. Берлин халқаро вокзалига чиқиб сени қаршилаш ҳақида соатлаб қизинг билан бош қотирамиз, орзулар қиламиз.

Қизалоқ бирам зехнлики, сен ҳақингда юракни эзадиган ортиқча савол бермайди ҳам!

У ҳозирнинг ўзида Шопеннинг<sup>7</sup> бир нечта увертюраларини ўрганиб олди. Устози ҳам бунинг истеъдодидан хайратда. Келишингга Шубертдан<sup>8</sup> ҳам бир нималар тайёрлаб қўйибди. Менга чалиб бермади, кутилмаган совға бўларкан.

Аммо вужудимни борган сари ваҳималар қуршаб олмақда. Газеталар сизнинг мамлакат ҳақида турли гап-сўзларни эълон қилмоқда.

Хавотирдаман, ҳаётим, жоним, азизим!

Қайтишингга йўл қўйиб берганим – бу менинг кечириб бўлмас хатом.

Қай йўл билан бўлса-да, оёқ-қўлларингга ёпишиб,

---

<sup>7</sup> Фредерик Франсуа Шопен (1810 – 1849) – дунёга машҳур поляк композитори. Унинг юксак истеъдод, назик дид ва теранлик билан яратган мусиқий асарлари дунё санъатининг нодир намуналаридан ҳисобланади. У ўзининг қисқа умрида пианист-виртуоз, педагоглик фаолияти билан ҳам шуғулланган. Польша миллий мусиқа санъатининг мактабини яратган.

<sup>8</sup> Франс Петр Шуберт (1797, Лихтентал – 1828, Вена) – австриялик машҳур композитор. Мусиқий романтизмнинг илк намояндаларидан бири сифатида довруқ қозонган. Қўшиқ, симфония ва фортепиано миниатюраларининг янги романтик турини яратган. Мусиқий асарлари содда ва халқчиллиги, оҳангдорлик ва лиризмга бойлиги билан ажралиб туради. Шуберт романс жанрига алоҳида аҳамият берган, Гёте, Шиллер, Гейне шеърларига мусиқалар ишлаган.

Йиқилиб-ёлвориб сени олиб қолишим керак эди. Худо кўрсатмасин, мабодо сенга бирор қор-қол бўлса, буни ўйлашга ҳам қўрқаман, мен ўзимни асло кечирмайман.

Қизим, ёлғизгинам бўлмаганда аллақачон бир ба-  
лога йўлиқардим. Боламнинг келажаги ҳақидаги ўйлар  
ва қайтиб келишингга бўлган умид мени тик ушлаб ту-  
рибди, холос.

Манзилимиз ҳамон ўша, келишингдан бир ой ол-  
дин хабар бер, телеграмма жўнатсанг бўлади-ку, ши-  
рин қизимиз билан бирга кутиб олгани чиқамиз. Ахир,  
биз буни кўпдан бери режа қиляпмиз.

Сенга жўнатаётган сурат ҳақида. Қизимнинг кўл-  
ларини тутган жаноб Томас Брукхаузен, пианиночи  
устози.

Суратга чиройли тушишган-а?

Азизанг А. С.

1937 йил. Берлин”.

Тўсатдан бу хатларни Лола ўқиб қолса, жуда кулги-  
ли ҳолга тушиб қолардим. Мени соғиниб ўлаётган бир  
аёл борлиги, қўлида мусиқага меҳр қўйган қизалоғим  
тарбия топаётганини эшитиб даҳшатда қолган бўлар-  
ди бечора.

Лола тарихга қўйлардан бироз кўпроқ, бобомдан  
эса камроқ қизиқади.

Урушга кетган ўн саккиз ёшли ўғлидан хат кутаёт-  
ган она.

Менинг етмишта ўғлим бор. Улар Олмонияга  
урушганимас, ўқиш учун кетган.

Урушга борганлар қаҳрамон бўлди, ўқишга бор-  
ганлар эса “халқ душмани”.

“Уруш йиллари қотган нонга зор бўлдик, – дерди  
уруш кўриб-кўрмаган, саксонга кириб-кирмаган чол-  
лар. – Брежневни тавоф қилсам арзийди, нонни текин

қилди, баччағар. “Коммунизмга қачон етамиз-ов?!” – деб ётардик, занғар, ўша пайт ўтиб кетган экан... билмаган эканмиз!”

Чолнинг оғзидаги қуйма тиши ерга тушади. Бир-икки пуфлаб яна оғзига солади. Милклари орасига кириб қолган қумлар унга яна ўша йилларнинг каттиқ нонини эслатиб азоб беради.

У шу оғриқлар билан кўмилади, ҳеч ким қуйма тишларини сўнгги бор тозаламайди.

“Урушга борганимда бунчалик азобланмаган бўлардим!”

“Йўқ, сен одам ўлдириш учун эмас, уларни асрамоқ учун туғилгансан!”

“Мен ўзимни асрай олмаяпман, бошқаларни айтасан!”

“Сен келажакка йўл кўрсатдинг. Сен – тарихсан!”

“Аммо онамни тириклайин ёқдим, у адо бўлди!”

Жим қоламан. Она меҳрини ўлчаш менга қолмаган.

Усиз катта бўлдим. Аммо етмишта онани танийман. Кўрганман, кулганман улар ҳасратидан. Болаларини тирик олиб келишга сўз берганман тушларимда. Албатта, гапимнинг устидан чиқишим керак. Бўлмаса, мен ҳам лаънатларга ботиб кетаман.

Хонадош телефонини ерга отди.

Енгилгани учун минг тўққиз юз ўн еттинчи марта. Сўнг бошини деворга урди, ёрди, топган фойдаси уйкучи қўшнилари безовта қилгани бўлди.

Қоравой эса ваннада. Бир кунда тўққиз соат чўмилишга ўтди. Эрталаб, қоқ тушда ва ярим тунда уч соатдан ювинади, баданига мойлар суркайди. Бу кетишда у терисини пичоқ билан ўзи шилиб олади.

Қизтака ўзининг ночор ва оч қолганлигини айтиб, насияга келиб кетиши учун фоҳишага ялинади.

Мудрайман, ухлайман турмаслик ва яна қайта уй-

гонмаслик учун.

“Неча марта айтай, мана аудио, хоҳлаганингча, қайта-қайта эшитавер, жўра. Алахсираб, нималар деб чиққанингни ёзиб олдим. Жиннимисан, нима бало? Шунчалар бўладими? Тезроқ докторга кўрин! Радиога ўхшаб тинмай гапириб чиқдинг. Тергов, талаба, миллат... Қаердаги алмисокдан қолган гапларни валдирадинг! Касалинг бизларга юкмаса бўлди, ишқилиб”.

Қизтака мендан пул умидвор, аммо кўйларимнинг жигари куриб ўлган, сариқ чақам қолмади. У гаплари бефойда кетаётганини билиб жаҳли чиқади, тепади ерни, сўнг менинг орқамдан ўкиради: “Тур, хой, мен сенга айтяпман. Нега бунча ётасан, касалинг бизларга юкмайдими? Қизлар чакирса, учиб кетасан-а? Бизларга гапиргинг ҳам келмайди!”

Кўзларимни очмай куламан. Ажабланиб, нари кетади. Қани юкса, дахшатли вирус каби тез. Одамлар ҳеч бўлмаса, тушларида ўзини ва тарихини билиб оларди.

Телефоним бакиради. Катта амаким ҳам бақира кетади, ичган. Ҳатто тўрт юз километрдан оғзи ҳидлангани билиниб туради: “Эй, менга қара, нима бўляпти сенга, қанча пул керак, мана мен бераман, кўй санғишни! Ундан кўра кўй-кўзилар ҳақида шеър ёзиб юр анави шоирваччаларга ўхшаб! Бизлар ҳам тинч юрардик. Ёки бозордан бирор дўкон оч. Тирикчилик қил, ҳамма бозорда-ю ҳозир... Ё тезроқ ҳоким бўл. Китобингни ким ўқийди, одамларнинг қорни тўймапти-ку, жиян. Биров ҳозир тарих ўқийдими?”

Амакимнинг овозини ўчираман.

Телефонни отаман.

Ох, уйқу уйқуни севади.

Момом келиб оғзимга қип-қизил қалампир солади,

бутунлигича ютиб юбораман. Жуда аччик, ловиллайди оғзим. Аммо кўпроқ момом ёнимда қолсин деб, чидайман... бутун танам титилиб кетгунича.

Мен энг ёмон кўрадиган кўзойнакли отинойи пайдо бўлади. Қайси каналга қараманг ўзлари, насихат қилгани-қилган. Қочаман, аммо ортимдан қолмайди. Отинойи шалваримдан тортади. Куламан: “Уят-эй, сизга, отинойи!” Анордай қизаради. Аммо ҳар доим ҳам қизарган одамни уялган деб бўлмайди. Ҳирсдан ҳам, нафс, қўрқув ва хоинликдан ҳам юзи лоларанг бўлиши мумкин.

Насихат ўқиди ётқизиб. Унинг иссиқ нондай қизариб, шишиб турган юзларида дунёнинг харитасини кўраман. Машҳур отинойи худди ёш боладай мени эркалай кетади. Бошида барчаси меҳр эди, сўнг хирс билан ташланди.

Ҳар куни телевизорда одобнома ўқиётган хотин билан... бироз хижолат тортаман. Қилиқларини қаранг. Аммо барибир насихат қилади. Гапларини эшитмаслик учун ҳар нарсага тайёрман, хатто ҳаддан ташқари қизилланган лабларини лабларим билан тўсишга ҳам. Фақат ундан ортиғини эмас.

У насихат ўқимоқчи... Мен эса куламан. У ўзини таҳқирланган каби сезиб жиддийлашади. Кейин кўзларини ғалати ўйнатганча рўмолини ўраб нари кетади. Эртага у яна бутун миллатга насихатга тўла қучоғини очади, менга очгандек!

Қоравой ҳамон чўмилади.

Қизтака кўзойнакли отинойининг рақамини излайди: “Кечирасиз, рақамини беринг”. Кўзларидан ташналиги билиниб турибди меҳр-муҳаббатга!

Телефончи телефонини ўпади, силайди, пешонасига қўйганча бир дақиқагина ухлайди, сўнг яна ўйин ва интернет денгизига шўнғийди.



Қобирғаларим шақиллайди.  
 Очман. Аммо барига уйку чора.  
 У менга талабаларни чақириб беради.

\*

Ётоқхонадаман, Берлинда.

Умрида биринчи марта дунёдаги мавжуд товушларни эшитаётган боладек хаприқаман. Туш ё ўнгим – англамайман. Қаршимда бутун умр интилганим Олмониядаги туркистонлик талабаларнинг сардори Абдуваҳоб Муродий турарди.

Ҳар доимгидай фақат жилмайишим мумкин.

Сўнг у ҳам табассум қилди.

Мен яна кулдим.

Биз бир муддат шундай турдик.

– Ассалому алайкум! Кечирасиз, хонангизга берухсат кириб, безовта қилдим. Эшикни очик қолдирган экансиз!

– Йўк, қулфлагандим. Қанча кутдим... – ё тавба бошқа сўзга тилим айланмай тош қотдим. Танам музлаб кетди. Қўрқардим.

– Нима бўлди сизга? Рангингиз оқариб кетди. Мен миллатдошингиз, Тошкентда туғилганман, сизнинг Берлинга келганингизни эшитдим, суҳбат қуриш орзуси билан бир ғариб ўлароқ ёндим. Қай йўл билан келдингиз, Туркия биланми ё Ўрусия орқалими? Кемага чиқдингизми?

– Самолётда. Суратлардагидан кўра ёшроқ экансиз. Ўлмаганингизни билардим. Аммо ҳеч ким ишонмаган, ҳатто ўзим ҳам.

Ўша нигоҳлар, ўша кўзлар, қалин қошлар, кенг пешона, аниқ ўзи.

Қаршимда 1919 йили Афғонистон, Туркия орқали Германияга илк бор келиб ўқишни бошлаган ва кейинчалик бу ерда таҳсил олган талабаларнинг сардори,

биринчи ўзбек агрономи бўлган Абдувахоб Муродий турарди. Янглишишим мумкин эмас, ўзи. Унинг сура-тини неча ойлаб ёнимда олиб юрганман. Муродийнинг тергов хужжатлари ўзбек халқининг улуғ маърифат-парвар фарзанди Мунавварқори Абдурашидхоновнинг айблов жилдидан топилган. Унинг ичида ўзи араб ёзу-вида ёзган таржимаи ҳоли ҳам бор.

1930 йили ўз қўллари билан эски ўзбек ёзувида (атайлаб кўпчилик тушунмаслиги учун шу ёзувдан фойдаланган бўлиши керак. Аслида, рус ва немис тил-ларини мукамал биларди) ўзи ҳақидаги маълумотно-мани тўлдиради.

– Кечирасиз, сиз ўша пайт жуда пухталиқ қилган-сиз.

– Қачон?

– 1929 йилда, илк терговга чақиришганда.

– Ўйлантриб қўйдингиз, ҳозир 1924 йил!

– Ҳа, адаштирдим. Минг бора узр! Йиллар кет-ма-кетлигини чалкаштираман, ҳаётим ёлғон-яшиқ ва ҳақиқатни қориштирган мисол.

Нималар деяпман, ахир улар талаба! Ҳозир Герма-нияда терговга бало борми?

Улар ҳали кўриб улгурмаган ажални.

– Германияда ўқиган ўзбек ёшларининг сардори-сиз, тўғрими?

– Сардор эмас, шунчаки, улардан олдин келган бир ўзбек бўлиб йўл кўрсатиб тураман, холос.

– Етмиш талабани сиз кутиб олгансиз? Ўқишга жойлаштиргансиз қўлларидан етаклаб. Ҳеч нарсани билишмаган.

– Нимага экан? Маълум бир таълим босқичини ту-гатиб келишган. Мен кўмак бердим, холос. Бу менинг бурчим эди! Неча йилларки, Туркистондан юраги уй-ғоқ ёшлар келишига интизор яшадим. Кўп ўйлардим.

– XX аср бошида Оврўпа қандай жадаллаяпти-ю, биз қандай орқалаётганимиз ҳақидами? Чекасизми?

– Йўк.

– Йўғ-ей? Мен ҳам чекмайман. Ҳеч қачон чекиш ҳақида ўйламаганман. Ундан кўра бир бонка қатик ичганим яхши, шакар қўшиб. Тўғрими? Қатикни соғиндингизми?

– Ҳа, албатта!

– Маориф чиндан зўрми?

– Ҳайратланарли даражада.

– Болалар лол қолишгандир. Чиндан муштоқ кутдингиз-а уларни?

– Бўлмасам-чи? Миллат эртаси учун келишларини истадим. Чунки бир ўзим қоқоқлик ва мутелик томон оғиб кетаётган халқ оқимини тўсолмайман, маърифат томон бура олмайман. Бунинг учун минглаб билимли, илғор фикрлайдиган, оқимга қарши тура оладиган мард ёшлар керак эди.

– Жуда баландпарвоз гаплар. Баъзи ташкилотчи ёшларимиз ҳозир телевидениеда шундай нутқ ирод қилишга уста. Аммо бу сўзларни ким тилга олишига боғлиқ, шунга қараб мазмун беради. Уларники тилда, сизники эса етмиш икки томирингиздан сизиб чиқаётганига ишонаман. Бир мактубингиз менда бор. 1922 йили “Германиядан хат” номи остида “Қизил байроқ” газетасининг, адашмасам, 29 июль сониди босилган. Сиз “Кўмак” ташкилоти тузилганлиги билан барчани табриклар, Германияга талаба юборилишига умид қилгансиз.

– Ҳа, сиз шу мақолани ўқиганингиз учун мени танидингиз-а?!

– Йўк. Мен сизни олти ойлигимда таниганман. Ҳаётингизнинг икир-чикиригача ёддан биламан!

– Қизик? – менга ажабланиб қаради Муродий.

– Касбимиз шунақа...

– “Кулоқ” мисиз? – ғалати ижирғаниш билан жирканиб қаради у кулоқларимга.

Куламан, у ҳам қўшилади. Кулоқларимни бош бар-

моғим билан қайириб, қилиқ қиламан.

– Ҳа, жосусман. Фақат муҳаббат ва тарих ишини эплайман. Самарқанднинг бир хужрасида Абдулла Қодирийни сотган чол билан бир кун тунаб қолганман. У соқол олмасди. Тонгда ўрин-кўрпаси оппоқ жунга тўларди. Эрталабгача: “Воҳ-воҳ-эй”, – деб азобланганидан соч-соқолини юлиб, жазо берарди, аммо ўлмаяпти ҳали ҳам, аниқроғи ажал жирканиб қолгандек унинг жасадида.

Тўғри-да, етти авлодини куйдиргандан кўра ўзи ёниши тузук иш.

Тошкентнинг машҳур Самарқанд дарвозасида писта-бодом сотган ва гап ташиган. Унинг оппоқ соч-сақолини Регистонга сочиб ўйнардим. Мактаб болалари босиб ўтсин деб... Мен “қулоқ” эмасман, лекин кимлигимни ҳам билмайман. Қизил бобом қандай даҳшатли ишлар қилгани ҳам сир. Соқолимни кўлда юлмайман. Писта-бодом сотмайман... Икковини ҳам жуда ёмон кўраман, баданимга донача тошади.

– Мени кечиринг..

– “Кўмак” ташкилоти бўлмаганда талабалар Берлинга кела олмасмиди?

– Олмонияга талаба юбориш учун катта-кичик уюшмалар “Кўмак” ташкилотигача ҳам мавжуд эди. Аммо улар бирорта ҳам талабани Олмонияга юбора олишмади. Ночор ва қўли калта ташкилотлар ташки кучларнинг босими билан осонгина енгилдилар. Тўғри, “Жамияти хайрия”, “Имдод”, “Турк адам марказияти”, “Тарбияи атфол” кабилар Россия ва Туркияга бир қанча талабаларни юборишга эришган. Аммо, унутмангки, XX асрнинг бошида асосий таълим фақат Оврўпада. Минглаб японлар, руслар Берлинда таҳсил кўради-ю, нега Туркистон фарзандлари ўқимаслиги керак. Нега тоза сув билан эмас, кирланган оқавага чанқоқ босишимиз шарт? Шунинг учун 1922 йилнинг 2 майида “Кўмак” ташкилоти очилганлигини эшитиб,

чексиз шодландим ва тезда уларга хат ёздим. Мактубда талабаларни катта умид ва ишонч билан кутишимни билдирганман. Мана, Худога ёлвориб қилган илтижоларимиз ижобат бўлди. Бухоро ҳукумати ўз олтинларини аямади. Олти ой ўтар-ўтмас, етмишдан ортиқ талабани Берлинда кўрдим. Бунга миллатпарвар инсонлар ўз ором ва ҳаловатларидан кечиб эришдилар. Ҳатто улар миллат болалари учун тиламчилик ҳам қилишган! Бу таҳсинга лойиқ иш. Ажрини Аллоҳнинг ўзи бергай. Нима бўлганда ҳам, мақсаднинг аввалига эришдик. Бу катта ҳодиса, катта янгилик, миллатнинг эртанги куни учун қўйилган улуғ қадам.

– Улар ўзларига умуман бегона бўлган йигит-қизларнинг ўқиши учун уйма-уй юриб пул йиғишгани ҳозирги одамларимиз учун кулгили туюлади. Амакиларим буни эшитиб жинни бўлиб қолиши тайин. Чунки уларга етим қолган жиянини ўқитиш малол келади, қолганлар ўлиб кетганлари билан иши йўқ.

– Нега бегона бўларкан? Ахир биз бир миллат – бир оиланинг қора кўзларимиз-ку! Бу эл биров-бировига ёрдам керак бўлса, йўқ дейишдан номус киладиган эл. Қозоқ, қирғиз, ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ – бари бир онанинг фарзандлари каби, қонимиз ва суюгимиз Туркистон лойидан қорилган.

– Кечиринг, кўп гапларим чалкаш. Институтга ҳам ўнта кўйни сотиб кирганман.

– Бизга эса мингдан ошиқ қоракўл терилари ва қанча-қанча инсонларнинг захматлари сарф бўлди.

Қуламиз... Сўнг у жиддийлашади...

Муродий мени жосусликда гумон қилгани хаёлимдан кетмайди.

Мени унга “қулоқ”ликка таклиф қилган одам ҳақида гапириб бераман.

– Ростданми?

– Ҳа, у адашмасам, сизлардан бири деб ўйлади мени...

– Хўш, нима деди? Батафсил гапириб беринг, – дейди Муродий кўзларини катта-катта очиб.

– “Жуда юпун кийинибсиз”, – деб мулойим кулганча гап бошлади у. – Аксига олиб, хонам музлаб ётибди, ивирсиган. Фаррош кампирнинг олти ёшли невараси касал бўлиб қолган, шунга бир ҳафтадан бери ҳаммаёк ивирсиган, тагин совуқ”. Бу немис кампир жуда куюнчак-да, ҳар доим болам дейди, фарзандлари эса туғишгану шўрлик онага уларни боқишга ташлаб, ўзлари яна кайф-сафога жўнашган. Эҳ, шўрлик оналар-а! “Ташқарида ёмғир ёғяптими ёки аллақачон қорга айландими?” – деб сўради сўнг. Мен: “Қор аралаш ёмғир”, – дедим. У менга тасалли берган бўлди. “Куйинманг, ҳадемай уст-бошингиз куриб қолади. Унгача қаҳва ичмайсизми?” Мен: “Йўқ”, – дедим. У эса яна гапни айлантирди. “Чакки қиласиз. Сизга айтсам, турма бундан беш баттар совуқ, маҳбуслар илвираган кийимда ўтиришади! Аввал ишлаганман, маҳфий хизматга ўтишимдан олдин. Деярли ҳар куни музлаган жасадларни камералардан олиб чиқардик. Жуда оғир бўлиб кетишади. Жасад тугган қўлларим неча кун оғриқдан зирқираб юрарди. Албатта, турмага қараганда бу ер жаннат. Биламан, кийналиб ўқияпсизлар, очсиз, бунинг устига кишлик пальтонгизни ҳам сотибсиз, эшитдик. Қанчага пуллаганингизни айтайми, ё ким билан савдо қилганингизними? Хайрон бўлманг, шунақа кизикувчанман-да! Москвада ўқиб юрган пайтларимда онам тўқиб берган қалин жун шарфимни арзимаган чақага сотганман. Нон учун! Германиядаги талабалар ичида энг қашшоғи, қаровсизи, камтари ҳам ўзингиз экансиз. Бизнинг ҳукумат эса доим мазлумлар тарафида бўлиб, уларнинг жонига ора киради”. Шунда у стол устида газетага ўроғлик турган нарсага ишора қилиб, сўзида давом этди: “Бу пуллар сиз учун қўйилган, ҳа, сизники, ҳаммаси... Бундан ташқари, энди ҳар ойда турли йўллар билан биздан пул олиб турасиз... Тортинмай

олаверинг, олинг! Дўстларингиз буни икки дунёда ҳам сезмайди, мабодо акси бўлганда ҳам, мана шу совук милтиқ билан оғиз-бурун ўпишиб бутунлай жимликка кетадилар! Сиз кўрқманг, қиладиган ишингиз деярли йўқ. Уларнинг ўртасидаги гап-сўзларни етказиб турасиз, ҳеч кимга сездириб қўймайсиз. Сиздан бошқа ҳеч нима керак эмас. Дўстона иш бўлади, ҳаммаси совет давлатининг шонли келажаги учун!

Дўстингизнинг гапини бошқа биродарингизга, яъни менга етказасиз. Совет ҳукумати дўстларни кадрлайди, душманликни эса маслаҳат бермайди. Сиз талабалар билан доим биргасиз-ку, тўғрими? Бор-йўғи шу, эвазига эса ҳар ой пул олиб турасиз. Қишлик пальто олишга етадиган пул. Келишдиг-а, дўстим? Кўп ўйланмай, пулни чўнтакка солинг, бориб пальто олинг... Ўзингизга яхши бўлади, эртани ўйланг, севган қизингизни ҳам, у яшасин, яшайверсин-а!”

– Кейин нима бўлди? – тоқатсизланиб сўради Муродий.

– Шартта милтиғини олдим, ўзининг пешонасидан отиб ташладим. Ҳаммаёққа қон сачраб кетди. Кўзлари эса ёпилмади.

– Тушмиди?

– Ҳа, сиз нима деб ўйловдингиз?

– Ҳақиқат.

– Шундай бўла қолсин!

– Сиз кулишни яхши кўрасизми?

– Йиғлашни орзу қиламан.

– Халқимиз йиғига ҳаддан ташқари ўч.

– Нимасини айтасиз? Қандай қилиб йиғламайдиган қилса бўлади?

– Йиғламайдиган давлат бўлмайди. Тараққий этган ёки этмаган. Шу икки бўлакка ажралади, холос.

– Бизнинг давлат қачон азобли қашшоқликдан қутулади?

– Миллат учун яшайдиганлар кўпайса. Ҳар қан-

дай давлатнинг ривожланиши раҳбарга боғлиқ. Масалан, ўтган аср бошида (XIX аср назарда тутилмоқда) Япония ҳам ширин уйкуда эди. Хўш, кўзларини қандай очди? Ким очди? Туманни қандай тарқатди. Очлик, кўрқув ва ўлим ваҳимаси уларни сергаклантирди. Вақтида уйғониш керак, бўлмаса, мангу йўқ қилишади. Мудроқлик кетмайди. Бугун Япония Оврўпа билан тенгма-тенг, ҳатто улар билан баҳслашишга ҳам тайёр. XIX асрнинг учинчи чорагида мамлакат тахтига чиққан Мэдзе ўта маърифатпарвар ва келажакни кўра биладиган император эди. У япон халқининг эртасини ўйлаб, ҳар йили кўплаб ёшларни Олмонияга ўқишга жўнатди. Япон йигит-қизлари Оврўпа фан ва техникасини ўзлаштириши ва бекаму кўст ўқишлари учун маблағни аямади. Бироз вақт ўтиб, Япония ўзининг миллий инженерлари, кончилари, кимёгарлари, ихтирочилари, докторларига эга бўлди. Ҳатто бугунги кунга келиб улар баъзи соҳаларда ўз устозлари – немисларни ҳам ортда қолдирмоқда. Шунинг учун “ҳечдан кўра кеч” деганларидай Оврўпага ҳар йили кўпроқ талаба жўнатишимиз керак. Шунда биз ҳам тез орада Япония, Олмония сафида турамиз! Туркистон Япония билан беллаша оладиган бўлади. Энг даҳшатлиси, мудроқлик – ўлат бизни юз йиллардан сўнг ҳам Японияга маҳлиё қилиб қўйиши мумкин...

Уйқунинг энг улуғ чўққисига етмоқ истайди хонадошларим!

Одам бир ой, бир йил, ҳатто бир умр ҳеч нима қилмай яшаса ҳам бўларкан!

Мудраш менинг маълумотим, менинг касбим, шарифим. Ҳозир ухлаб турган бўлсанг ҳам, худди безгак тутгандай уйку тутади.

Қизтаканинг отаси мардикор. У не азобларда топиб, ўғлига жўнатган пулни қизларга сарф этади. Ҳатто шартнома пулини ҳам еб-ичиб юборди. Энди



хонада қизларни кутиш ва уларга ялиниш билан овра: “Илтимос, бир кел, ҳали катта одам бўлсам, сени, албатта, ишга оламан!”

Телефончи соат иккиларга бориб икки юзинчи марта кўнғироқ қилаётган отасининг телефонига нафратла жавоб беради:

– Болам, нимага жавоб бермайсан? Хавотирдан нима бўлсак бўлдик! Кўп ўқиганидан машина-пашина...

– Ўқиётгандим, ота!

– Узр, безовта қилдим. Онанг-да хавотирланганидан қалтироқ тутиб қолди, касали бор-ку!

У онасининг қандай касали борлигини эслолмади, бедаво дард бўлмаса, ўйлашга на ҳожат?

Онанинг мушукникидай мулойим овози эшитилди.

– Кўзичоғим, нега телефонинг: “Доирадан ташқарида”, – деяпти, ичим ёниб кетди, хавотирландик. Бугун момонг ўлди.

Отаси асабийлашиб телефони олиб қўяди:

– Аҳмоқ, болани ўқишдан чалғитиб нима қиласан, энангни қайтариб берармиди бу гўдак!..

– Момоси ўлди, ахир. Уни қандай яхши кўрарди, билсин дедим!

Телефончи момосини эслайди: сочи оппок, тиши куйма, қўллари қалтирайди, онасидай худди. кўзлари қисик, қоп-қора момо. Уни яхши кўриш тугул кўрқарди, ҳар сафар ўпганида юзимдан тишлаб олади деб хайқарди бир пайтлар. Кейин буткул эсдан чиқариб юборган. Ўзини эшитмаганга олгани яхши. Қайтариб бўлармиди тарихни, момони!

– Нима гап, дада?

– Тинчлик. Пулинг борми?

– Ҳа.

– Нега алдайсан?

– Озроқ ташланг.

– Шундай де, алдама. Ёлгон гапирсанг, қулоғингни чўзиб кўяман. Пластик карточканга ташлаб кўяман.

– Бўлди.

– Болам... момонг... – яна мушукдай овоз чиқаради она йиғлаб бўлгач. Ўғил эса ўчиради.

Хабар келди: “Сиз яна бойидингиз!”

“Тушдими пул?” – дея сўрамоқ учун отаси телефон килади, аммо ўғил кўтармайди. Яна интернетга чўқади. Тонг отгандагина ухлайди. Тушида момосини кимдир зўрлайди, у неvara бўлиб кутқариш ўрнига қочади. Кейин: “Бегоналарнинг ўрнига ўзим шу ишни қилсам бўларди”, – деб ўйлайди ва бақириб уйғониб кетади дахшатдан.

Қоровой эса ҳамон сувни шариллатиб чўмиляпти. Ҳозирча рангида қизариш пайдо бўлди, териси силликлашди, аммо оқармади.

– Жўражон, бир кунда олти марта чўмиляпман. Уч соатдан ҳар куни 18 соат сарф этмоқдаман. Оқармасам бўлмайди. Уйдан чиқмаяпман. Оқаришим керак, ўқишга шунинг учун кирганман, ахир, – сўнг йўталиб қолади. Аллақачон ўпкасини олдириб кўйди бечора.

Очлик ҳузурга айланади.

Соғинаман талабаларни.

Мен негадир Темурни ўйлайман. Унингсиз Ватан тарихи кемтик. Қурган биноларисиз ва тўккан қонларисиз ҳам, албатта...

Ичимга ойна тутиб тургандай Муродий ҳам Амир Темур ҳақида гапириб қолади.

– Яқинда Берлинда улуғ саркардага атаб катта деворий газета ишладик. Унда Амир Темур мақбараси қошида бош эгиб турган ёшлар тасвирланган. Сурат остига “Қачон қайтасиз, Темур бобо!” дея ёзиб кўйдик.

– О, мен бу ҳақда эшитганман. “Озодлик истаган ёшлар хайқириғи!”

– Сиз Фитрат домланинг “Темур сағанаси” драматини ўқиганмисиз? Драмада худди шундай манзара бор.

– Темурдек раҳнамони кутаётган ва унга қасам ичаётган ёшлар!

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Фитрат домланинг қамалгани ростми? Бизга шу хабар келиб дилимиз хуфтон бўлди? Бу ердаги деярли барча талабанинг устози Фитрат. У биз учун кадрли ва улуғ.

– Фирт бўхтон. Токи сиз тирик экансиз, Фитрат ҳам барҳаёт.

– Худога шукурлар! Фитратдан халқнинг қанча умиди бор!

– Ўқишга кетишингиз учун Акмал Икромов<sup>9</sup> моддий ёрдам бергани ростми? Узр пойинтар-сойинтар саволлар бераётганим учун.

– Ҳа, рост, – бироз ўйлаб туриб жавоб бера бошладим у. – Акмал оға муаллимлар комиссариатининг хазиначиси бўлиб ишларди. Мен унга ими-жимиди ўқишга кетиш истагим борлигини айтдим. Кўмак кераклигини билдирдим, аммо у сўровимга тайинли жавоб қайтармади. Умид йўқ деб ўйладим. Уч кун ўтмай, бир биродаридан менга йўл пулига етарли маблағни бериб юборибди. Миллатнинг фидойи зотларини Худонинг Ўзи асрасин!

– Кейин йўлга чиқдингиз?

– Аввал турли вазифаларга кўра Афғонистонда уч ой қолиб кетдим. Кейин баъзи азиз инсонларнинг қўллови билан Берлинга етиб келдим. Таъминотчимдан ай-

<sup>9</sup> Акмал Икромов (1898 – 1938) – йирик давлат ва жамоат арбоби. Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятларида турли масъул лавозимларда ишлаган. 1929–1937-йилларда Ўзбекистон КП биринчи секретари – мамлакатнинг биринчи раҳбари сифатида фаолият олиб боради. 1937 йилнинг мартада Москванинг машҳур “Учлик суди” уни аксилниқилобчи, миллий мустақилликка интилган ва “ёт унсур” ёшлар ҳомийси, “Миллий истиклол” ташкилотига алоқадор ва террор каби қатор айбловлар билан ҳибсга олади ва 1938 йилнинг 13 мартада отиб ташлайди.

рилиб, шундай кунларни кўрдимки, бу ерда ўқишни тугатиш тугул, тирик қолишим душвор бўлиб қолганди. Мана, Худога айтганимиз, сўраганимиз бор экан, ҳаммаси ортда қолди. Насиб қилса, бир йилдан сўнг таълимни тугатаман.

– 1922 йилнинг охирида келган 70 дан ортиқ талабанинг барчаси ўқишга жойлаша олдими?

– Қўлида бирор мактаб ёки дорилфунунни тугатганлик тўғрисида гувоҳномаси бўлса, университетга қабул қилинди. Хужжатга эга бўлмаганлар эса олти ойлик тайёрлов курсларига кирдилар. Аммо ораларида Бухородан юборилган ёш болалар ҳам бор эди. Уларнинг тақдири бўлак ечилди. Биз уларни Олмонианинг турли мактаб-интернатларига жойлаштирдик. Ҳозирги кунда Бухоро ҳукумати юборган олти нафар ёш бола қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мактабда ўқимокда. Машина ва фабрика техникумида беш нафар, электр техникумида бир нафар, матбаа техникумида ҳам, кўнчилик техникумида эса ўн олти нафар ўқувчимиз таҳсил олмакда. Улар билан тез-тез йиғилиб, ўқиши ва ўзлаштиришидан хабардор бўлиб турамиз. Насиб қилса, мактабни тугатиб, университетларга қабул қилинади.

– Уларга ўзингизга ишонгандай ишонасизми? Балки, ораларида жосуслик қилиб юрганлари бордир. Сиз мендан ҳам шубҳаланяпсиз-ку!

– Биз хоинликка эмас, ўқиш учун келдик. Салоҳиятли, истеъдодли болалар бари. Немислардан зиғирча қолишмай ўқимокда. Шунда билдимки, ҳамма гап таълимда экан. Аммо баъзилари ҳали ёш, гўдак. Онасини, Бухорони соғинади, йиғлашади. Лекин улар қаҳрамон эканлигини, миллат уларга катта умид боғлаб кўзлари йўлга нигорон эканлигини англашиб турамыз. Оврўпалашиб кетишидан сақлаш каби муҳим вазифа ҳам бор. Шунинг учун туркий тилни биладиган устозлар билан уларни таъминлаб қўйганмиз, ҳар йиғилгани-

мизда қалбларига маърифат, замона илми ила озод ва қудратли Ватан қуриш ғоясини сингдиришга ҳаракат қиламиз. Гарданларида қудратли давлат қуришдек катта қарз турганлигини англашларини истаймиз!

– Албатта!

– Кўзларингиз юмилиб кетай деяпти.

– Бу кўзлар юмилса ҳам, Ватан кўп нарса йўқотмайди. Сизлар омон бўлинг!

– Сизни бир жойга олиб кетмасам бўлмайди. Биз бугун “Шарқ кечаси”ни ташкил қилганмиз. Қадам ранжида қилиб ғарибликда юрган дўстларингизни шод қилсангиз!

– Нима? – хайратланиб сўрадим ундан. – Ҳали бошқалар ҳам борми? Нима қилиб ўтирибмиз, тезроқ борайлик, тезроқ... Ўтинаман сиздан!

Бобомни ўйлайман. У амакимларга мени эмас, бола-бақраси билан қўшиб менга уларни ташлаб кетгандай.

“Қилмишлар ювилмайдиган дунё йўқ! Сен тозала!”

Кенжамни ичкилик, ишсизлик ва тийиқсиз ҳаёт ҳароб қилди.

Эшитишимча, ўтган ойнинг шанбасида ўласи қилиб уришибди. Эри шимолга мардикорликка кетган аёл билан ширакайф ётган экан. Бел дастасидек қалин таёқ билан урилавериб, ҳаммаёғи дабдала қилинибди.

Аёл бўкириб йиғлар эмиш: “Тегманглар шўрликка, тегманглар, беш йилдан бери эрсиз кўйган акангни чоп. Уни ўлдир, барига шу ит айбдор!”

Кенжам тўғралган гўштдай ўсал ётганмиш, жигари чатоқ эди шундоқ ҳам.

Домлам – иккинчи амаким эса доим насихат қилишга уста.

Боласи йўқ. Шунга кўп ичади. Хотини пахта тери-

мидан қайтаётган пайтда ариқ бўйидан судраб келади.

Янгамнинг бўйи калта, аммо семиз. У ориқ эрининг белидан кучоқлаб, сийғоқ болани кўтаргандай опичлаб уйга ташийди.

Сувчи амакимнинг ҳам боласи йўқ. У ҳам ичади.

Ҳисобчимнинг эса қизи чаток чиқди. Ўн беш ёшга киргунча уч марта шаҳарга қочди. Номусга қўйди оиламизни!

Қизлик бўлиш ёмон.

Уларнинг баданида сенинг ажалинг ётгандай, эгасига топширмагунча тинчимайсан.

Тракторчи амаким қаерда экан?

У ҳали тетик. Аммо унинг вақти ҳам узоқ эмас...

Барчасини тепага, кишлоқ кафтдек кўриниб турадиган қабристонга кўмамиз. Лаънат теккан оила пастдан тепага қараб кирилади. Фақат отам баридан эрта кутулган – ёниб кетишга “мушарраф бўлди”, тагин хотини билан...

Ўт тушсин дунёдаги бор пахтага!

“Қизил аскар ҳақида гапириб бер, бобо...”

“Асрни момонг ўқийдими? Қоч йўлдан!”

\*

Муродий билан “Шарқ кечаси”га кетяпман... Таваккал, нима бўлса бўлди. Лекин унга бир гапни айтиб қўйишим керак.

– Мен сизга бир нарсани айтмоқчи эдим...

– Нима десангиз ҳам, ўтинаман, советларнинг жосусиман деманг.

– Ҳали ҳам ишонмаяпсизми? Жуда юракни олдириб қўйибсиз-ку. Энди хафа бўлганимдан эмас, устингиздан куламан. Бобом оғир йилларда ҳам бир-бирини сотган одамларнинг қандай ўлишини айтиб берган.

– Хўш?

– Ёруғликдан кўрқишаркан... Кундузи қанотини қоқмайдиган кўршапалак каби. Соч-соқолини кирмай-

ди улар, юлади туни билан ухламай. Қутурган ит каби кўзлари қизариб, қичқириб, тишланиб ўлишади хоинлар... Ваҳималар ичида. Сиз қутурган итларни кўрмаганмисиз? Ҳа, узр мен ким билан гаплашаётганимни унутдим, шекилли. Сиз қутурган одамлар билан яшгансиз.

– Жосуслар ҳар тарафимиздан девор каби ўраб тургандай.

– Хафа бўлманг, ҳар қандай девор бир кун нурайдди. Ҳатто Хитой девори ҳам, чунки у инсонларни тўсиш учун яралган.

– Турли йўллар билан орамизга одам тикишга уришиб ётишибди. Шунга хафа бўлмайсиз, – деди Муродий босиқлик билан. – Айғоқчилар дўстларимизга пул бериб, совет махфий идоралари учун сотиб олмоқчи, асосий мақсаддан бурмоқчи бўляпти. Очиғи, найрангларидан тўйиб кетдик. Лекин билмайдики, биз бу ерга ўлимни бўйнимизга олиб келдик, хоин бўлиб қарғишга учраш учунмас. Биз Оврўпа илмини ўрганмоқчимиз, бошқа ҳеч нарса... Сиз айтгандек соқол юлишни орзу қилмаймиз.

– Тўғри, лекин кимнингдир тақдирида хоинлик ёзилган бўлиши, ирода панд бериши ёки бир дақиқа бўлса-да, Ватанни эмас, ўз нафсини ўйлаш ҳам мумкин-ку!

– Йўқ! Ҳеч қандай “лекин-пекин”и йўқ. Ҳамма нарса бўлиши мумкин, хоинлик эмас фақат, йўқ, асло! У қизишди.

Мен қулдим.

Қадамлар тезлашди.

– Ётмиш талаба ҳақида афсоналар бор. Бобом тўқиган... Менга ота деган сўздан олдин ўргатган уни. Кейинчалик архив ҳужжатлари билан билганларимни қиёсладим. Бари ҳақиқат! Яшасин тарих, яшасин миллат ва йўқолсин эшакқуртлар оломони!

Куламан, кулавераман.

Муродий жим бўлиб қолди. Фақат асфальт йўлни уйғотаётган қадамларгина Берлин сокинлигини бузиб турарди.

У тик, ён-верига қарайвермай юрар, кўзлари олис-олисларга, аммо бир аниқ мўлжалга қадалгандай ўтли эди.

Осмонда ой нур таратиб турар, ердаги чироқлар унинг ёруғи олдида йўқолиб колгандай хира милтирарди. Яна бобомни эсладим. Шундай ойдин кунларда кир устига чиқиб афсона сўқирдик, оёқ узатиб ётардик. Қанчалик бахтли ва бахтсиз тарих!

Пичирлайман: “Бобо, мен сиз айтган одамлар ичидаман, етмишта талаба билан бирга нафас оламан. Улар билан номаълум тарафларга кетиб боряпман. О, буни сиз қанчалик орзу қилгандингиз, тасаввуримга сиғдиришим қийин!

Момо, бир кун сизга йиғлайман, деб сўз бергандим. Ҳали бир томчисини ҳам тушира олмадим, аммо-лекин бугун кўпроқ кулсам майлими, момо... Мен уларни топдим... топдим...”

– Сиз бахтли одамсиз, Муродий. Туркистонга кўмак сўраб ёзган мактубингизга кимсан Чўлпон жавоб ёзган.

– Унинг бир марта шеър ўқишини эшитсам эди.

– Жуда босиқ овозда ўқийди, Маяковскийдай қичқирмайди. Аммо менга ўша рус шоирининг шеърлари ҳам ёқади.

– Мактубим босилган газетани 1922 йилнинг ўзида менга олиб келишди. Хатимга буюк Чўлпон, улуғ шоирнинг жавоб ёзгани – мен учун катта фахр! У бошчилигида йиғилган пуллар Олмонияда таҳсилимни асраб қолди. Чўлпон – нафақат менинг, балки бутун халқнинг орзулари йўлида курашувчи қахрамондир. Юртимизда Чўлпондек машҳур шоир бошқа йўқ. У тирик экан, миллат мустамлака зулмида узоқ қолмай-



ди. Элнинг битта шоири гоҳида бутун бошли лашкар килолмаган ишни амалга ошириши мумкин. Чўлпон катта кучдир!

– Ҳа, Чўлпон Чўлпон-да! Унинг шеърляти бутун адабиётни бошқа ўзанга буриб юборди. Унақаси юз йил ўтса-да йўқ.

– Илоҳим, нафс учун эмас, миллати учун яшайдиган Чўлпонлар кўпайсин! Олмонияда ягона туркистонлик бўлган пайтларим минглаб болаларини ўқитаётган давлатларга ҳавасим келарди, ичим ёнарди. “Қачонгача ҳаммадан ортда қоламиз, қачонгача ухлаймиз, яна қанча асрлар, юз йиллар керак”, – дердим. Ўзининг шармандали холини кўрмаслик учун кўзларини юмиб олган гўдак мисоли иш тутмоқда миллат. Ҳалигача очилмайди, сўқир. Тараққиёт ва тоза ҳаво ҳақида гап бўлиши мумкинмас. Биз талабалар кўзимизга ёпиб кўйилган қора чопон ва сариқ пальтолардан қутулмоқ истаймиз. Атрофга очиқ кўз билан қарашни, дунёни ўз онгимиз билан англашни истаймиз.

– Мен ҳам сариқ пальто кийганимни қаранг, аксига олиб...

– Агар мақсаддан тонсак, бир кун келиб, авлодлар юзимизга тупуради.

– Албатта, агар сиз хоинлик қилган бўлганингизда ҳозирнинг ўзида юзингизни ичимдаги бор суюқлик билан булғаган бўлардим.

– Авлодлар қасоскор бўлмоғи керак. Шунда катталар фақат ўз қорни ва боласини ўйлаб яшашдан кўрқадилар. 1920 йилнинг ўзида Олмонияда Россиядан ўн минг, Япониядан тўрт минг, Туркиядан уч минг нафар талаба таҳсил олди. Ҳиндистон, Эрон, афғон ва арабларнинг ҳар биридан ярим мингдан ошиқ болалар Олмонияга келиб ўқишга кирган. Шундай бир маҳалда тарихи улуғ, ери ўта бой саналган Туркистондан фақат менинг битта ўзим ўқишим – бу адолатсизлик, бизга нисбатан жаҳолат эмасми?

– Биз азалий бирикмаслик дориларини шифо деб ичамиз. Натижада, юрак саломат, жигар эса куриб битади. Ватаннинг қони тозаланмайди, бузилади, битади.

– Мана, улуғлар хизмати эвазига ҳозир сафимиз етмиш нафардан ошди. Бир кун келиб, Германияда миллат учун ўқийдиган етмиш минг талаба ўқиши керак. Шунда тез орада давлатимиз Оврўпа мамлакатларига етиб олади. Ишонинг, бу гапим осмоний эмас...

– Мен учун шундай. Лекин эшаккуртлар орқаси билан кулади...

– Кулмаслик, йиғлашлик керак. Бизнинг болалар агар Оврўпача таълим олса, меҳнатга бўлган чидамлик ва туғма матонат, мардлик, эътиқод сабаб, дунёнинг қудратли мамлакатлари сафига кўшилади Туркистон. Агар бу ниятимиз амалга ошса, юз йилдан сўнг болаларимиз одамдек яшай бошлайди.

– Аммо ёшларнинг бари ҳам сиздай фикрда эмасда! Биз яшашни унутиб, фақат хузурланишни машқ қилдик, ухлашда жаҳон шоҳсупаларига кўтарилмоқ истаймиз. Илғорларни бирлаштириш жуда қийин. Худди бўри босган сурувдай тарқок. Ўз ғамидан бошқа дарди йўк. Уларни одам қилиб бўладими?

– Бари одам. Ҳамма гап эътиқод ва маорифда. Сиз жосусмисиз ёки йўк, нима бўлган тақдирда ҳам қонимиз бир, бир Ватан фарзандларимиз. Шунинг учун сизга ичимдаги бор гапларни керагича айтдим, умидим фақат яхшиликдир. Миллат омон бўлсин!

– Омин!

Кетиб борамиз.

Тўнғич амакимга бир асрлик талабалар билан кетиб бораётганим ҳақида айтсам, яна сўқиниб қолса керак.

Ҳозир муздай ариққа бўйнидан боғлаб ташлаб кўйилган шишани тортиб олаётгандир. Хотини касаллигидан эса жуда хурсанд.

“Хогиним тезроқ ва ортиқ қийналмай ўлиши учун оламан!”

У бир куни жаҳл устида ўқиётган китобларимни йиртиб ташлаган.

Ёшларни дидактика билан эмас, ўрнак бўлиб тарбиялаш кераклигини бизнинг оталар ҳали бери тушунмаса керак.

Бунга юз йиллар керак, балки минг йил кетар!

“Пулнинг қадрини бир куни оч қолсанг, биласан! Уйсиз ижарама-ижара санғисанггина, кўзинг мошдай очилади! Унгача, йўқ, одам бўлмайсан! Сен қандай ҳавойи гаплар билан ўзингни алдаб юрганингни, аслида ҳаммаси сароб эканлигини тушунмаяпсан. Менга ишонма, бизлар ўлиб кетамиз. Шунда сенинг бола-чақангни ким боқади, айт-чи, ким? Ё хотинчалишларга ўхшаб аёлингнинг пулига кун кўрасанми? Боланг касал бўлиб, ўламан деб турсин-чи, илм кўзингга кўринармикан, “миллат” сўзи оғзингдан чиқармикан? Тезроқ ҳоким ё милиса бўлишни ўйла! Иккинчи архив титганингни кўрмай товукқа ўхшаб, бировларнинг кетини кавлаб нима қиласан, бўлган иш бўлди, келажакни ўйла!”

Азон янграйди.

Амакимни масжидга тортаман. Шунда касал хотини супрадай оқарган рангини кўрсатиб мушукдай оҳиста пайдо бўлади. Амаким масжид ва хотин ўрта-сида муаллақ қотади.

“Ҳаййа аъла-л-фалаҳ”<sup>10</sup>

– Азон айтиляпти, нажотга кетдик! У ҳеч қачон ваъдасига хилоф қилмайду!

– Йўқ! Ҳеч қаерга бормайди, – дейди ўзи эрта ўлаётгани учун барча тирик қолаётганлардан дарғазаб хотин. – Амакинг энди фақат у дунёда номоз ўқийди!

Тўнғичим хотинининг ҳолсиз кўлларини силаганча

<sup>10</sup> “Нажотга келингиз”.

кетади, сўнг бироз юриб ортимдан бақиради: “Менинг савоб-гуноҳимни санама, жиян! Мен бу дунёдамас, у ёқда ўқийман. Хотиним билан ўқийман. Қиёматга ҳали қанча бор, бекор ётаверамизми?”

“Тавба!”

Кулади, хотини эса йиғлайди. Ўлим хидини туйгандай бўламан нафасидан. Сўнг хотини амакимга совиган чойни билан кўшиб пиёла отади: “Биласанми, менга ҳозир сен ҳам бир кун албатта ўлишинг таскин бермоқда! Қочиб кета олмайсан ажалдан!”

Сахарлаб бобо билан момом номозга турарди. Мен уларга ўчоқда иссиқ сув қилиб берардим. Уйқулари очилсин, қодир Худога мудроқ кўзлар билан бокмасинлар деб ҳазил қилардим. Улар дуо қиларди.

Янгалар эса эрлари устида ётарди. Қочиб кетмасин деб.

Тўнғич янга ҳар йили битта туғарди, қиз, қиз, қиз... Бари пишиққина, совуққа чидамли, қонида жуда кўп алкоголь борлиги учун!

Куламан.

Момом мени ёнига ўтқазиб: “Ароқ ичмайман деб қасам ич!” – дерди.

– Ароқ ичмайман. “Мастлик мўминларга харом”, – дейилган. Менга икки ҳисса бўлсин, момо! Лекин: “Уйланмайман”, – деб қасам ичира олмайсиз, момо!

– Хўп, уйлантираман! Фақат қасамингни маҳкам тут, оғзингга олма, бобонгдай ёлғончи бўлма!

Бобом момомни шу пайтгача ўн минг марта алдагани. Бобом номоз ўқиса-да, ароқ ичарди, ёлғон гапирарди. Шоди чўлоқ жонига тегиб қўймасди-да, нима қилсин кўнгли бўш бобом: “Мен гапига жавоб берадиган эркак бўлай. Сен билан тўқиштириб ичаётганим мингинчи пиёла, энди мулла бўлиб, гўр бўлармидинг!” – дерди пиёладаги спиртга соқоли ботиб.

Бобом яна ичиб келарди, йиғларди, жойнамоз тў-

шаб, тиз чўкиб, тавба қиларди.

Момом унга кўккўзларини чакчайтириб ўшқирди: “Яна Худони алдаяпсанми? Отанг ким эди, сен гўр бўлармидинг!”

Мен эса туғма мастман, телбаман. Спирт ортиқчадир.

Бобом ўлгач, ўғиллар ер ва қўй талашди.

Мен Тошкентдан тўғри қабристонга тушдим ва гўрковдан калта дастали кетмон олиб гўр қазий бошладим. Кун ботар маҳал етти очик мозор тайёр бўлди. Аммо силлам куриди, қора терга ботдим. Лой едим, конимни ичдим, аммо қазидим. Тўнғич амаким учун қазганим каттароқ эди. Ичига кириб пича ухладим. Бакириб кулиб қабр аҳлини чўчитмаслик учун оғзимга тупроқ солдим. Амакиларим ўзларига қабр қазилаётганини эшитиб қўрққанларидан бирин-кетин чопиб келишарди. Кенжам учун қазийётган тор қабрда сўнги мадорим ҳам битди ва: “Шу ерга мени кўминглар, куриган жигарлар галаси”, – дея бақиравердим.

Кейин негадир йиғлашди, тракторчи амаким мени кўтарганча олиб кетди. Улар ортиқ уришмайдиган, бобомдан қолган қўйларни тенг тақсим этадиган бўлди.

Етти очик қабрга етти қўй кўмиб иримини қилдик. Аммо тез орада барини шу ерга, қўйнинг ўрнига кўмишимиз аниқ эди. “Эшакқуртлар унғача тўйиб турсин, таналаринг бироз кўпроқ туради”, – дея тасалли берардим уларга.

Эшакқуртлар яна ғалаба қозонди.

Жигарларим қабрига ҳар кетмон урганимда эшакқуртлар қарсак чалди, гуллар улашди. Гўё гўрда тупроқ эмас, миллионлаб томошабинлар кузатаётган майдонда тўп ўйнардим. Эшакқуртлар бош чиқариб томоша қилганча ўлимини кутиб яшайди миллатнинг!

Ҳеч ким нозик баданини ўлаксахўр ҳашаротлардан омон саклаб қола билмайди. Қуртларнинг икки соколи ва адоқсиз оёқлари билан тимдалай бошлади киндигинг чуқурига кириб.

Фақат онам ва отам иши бошқа бўлган.

Ҳатто куйинди, сасиган қабрдан ўсган янтоқдан ҳам.

Баттар бўлинглар, эшакқуртлар!

Мен эса бир челақ захар ичиб ўламан, ҳаммангни қақшатмоқ учун!

\*

Этим жунжикади. Бошяланг чиқибман. Чўмилгач, сочимни куритмаганимга пушаймон тортдим. Танам кизий бошлади. Бу ўт эса бўлак туйғудан.

Абдувахоб Муродий кичкина темир эшикли бинога бошлаб кирди. Пештоқига немисча қандай сўзлар ёзилганини ўқий олмадим. Атроф қоронғи, ёзувлар майда-чуйда эди. Ичкари синф хонасига ўхшаш, менимча, аввал зоологияга ихтисослашган хона бўлган, деворларга турли ҳайвонларнинг расмлари, ичак-човоклар чизиб қўйилганди.

Эшакқуртлар бўлмасин-да ишқилиб!

Хонага киришимиз билан ташқарида момоқалди-рок гумбурлаб ёмғир шарақлатиб қуйиб юборди. Бизга ҳурмат кўрсатган экан-да булутлар!

Қора пардалар билан тўсилган каттагина залга ўтдик. Киришимиз билан қарсақ ва қийқириклар янграб кетди. Аввалига ҳеч нимани кўролмай (тепадаги ёник чирок кўзимни олиб қўйганди), гарангсираб туравердим. Нокулай бўлмаслик учун кафтларимни бир-бирига уриб, қарсаққа қўшилишга уринардим. Кейин бақириб кулдим, улардан ҳам акс-садо келди.

Худди ўзимни оғзига чўғ тушган қаланғи-қасанғи эстрада артистлари каби тутардим. Нукул куруқ оғиз

очар ва таъзим қилардим.

Абдуваҳоб Муродий мени олдинги қаторга ўтқизди, шундагина, атроф аста-секин ойдинлаша бошлади. Хона жуда ораста эди. Ҳатто дераза раҳларидида тувакда гуллар турарди. Театрни эслатувчи ўриндиқларда анчагина одам бор. Ҳаммаси қорақўз, қорақош, энг муҳими, менинг ўзбек талабаларим.

Ёрилиб кетай дердим. Ҳушим ўзимда эмасди.

Ё Худойим, нималар бўляпти? Авваллари ҳам талабаларни кўрардим, лекин унда тушлар хира, тасвирлар ва алаҳсирашлар ичра эди, мана энди бари ҳаётимга кўчди ё мен улар асрининг ҳуқуқсиз фуқаросига айландим.

Берлин мени тўла-тўқис XX аср одамига айлантириб кўяди.

Бобо, ўз асримдан ортга чекинишни истадим. “Олдинга йўл бўлмагач, бир жойда туриш аҳмоқлик”, – деб ўргатгансиз. Бир жойда туриш ва шу жойда эшаккуртларга ем бўлиш учун туғилмаганман.

Қани соя ташлаган мудроқликдан озод бўла олсам эди!

Хонанинг тўрида тахтадан қилинган сахна бўлиб, унинг устида кичкина омонат минбар ўрнатилганди. Муродий барча билан сўрашиб бўлгач, ўртага чиқди ва ўтирганларга тантанали равишда мени таништира кетди.

Ҳеч қутилмаган мақтов. Шундоқ ҳам зўрға ўтирардим, баттар қизидим.

Яна саккиз қиррали эстрада юлдузи каби барчага таъзим қилдим, қилигим ўзимга ёқиб қолди. Онадан туғилганимдан бир мен учун биринчи марта шунча одам қафтларни очиб қарсак чалаётган эди.

Абдуваҳоб маърузасини бошлади.

Мен эса талабаларни кузатишга ўтдим. Уларнинг айримлари суратларда кўрганимдан кўра ёш ва ўктамроқ эди.

Талабаларга қўл силкидим, улар ҳам менга мулозамат қилардилар. Кулгили, аммо кулиб бўлмайди...

Муродий эса жиддий гапларни бошлаб юборди. Жуда кўп гапираркан-да...

Мен қизларни излардим.

Ўқишга миллатнинг гулу лолалари ҳам келишган-ку, қани улар?

Ҳар тарафга бўйин чўзиб, уларни қидира бошладим. Қани ХХ асрнинг нозик қаҳрамонлари, қани миллатнинг чечаклари?

Ана-ана... кўрдим!

Ёнма-ён учта қиз ўтирибди. Севинганимдан ўрнимдан туриб кетай дедим. Саида, Хайринисо ва Марям... Улар менга жуда яқин, суюкли, гўзаллигини қаранг.

Мен уларга ҳаводан ўпич йўлладим, улар қарашмади ҳам...

Кейин қилган қилиғимдан уялиб кетдим. Қизлар мендан нақ бир асрга катта-ку!

Менга қиё боқмаган бўлишса ҳам, уларни кўрганимдан жуда-жуда бахтиёр эдим. Қизлар Оврўпача қайрилма шляпа кийиб олишибди. Виқор-ла қарашларини қаранг. Уларни кўриб, негадир хаёлимга Лола келди. Қизлар нимаси биландир севгилимни эслатарди, балки қора кўзлар, узун киприклар, қайрилма қошлардир. Лола қизларга тикилишимни кўриб рашк қилган бўлармиди? Севги ёш танламайди, деганлари бор гап-ку. Кулгили, аммо кулиб бўлмайди... чидаб ҳам...

Бақриб кулиб юбораман... Ҳамма жим бўлиб қолади. Хижолатдан қизараман, хуморим босилади...

Муродийнинг сўзларида эди барчанинг эътибори. Мен улардан қўлимни силкиганча яна узр сўрайман.

Ҳар тарафга аланглайверсам, “советларнинг ити” деб ўйлашларидан чўчийман. Жим эшитишим ва



Ўзимни тутиб олишим керак.

Ҳаммаси жойида, ҳаммаси даҳшат!

Абдуваҳоб Муродий вазмин, сўзларни териб-те-риб, дадил гапирарди. Унинг гаплари секин таъсир қилувчи заҳар каби мени тиглаб, бўғиб борарди гўё.

Мен на кулдим, мен йиғладим. Дунёда фақат унинг овозигина жаранглаётгандай, бутун олам шу сўзларини тинглаётгандай ҳаяжонга берилдим – заҳарландим.

– Дўстлар, мўтабар ўлкамиз нақадар шавкатли тарихга эга эканлигини, бу халқ не-не зотларни башариятга бергани ҳақида кўп ва хўп гапирамиз, мақтанамиз, бир-биримизга шу орқали юпанч берганмиз. Аммо бу Темурдан сўнг қаерга кўмилди, қаерга осилди ва қайларда ёқилди?! Айтинг, сабоқдошлар!? Бу саволлар мени тунлари ухлатмайди. Биз нега бу ҳолга келдик, қандай чиқурмиз, чиқамизми ўзи? Хўп, қанча йил керак, неча асрлар қурбон бўлиши керак, қанча юз, юз йиллар керак? Германияга келишимдан олдин ҳаётимиз ва фожиамизни билардим, аммо бу қадар тубанликка чўкканимизни англамаган эдим. Биз ўзимизни, улуғлигимизни-да унутишга тайёр халқмиз. Ҳатто қачонлардир ота-боболаримиз озод ва ҳур давлатда яшаганликларини ҳам бир эртак сингари эслаймиз, болалар бугун-эрта буни ҳам унутишга миясини ҳозир этар. Биз эртак тўқишга ва эшитишга ишқибоз халқ бўлиб қолдик! Аммо чўпчакларда ҳам қаҳрамонлар бор, улар қулликка чидай олмайдилар ва алалоқибат ғалаба қозонадилар. Биз эса борган сари мутеликка ўрганмоқдамиз. Анграйиб йиғлаймиз, билиб-билмасликка оламиз ва аста-секин қуллик шиорини юракка жойлаб оламиз. Уларни зўр, ўзни нодон санаймиз!

Нодон! Нодонман, нодонсан, нодонмиз деб сингдирдилар улар олдида!

Биз мағлуб миллатмиз, ғурурни унутган, қорин учун яшашга ўрганган ва қўнган!

Сўзларидаги ҳар бир ҳарф чумоли каби ичимга

ўрмалаётгандай титрайман, қақшайман. Зўрға лабла-  
римни тишлаб қоламан. Бўлмаса, яна кулги аралаш  
бакирардим.

Талабаларнинг кўзига қарайман.

Эринмай, битталаб, на ҳайиқиш, на довдираш, на  
ўз аксимни кўраман, Ватан рамзидан бўлак ҳеч нима  
йўк. На кўрқув, на иккиланиш, на ўлим, фақат юрт!

Кўзларим Орол бобо айтгандай кўр экан.

Қонимда барча иллатлардан улуш сузмоқда.

Бузилган уруғ. Мен кўрқоқман! Мен жонимни ўй-  
лаб хоинлик қиламан Ватанга! Нафсимни деб муҳаб-  
батимга. Мен ишламай тишлайман, ўқимай институт-  
га кирман, севгига муносиб бўлмай севаман, болани  
қандай тарбия қилишни билмай хотин оламан, ўлиш-  
га арзимай ўламан. Бир мен шундай бўлсам бахт эди  
миллатга, аммо афсус, бу иллатлар сингиб кетган ай-  
моғимизга. У танамиздан олдин, миллатимизни кўма-  
ди қора қабрга.

Сўнг яшайверамиз ҳиссиз ва миллатсиз.

Хонадошларим ҳам шундай, курсдошларим ҳам.  
Уларга азиздир ғурурдан ҳирс, ароқ, мансаб ва бойлик.  
Мен мудрашни истайман, аждодларим фақат тушлар-  
римни ўзгартира олади. Улуғворлик бахш этади фақат  
тушларга.

Муродий давом этади.

Унинг ҳар бир гапи чўғ бўлиб отилади, танамни  
куйдириб ўяди. Қон ичимга сизади, тишларим тўкила-  
ётгандай оғрийди. Лабларим билан тутиб қоламан сут  
тишларимни.

Муродий ҳайқиради: “Туркистонда жадидлар бош-  
чилигида катта бир уйғониш шамоли эсмоқда. Уйғон-  
моқ ва уйғотмоқ истаги танамизни ёндирмоқда, туну  
кун ором олдирмайди! Туркистон халқи ўз қонида ёт-  
ган ва ҳеч қандай куч билан ўлдириб бўлмайдиган  
кудратини ва истеъдодини уйғотишни истайди! Фитрат,

Файзулла Хўжа, Чўлпон сингари туркий оламга танилиб улгурган улуғ йўлбошчилар пайдо бўлди. Улар миллатни маърифатли қилиш ва шу орқали келажакда мустақил давлат барпо этиш учун жонини қил устига қўйиб, туну кун курашмоқда, ором нелигини унутган! Уларнинг умрлари узок бўлсин, шаҳид бўлганларни Аллоҳ раҳмат қилсин! Аммо билмаймизки, юртимиз осмонида кир ниятлар ила тўпланган қора булутлар халқимиз бошига мудроқлик ва қўрқоқлик ёмғирлари бўлиб ёғилмоқда. Бу бало ёмғирлари ҳамон кўзимизни очишга қўймайди. Бундан халос бўлишимиз учун, ота маконнинг озодлиги учун нима қилмоғимиз керак, нима? Берлинда таҳсил олаётган, халқнинг берган но-нига яшаётган азиз тенгдош талабалар, бизнинг вази-фамиз не?!

Ватанда кўпчилик очлик, хўрлик ва оддий қасал-ликлардан ҳалок бўлаётган пайтда Оврўпада шунча олтин тангаларни сарф этиб нега ўқияпмиз? Нега, нега? Бунга ўзимизни арзитамизми? Бизга сарф этил-ган олтин тангалар силу вабодан ўлаётган Туркистон болаларига малҳам бўлиши ҳам мумкин эди-ку! Йўқ, миллат зиёлилари бир болани эмас, миллионлаб бола-ларни асраши учун сизни ўқитмоқда... Сизнинг олаёт-ган билимингиз бунга арзийдими? Бир боланинг ўли-мига арзийдими? Эртага бу илмингиз миллион болани асраб қоладими, уларга фаровон ҳаёт бера оладими? Айтинг, сиз бунга кодирмисиз? Ҳар бирингиз миллион болага малҳам бўла оласизми? Айтинг... Улар олдида-ги муқаддас қарзни узмасдан ўлмасликка ваъда бера оласизми?

Ишонаманки, ҳар куни, ҳатто ҳар соатда бу савол-ларни ўзингизга берасиз. Ва жавобини ҳам виждонин-гиздан топа оласиз. Буюк ва қудратли мамлакат бунёд этиш, улуғ ва шавкатли шонимизни тиклаш учун, халқимиз Оврўпа одамларидан кам бўлмаган шароит-ларда яшаши учун ўқияпмиз, изланияпмиз ва мусофир-

лик захматларини тотмоқдамиз. Эртага болалар бизга миллат фахри дея қарасин, ақчаларни қуруққа совурган муттаҳамлар деб эмас! Бундай юзи қора муттаҳамлар бизнинг юртда адоқсиз.

Бирбовур бўлайлик! Бизнинг олдимизда улкан вазифа бор!

Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш!

Оврўпалик тенгдошингиздан ўтсангиз ўтинги, асло қолишга, лоқайдлик қилишга ҳақкингиз йўк! Дўстлар, биз қудратли давлат қуриш, дунё билан тенглашмоқни даъво қиляпмиз... Бунга ҳаққимиз борми, хўш, кучимиз-чи? Бизнинг қадим Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларимиз, ёдгорликларимиз бор. Хўш, бугун нима бунёд қиляпмиз? Эртага тарихга биздан нима қолади? Бизда бугун барча давлатларнинг ривожланиш асоси бўлган саноат, миллий иқтисодиёт тизими борми? Қишлоқ хўжалигимиз қачонгача инган омоч ва анъаналар билан тирналади? Шундай бой еримиз ўзимиз учун қачон наф беради? Дунёга нималар чиқариб сотяпмиз? Нима қолди бизда? Ижтимоий таъминот борми? Тиббиёт, фармацевтика борми? Демак, булар йўк экан, бизда қудрат нима қилсин! Бизда ўлим бор, йўқлик!

Унутманг, биз шу камчиликларни фақат гапириш учун эмас, тўлдириш учун Олмониядамиз. Бизнинг олдимизда қаранг, қандай катта ишлар турибди, ҳар биримизни шарафли вазифалар кутяпти. Агар биз буларга ХХ асрнинг бошида эришмасак, яна барчадан ортда қоламиз ва куллик занжирлари бошимизда мангу қолаверади. Яна қанча юз ва қанча юз йиллар азобланаверамиз! Биз миллатимизга ривожланган саноат, қишлоқ техникаси, металлургия, нефть саноати, кончилик, тиббиёт техникаларини олиб кирсак ва ўзбек диёрида ҳам Оврўпа сифатини жорий эта билсак, ишонинг, эртага озод миллат болалари бизни ҳавас ва раҳмат билан эслашади. Бунинг учун жонимизни ҳам,

қонимизни ҳам аяшга ҳаққимиз йўқ, йўқ! Мен ишонаманки, ёруғлик олиб бориш қўлимиздан келади. Ахир, рус ёки инглиз, япон ё америкалик сабоқдошларимиздан кам жойимиз йўқ. Ота-боболаримиз айтадиган бир гап: “Ҳамма одам – бир одам!”

Мени чумолилар талаб кетаётганга ўхшайди.

Юрагимни, ўпкамни, авратимни, аммо жигаримни қўлларим билан қисиб тураман. Қоним... қоним ортик айнитмасин тупроқни.

Қора чумолилар тишларини ботирар ва захримдан ўларди танамда.

Йўғон ичакларим қабристонига айланиб қолди.

Муродийнинг сўзларидан ҳушимни йўқотдим.

“Тур, болам, ўзим эмизаман!”

Ётган жойимда бошимни силаётган момомнинг кўқарган қўлларини итарардим. Ўлишдан (бир ишни уdda қилмай) кўрқдим.

Уч йил олдин шохдор сигирни соғаман деб тепки еганди момом. Келин ўша маҳал кенжамнинг устида бир текис хуррак отарди.

Момомнинг қўлида қон қотиб қолди. Ҳамон тарқабди. Қабрда ҳам. Ярамас эшакқуртлар ҳали унга етиб бормаган, шекилли. Қариганда йўқотилган ҳар нарсанинг ўрни тўлмайди, иймоннинг ҳам қайтиши кийин... Аммо мен ёшман, момо, бироз яшай, мендан нари қоч...

Унинг қорайган қўлларини итараман... Кейин уни қизганиб ўпаман.

Қандайдир бир чол пайдо бўлди... Момом бу гал ҳам менсиз кетади чиптаси текин дунёга.

Мен эса мудрайман, асрий мудроқлик заҳарга шимитгандир қонимни!

Нотаниш бир одам кела солиб ёқамдан олди... Бир-икки шапалоқ тушириб, бақирганча эълон ўқий бошлади:

– Эълонимизни шунчаки ўқиб: “Одатий экан-да”, – деб бир чеккага иргитма, бобонгга ўхшаб! Уни доим кўзинг тушадиган, нақ пешонанг тагида сақла. Чунки эртага сенинг болаларингнинг ҳам кечмиш-тақдирлари шунга боғлиқ. “Оталаримиз бефарқ ва бефахм ўтган экан”, – деб ёзғиради ё аксинча, фахрланади. Сен бобонгдан жирканасан-ку, тўғрими?

– Бекор айтибсан, нари тур!

– Мана неча сондан бери “Кўмак” уюшмамиз учун маблағ ахтариб, рўзномамизга эълон берамиз, аммо келиб тушаётган ақчалар дунёнинг турли жойларида миллат учун ўқиётган болаларимиз учун етмаётир. Бу биз учун уят, юзимиз қизарадур. Сендан ҳали бир ақча ҳам тушмади. Ўлай агар ўзим бир чақа учун ишлатсам, ҳаммаси Олмонияда ўқиётган болаларимиз учун, сенинг жўраларинг учун! Аларнинг баъзилари жуда оғир ҳолда бўлиб, маишатлари харобдир. Миллат тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда қандай қилиб хўроз уриштириб юрибсан?

– Қанақа хўроз?

– Сен хўрозларга эмас, қуёнларга кўпроқ ўхшайсан! Ётма, мудрама, ҳали ўлиш учун вақт бор. Ўлим қахрамонлик эмас. Эшаккуртлар ғалабаси! Дунёда маърифатли халқ борки, ўзининг четда ўқиётган болаларин эслаб туради. Уларни таъминлаш учун нонини иккига бўлади. Бизнинг одамлар ҳам “жийдахалта”ларини кавлаб, болаларнинг ўқишидан бохабар бўлишсин! Эсдан чиқарма, эртага сизнинг болаларингиз ҳам улар сафида улуғ мақсад сари ўқийди, Олмонияга парвоз қилади. Улуғ савобдан четда қолма. Момосининг эркатойи, унутма, барчаси шу миллат болаларининг ўқиши учун!

Киссамни кавлайман, бир сўм чикмайди. Чол шапалок уришда давом этади. Қўли қаттиқ экан... Калтак азобга, сўнг хўрликка, сўнг роҳатга айланади. Калтакни бахт ва омад каби қабул қилиб оламан!

Муродий ҳамон қайнайди:

– Асло ёдимиздан ўчмаслиги керакки, Ватанга қайтиб икки жабҳада фаолият олиб бормасак, қилган ишимиз натижа бермай, тезда қурийдим. Биринчиси, ишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ хўжалигида иш бошлашимиз зарур. Завод ва фабрикалар, қонлар очишимиз, қишлоқларни обод қилиб, тажриба станцияларини қуришимиз ва бошқарув органларида ишлай бошлашимиз керак. Биз бу соҳаларни йўқдан бор қилишимиз, эскиларини янгилашимиз, йўқларини бунёд қилишимиз лозим. Мамлакат иқтисодиёти – унинг қон томиридир. Шунинг учун ишлаб чиқариш соҳасини жадал ўстириш – бизнинг бош вазифамиздир. Иккинчидан, олган билимимизни кўпчиликка етказиш ва сафимизни қизил, қуруқ ғояларга берилмаган ёшлар билан кенгайтириш. Бунинг учун барчамиз амалий ишлар билан бирга, университетларда дарс беришимиз ва илмий ишни олиб боришимиз керак. Юраги уйғоқ Ватандошларимизни тарбиялаб, халқ қорига ярайдиган чинакам меҳнаткаш ва ишбилармон қилиб етиштиришимиз жуда муҳим. Ҳам ишлашимиз, ҳам ўқишимиз, ҳам ўқитишимиз зарур! Турли хайрия ташкилотларидан, керак бўлса, кўчама-кўча юриб, биз учун пул йиғаётган Ватандошларимиз меҳнати хурмати, муносиб ва мард, илғор мутахассис бўлиб борайлик. Биламан, ақчани жуда иқтисод билан сарф қиласиз. Кўпчилигингиз қишнинг қунларида ҳам миллат даромадини ортиқча нарсага сарф этмаслик учун юпун кийинасиз. Сиздан яна бир нарсани илтимос қилмоқчиман, яна тежамкорроқ, янада пишиқроқ бўлинг! Фақат ўқиш учун зарур бўлган нарсаларгагина пул сарфланг. Юртимизга фақат диплом билан эмас, улкан салоҳият, катта ғоялар, амалий таклифлар билан қайтишингизга ишонаман! Унутманг, Олмонияга биздан бироз олдинроқ минглаб талабаларини жўнатган Япония бугун Оврўпанинг манаман деган давла-

ти билан беллаша олади. Туркия бундан рухланиб, ўзининг талабалари сонини кескин оширган. Бунинг меваси, албатта, қачондир кўринади. Кўрасиз, Туркия ҳам тез орада тараққий этади. Биз-чи, улардан қачон ўтамиз? Эртага Ватанга қайтганимизда билимимиз ва ғайратимизни кўриб, бу ерга талабалар окиб келишига эришсак ва Туркистондан ҳар йили етмиш минг талаба келиб ўқиса, марра бизники, дунёдаги қудратли мамлакат бизники, ўзимизники бўлади. Мамлакатни бугун саноат буюк қилади, илм юксалтиради. Бўлмаса, сал ўтмай пахта экиб, пахтадан бошқа нарсадан қўрқадиган фикрсиз жамиятга айланиб қоламиз. Мустамлакачиларнинг ҳаракатидан шу сезиладур. Гапим жуда чўзилиб кетгани учун меҳмонимиздан кечирим сўрайман.

– Аксинча, сен бизни кечир! Майлими, мен ёнингга борсам? – саҳнага чиқиб бобом, момом, тарих ва бугунги кун ҳақида, болалар, ковурилган картошка, мудраётган ва чўмилаётган хонадошларим, энг муҳими, уларни интиқ кутаётган халқ эмас, ёлғиз эшакқуртлар эканлиги ҳақида гапириб бермоқчи бўлман. Аммо Муродий мендан бироз вақт сўрайди. Ортга қайтаман.

– Рухсат берганингиз учун раҳмат! Гапим сўнгигда ўзимнинг амалий ишим ҳақида ҳисобот бермоқчи эдим. Меҳмонларимиз учун шуни эслатиб ўтишим керакки, биз ҳар ойда бир жам бўламиз ва кимдир ўз маърузасини ўқийди ва амалий ишлари ҳақида ҳисобот беради. Бу гал менинг навбатим эди, шунга сиз азизларнинг вақтингизни олиб турибман. Мен, Абдуваҳоб Муродий Қишлоқ хўжалиги академиясида таҳсил оляпман. Ҳозирда Олмониянинг турли шаҳарларида бўлиб, уларнинг ердан қандай унумли фойдаланишаётганлигини ўз кўзим билан кўриб-ўрганиб чиқдим. Уларга миллионлаб пулларни саноат бераётган бўлса, ундан кам бўлмаган маблағни ер, немис



замини бермоқда. Фақат олмонлар ерга замонавий ишлов беришни моҳирлик билан эгаллашган! Бизда эса ҳамон об-ҳаво барча нарсага ҳукмдор ёки ёлғиз айбдор. Бу ерда эса инсон ақли ҳавони ҳам бошқармоқда, унинг қандай келишидан қатъи назар мўл-кўл ҳосил олмақда, халқ тўқ яшамоқда. Бунинг учун улар замонавий тракторлардан фойдаланмоқда, бизнинг заҳматкаш ота деҳқонларимиз эса мислсиз кучларини ҳамон кетмонга бермоқда. Қанийди улар меҳнатига замона техникаси кўшилса, улкан ҳосил йиққан бўлардик! Биз ҳали ҳам кетмонга суянар эканмиз, Туркистон орқада қолмай, яна ким қолсин, дўстлар?! Шунинг учун Ватанимизга замонавий қишлоқ техникалари жуда керак, қанча тез кириб борса, шунча тез ўсиш бўлади... Мен тракторлар ерларимизга кириб боргач, у билан ишлаш осон бўлиши учун техниканинг барча қурилмаларини ўзбекча сўзларга ўгирияман. Мақсадимиз омончи четга улоқтириб, тракторларни тезроқ халқимизга яқинлаштирмоқдир. Ва барчангиздан ўрганаётган техник атамаларни ҳамда фанингизда учрайдиган асосий китобларни ўзбек тилига таржима қилишингизни, уларни Ватанга олиб кетишингизни сўрайман. Билингки, биз ўрганаётган китоблар ҳали Ўрусияда ҳам кенг тарқалмаган.

Абдуваҳоб Муродийнинг сўзларини эшитиб туриб, бобомга пичирлайман: “Эй шўрлик тупроқ, сенга биз ҳам набира бўлдикми? Мана, қаршимда турибди чин ўғлонлар, уларнинг юраги қандай урмоқда, кўзлари қандай боқмоқда, тиллари қай каломга хозирланмоқда. Улар сенинг чин фарзандларинг, мард ўғлонларинг! Қара, улар ўз тупроғи учун ўлимга ҳам тайёр, улар сен учун ўқишган, сен учун яшашган ва сен учун отилишга шай фарзандлар. Қувон, қувонсанг-чи, шундай фарзандларинг бор, қувон куёнюракларнинг майин тупроғи!”

Муродийнинг нутқи тугагач, ҳамма ўрнидан тур-

ганча уни олқишлайди.

Барча ҳурмат, ҳайрат ва кўз ёшга тўла нигоҳлар билан унга тикилади. Муродий ҳамон жиддий турар, нигоҳлари барчага ўткир қадалганди, бу қарашлардан қалбини эзиб ётган миллат дардларини уқиш, адоғи йўқ оғриқларни ҳис қилиш мумкин. Ҳамманинг кўзида ёш қалқир, бир мен бақириб-бақириб кулардим. Улар бунга ажабланмасди ҳам. Кулги йиғидан минг карра азоб эканлигини уларгина тушуниб етади.

Барчанинг овози бирлашиб, олам ҳайқириғига айланди:

“Миллат учун, Миллат учун, Миллат учун ўқий-миз!”

Мен уларга қўшилиб бақирмоқчи эдим, аммо алам ва ҳаяжон тўла кулги томоғимга тикилиб овозим чиқармасди.

“Миллат учун, Миллат учун, Миллат учун ўқий-миз!”

Атроф қудратга, сеҳрга, нурга тўлгандай, бутун олам шу орзу ва озодлик кўшиғига айланган эди гўё.

Улар каби бақирешни, тиниқ олам саодатига ҳайқирик билан бўлса-да, қўшилмоқ истардим. Аммо томоғим хиппа бўғилганди. Барчасига кулги айбдор!

Нафасдан жудо бўлган одамдай тўлғандим, ўпкамни муштладим, худди алмисокдан қолган радиони турткилагандай урдим устидан, тепдим, аммо “миллат учун” деган овоз қайда, сас чиқмади менинг кўксимдан.

Мен ҳам талабалар билан бирга ажиб шафоатга эришмоқ истардим. Шунинг учун: “Бақирим керак, ҳа, керак”, – дердим ўзимга ўзим.

Ўпкамни довул каби ура бошладим, ерни тепдим, томоғимни бармоқларим билан очдим, қайт қилдим, яна очдим, кекирдим. Шунда ичимдан занг ва қурум босган сўзлар отилиб чиқди дунёга:

“Миллатни еймиз, қонини ичамиз, сўнг ҳожатга

шошамиз, болаларни ҳам, келажакни ҳам ахлат каби тўкамиз миллий ҳожатхоналарга!”

\*

Тўрт ойдан бери йиғилиб-айниб ётган ахлатларни ташлагани чиқаман. Биздан ўзи кўп нарса чиқмайди: куриб илон пўстидек бўлиб қолган картошка пўст-лоғи, илдираган пайпоқлар, қизлардан қолган сочлар ва балолар.

Қизтака доим фоҳишалар кетгач, гиламга тушган сочларни йиғиб, қўлида айлантириб, думалоклаб юради.

– Қўйларнинг жуними ё қизларнинг сочи, қай бири қалинлигига сира ақлим етмайди. Ҳар жойда бемаҳал тўкилаверади. Худди қишин-ёзин барги кўчани расво қиладиган чинорлар каби...

– Барининг онаси чинордир, балки...

– Пул, онаси пул буларнинг! Боримни шилиб кетишди, энди яна ҳайдалишни кутаман...

– Сен бир кун кўчадаги чинорни кучасан.

– Ўзингни ос демоқчимисан!

– Ҳа! Ўлишдан олдин дарахтни зўрлаганинг ҳақидаги хабарлар оммани тутуди.

– Устида ўламанми?

– Осиглиқ ўласан.

Мен унинг қўлидан думалокланган оч сариқ соч то-лаларини оламан. Кечагини эслашга уринаман. Аммо ёдимга келмайди. Қоровойдан сўрайман, у ваннадан чиқиб сочини қуритиш билан овора экан: “Эслолмайман, мен унинг сочларини қора деб тасаввур қилдим ва шундайлигича севдим!” – сўнг узоқ йўталади. Кеча биринчи марта қон тупурди, қора эди у ҳам аф-сус. Унинг афти арчилиб кетяпти, доғлари эса ҳаддан ташқари кўп, бора-бора юз териси адо бўлса керак, фақат суяк устидаги қизил гўшт қолади. Агар эти қизил бўлса, уники қора бўлмоғи ҳам мумкин. Буни ўзи-

га айтиш оғир. Ўзини ўлдириб қўйишгача боради.

Телефончи эса банд. Қандайдир расмларни кўрмоқда. Кеча ўлган момоси тушига кириб, ёнига чақирганмиш: “Бефойда юргандан кўра, қабрда ўйнагин шу телефонни, болам, бехаражат!”

Телефончи момосининг тушда қилган бундай сурбетлигини отасига чақиб берди.

– Итэмган момонг сени ҳам чақирадим, болам! Ўн тўртта боласи бўлиб. Мана қизини чақирсин.

Она мушукдай миёвлайди.

Волидасининг азасидан кўра ўглининг жони азиз кўринади кўзига. Йиғлайди.

– Кўркма, болам, бир садақа чиқариб юбораман. Момонг сени нимагаям чақиради.

– Ўзи одам эмас эди онанг, итэмган хотинча! – онанинг юзига шапалок тортади эр. – Тириклигида-ку бир кунда келиб-кетарди, эпласа бўларди, энди арвохини қандай бошқарамиз, исталган пайт уйимга келади ва тушларимга киради, ҳароми!

– Ундай деманг, отаси... – она йиғлайди.

Эркатой охирги гапни айтади.

– Менга пул жўнатишлар, ўзим гадойга садақа чиқариб, момом руҳини иккинчи келмайдиган қиламан. Тамом.

– Ўзимнинг арслоним, ўзим оч ўтирсам ҳам, сенга пул жўнатаман. Молларни сотамиз!

Хабар келади: “Сиз бойиб кетдингиз! Янги ўйинлар юклашни ва ҳаётнинг рангин томонида бўлишни нутманг. Зерикарли ҳаётга: “Йўқ”, – денг!”

Яна ўн саккиз соат уйқусиз телефонга термилади. Кўзлари қотиб, музлаган икки шишага айланиб бормоқда. Жуда совуқ ва гўзал шиша!

Унинг яна ўн саккиз соати борлиги ҳам сезилмайди дунёга. Ел ҳам чиқармайди, ортиқча нафас ҳам олмайди, ўйнайди, ўйнайди, ўйнайди.

Ахлат ва кир хисларни қора халтага солиб ташқарига чиқаман. Одамларнинг бари ўша томонга кетаётгандай йўл тирбанд. Ҳеч ким гуллар ё дарёлар бўйига интилмас, ахлатхоналар руҳиятимизга кўп яқиндай гўё.

Еймиз ва тўкамиз! Шудир олий даража!

У ерда адабиётшунос домламни кўрдим. Хотини эски тароғини тозалаган кўринади, бир халта соч ва хўлликлар кўтариб олган. Домла тагликларга қўшиб болани ҳам ахлат челақларга улоқтиришга тайёрдек турарди. У Навоий ижодинигина тан олар: “Қолгани бекор, чепуха”, – дерди.

“Навоий Сталин даврида туғилганида отилган бўлармиди ё дохий ҳақида янги дoston ёзиб партиянинг биринчи секретар лавозимига кўтарилган бўлармиди?”

Мияси қизиган, спиртга чайилган онларда шундай юрак билан гапира оларди.

“Барибир Навоийдан бўлак бирор шоир йўк! Қолгани чепуха”.

Домла ўзи пиёла тўқиштирган ижодкорлар зоти борки, барининг устидан кулиб юради. “Навоий билан эҳтиёт бўлиб чоғир ичмоқ керак!” – деб пиёлани бўшатиб тесқари қиларди.

– Мен ароқ ичмайман, симираман... – деган эди бир куни катта аудиторияда. –

Ҳамма эртадан битта шишадан олиб келсин. Мен навоийшуносман, мунофиқликни ёмон кўраман, ўртага курс раҳбарини кўшиб нима қиласизлар, бир шишанинг пулидан йиғинлар, беш баҳо нақд.

Эртасига аудитория шишалар жарангига тўлиб кетади. Топган коньяк, топмаган тиббиёт спирти билан баҳо олади.

Ҳозир унинг юзига туфлашнинг айна пайти эди. Йўлини пойладим.

У хотинининг сочларини умрида хидламагандай

такрор-такрор лаб босиб кўярди, хайриятки, тагликларни силаб-сийпамади. Унинг соч ўпишини узоқдан кўрганлар мағлуб Ватаннинг йиртилган, топталган байроқ парчасини ахлатга ташлашдан олдин ўпяпти деб ўйлар, эхтимол.

Шолғомдай бурни, осилиб турадиган лаб-лунжига караб тупурдим.

Мени таниди. Ва у ҳам қайтарди. Мушт солдим, у ҳам урди, тепди... Ҳаммаёқ расво бўлди. Сўнг олди-га бир кўйнинг пулини ташладим. Олмади. Кафега бошлади ва ахлатхонада булганган кийим билан зиёфатга кетдик.

Бориши билан спирт буюртма қилди, кўлини ҳам, кон қотиб қолган бурнини ҳам ювмади.

– Ука, мен ҳам сендай туфлашга уста эдим. Ҳамма нарсага қўл силтаб кетаверсанг, ким бўласан, носкаш нима, сен нима? Туфлашинг учун юзини тутадиган одамлар бўлсин. Бирор мансабнинг кетидан қув. Мунофиқ бўлма, Навоий айтади...

– Тўхтаг! – зўрға бўрдоқ лабларини ёпиб қоламан. – Илтимос, Навоийдан ўқиманг... Ҳозир ахлатхонада тилингизни соч билан булғадингиз.

– Майли... Навоий ҳам амалдор бўлган демокчи-ман. Шеър ёзиб ўтираверса, одамлар очдан ўларди. Экинлар сувсизликдан қақшарди. Навоий элнинг бошига келди, очларга таом, сувсизларга ариқларни бурди, бош вазир, амирал мўминин бўлган.

– Ўзингиз нега айтганларингизнинг бир ҳарфига ҳам амал қилмайсиз.

Ҳеч бўлмаса, битта товушига.

– Ёшлигимда менга ўргатадиган одам бўлмаган, билдингми? Отам тескарисини айтган. “Лавозимга ўтиру, давлатнинг бир томонидан ўпириб, ушатиб каламуш каби кемиравер, мазза қилиб яша”, – деган. Шунда халқ кўзингга туфдон бўлиб кўринади. Улар муомалани билмайдиган, кўрс ва қўпол, миш-миш

чиқаришга уста, ношукур оломон. Ҳа, улар сени кўра олмайдигандай аҳмоқлар. Сенинг порахўрлигинг ёки софлигинг давлатни камбағал ё бой қилмайди. Биз миллатни битта-битта талаймиз, болаларимиз бизни талагани каби.

– Эшакқуртлар каби...

– Ким учундир Ватан ҳар ойда бериладиган қарилик пулидир. Бермаса ўзини Ватансиз хис қилади. Шунчалик ўрганиб қолганки, қолган умринимас, яна давлатдан қанча пул ўзлаштиришини ўйлайди.

– Ким учундир хотин ва ўйнашнинг беҳуда тўкилган сочлари Ватан.

– Тўкилган сочлар – тўкилган туйғулар, бўтам!

– Сиз Ватанга хотинингизнинг ювилмаган сочлари орасида боқасиз.

– Ҳамма порахўр бўлса, сенинг ҳақиқатинг неча пул турарди? Бундай жамиятда ҳақиқатчи бўлсанг, демак, кулгили жиноятчисан ёки жиннихонанинг навбатдаги мижози! Шунинг учун мен ҳам боламни Иқтисодиёт университетига ўқишга бердим. Киришига машинанинг пули кетди-ю, майли, ҳечқиси йўқ, катта бўлса, бирон идоранинг қонини ичиб юраверади, кана каби... Чумолининг ҳаёти кимга керак. Гарангсираб ишга бориб-келиб турса бўлди-да, бизга ўхшаб институтда гап эшитиб, архив титиб, сарғайган талабаларнинг қўлига қараб яшаш, шу ҳам ҳаётми? Оч талабани қақшатиш мен учун ҳам азоб. Гоҳида институтда нима қилиб юрганимни ҳам эсдан чиқариб қўяман. Адабиётдан дарс бераманми ё спиртшуносликдан, очиғи билмайман. Институтга нима учун бораман, менга нима учун ойлик тўлашади, ректорга хушомадим учунми ё бузуқ талабаларни қўллаганим учун? А-а-а, ўғлим бўлса иқтисодчи, давлат пулини бошқаради. Миллионлаб солиқ тўловчиларининг чўнтаги бўлади. Шунинг учун боламнинг қулоғига қуяман, эҳтиёт бўлиб, йиққичингни йиғ-да, вақтида давлат ишини қўй! Шуни эслаб қолса,

ҳеч нима қилмайди. Давлатнинг пули камайиб қолармиди? Аслида, ҳаёт шу-да, тўғрими? Туфдонга айланасан бўлмаса! Мана, сен тупурдинг-ку бугун.

– Болангиз ҳам туфдон бўлишидан кўркмайсизми?

– Йўқ, мен уни халқнинг нафрати етиб бормайдиган баландга кўтараман. Одамлар унга туфлашдан кўркади, хайқади. Туфласа, ўзининг юзига тушади. Аксинча, ўғлим халққа нафрат сочса, саратонда ёмғир ёққандай ҳар томчини қафтларига тутиб қаршилайдилар. Сўнг мен ўламан. “Машҳур навоийшунос бизни тарк этди”, – деган хабар чиқади ва ҳаммаси тугайди. Аммо бугун қилган ишинг учун сенга раҳмат, бугун хотиржам ухлайман, гарчи эртага сендан ғазаблансам ҳам, ҳаққингни ҳалол қилдинг. Аммо тўла озод бўлмоғим учун мен дарс берган юз минг талаба ҳақорат этиши керак, тепиши, сўқиши, сўнг туфлаши керак. Раҳмат сенга. Энди ўзимни ҳаддан ташқари покиза деб алдашдан кутулдим. Яна туфла, илтимос, яна...

Куламан қотиб-қотиб, сўнг китмирлик қиламан.

– Сиздан илтимос, домла, Навоийни уйлантиринг. Бир қилмаган ишингиз шу қолди. Тушунаман, тирикчилик, Навоий ижоди аллақачон тижоратга айланди. Аммо инсоф ҳам қолмабди сизларда, шунча навоийшунос бўлса-ю, уйлантира олмасанглар, бир етим каби билиб, бу нима дегани? Қандай жамиятда яшайпмиз? Бир сўмдан йиғсаларинг ҳам, миллион бўлади.

Домла ўйланиб қолади. Қонаган бурнини силайди. Менга сергак, кўз остидан қараб кўяди. Кейин ғалати овозда кулиб юборади.

– Йўқ... ҳа... йўқ... ҳа... ҳа.. тўғри айтдинг, шу масалани ректорга айтаман, у ҳам қараб турмас. Ахир битта қатта институтни еб ётибди.

Ўлган бутун бошли институт жасадини эшакқурт каби кемирмоқда. Ҳа, тешиб чиқмасин. Тезроқ Навоийни уйлантиринглар. Савоб бўлади-а! Қачондан бери



бўйдоқ юрибди бечора!

– Ўзинг қачон уйланасан?

– Навоийдан кейин... Навоий уйланмас экан, бизга йўл бўлсин...

Гўшт қовуриб келишади. Устига оппок пиёз тўғралган. Иштаҳа билан ейди навоийшунос. Сўнг яна хазратни эслайди. Пиёз ва Навоийни бир-бирига муқо-  
яса қилади.

Юзига туфлайман такрор.

– Сиз: “Навоий... ўз қарашларида сўфийлик тер-  
минларини ўраш-чирмашга, уламолар, хурофотчилар  
таъқибига тушмаслик учун, улардан ўлгудай кўркиб  
Худони ғазалларида кўшишга мажбур бўлган”, – деб  
ёзгансиз! 1979 йили “Совет маданияти” газетасида,  
шу тўғрими?

– Замон, замон... их-их, – пиёз томоғига тикила-  
ди. Орқасига ураман. – Замон ўлсин, пиёздай томоққа  
кўрқув тикиларди!

– Энди бошқача замон-а? Навоийни уйлантиринг,  
замонга мослашинг-да, оқаси!

– Хўп, дедим-ку, олсанг-чи қуйруқдан, уйлангач,  
бунинг кадри кўп билинади-да!

– Ҳайф, сендай ...шуносга! Ичинг сасиган пиёз, ёз-  
ганларинг ишлатилган автобус чипталари каби оёқлар  
остида хор. Навоий сени боқади, сен қуртларингни. Ай-  
вонимда кўз очган қалдирғоч канотин ҳаққини тўлама-  
са, Ватан демаса, донини, сувини ичса-ю, баҳор билан  
қайтмаса, булбул Ватанга қувонч, наво олиб келмаса,  
минг дўсту азиз бўлса-да, отаман, ўлдираман! Сени  
нима қилиш керак, итшунос?

– Мен конталаш Навоий жасадининг янги фарё-  
дини кашф қилгум. Навоийни мустақиллик даврида  
авлиё, совет даврида атеист, деганим рост, буни бўй-  
нимга оламан, ҳозир ҳам янги замон мафқурасига  
боғлаш илгимдан келур. Аммо ўлай агар, Лениндан  
кўра Навоийга яқинлашганим дуруст бўлган! Шунга

шукур қиламан, булғасак ҳам, улуғни булғадик.

Кир, ёғ ва қон юқи бўлган қўллари билан суякни маҳкам ушлаганча сарғайган тишлари билан уни шундай кавшардики, ит уни кўриб хижолат тортарди, уяларди.

– Навоий – Ватан, сенлар эса эшакқуртсанлар, болаларинг ҳам, отанг ҳам. Сувда ўлмайдиган, оловда ёнмайдиган, фақат ўлим кутувчи курт!

– Бир куни ўзимни осиб ўлдираман! – деди ёғдан ялтираётган лабларини тили билан артаркан.

– Навоий ҳайкалига ос. Қаттиқроқ боғла ўша бахтиёр ипни.

– Ҳа, шундай қиламан. Ҳеч бўлмаса санокли дақиқаларда, қоним қотиши олди Навоий билан соф туркийча сўзлашмоғим шарт. Ундан нафассиз, сўзсиз, кечирим сўрайди мурдам, сўнг шамоллар тебратиб дардим куйга солади.

Олам кўзларимга торлик қилади. Кетаман, у ҳамон суяк кавшайди.

Куёшдан ҳақ сўрайман.

Куёш эса: “Ортиқ Ватанингни ёритмайман”, – деб иддао қилади.

“Кўзларим бор, – дейман осмонга ҳайқириб. – Миллион тоза кўзлар бор, ёруғликда қолади, қолади, қолади... токи чақалоклар бор. Ҳирсу нафсдан тоза гўдаклар бор, жигари тоза, қони тоза!

Чирокни ўчирадилар. Олам зулматга тўлади. “Ким?” – дея зорланаман. Қизтаками ё Қоровой, ҳеч садо бермайди!

Сўнг болаларни ўйлайман, уларнинг кўзларидек ҳеч нима ёрита олмайди зулматни.

Навоий ҳайкалини кўришим билан “шунос”ни эслайман. Қаерига ип боғлаш мумкин? Ҳассасигами ё

бўйнига? Эҳ Навоий бобо, қачонгача буларнинг ўлигини кўтарасиз-а?

Ҳайкал ёнида бир қиз Навоийга суйкалади. У ҳам ўзини осармикан ё? Яқин бораман. Кўзларида ўлим, ҳаёт ва ҳирс яшарди бирдек семириб!

Ҳазратни қучиб ётибди. “Нима, ундан фарзанд орттирмақчими?”

– Касалинг жиддийми? – деб сўрайман.

Қиз тор шимини зўрға кўтариб минғирлайди. Йиғлайвериб бўёқлари чаплашиб кетган кўзларини нам салфетка билан артади.

– Ярамас, ташлаб кетди...

– Навоийми?

– Оти бошқа эди, алдамаган бўлса!

– Ҳомиладор бўлишга улгурдингми, ишқилиб?

– Ўлай агар, билмайман.

Қорнини ушлаб кўраман. Юрак урмасди, боя еган фастфудидан ташқари ҳеч балоси йўқ.

– Йигитингнинг мижози сушт. У ҳатто одам сонини кўпайтиришга ярамайди. Ташлаб кетиб сенга бахт берибди, холос!

– Мени севарди, кимдир унинг олдида телефон қилиб қолди. “Жоним, асалим”, – деб кетди тўсатдан. Нотўғри тушунди ва кетди... Ҳозир қидириб топа олмапман, телефони ҳам ўчик, интернетга ҳам қирмай қўйди.

– Эркак зотининг аразлагани бир ош егунча.

– Йўқ, у келмайди энди!

– Навоийда нима гуноҳ, нега уни ўпяпсан?

– Кўзимга чиройли кўриниб кетди... Навоиймиди?

– Йўқ, бу оддий тош.

– Чиройли тош экан. Барча йигитларнинг юраги тошми?

– Йўқ. Сенинг нафсингдек эмас ҳамма эркак. Ҳирсингни севиб қолгансан, тошми ё кесак, сенга фарқи йўқ.

– Бекор гап! Ишонмасанг ечинтириб кўр, титрайман ҳали ҳам... қитиғим ҳам ўлмаган.

– Эҳтиёт бўл! Кўксингдаги хирсни хайкал эмас, олов қондиради...

– Олов?

– У ичингда, сен уни ухлатиб қўйгансан, ахмоқ.

– Ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлганман. Ўлимим роса шов-шув кўтарилишини, машхурларнинг саҳифаларида суратларим пайдо бўлишини, яқинларим йиғлашини ва ўша сурбет бутун умр ўзини бахтсиз санашини истардим.

– Хожатдан чиққанингда ҳар доим сув қуясанми ё хаёлинг йигитларда бўлиб, эсдан чиқадими?

– Баъзан ёдимдан кўтарилади. Лекин жуда камдан-кам... чунки уй сасиб кетади...

– Ўша кетган сувга ичинг ачийдимми?

– Йўқ.

– Улар ҳам сассиғингни тозалаш учун жўмрак тортилганидан хурсанд бўлади ва худди шунинг учун кетган сув миқдорида сенга ачинишади.

– Бас қил... йўқол кўзимдан!

– Шундоқ ҳам кўнглим беҳузур бўлаётганиди!

– Эй, қаерга кетяпсан? Мени шунча авраб, ярим-яланғоч ва оч ҳолатимда ташлаб кетишга кўзинг қиядими? У ўзидан кўрсин, мен бугун сеникиман.

– Хонада ёлғиз эмасман. Тўрт киши турамиз... Улар сенга раҳм қилиб ўтирмайди, улар сендан ҳам оч, бунинг устига пулсиз қолишган.

– Тўртовингникиман. Менга шундайлар керак.

– Қишлоғимизда беш минг эркак яшайди...

– Ҳаммангникиман... Бутун қишлоққаман.

– Номуссан... Шайтон тагидаги номус... ҳаммамизнинг номусимизни кўтариб юрибсан...

– Ташлаб кетма, ўзинг билан олиб кет. Мен ҳали ўн олти ёшдаман.

– Юрагинг катта экан, қонинг ҳам тез, кўксинг

тошяпти, шу ғайратингни бўлак нарсаларга сарф этганингдами? Хайкални кучмаган бўлардинг, дунё пойингда бўларди. Афсуски, сен ҳам миллионларнинг бирисан...

– Кетма...

– Эшакқуртларга тайинлаб қўяман. Кўксингни ҳажон билан тишлашади...

– Нима?

– Афсус, сени уларгина ҳомиладор қилади?

Лолани ўйлайман. У ҳам балки, мендан безиб бо-раётгандир... балки, ҳеч қачон севмаган, доим бемав-рид янграган кулгиларимга раҳми келгандир.

Бир кун туш кўрдим. Лола аборт қилдиргани кетяпти экан. Хайрон қотганимни кўриб, кулибди, худди мендек, йиғининг ўрнига пешонамга ёзилган ёқимсиз кулги унга кўчиб қолгандек.

– Тўрт йил? Нима, сени кутавериб чиниққан кор-ним бўш турсинми?

– Аборт шартми?

– Иккинчисида сезилмаскан. Фақат касалхонага кетган вақтинг ва нақд пулингни ўйлайсан, холос.

– Отаси ким? Юраги уряптими?

– Бунинг нима фарқи бор сенга? Ҳар ҳолда сен билан тўрт йил олдин кўришганимизнинг ўзи сенинг қизиқишингни ўлдириши керак.

– Болали бўлишни истамайсанми, Лолам!

– Шунчаки бола иси менга ёқмайди. Ўша қишлоқда-ги тол бешикдан кўнглим айнирди. Ибтидоий тўдалар-нинг бола қарови. Ёғочга ип билан боғлаб катта қила-ди, болаликдан қулликка ўргатади.

– Тартибга ўрганади, қомати тўғри бўлади, кейин иссиқ ётади, аммо қарамаса сасийди.

– Сафсата сотма!

– Берлинда бешик йўқ-ку!

– Чақалоқни кўрсам, бешик хиди димокқа уради.

Азобларим, отам мени бешикдаёк сўкиб қарғарди.

– Алдама! У сени яхши кўрарди. Спирт айбдор.

– Ҳеч ким унинг оғзига қуймаган.

– Қулларнинг оғзи очиқ бўлади.

– Мен қул эмасман, бешикни эса кўргим йўқ. Унга арча солинади.

– Сен бутун бошли Германиядаги арчаларга қарши кураша олмайсан! Арчалар доим яшнаб туради. Сен эса қариб борасан, ҳатто ўзингнинг иштонингга ҳам эгалик қила олмайсан. Истаган ит исканиб келаверади.

– Мен ўз болаларим у ёқда турсин, укаларимни ҳам ўлдирганман. Улар олти ойдан нарига ўтишмаган. Қишлоқда ким ҳам битта бола билан чекланарди дейсан, онам ҳар йили туғарди, мен уларни олти ойга тўлиши билан ўлдирардим. Уларга ҳам отам озор беради деб, гўё озод қилардим ҳаётдан. Сут таъмини билиб қолган пайт, асалтойларнинг бўлиққина бармоқларига сичқон доридан суртиб кўярдим. Улар тамшанганча ялашади, сўнг эса бешик яна чордоққа чиқади.

– Ҳа, сенинг укаларинг олти ойликдан ошмаган. Қойил, сенинг олдингда Сталин ва Гитлер фаришта-ларга айланаркан.

– Жон деб ҳар икковидан ҳам фарзанд кўрган бўлардим.

– Нима учун?

– Дунёнинг энг даҳшатли қаҳрамонлари тунда сенга бош эгиши – қанчалик лаззат эканлигин фақат менга ўхшаган аёлгина тушунади.

– Сенга уйланмоқчи бўлиб келиб эдим. Қўйларни сотдим... Тарихчиман...

– Сен ғалатисан, ҳаддан ташқари кўп куласан.

– Йўғ-ей, нахотки сенга ҳеч нимама ёқмас?

– Илк кечадан сўнг ёқадиган ҳеч нима қолмаслиги аниқ.

– Йўқ-йўқ, Лола?

Асабий уйғониб кетаман. Муздай сувга чўмиламан,

сочим тўкилади, оппоқ ваннани қоп-қора соч эгаллайди. “Ёмон туш кўрсанг, сувга айт”, – дерди, айтаман. Сочим тўкилиб кетади, бу кўрган тушим онгимдан ситилиб кетишини кутаман, аммо ҳеч нима ўчмайди.

Лола?..

\*

Муродийга чалинган қарсақлар тингач, бирдан ўрнимдан тураман.

“Уларни асраб қолиш керак, асрашим керак!” – шу сўзларни айтганча, саҳнага қандай отилиб чиқиб кетганимни билмай қолдим. Ҳаммаёқ бирдан сув қуйгандай жим бўлди-қолди. Барчанинг кўзи менда эди. Мен эса бир сўз демай тошдай қотиб туравердим. Чиқишга чиқдим, ўзимни, тилимни унутдим. Уларнинг ёниб турган кўзларига боқдим, оёқларим бўшашди. Ҳаёт, умид, келажак ва меҳнатга ташна йигит-қизларга қандай қилиб ўзим энг ёқтирмаган сўз – ўлим ҳақида гапиришим мумкин. Ватанда Ватан эмас, ажал ҳамда эшакқуртлар галаси кутаётганлигини шундай ёруғ кўзларга айтиш... Йўқ-йўқ... Мен ўлимдан кўрқаман!

Лаънати эшакқуртлар, хурсанд бўлманг, йўқ!

Уларга қараганимда осмондаги бор юлдузлар ўз ўкидан чиқиб шу хонага тушган каби кўзларим қамашади. Дунёда бундай ёруғ нур сочадиган юзларни кўрмаганман! Уларга чиндан ўлим сўзини айтиб бўлмайди, чунки улар ўлмайди.

Қийкириқ давом этади.

Мен ҳам қўшилиб кетаман.

Яшайман – ёриламан.

Саттор Жаббор биринчи ўзбек кимёгари сўзга чиқади.

У нутқини Афандининг бир ҳазилидан бошлади. Ҳамма баралла кулади. У ўзининг Берлин кимё институти талабаси эканлигини айтди. Саттор жуда қувнок ва шўх йигит экан.

– “Кўмак” номидан бир журнал чоп қилаётганимизни билдирмоқ ниятимиз бор. Ўзбек тилида чикадурғон илмий, адабий, ижтимоий журналимиз бизга халқимизнинг қилаётган яхшилиги йўлида арзимас бўлса ҳам, жим тургандан кўра бир амалий иш, келажак йўлида бир уриниш дея қабул қилингай. “Билим Оврўпададир” сарлавҳаси ила чоп этилаётган журналимизда фаол қатнашишингизни сўраб қолган бўлардим. Зора, бир кун келиб, авлодлар бизнинг чин ва улуг ниятимизни шу журнал орқали яхши англаса, кейинги асрларга жисмимиз ўтмаса ҳам, қилган ишларимиз, сўзимиз ўтар! Нима дединглар?

Саттор Жаббор таъкидлаётган, Германияда бор-йўғи бир нечта сони чиққан журнални аллақачон ўқигандим. Эски ўзбек ёзувида. Мақолаларда кучли хаяжон сезилиб турса-да, Германияда таҳсил олган талабалар ҳақида ҳаққоний маълумотлар олиш имконини беради. Улар турли жойларда ўқиганликлари ва имтиҳонларнинг ҳар хил вақтларда бошланиши ҳисобга олиниб, нашрнинг аниқ чиқадиган вақти белгиланмаган. Рўзнома талабаларнинг бўш вақти бўлиши билан тайёрланган ва чоп этилган. Масъул муҳаррир Саид Алихўжа. Ана, ёнбошимда ўтирибди, ўта камгап, ўзини жуда ақлли санайдиган йигит. Аслида, чиндан зукко, кам гапиради, кўп ўқийди. У Берлин олий техника мактаби талабаси, аммо қалами ҳам бор, таҳрир қилишга ҳам уста. Қанча кулмай, қовоғи очилмайди. Балки, кўпчилик каби ичида қулиш санъатига эгадир. Ундайларга гоҳо ҳавасим келади, туйғуларни бошқариш мумкинми? Мен учун бу шамолни йиртиқ тўр билан тўсишдай оғир масала.

Журнал учун қарсак чаламан, Саттор бундан тўлқинланиб ўз нутқида давом этди:

– Бизнинг кўп талабалар Берлинда ўқийди. Шунинг учун, хабарингиз бор, биз “Туркистон” номли кутубхона ҳам ташкил этдик. Бу кутубхонага хоҳла-



ган пайти келиб, жамланган китобларни ўқишингиз ва янги сотиб олган адабиётлар билан уни бойитишингиз мумкин. Туркистондан келаётган барча газета ва журналларни ҳам шу жойга жам этдик.

Яна қарсак чаламан. Саттор Жаббор ташаккур айтганча сўзини давом эттиради, биламанки, бу гал киликларим ёкмади.

– Талабаларимизнинг кўпчилиги техника соҳа-сида ўқийди. Мен эса кимё факультетидаман. Аммо ҳозир техника ҳақида гапирмоқчиман. Хато қилсам, тузатганларни кечираман! Бугун дунёда техника асри бошланмоқда... Кечирасиз, бошланиб бўлган... Биз кечикиб кўрдик, холос. Бунда ўзимни назарда тутяпман. Аммо ҳали кўрмаган миллионлаб Ватандошларимиз борлигини унутманг. Уларга сув остида юрадиган кемалар ҳақида гапирсангиз, қайсидир эшоннинг каромати эмасми, дея ишонмай қарайди. Учига чиққан мутаассиблари нафаси ўткирроқ домлага дам солдирмасанг, тил тортмай ўласан, дея иддао қилади. Кулмангиз, биз ҳам шунақа эдик... Бугун бугун Туркистон шунақа...

– Чиндан ҳам, – деб бақираман. – Ҳозир ҳам шу!

– Раҳмат сизга, – дейди Саттор. Кейин бир йўталиб сўзида давом этади. – Техника бир мулланинг сеҳрли ҳассасидан кўқарган мева эмас, у инсон ақли ва заҳматининг темир мевасидир. Бугун океанларда жавлон уриб юрган оппоқ кемаларни кўриб, ер ости ва ер устида электр ҳамда ўтаробаларни кўриб, осмонга парвоз қилгувчи учғучларни кузатиб, мени бир дард қийнай-дир, нега бизнинг муллалар ҳам шундай каромат кўрсатмайди? Кўрсатса эдилар, биз қийналиб Олмонияда сарсон юрмаган, хўр-хўр чой хўплаб, зиғир паловни ошлашаётган бўлардик. Нега улар ожиз? Чунки бизда маориф йўқ, устозимиз Фитрат домла: “Таълими ўлган миллатнинг бугуни ҳам, келажаги ҳам қулликдир”, – деб бекорга айтмайди. Зироат машиналари саҳролар-

ни боғларга айлантирди, бизнинг саҳролар ҳамон ўз бағридаги олтинларни олмаётган ва ўзларига ишонмаётган болаларига хайрон бокмоқда. Гаранг қарамоқда, буларни нима кутяпти, олтинларни олтин сочилилар олиб кетишини кутмоқдами, деб зорланмоқда. Аммо кулоқларимиз том битган, эшитмаймиз, фақат кетмон ва ўроқ. Биз бу билан йўқликка маҳкум бўламиз. Мен кўрқаманки, бир кун келиб, бизнинг саҳролардаги олтинларни кимлардир худди буғдой кўтарган чумолилардай оғзига солиб, ташиб кетмаса эди. Мени ҳам чумоли талаяпти, сизни ҳамми?

– Ҳа, юрагимдан қон ташишяпти! – куламан, аммо гапларим чин. Чумолининг уяси яна тўзиди.

– Барча гапларим жиддий! Кончилар ўзимиздан чиқмаса, ўзгалар келиб олтинларни олиб кетади-да! Олтинга тўла саҳроларимиз кимнингдир саройини, дўндикча хотинининг оппоқ бўйнини безайди. Бугун шундай бойликларга эга юртимиз оташин миллат куйчиси Чўлпон таъбири билан айтганда, бойқушларнинг харобасига ўхшайди. Чунки бизда дунёда бор инженерлар, докторлар, кимёгарлар, агрономлар ва саноатчилар йўқдур. Шунинг учун биз орқада қолиб кетдик... Бир биз эмас, ишонинг, бошқалар ҳам хайрон қолар... Қандай қилиб шундай замонда Туркистон ёш болалари оддий касалликлардан қирилиб кетмоқда. Бошқалар хайрон қолар, олтин ерга эга бу халқ нега очликдан ўлмоқда, нега кул? Кўп гап эшакка юк, курук сўз кулоққа ёкмас, деганларидек, келинг, яхшиси аниқ далилларга ўтсак. Биз Туркистоннинг илк инженерлари, илк агрономлари, илк докторлари, илк кимёгарларимиз. Биз миллатнинг келажаги учун курашга бел боғладикми, ўз ишимизни қилайлик... Яъни ихтиролар устида ишлайлик, миллатга янги-янги ихтиролар билан қайтайлик! Мен ўзим сунъий нефт ҳосилалари бўйича янги иш бошлаганман, бу ишим ҳали Оврўпада ҳам оммалашмаган. Насиб қилса, уни кенг жамо-

атчиликка Ватанимизга қайтгач, маълум қиламан. Шунда биз ҳам ихтиро қилишимиз мумкин, ҳеч қанақа қора, саводсиз халқ эмаслигимизни дунёга исботлайман! Шундай экан, ҳаммамиз бир янги ихтиро устида ишлайлик. Бир кун келиб, жаҳон биздан замона техникаларини сотиб олсин!

Давра қийқириклар, қарсак ва тилакларга тўлиб кетди. Мен эса уларга бокиб, ичим ёнар, қалбим ўртанарди. Халқим юз йил олдин ўзининг қандай болаларидан жудо бўлганини билармикан, энг даҳшатлиси, уларнинг ўрни энди тўлармикан?!

Ким тўлдиради, ким?

Ким отаси ё онасининг нафси учун эмас, миллати учун ўқий бошлайди?

Мен талаба бўлиб нимани қойиллатдим?

Ухлашни ва сочларни ахлатхонага ташишними?

Ҳа, озми-кўпми туфлашни ўргандим. Носкашлар каби...

Мен энди нима учун ўқийман. Аввал бобом, момом учун эди. Ҳозир эса бирор катта мақсад йўқ-ку?

Отам-онам қабр тошига дипломим расмини тушириб қўйсам, бир чақалик фойдаси йўқ.

Момом ҳам, бобом ҳам кетди, энди улар учун портфель кўтариб юришга ҳожат қолмади. Қўйларим учун ҳам эмас, улар сотилиб битди.

Мен ким учун ўқияпман?

Бирор катта мақсадсиз яшаш нақадар оғир дард! Балки, келажакда туғиладиган болаларим учундир. Улар ҳаёти ғалати тасодифларга ва боғлиқликларга тўла отаси бўлишини ҳозирдан рад этаётгандир. Улар Худодан мен орқали туғилмасликни сўраб илтижо қилаётгандир-а!

Улар гоҳида мени таъқиб этади:

– Агар сиз сабаб туғилсам, нима қилиб бера оласиз?

– Йиғлаш керак пайтда кулишни ўргатаман.

– Йўк, одамлар кулиш керак пайтда куладилар, йиғлаш керак пайтида йиғлайдилар. Ҳамма шуни назорат қилади, қонунлар шунақа.

– Қонунларнинг бари ҳам тўғри эмас. Масалан, совет даврида ҳатто тушингда ҳам хорижга чиқиш мумкин бўлмаган. Сенга ҳар қандай режимда ҳам чексиз сайр қилишни ўргатаман.

– Керак эмас, туш кўриш эскилик сарқитига айланган. Мия яхши дам олмайди, натижада иш самарадорлигим йўқолади.

– Мен сенга қандай севишни ўргатаман.

– Севиш? Ҳамманинг қўлидан келади. Гап севилишда, минглар, миллионлаб одамлар томонидан бўлса, бу бошқа гап.

– Аҳмоқликни ўргатаман.

– У қонимда бор.

– Нима?

– Аҳмоқлик.

– Қандай қилиб?

– Агар мен сиздан туғилсам, аҳмоқлик ҳам ўтди-да, шуни ҳам билмайсизми?

– Рост, ақлим етмас экан, менга кимдан ўтган экан?..

– Билмасам, мен сиздан туғилишни истамайман, онамга яқинлаша кўрманг...

– Нима, у ёқда ҳам демократияга ўтилдими?

– Ҳозир болалар кимдан қачон туғилишни ўзи танламоқда. Мен сизни истамайман.

– Мен ҳам танлаганманми?

– Бўлмасам-чи? Ўзингиз танлаган йўл бу...

– Ватанни ҳам танлашяптими?

– Аллақачондан бери. Мардлар мардлар томон, кўрқоқлар эса кўрқоқ оналарга юк бўляпти.

Демак, менга ҳам ўтган. Кимдандир сўрашим керак. Катта амаким! У билар, ҳар ҳолда мендан ўтгиз йил олдин дунёга келган.

Телефонни кўтариши билан тергашга тушади. Нима демоқчи бўлганим ҳам эсдан чиқади.

– Пул йиғяпсанми? Ё яна биздан ёрдам кутяпсанми, ўзи сени момой билан бобой текинтомоқ қилиб ўстирди, ўргандинг, менга беришгандами, одам қилардим.

– “Уйлантираман”, деб ваъда бергансиз!

– Ҳа, лекин ҳозир ҳаммага қийин. Хотиним ўляпти, жигари тамом бўлди! Кўмиш ҳам бир дунё харажат. Бечора, янганг азобини тортяпти, бир пайтлар силлиқ эди ҳаммаёғи, ҳозир териси осилиб қолган шалвардай.

– Шу ҳолатда ҳам унга тегишяпсизми?

– Кеча у ёқ-бу ёғини ушлагандим, мурдани кучгандай ғалати бўлиб кетдим.

– “Қабрни ҳам кучмасангиз, сизни омон қўймайман”, деб кўрқитяптими?

– Ҳа, лекин аҳмоғи йўқ, кўшилиб ўладиган, мен ҳали кўп яшайман. Ҳар эҳтимолга қарши, шошилинчда дуч келганга уйланмайин, деб бир-иккита эрдан чиққан жувонларни кўз остимга олиб юрибман.

– Сиз ҳали ҳеч ким ўпишга улгурмаганига муносибсиз, тўнғичим!

– Ҳа, укамдан-а?! Тўйингни ўзим қилиб бераман, ваъда – ваъда... Бобой тушга киравериб эзиб юборади бўлмаса.

– Мен сиздан отам қандай эди, деб сўрамоқчийдим.

– Шундай, бечора яхши одам эди...

– Кўп гапирармиди, мендай ғалатими? Кулармиди йиғлаш ўрнига?

– Йўқ, сенинг ғирт тескаринг. Йиғлаш керак пайти йиғларди, уйланиш керак пайти уйланарди, туғдириш керакми, шуни ҳам қиларди... Мен ҳам янгангдан сўнг уйланмасам бўлмайди. Иссиқ-совуғимга ким қарайди?!

– Унда мен кимга тортганман, тўнғичим?

– Эшбойга! Тоғамизга. Ўтган қишда қайтиш қил-

ганди. Тепадаги қабристонга қўйиб эдик. Шу ғалати эди, сўксанг ҳам кулиб турарди, урсанг ҳам...

– Йўқ! Жинни-ку ғирт у, амаки..

– Рост... Сен унчалик эмассан. Давлат ўқитяпти, аҳмоқ бўлсанг, ўша ёқларда юрармидинг.

– Тўй қачон?

– Тўй? Ҳали тирик-ку, энди... уят бўлар, ўлмасдан олиб келсам, жиян! Шундай бир-иккита момолар билан келишиб, ўзлари ташлаб кетадиганидан топамиз...

– Ўзимнинг тўйимни айтяпман!

– Хотинсирамай ўл, жиян? Мен тайёрман, қолган акаларинг ҳам биттадан қорамол берса, уйланасан-кетасан.

– Берлинга бориб келганимдан сўнг..

– Эсон бўл, жиян...

– Янгамни асрай олмайсиз, худди отам-онам, бобо, момом ва Орол каби куриб бораверади у ҳам. Сиз кейинги хотинларингизни ҳам асраб қола олмайсиз. Фақат ўзингизни эҳтиётлаш учун дунёга келгансиз. Аммо йўқотганларингизнинг ўрни тўлмайди янгисини олганингиз билан. Янгамни охириги кунларида бахтли қилинг... Зора ҳаётдан ҳеч бўлмаса бир нарсани – ўлимнинг муқаррарлигини тан олиб кетса!

Амаким йиғлайди. Мен эса куламан, қон бўлиб куламан, оёқларим шишиб кетади, Қоровойдай қон ту-пургунимча, юрагим санчиб қолгунча куламан... Янгам минг ёмон бўлса ҳам, барибир яшагани яхши эди. Мен ҳатто янгамдан ҳам ўлимни ёмон кўраман!

Қоровой сув қўяди, қонимизни ювамиз, сўнг яна ухлайман, у эса йўталганча чўмилгани киради.

\*

Туни билан итлар ҳурди.

Бобомнинг неча бор уйкуси бузилди – қўрани дараклаб-дараклаб келди.

– Ҳеч зоғ кўринмайди, итлар нимага безовта, мо-

моси?

Момонинг туши ўнг билан ош-қатик бўлди, шекилли, ваҳимага берилди:

– Арвоҳлар юрибди, бобоси!

– Бекорчи гапни қўй, тентак кампир! – жеркийди бобом.

– Рост, чол... Эшитганим бор, бўлмаса нимага ўз-ўзидан хуради Тўрткўз.

– Кучук бу... тили бўлса экан, нимага зориллаётганидан гапирса!

– Арвоҳлар, бобоси! Ўғлим билан келиним қўл ушлашиб кириб келишган. Тўй куни тушган суратдагидай бири оқ кўйлақда, бири қоп-қора костюм-шимда... Бечоралар боласини соғинган-да...

Мен ҳам жун кўрпамни отаман.

– Ташқарига чиқайми, момо?

– Ёт-эй, аҳмоқ! Ота-онанг шунча одам туриб, итга кўринадими?

– Ёт, – дейди момом. Сўнг бобомга ҳадиксираб гап кўшади – Одамларга кўринмайди рухлар...

– Йўқ!

– Тушларга киради.

– Шунинг учун ухла, тезроқ ухла...

Итлар хураверади. Мен ухлаб қоламан.

Тонг кечаги итлар чакириғини ойдин қилади.

Биз пиёлага солган муштдай новвот эримасидан момом оёғи куйган товукдай лапанглаб чопиб келади.

– Ўлдим, бобоси... Ўлибгина қолдим!

– Нима бўлди? Новвотни тош қиласан-а?

– Хўрозларимнинг боши олинган... Ҳаммаси ўлиб ётибди. Кеча итлар бекорга хурмаган экан. Нимадир еб кетган. Қайси газанда бўлса?

– Боланг... Кенжанг... Итэмган!

– Ундай деманг! – момом йиғию аламни қўйнига бекитади. Хўроз қайғуси бола қайғусига ўрин беради.

– Кечаси кучукдай санғийди, тонгни кўрмай ўлаётгани ҳатто хўрозларнинг ҳам раҳмини келтиради. Қонинг тупрокка оқмайди, қонинг ичингга оқади, харом бўлиб ўласан, бола!

– Қарғаманг, бобоси, кенжамни қарғаманг. Қирилик кетмайди хўрозлар!

Бобом новвотни парвардадай эзиб ташлайди.

Тепамозорга боргунимизча тош чайнайди.

Тиловат қиламиз, отам ва онамнинг қабрини сийлаймиз. Бобом узоқ нималарнидир ўйлайди... Сўнг тепаликдан тобутлардай кўриниб турган қишлоқ уйларига қараб гурунглашамиз.

– Бобо, кенжам нега хўрозларнинг бошини олди?

– Қичкириб эрта сахар уйғотаётганмиш!

– Қўшнилари кўрози ҳам бор-ку, бобо...

– Ҳар ҳовлининг уйғотувчиси бўлиши керак. Тонглаб иссиқ жойдан кўзғотиши керак ризқ учун... Кенжам, одам бўлмади, ит бўлди.

– Кўз теккандир?

– Бир яхши томони бўлса кўз тегади. Отангга кўз тегди. Қўйда юввош эди. Қўйлар ҳам оч қолса, таёқдан кўркмай кўяди, отанг эса беозор эди... Эрта кетди...

– Кимларда суқ бўлади, бобо?

– Кўзи борларнинг-да!

– Ҳамманинг кўзи бор-ку!

– Айримларда ғаразли бўлади. Милтиқнинг ўкидай отади. Қўшнимиз Холикул бобонинг кўзи ёмон эди. Оқ биям бўлгувчи эди, сен кўрмагансан. Жуда чиройли, ёллари қиз сочларидай узун-узун, улардай нозли эди, хиндлардай қош-кўзи қора, лобар эди. Адирдаги Бешим чўпоннинг Чинор лақабли отига бир кўчқор бериб қочирган эдим. Эрта-индин туғаман деб ер искаб турувди. Ҳаромининг назари тушмасин деб кўриб ётувдим, онгда қолдим. Холикул бобо пичоқ сўраб килиб қолди. Шу пичоқ билан мени сўйса ҳам рози эдим, отимни сўйдик. Назари бўғоз отимга тушди: “Ҳа-ҳа,



хотиндай кўзга чиройли кўринишини қаранг, бай-бай..." Юрагим шув этди. Шу кетишда "отиб" кетган экан. Кечга бориб от ичида олов ёнаётгандай ўзини деворга ураверди, оппоқ ёллари лой, кўзлари нурсиз бўлиб қолди. Бир амаллаб сўйиб олдим. Қон тизиллаб отилди, оппоқ териси қизил қон билан булғанди, бола-си ҳам ўлди. Сук ёмон, кўз ўлсин, кўз...

– Қулгим келяпти, бобо...

– Қабристонда кулма, болам...

– Холикулнинг кўзидан пичоқ солмадингизми, бобо?..

– Пичоқ урганга қон бор, исбот бор, қамоқ бор, кўз билан отганга-чи, ҳеч қачон жазо бўлмаган. Анави тикон босиб ётган қабр Холиқул бобоники, бориб ер хабар бераётган бўлса, ёнаётган олови кучайиб кетаётгандир.

– Бобо, етмиш талабага ҳам кўз текканми?

– Балки...

– Мен ҳам кўзимда суқим бўлишни хоҳлайман...

– Жиннимисан? Ҳамма сени кўрса қарғайди, сўкади, олдиндан ўтаётиб салом бериш ўрнига чақалоғининг юзини ёпади, тесқари қилади йўлини.

– Ёмонларни отардим.

– Ҳаммани отишинг керак бўлмаса... Биринчи бўлиб бобонгни... – у сўлғин кўзлар билан ўликлар ётган уйдан узокдаги тириклар ётган уйларга қарайди.

– Мени отишинг керак...

– Бобо, сиз хиёнат қилганмисиз?

– Нима?

– Хиёнат қилганмисиз?

– Кимга?

– Ватанга-да?

– Мен фақат хотинимга хиёнат қилганман.

– Момомгами?

– Эллигинчи йилларда қишлоқда мендан бўлак маълумотли одам йўқ эди. Қиз чиройли эди, шаҳар-

дан келганди. Физикачи, сочларини калта килиб ёйиб юрарди. Уни кўриб шаҳарнинг ҳали кўксимда совимаган алами бироз босилди. Мен гўё уни эмас, ўзим интилаётган шаҳарни кучардим. Ўша пайтлар қишлоқда қизлар рўмолсиз, иштонсиз ташқарига бўйламасди, у эса бўлакча “таом” эди. Бошқаларнинг бўйи етмайдиган, мени севарди.

– Бобо!

– Уйимиздан жой бердик. Момонг кундузи гирди-капалак бўлди, оқшом эса мен.

– Сўнг?

– “Болангни туғма”, – дедим...

– У юзингизга тупурдимми?

– Қанийди шундай қилса, урса, номардсан, итсан, деса! Ортга қайрилдию, кетди. Сочидек қора пальтоси кўз олдимда ўчаётган шамдай секин-аста йўқолди. Шундан бери ўзимни ёқиб ейман, қанчалик разил одамман. Уйимда гўшт қайнатсам, бир болам нима еб, нима кияётганини ўйлайман. Қизми ё ўғил, буни ҳам билмайман. Кўшни туманда қорни қовундай бўлиб қолган ўқитувчи ўзини осибди, деган гап чикди. Аммо ишонмадим, изини суриштирмадим. Агар у бўлиб чиқса-чи, деб кўрқдим, болам!

– Менимча, у қиз туккан.

– Нимага...

– Етгита ўғил кўрдингиз, зорикқанингизни хор қилганингизга қўшади, момом бир қизалоқ орзуси билан ўлиб-ётади-ку.

– Балки! Лекин қиз бўлса, юки ёмон. Кимдир уни мендек... кўрқаман...

– Бобо, сизни барибир яхши кўраман...

– Нимага?

– Айбингиздан уялмайсиз...

– Мен ифлос бобоман... итман, ит боласиман. Шунинг учун болаларим ярми бефарзанддир, менинг касофатим урган уларга.

– Йўқ. Сиз қизил аскарнинг боласисиз.

– Ҳа, мен ўшанинг боласиман. Бу менга ва бола-чақамга энг оғир жазо.

Биз қабрлар оралаб пастлаймиз... Бобом ўзининг мангу инига белги қўяди. Фақат бобом ўлгачгина бу ерга кетмон урилади. Унинг кабридан бутун кишлок кўриниб туради. Тепасида тераклар ҳар тонг шивирлаб қўшиқ айтади, хазонлари эса юмшоқ кўрпа ёпади. Оппоқ сурпга ўралган бобом сокин ётибди. Шишиб кетган қорни дўппайган қабрдай аниқ кўринади.

Жасадни қиблага қаратиб ётқишишди, елкасига чим қўйишди. Мангу ини беркитилди. Лекин бирдан тупроқ сизиб кира бошлади ичга. Ҳамма бирдан тўхтаб, ҳай-ҳайлаганча тешикка яна чим босишди. Кейин эса тез-тез, худди кимдир қувиб келаётгандай кўмиб ташлашди. Жанозада қатнашганларнинг бари шу кишлок одамлари ва уларнинг ҳаммаси шу қабристондан ўзига жой атаб қўйган. Куни келиб худди шундай, ўзларини ҳам бўри қувиб келаётгандай зумда кўмиб келишларини сира эсдан чиқармайдиган одамлар.

Бобомнинг қабри ичига сизиб кирган ўша бир сиқим тупроқ билан сирлашиб ётганга ўхшайди. Мен ўша тешикдан сонияда ўтиб қолган бир кафт тупроқдан бобони қизғанаман. Шу тупроқ каби ўша зулмат инда бобом билан қолгим келади. У гапирмаса ҳам, аста-секин қуриб борса ҳам мен уни тинглай оламан. Энг муҳими, эшаккуртлардан уни асрайман!

Бобожон, мен сизни доим ота деб чақиргим келган, ҳеч бўлмаса бир марта... Аммо армон бўлди. Бу дунёда ҳеч қачон амалга ошмайдиган армонларнинг борлиги ҳаётни бирозгина қизиқ қилади.

Қулгим келади, келади.

Шу бир кафт тупроққа ҳасадим келади ҳамон!

\*

Ҳамон етмиш талаба биланман.

“Шарқ кечаси” давом этмоқда.

Ҳаёт симига тақдир шодалари тизилиб борар, ҳар бир сўз унинг сирли умр жарангига айланарди. Ҳаёт автобусим талабалар орасида мангу тўхтаб қолгандай гўё. Умрим, чала-ярим орзуларим, узоқ-яқин қариндошларим бари-бари шу асрнинг бекатида қолиб кетишга муҳқумдай, у томонга ўтишга изн йўқдек бизларга.

Талабаларга бегона эмас, уларнинг бирига айланиб бораётганимни ҳис қилиб турар, фақат мени Лолага бўлган севгимгина асрлар орасида девор янглиғ тутиб турарди.

“Шарқ кечаси” қизигандан қизирди. Шеър, кўшиқ, сўнг спектакль бошланди. Амир Темур сағанаси қошида тиз чўккан қиз...

Унинг сочлари узун... Кўзлари тўла ёш: “Тирилинг!” – дея зорланарди.

Нега қиз?

Туркистонда эркакка қиргин келганмиди?

Деразадан на тун, на тонглигини билиб бўлади, ҳеч нима кўринмайди!

Қиз ҳамон йиғлайди: “Туркистонда бир мард қолмади, ҳукмдорим!”

Тонгми ё кун, билмайман, англамайман. Барча бирдан бақиради: “Тирилинг, бобо!”

Мен ортиқ бардош бера олмадим. Кўчага отилдим.

Зулмат эди атроф, фақат кулгиларим менинг йўлимни ёритадигандай тинмай қуюлиб келарди. Аммо зотилжамга чалинган одам каби табассум ҳам оғир, жуда азобли эди ҳаммаси.

Темур пойидаги қиз ролини Хайринисо ижро этди. Қойил. Овози, кўзлари сеҳрли экан. Яхши доктор бўларди, агарки пешонасидан “Ватан хоини” дея отишмаганида.

Бирдан бақираман: “Тирил, зулматдан чиқ, Темур!”

Муродий келиб, қулоғимга пичирлайди: “Қайтадан Темур келадими? Сиз шунга ишонасизми?”

Мен унинг саволига нима деб жавоб беришни билмайман. Балки, у менинг ўзидан бир аср кейинда яшаётганимни сезгандир.

– Нечун чикиб кетдингиз? Ғулом Зафарийнинг “Эрк болалари” асари намойиш этиларди ҳозир, – деди сўнг бироз хавотирлангандай.

– Кулгим келиб кетди. Ортиқ юрагим бардош бера олмайди, деб кўрқдим.

– Ҳа, ҳар сафар мен ҳам шу аҳволга тушаман.

– Зулматга қараб Темурни излаётган сўқирларга ўхшаймиз.

– Интилмоқ керак.

– Кетишим керак – дейман, бирдан шошилиб...

– Сизни кузатиб қўяман.

Муродий билан ётоқхонага жим кетамиз. Бир оғир сўз ҳам бизни йикитарди.

У хайрлашаётиб қўлимни қаттиқ қисганча шундай деди:

– Сўзларимиздаги хатолар, ортиқча ҳаяжонлар учун кечирим сўрайман.

– Сизларга катта раҳмат!

– Йўқ, биз кўп хатолар қиламиз, аммо ҳозир миллат учун хато бўлса ҳам, тўғри бўлса ҳам, ҳаракат қилмоқ керак. Жим турмоқ ва ухлаш бизни тупроққа тортиб кетади, жойимизда ботиб бораверамиз, чириймиз хас-хашак сингари. Хорлик томон бошлаб кетади бизни мудроқлик. Шунинг учун... баъзи сўзларни кибр эмас, ёшликнинг табиий шошқалоқлиги сифатида кўрасиз деган умиддаман. Билингки, барча гапларимиз қалбимиздан отилиб чиққан нидолар, орзулар... Озод бўлиш учун, аввало, фикрлар озод, ҳиссиётлар эркин бўлиши, баралла янграши керак. Инсон ҳар нарсадан азизлигини билмоғи, бунга шубҳа ҳам қил-

маслиги жоиз. Бу орзулар миллат билан боғлиқ. Худо хоҳласа, амалга ошишига ишонаман. Хатоларимиз учун яна бир кечиринг дейман!

– Кулгим келяпти...

– Истаганингизча кулишингиз мумкин энди.

– Сиз учун, қолган етмиш талаба учун ҳеч нима қила олмаётганимдан кулгим келяпти! Сизлар миллатимиз учун катта ишлар қилишингиз мумкин... эди...

– Вақтингиз бўлса эртага яна суҳбат қурармиз. Амалиётга, Берлиндан ташқаридаги қишлоқларга чиқаман. У ердан сал кечроқ қайтишим мумкин, шундан сўнг кўришсак бўладими?

– Ҳаёт сценарийимни ўзим ёзмайман. Бўлмаса, бунчалик хатоларга, ғализликлару тухматларга тўла бўлмасди... Лекин ҳали сизларга саволларим жуда кўп.

– Унда эртагача...

– Хўп!

Айрилиш жуда оғир.

Ҳаммаси ғалати, ғайритабиий, мўъжизаларга бой. Ё тавба, кимларни кўрмадим, ҳали ҳам ишониш қийин!

Аслида, кўрганларимдан тонгга қадар кулишим ва ёнишим керак эди, аммо қонимдаги мудроқлик устун келади. Қачон уйқуга мағлуб бўлганимни пайқаймай қоламан. Анча вақт ухлаганимни сезиб турсам-да, турмоқлик учун ҳам кўзларда мадор йўқ эди.

Сал ўтмай бошимдан биров кўтараётгандай, қандайдир куч танамни силкитаётгандай бўлди. Кейин бари йўқолди.

Қизтака ҳазил қияптими, деб ўйладим. Йўқ, унинг кўланса ҳиди келмасди. Ким у? Энди мени яна тергов қилишга ўтди. Ўзимни оқлашга, беайб эканлигимни исботлашга уринардим, унга эса ҳеч сўз қор қилмасди:

“Менга қўйилган айбловлар ҳеч қандай асосга эга бўлмай туриб, маҳкумлиқда тутиб турганингизга ҳай-

ронман. Бу шаънимга оғир ҳақорат, азобли тухматдир, – дедим унга бакириб. У эса еб қўйгудай қараб турарди. – Биз ҳеч қандай жосуслик ҳаракатлари, унинг қинғир йўлларига кирмаганмиз. Бунга вақтимиз ҳам, хоҳишимиз ҳам бўлмаган. Бизнинг олдиндан белгиланган йўлимиз бор эди. Бу ҳам бўлса, фақат ўқиш ва яна ўқишдир! Бизнинг сиёсий айғоқчилик қилиб юришга на фурсатимиз, на хоҳишимиз бўлган! Германияда таълим олган ҳар бир йигит-қизнинг олдига иккита вазифа қўйилган: биринчиси олган илмини амалиётда қўллаб, миллий саноатга асос солиш бўлса, иккинчиси, албатта, бирор билим юртида педагоглик қилиб, келажак авлодни ўзлари каби замонавий билимга эга мутахассис этиб тарбиялаш эди. Бу икки улуғ вазифа бир сония бўлса-да, эсимиздан чиқмаган. Жосуслик эса сира ўхшамаган тухмат! Биз сиз айтгандай дарсдан кейин ҳар хил маълумотларни етказиш билан эмас, ҳар ким касбига алоқадор бўлган немис мактабларини, тажриба майдонларини ўрганишга сарфлаганмиз. Биз ҳар ҳафта, ҳеч бўлмаганда бир ойда бир йиғилиб, топган янгиликлардан бир-биримизни бохабар қилардик, сиз келтиргандай сиёсий хатларни бир-биримизга ўқиб бермасдик. “Шарқ кечалари” ташкил қилардик, унда навбати билан талабалар ўқиши, таълим ҳақида ҳисобот берарди. Кейин миллий куй-қўшиқлар, шеърлар айтардик. Чўлпон ва Фитратнинг шеърларини ўқиганимизни ва ҳамон ичимда такрорлаб юрганимни тан оламан! Биз Ватанни сотиш эмас, унинг тараққиёти учун ҳар қандай янгиликни миллат ҳаётига кўчиришга, ўғирлашга тиришардик. Германия саноати ва техникасида неки янгилик бўлса, уни ўз еримизда қандай қўллаш мумкинлиги борасида ўйланар, қай бири маъқул, қай бири миллий менталитетга тўғри келмаслиги ҳақида баҳслашардик. Шунинг учун ҳар бир талаба ўз фанига ва соҳасига оид замона атамаларини ўзбек тилига таржима қиларди. Бугун бўлмаса эртага юр-

тимизга кириб келадиган техникалар халқимиз учун нотаниш бўлмаслиги учун шундай йўл тутгандик. Германияга қўшни бўлган давлатларга ҳам экскурсиялар уюштирар, оврўпаликлар тажрибасини синчковлик билан ўзлаштирардик. Ҳар бир ўрганган янгилигимизни, албатта, қайд этиб қўярдик. Уйимдан топилган кўлёмаларни ўкисангиз, вақтим нимага сарф бўлгани маълум бўлади. Бугун Оврўпа саноатида ишлатилаётган атамаларни ўзлаштириш ва асосийси ўзбек тилига таржима қилиш учун ҳатто “Техник атамалар ташкилоти” номли кичик бир уюшма ҳам тузгандик. Менинг ўзим тракторнинг энг майда қисмларигача ажратиб, уларнинг ўзбекча номларини ишлаб чиққан эдим. Бу ишим қишлоқ хўжалигида ўқиётган дўстларимни ҳам жуда руҳлантириб юборган. Агар бу таржима кўлёмаларим сизнинг қўлингизда бўлса, агар қалбингизда бизнинг халққа зиғирча меҳр бўлса, нима бўлган тақдирда ҳам, уларни сақлаб қолишингизни сўрайман. Бу атамаларни Олмониянинг саноат ва қишлоқ хўжалиги гуриллаб ривожланган ҳудудларидан минг азоб билан тўплаганман. Ишонинг гапимга, уларни сақлаб қўйинг! Бу китобларнинг кўпи ҳали рус тилига ҳам таржима қилинмаган. Бугун бўлмаса, эртага юртимизга замона саноати кириб келади. Ўша онда қилган ишларимиз асқатишига ишонаман.

Биз сиз айтгандай ўзимизни “халқ душмани”, “миллат хоини” деб аташларига қаттиқ қаршилик қиламиз. Биз ўзимизни ўзбек маҳаллий саноатининг асосий кадрлари ҳисоблаймиз ва бизга Ватанимизда бўлаётган муносабатларни ҳеч қандай қонунларга сиғмайдиган хўрлик, деб баҳолаймиз. Зеро, бир кун барибир бизнинг ҳақлигимиз юзага чиқишига ишонамиз! Қанча юз ва юз йиллар ўтса ҳам! Қайтариб айтаман, бизнинг мақсадимиз ҳеч қандай ҳокимият эмас, миллат тараққиёти, оврўпалик бир одам каби ўзбек ҳам бахтли яшашига уриниш эди. Яхши яшашга эса ҳар



бир миллатнинг ҳаққи бор, деб ўйлайман. Сўнгги сўзим ва иқрорим шу!”

Терговчи энди уришга ўтди. Ўзи ўтирган стулни бошимда синдирди. Оғриқдан кўзларим очилиб кетди. Шунда қаршимда жаҳлдор терговчи эмас, жаҳлдор ётоқхона мудирини хансираб тургандек бўлади. Кўзимни очиброқ қарасам, чиндан шу! Нима бўлганини тушунмадим. У устимдан муздай сув куйворди, чаён чаккандай учиб тушдим. Уйку тугул, ортиқча хаёл ҳам қолмади.

– Нима қилганингиз бу? – дея бақирдим. У яна сув куйди... Ҳаммаёғим ҳўл бўлиб кетди. У гапларимга парво ҳам қилмасди. Аксинча, ҳозиргина мен билан ёқалашган одамдай кўзларини лўқ қилиб, тез-тез нафас олганча еб қўйгудай қараб турар, нималардир деб сўкинарди.

Нима бўлди? Ҳеч тинч юрмадим-да?! Қаерга бормай, соя каби омадсизлик қувиб юради, шекилли.

Хонада тумонат одам бор эди. Яшил халатдаги ишчилар нега болға кўтариб олишибди? Ҳа, улар эшик бузишган бўлса керак. Бу қизил халатли хотинлар нимага яраган бўлса? Томоша қилишларини қаранг, мени ўлиб қолган, деб ўйлашган кўринади, ачиниб қарашларидан шуни пайқадим. Уларга табассум қилдим, безовта қилганим учун кечирим сўрадим – аслида айбим фақат ухлаганим эди – ортиқ бундай мудроқлик такрорланмаслигига ваъда бера олмайман: “Шундай, ётоқни яхши кўрадиганларданман”, – дедим.

– Германиянинг бир аср олдинги тарихига саёҳат қилиш тақиқланганми?

Хайриятки, сўзларимни ҳеч ким тушунмади?

Қаллам қизий бошлади, юрак сиқилди, бақириб-бақириб қулгим келарди. Жикқа ҳўл бўлсам ҳам, томоғим қуриган, сув ичгим келарди. Шундагина бир бурчакда бўёқлари юз-кўзига чапланиб, чўғ босилгандай қорайиб қолган Лола пиқиллаб йиғлаб ўтирганини

кўрдим. Нима бўлди ўзи?

Олдига бориб: “Тирикман”, дегим келди-ю, ҳозир шунча одамни ташвишга солиб қўйганимдан сўнг бу ўта бачканалик бўлиб туюлишини ўйладим. Ундан кўра кулиш маъкулмикан, ахир ёрилиб ўлишим ҳеч гапмас.

Кулдим, бақириб-бақириб, ҳолимга ачиниб-ачиниб...

Шундагина мудира ва бошқалар ғалати қараш билан бўлса-да, аста-секин хонани тарк этишди. Ўн дақиқа ўтиб эса хонада Лола ва ўртадаги тушунмовчиликдан бошқа ҳеч нима қолмади.

Мен кулавердим, кулавердим, кулавердим...

Лола эса йиғлайверди, йиғлайверди, йиғлайверди...

Ҳаёт ва тушлар шу тариқа ўтавераркан-да.

Унга яқинлашганимдан шу пайтгача бир маромда пикиллаб юракни эзиб турган Лола бирдан хўнграб юборди, сўнг кўллари қарияларникидай титраб, лаблари учиб, бақириб кетди. Юрагим эзиларди. Бутун вужудим билан унга тасалли бергим келарди-ю, тилларим айланмасди. Фақат юрагим нола қилару, ташқарига кулги бўлиб отиларди.

Мен ҳеч кимнинг кўз ёшларини кўтаролмайман. Уларга ҳасад қиламан. Нега улар йиғлай олади, мен йўк?

Улар йиғлаганда эзиладилар, нега мен кулиб эзиламан, улар йиғлаб енгиллашадилар, нега мен кулиб?

Йиғлаш ҳам ман этилган менга, менинг мамлакатимда!

Йиғиларимни қайси асрда қолдирганман ўзи?

Лола кўлларимни силтаб ташлади. Кейин бироз олдин қандай таҳликада эканлиги ёдига тушди, шекилли, ўлимдан тасодиф тирик қолган одамга қарагандай менга ёшли кўзлар билан тикилиб қолди. Аммо ҳамон бир сўз демасди.

Нима қилиб қўйдим? Унга азоб бериш учун Берлинга келганмидим? Бу жин урган хонада қанча ухлаганим, нималар бўлганини билмайман, аммо аҳволим ҳақида шу вақтгача ҳеч нима демадим. Энг катта хатоим шу. Келмасам бўларкан, бекор қилдим, беҳуда ҳаммаси... Лолага шодлик улашаман деб, аксинча, азоб бердим, азоб...

Жим қолдик, анча... Кейин Лола ёнимга келиб шундай деди:

– Ўлиб қолди деб ўйладим... Қандай даҳшатга тушдим-а? Жуда кўркиб кетдим, жуда, яна бир ўлимни кўриш!

Кўз ёшдан намланган лаблар титрар, бу титроқ ортиқ сўзларни гапиришга қўймас, Лола эса яна нималарнидир айтмоқчи бўлиб энтикар, мен эса унинг ёшларини кафтим билан артардим.

\*

“Тил ва тарихни билмай туриб миллатнинг дардини тушунмоқ мумкинлигига ишонмайман. Шунинг учун очилаётган “янги усул” мактабларида, албатта, тарих фани ўқитилмоғи керак, болаларимизни ўтмишнинг ёруғ ва зулматга ботган кунларидан бохабар қилиш лозимдир. Олмонияга отланган ҳар йигит, ҳар қиз тарихимизни билиши шарт! Тарихини билган инсон ўзлигини унутмайди. Шу ўринда улуғ устод Махмуд-хўжа Бехбудий сўзларини келтирмоқ ўринлидир: “Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқимоқ ва билмоқ керак. Подшою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар тарих ўқимоғи керак. Паст қолган ва тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ва нопадид (тобе мамлакат) бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқимоқ керак. Мусулмонлик қандай кўпайди ва қандай тараққий этди ва на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Буни билмоқ учун тарих ўқимоқ керак. Хулоса: дину дунё-

дан бохабар бўлмоқни хоҳлайдурғон ҳар ким албатта, тарих ўқимоғи керак. Чунки ҳар нимарса ва шунинг асли ва насли тарихдан билинур!”

Шул важдан, дўстлар, Улуғ Туркистон тарихин ўқийлик, ўқитайлик, англайлик, англатайлик! Токи неча юз йилларга бу тарих ўрнак бўлсин!”

– Тўймадингми зерикарли мақолаларни ўқишдан? – дейди Қизтака ички кийимларига турли уят сўзларини қаламда ёзиб чиқар экан. – Ҳа, биронта эҳтиросли шеър билмайсанми, уни ўқиган қизлар бирдан ағнасин. Оқ калта иштонимга қора қалам билан кўчираман, ёзувим ҳам яхши...

Ҳа, унинг хуснихати жуда чиройли, хато ҳам қилмайди ҳарфларда. Аммо шу ҳунару хусн билан нимани битади, энг муҳими шу. Ички кийимларда акс этган санъат асари эҳтирослар қонганидан сўнг ўз “сеҳри”ни булғайди.

Телефончи эса ҳеч кимга парво қилмайди. У охири кунларда ота-онаси ҳақида ўйлаб қолди. Пул бериб туришини айтмаса, ҳозир унга бирон нафи тегмаётгандек. Энг ёмони, исталган онлари кўнғироқ қилиб ҳисоб сўрайди. Бу унинг нафрат ва ғзабини кўзитарди. “Мен эркинман!” Қанийди ойлаб телефонидан айрилмаса, қувват тугамаса, ухламаса, ўйнаса-ўйнаса, ҳеч ким кўнғироқ қилмаса! Аммо ота-онаси ўта оми ва кўнғилни айнитар даражада меҳрибон. Қандай қутулиш мумкин бунча меҳрдан?

Қоровой эса бир чеккада йиғлаб ўтирарди. Унга қайсидир қиз оқариш ўрнига баттар қорайиб кетаётганини айтибди.

– Нега бўлмапти, нега, барча оқаради, мен баттар қорайиб боряпман. Қандай кишлоққа бораман бу туришда? Танам тўкилиб кетади яқинда. Ғийбат гаплар кўпаяди. Лайли ҳам мени ҳеч қачон севиб қолмайди.

Бу гапдан Қизтака ҳиринглаб кулган Қоровойнинг нам сонига шапатилаб масхара килади.

– Лайлинг ҳозир ҳоким буванинг оёғини уқалаётган бўлса керак. Буванинг калта иштонига ҳам меники каби уят сўзлар ёзилган, қизлар қандай оёғи тойганини билмай қолади. Пойига йиқилади.

– Сенга фақат шу бўлса бўлди...

– Ҳаёт шу! Бойлик, мансаб, ҳурмат бари чиройли кизлар билан бўлиш учунмасми, ахир? Нима қиласан мунофиқлик қилиб, сенинг оқаришингдан, бунинг телефон ўйнаши, анави телбанинг эса мудрашидан ҳам олий мақсад ҳирс қондириш эмасми? Одамлар шунинг учун яшайди, бўлак дард йўқ!

– Шундайликка шундай-ку, лекин барибир бошқа нарсалар ҳам бор-да ҳаётда.

– Лекин-пекини йўқ, кизлар керак, оёқлари ва сочлари узун.

– Миллат сен учун нима? – деб сўрайман Қизтакадан.

– Мен учун ҳатто ўзининг сочи ҳам тегмаган оппоқ сийналар. “Бир олманинг икки гули, бири сансан, бири ман!” Ох, шундайи текинга сотилса, олмасмидим қоплаб!

– Мен учун эса миллат пахтадай оқаришдир... Қачондир шунга эришаман.

– Сенга-чи, телефончи?

У бизни эшитмайди... Балки, барчасини тинглар, балки, жавоб беришга эринар.

Қизлар келса, овқат пишса, у ҳам нафас олаётганини биламиз. Кўзларидан аллақачон маъно қочган. Охирги ташвиши эса ота-онаси. Улардан қандай кутилса бўлади-а!

– Сизлар истаган “бахт”га эришасиз, аммо мен, йўқ! – дейди Қоровой шалвираб қолган қобиргаларини қериб, сўнг йўталиб қолади нақ ярим соат!

– Сен учун-чи, миллат нима? – дея гап ташлайди кўлидаги қаламни қўйиб калта иштонини томоша қиларкан.

– Куриётган жигарим!

Улар куладилар. Кейин бири чўмилгани, бири эса калта иштонларни булғашга тушади.

Мен қотиб қоламан. Жигарим ва жигарларимни ўйлайман.

Ҳар иккиси куриб битмоқда.

Яна мудрайман, яна...

Амакиларим бирин-кетин, пастдан тепага қараб кўмила бошлайди. Олдин келган олдин кетмайди. Биринчи кенжа акам қурийдди. У ўлиmidан олдин тўйиб ичгиси келаётганини айтиб сим қоққанди:

– Тилим курияпти, сўзларим тугаганиданми, жиян? Танам курияпти, қонларим куриганидир?

– Шундай, кенжам, сўзларинг ва қонинг куриб битди!

– Тузланган карамни ютгим келяпти, лекин мумкинмас экан.

– Бемалол, барибир узоқ... эмас...

– Жигарим куриганини сенга ювиб берайинми? А..? Бўққинимизча ичамиз ва сўнг мен ўлиб бераман!

– Ҳали ичишни ўрганмадим, кенжам! Балки, бу болада бутун умр саводсиз саналарман. Сиздай гапга ҳам уста эмасман.

– Одам бўлмайсан, катталаринг кел бир тўқиштириб ичайлик деса, йўқ дея олмайсан-ку? Ўлаётган жигаринг учун олмайсан!

– Хўп, дейман уларга. Ичаман, дейман, қуйинг дейман!

– Ана, кўрдингми, сен жигарингнимас катталарни ўйлайсан.

– Ҳа, чунки менинг катталарим бир аср олдин отилиб кетишган. Улар тирилиши учун ароқ тугул захарни симирган бўлардим.

– Жиян, одам бўлмайсан-а?!

– Катта одам бўлмайман!

– Бир пайтлар ташлаб кетган ўқишимни тикласам бўладими, орадан йигирма йил ўтди... имкон бўларми-кан?

– Ҳозирча қабристонга кўмиш учун диплом шарт эмас.

– Ўлишимни қандай сездинг?

– Юзингиз қорайиб кетганди. Сизни доим яхши кўрганман, кенжам. Ноҳақ урганингизда ҳам!

– Мен ва хотиним сени кўп қийнадик... Лекин иккита қиз туғиб берганидан кейин уйига ҳайдаб юбора олмадим.

– Ҳайдасангиз, оч қоласиз... Шишадошсиз ҳам... Бир кунда икков неча шиша бўшатыпсиз?

– Битта. Шўр карам билан бўлса иккита ҳам ағнайди.

– Сиз ҳали ёш-ку, кенжам?

– Янганг ҳам. У мени кўп ичиб қўймасин деб... арокка ўрганди.

– Сизни қаерга қўяйлик, кенжам?

– Бобонгнинг биқинига қўйинглар.

– Қизларингизни ким боқади энди?

– Сен қарашасан, нимага ўқитдик!

– Агар икки йил яшасангиз, ўқишингизни тиклаб берардим... Аммо фурсатингиз кам. Келинг, менинг ўрнимга ўқинг, кенжам...

– Жинни, телбасан... Сағирим, санғим.... Сенинг ўқишингни тугатиш учун биз ўляпмиз... Қизларимиз бузилиб кетмаслиги учун ўляпмиз. Агар сен ҳам ўқишни тугатмасанг, бошингни ўзим оламан.

– Лаънатни аритиш қўлимдан келадими, кенжам?

– Менинг қўлимдан фақат ўлиш келди, сеникидан эса мўлроқ иш келиши керак!

Куламан, амаким ҳам... Сўнг бирдан йиғлашга ўтади.

– Жиян, жигарим қурияпти... ўлгим келмаяпти.

Энди ўттиз бешга чиқдим... ўлай агар, кетгим келма-  
япти, аммо жигар қуриб боряпти...

– Орол денгизидай?

– Ҳа, қачонлардир Оролга сув қайтиши мумкин-  
дир, аммо кенжанг қайтмайди, жиян!

– Сизни “Кенжа” деган ном бузди!

– Ҳа, мен кенжаликка учиб яшадим. Одамлар мени  
отим билан эмас, домланинг кенжаси деди, сирқинди,  
деди. Шу майда гапларга учиб яшадим, кенжа бўлдим  
– кучук бўлдим. Ўқишни ташладим, хотин олдим, бу-  
зилмагани буздим, урилмаганини урдим, мардикор,  
алкаш ва церроз.

– Кенжам, кенжам, кенжам-ов...

– Отамни соғиндим...

– Жигаринг қуриса, жигаринг бўламан, ўлма...

Куламан – сочларим тўкилади. Куламан – тирноғим  
қонайди – бетоннинг юзини шиламан.

Мудрайман...

Тушлар ўртайди.

Кенжа амаким мени силтайди, уради. Хотини ва  
қизлари эса устимдан кулади. Амаким хуморидан  
чикқунча тепкилайди. Ўзи қора терга, мен эса қора  
қонга ботаман, сўнг қулоғимга ҳансираганча шивир-  
лайди:

“Лаънати қарғишни йўқот. Ўтинаман сендан,  
йўқот! Қизларим беникоҳ туғиб қўймасин!”

Сўнг хотини чап қулоғини тишлайди ва шивирлай-  
ди: “Асло қайғурма, бизни ҳеч ким айро қилолмас, ўр-  
тамызга мажбурлаб қоқилган қозиклар тишларимизга  
узоқ бардош беролмас, бир-биримиздан совутолмас.  
Биз на-да тил билан, балки қон, жон, дин билан, бир  
илдиздан ўсган икки дарахтмиз. Бу улкан, улуғ, кат-  
та мевали дарахтдир. Йиқитмоқчи бўлганнинг бошига  
синар, аммо улар ўйлаганидай асло ўзи айро қуламас.  
Бизга тўсиқлар қўйиб, ҳукмрон этмоқликни истай-  
дилар. Қаттиқ янглишади, бу дарё сувига зарб билан



пичоқ уришдек бесамар ишдир. Миллат бир бўлган, бирга ўсар ё бирга ўлар. Айро бўлмас, ўзгача бўлмас... Дарахтнинг бир томони қуриса, колгани ҳам узокка бормас. Жигарингни эҳтиёт қил...”

Жигар ирий бошлади.

Ҳаром қон оқмоқда қишлоқда. Биз уни пахта жўяқларига бурамиз, суғорамиз ғаллани, пахтани ва эрсиз йиғлаётган аёлларни, отасиз қолган болаларни... Ҳа, яна болалар саратон иссиғида шу ифлос конга чўмилади ҳам.

Донор керак, тоза қон, тоза қон, тоза...

Бобом мендан нималарни яширган?

Жигаримни яхши докторга кўрсатишим керак. Етти амаким ҳам пастдан тепага қараб кўмилиб бормоқда.

Лаънатни аритиш мумкинми?

\*

– Бобом айиқнинг боласи. Биласанми, Лола?

– Йўқ, ўттиз соат ухлашинг мумкин эмас... Қарларда юрган эдинг?

– Юз йил ортга сайр қилдим. Сени ҳам олиб кетмоқчи эдим. Аммо билет тугаб қолди. У тарафга катнов кўплигидан шундай бўлди.

– Мен сендан жиддий сўраяпман.

– Мен ҳам сенга умримда яна бир бора жиддий гапиряпман. Мен ўша талабалар билан бирга эдим. Афсуски, Лола хоним, сиз тарихга қўйлардан бироз кўпроқ, бобомдан эса жичча камроқ қизикасиз.

– Барибир ҳеч нима тушунмадим, ўттиз соат ухлаш, ақлга сиғмайди.

– Халқинг бир неча асрдан бери ухлаб ётганида менинг ўттиз соатим нима бўлибди?

– Бари хаёлий гаплар, – Лола тесқари қараб олади.

– Олти ойлигимдан бери улар билан биргаман.

Йиғламайман, ўзимнинг эмас, уларнинг чала қолган ҳаёти учун яшайман. Ишонмайсанми? Етмишта ҳаёт бир танага қамалган. Германияда XX асрнинг биринчи чорагида ўқиган талабалар билан отувга кетаман. Мен кеча уларни кўрдим... Худди ҳозиргидай, сени кўриб тургандай, нафасингни ютгандай улар сўзларини ютдим.

Лола жилмайди: ёқимсиз, ишончсиз ва ҳафсала-сиз...

– Докторга борайлик... – деди сўнг юрагимни тиглаб.

Мен розилик бераман. Балки, шунда кўнгли хотир-жам тортар.

– Жиннилигимни исботлаш учунми?

– Йўқ, ундай ўйлама... Агар малол келмаса мен учун бор...

– Қимматмасми?

– Буёғидан хавотирланма...

– Кўйларимнинг пули кам, ҳали унга тўй қилишимиз керак.

Унинг оппоқ, майин, узун бармоқларидан тутаман. У яна жилмаяди. Бу гал бошқача, яшовчан табассум. Майин эсаётган шабада боягина ғалати оқариб кетган Лоланинг силлиқ юзларини, жингалак сочларини ўйнар ва ўртамиздаги ваҳимали ўйларни борган сари тарқатиб, ўзи билан узоқ-узоқларга олиб кетаётгандай туюларди.

Бақириб-бақириб кулгим келади. Йўқ, бўғаман бўғзимда кулгини!

Шу заҳоти такси тўхтади. Лола касалхонага бошлайди.

Мен қўй каби унга эргашар, кулгимни бўғзимда зўрға тутардим.

Кетяпману, хаёлимда талабалар. Улар билан кетгим келади. Ҳозир нима қилишяптикан? Балки, мени яна ётоқхонада излаб юришгандир.

Ҳайдовчи менга нимадир дейди. Унга кулоқ осаман, аммо у ҳам ўзининг сўзларини гапирмайди, талабалардан сўзлайди: “Қўркувми ё хаяжон, билмайман, ёки ҳаддан ташқари кўп ўйлаганимданми ваҳимага тушяпман! Барчаси меҳрибон ва ёлғиз Тангригагина аёндир! Аллоҳ ўзи Ватанимни ёмон кўзлардан асрасин!” – дейди у машина ролини усталик билан бошқараркан.

Қулоқларимни ёпаман. Лола менга ажабланиб қарайди, хол сўрайди. Машина ҳам аксига олиб тирбанд кўчадан қотади, менинг тилларим каби.

Ойнани тушираман.

Берлин одамлари урушдан қочиб кетаётгандай кайдандир оқмоқда. Фақат биз юрмасдик, тишлаб тургандай уловни ер.

Машина ойнасидан салқин, тоза ҳаво ўрнига бир сариқ ўспирин бош суқади ва кўк кўзларини катта очганча: “Қаерларда юрибсан, каламуш?”– дейди.

Ҳайдовчи бир амаллаб тезлаб қолади. Сариқ эса парча қоғозни ирғитишга улгуради.

Лола унга эътибор ҳам қилмайди.

Қандайдир лўттибоз ҳисоб рақамига ёрдам пули ўтказишни сўрагандир!

Йўқ! Эски ўзбек ёзувидаги уринган мактуб.

Пичирлаб ўқийман:

“Подшоҳи жаҳоним, волидан мухтарамам, азиз онажонимга!

Биз орзу қилган, интилган ва неча кун интиқ кутган манзилга етиб келдик. Бухородан анча узоқдаман. Қўркув бор. Биринчи марта азиз тупроғимдан йироқлашиб кетганим учун чўчиётгандирман. Аммо бардошли бўлишим керак. Ахир Бухорога ёруғ юз билан

кайтишим керак. Сизни яхши кўраман, меҳрибон!

Биз темир аробаларда манзилга отландик. Йўл бўйи Бухородан Берлинга қадар бир дақиқа бўлса-да, сизни ўйлашдан тўхтамадим. Соғиндим ва шу оғрикли соғинч ўлароқ илк мактубимни ёзмоқдаман. Эртароқ юбора олмаганим учун маъзур тутинг, волидам. Чексиз чўл ва ўрмонлар, денгизлар, темирдек мухташам кўприклар ортда қолди, улар бизни Берлин висолига етказди. Аммо кўрққаним содир бўлди – бошим айланиб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Ёнимдаги акаларим менга мадад, қувват, тиргович бўлди. Сиз сира хавотир олманг, мен жуда бахтиёрман. Бу ерда ўғлингиздан ҳам тубандаги болалар бор. Улар мактабларга жойлашди. Барчамизни мусофирлик, йўл азоби ҳамда бир Ватан эртаси мушт қилиб қўйди.

Онажоним, укаларим саломатми?

Қанчалик силлам қуримасин, шаҳарни, мухташам минорлар, ёнингиздан ғизиллаб ўтиб кетувчи темир аробаларни кўриб кўнгил кўтарилди. Тўлиқ хайратга айландим. Аммо бу тараққиётни тез ўзлаштиришимиз, хайратимизни илму маърифатга айлантиришимиз зарур. Аммо уддалашимизга кўзим етмади. Энди-энди ҳаммаси мен ўйлаганчалик мураккаб эмаслигини англаяпман. Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш Бухоро тонгини ёруғ қилишига ишонаман.

Берлиндан Ватанга соғинчли саломлар бўлсин, онажон!

Жигарингизни асранг, Бухоромизни ҳам!”

Мактубни буклаб киссамга соламан. Ортга қарайман, сариқ бола кўринмайди. У балки, мени кимгадир ўхшатгандир. Лола қарашларимга бепарво.

У барибир ишонмайди, чунки тарихга қўйлардан биров кўпроқ, бобомдан эса камроқ кизикади.

Шу онда кенжам ҳақида ўйлайман. Уни аллақачон эшаккуртлар талаётгандир ё ўлик билан танишув ма-

росимини бошлаган.

Ярамас эшаккуртлар!

Бир одам ўлса, “Ҳосил байрами”ни нишонлайди улар!

Кенжамни туғилиб ўсган уйдан сўнгги бор кузатишмоқда.

Ана, уни кўтаришяпти.

Тобутини бешик каби тебратишяпти.

Тобутинг – бешик, бешигинг – тобутингдир, кенжааам!

Қизлари дод солиб ёпишади.

– Дадамни қаерга олиб кетяпсанлар, каламушлар...

Кичик қизи Нозимани яхши кўраман. У доим кулиб туради. Чақалоқлигида ҳам ҳеч қачон ҳеч кимни бегона қилмаган. Ҳатто мендек етимни ҳам. Унинг йиғисини эшитмаслик учун кенжамни кузатишга бормайман. Нозима тўртинчи синфда ўқийди. Энди ўқирмикан?

– Кенжамни кўйиб юбор, эшаккуртлар...

– Нимага дод-вой соласан! Ёш ўлди деб тўй қилувдик, туриши спирт экан-ку! Қуритилган қусукдай, бир нима! – дейди эшаккуртлар сардори. – Бундан қавмимга кўп мадад йўқ, буни тотиб одамларим ширакайф бўлиб қолди.

– Ярамас эшаккуртлар, сизлардан на мева, на одам қолади.

– Амакингни еган қавмим маст бўлиб қоляпти, деяпман сенга! Балки, унинг этини еб сени газак қилармиз!

– Ҳеч қачон!

– Бутун аждодингни мен кемирганман, сен қаерга қочардинг! Етганинг бизнинг жигару юраксиз танамиз. Балиқларга ем бўлсанг ҳам, қуш бўлиб учсанг ҳам биздан сира қутула олмайсан...

– Йўқолинглар, миллат душманлари...

– Талабларингнинг танасини орзуларига газак килиб ютганман!

Эшаккуртлар кенжамнинг жигарини, юрагини ва кўксини илма-тешик килиб ташлайди.

Ўзлари жигарсиз бўлганлиги учун ҳам дахшатли зиёфатни шу матоҳдан бошлайди.

Нақадар тош қуриган жигар!

Кўкси ҳам тўла эшаккурт!

Тўнғичим кенжам ўлгани учун кичқириб одам чақиради.

Гурас-гурас оломон келади, мархумнинг хурмати ош еб кетгани. Сўнг ҳафталик, сўнг ўн кунлик, сўнг йигирма, сўнг қирк, сўнг йил оши... Ҳа, мархумнинг бир йиллик тантанаси эшаккуртларнинг “Суяк қуриди” маросими билан тўғри келиб қолади.

Қуртлар мархумнинг этсиз қолган суяклари устида яхмалак учиб ўйнайдилар. Буни улар “Суяк қуриди” деб атайди.

Янгам йўғлайди. Кенжам ўлганидан эмас, қизларни қандай боқаман деб додлайди.

Қолган-қутган қўй-улоқни “мархумнинг хурмати-га” келувчилар йўқ қилди, ямламай ютди. Дунёнинг пули кетди. Қабрда ўлигини, ташқарида эса тиригини қақшатган эшаккуртлар қандай ваҳший эканлигини билсангиз эди.

– Гуруч ва гўштни кўпроқ енглар, халойик! – дерди узун мўйловидан одам ҳиди анкиб турган бош эшаккурт. – Биз ҳам зулматда меҳнат қилганимизга яраша ўликдан барака топайлик.

Мен бош эшаккуртнинг шу хитобини эшитганимдан бери гўшт ва иссиқ паловдан ҳазар қиламан. Паловдаги ҳар бир гуруч қурт бўлиб кўринади. Шунинг учун музлатиб ейман.

Ё Худойим! Янгам туни билан эри яшириб кетган ароқни ичиб чиқади. Шишани сикиб-қисиб ичади.

Ойни газак қилади, қизларга кўз-кўз қилади. Яланғоч дарахтни яланғоч аёл кучади.

Мен уларни доим бахтиёр оила, деб билардим. Чунки шу бахтиёрлик эвазига тортган азобларидан фахрланишарди. Ҳатто захарни ҳам бирга симиришди, талашиб.

Нозимани ўйлайман. У кулмай қўйди. Отасини олиб кетган одамлар қайтариб ташлаб кетишини кутгани-кутган. Қўшнилари иссиқ нон сўраб келганда, қарзларини, албатта, узишади-ку, нега отасини қайтармас эканлар. “Тинч қўймайман қайтармагунча қаламушларни!”

Мен Нозиманинг кўзларидан қўрққаним учун бора олмайман. Кенжамни армон бўлган орзулари билан бирга бобомнинг қаватига кўмишади. Нозиманинг кулгиларини ҳам! Жойингиз ойдин бўлсин, кенжам! Бобом сизни яна ҳимоясига олди! Момом сизни “кенжам”, деб суйиб ётади. Сон мингта эшаккуртлар ҳам.

Бошим айланади.

Юрагимга бигиз санчилади, кулгим келади.

Жигарнинг бир бўлаги кесилгандай қон хидига тўлади дунё.

Мудрайман!

\*

Профессор Дюрте хоним сўзларимни ярим соат тинглади.

Кула-кула айтган боши-кети йўқ умр хикоям бор-йўғи ўттиз дақиқага сиғди.

Шу ўттиз минутдан мосуво бўлсам, ипи узилган мунчоқдай юз тарафга сочилиб кетишим мумкин дир, балки. Аммо шу ўттиз сонияни жамланган иплар адоқсиз дардларим билан ўралашиб вужудим тугул бутун бошли Ватанга чияшган, на ечиб бўлади, на узиб...

Дюрте хоним Лола биз билан қолишини, таржи-

монлик қилишини истамади. Шуниси маъкул экан. Менга ҳам бу ёқиб тушди.

Доктор мовий кўзларини катта-катта очганча, узок вақт бош томографиямга қаради. Кейин бирдан босик овозда гапира кетди:

– Биласизми, сизнинг аҳволингиз, ҳа, айтганча, немисча тез гапиряпманми?

– Йўқ, мен гапирмасангиз ҳам тушунаман.

– Зўр-ку! – кулди, табассум докторни яна-да нурли кўрсатар, юзига умр шаппатлари ташлаган ажинлар қайгадир беркинарди. – Гапни чўзиб ўтиришни ёмон кўраман. Сиз руҳий соғлом одамсиз, мен бунга ҳозирдан амин бўляпман. Бу бошланғич хулосам, албатта, аммо бу гапни сўзим аввалида айтаётганимдан мақсад шуки... тушунапсизми гапларимни?

– Ҳа, албатта.

– Сабаби шуки, сиз шу ондан бошлаб “касалман” деган фикрдан воз кечинг! Жигарни ҳам эсдан чиқаринг. Чунки касаллик ҳақидаги ўйлар сизни чиндан ҳам бетоб қилиб қўйиши муқаррар, хавотир, ваҳима танангизга жиддий таъсир этиши мумкин. Юрак уришингиз бузилган, қон айланиши яхшимас!

– Ҳаром қон қуюлиб қолгандир.

– Йўқ.

– Кечаси етмишта талаба билан кўришдим. Улар юз йил олдин таҳсил олишган ва шунинг учун ўз юртларида отиб ташланган. Илтимос, ҳозир Лола менинг жинни эканлигимнигина кўтара оладиган ҳолатда, соғломлигимни эшитса, билмадим, ўзи телба бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Сабаби, мен кўрганларни миллиардлаб соғлом одамлар ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди. Лолага уйланишим керак, илтимос, шунинг учун мени унга телба, деб айтинг. Илтимос, соғ одамда бундай бўлиши мумкин эмас-ку, доктор? Менга ҳеч қандай юпатиш хулосалари керак эмас... Мен шундоқ ҳам йиғидан бутун умрга маҳрум бўлганман, фақат



кулиш билан жазоланганман. Йиғисиз яшаш қандай азоб эканлигини биласизми, сиз айрилиқ учун кулишга мажбурсиз, сиз отангиз, онангиз қабрига борганда ҳам йиғлай олмайсиз, даҳшатлиси Ватаним учун ҳам менда кўз ёш йўқ!

– Йигитча, сиз мени тингланг!

– Йўқ!

– Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Ўша миллиардлаб одамлар сизнинг кўрганларингизни ҳазм қила олмаслиги мумкин, аммо ер юзида сизни тушундиган, ҳатто ўзингиздан ҳам кўра кўпроқ дардингизни ҳис қила оладиган одамлар кўплаб топилади.

– Сиз ўшаларнинг бирими?

– Иккита ўғлим бир кунда биз буюртма қилган овқатдан заҳарланиб ҳалок бўлди. Биз эрим билан базмда эдик. Улар ҳали ўн иккига ҳам қирмаган эди. Шундан сўнг фарзанд кўрмадим. Аммо ҳар тун ётоғимизга ётишдан олдин улар билан суҳбат кураимиз. Ўғилларим ҳозир тирик бўлганида сиз тенги йигит бўлишарди, лекин ҳар йили туғилган кунларини дастурхон атрофида нишонлаймиз. Оқшомлар ёнимизда рақс тушиб юрганга ўхшайди. Гапларимга ишоняпсизми ё мени ҳам жиннига чиқариб бўлдингизми?

– Таъсирли бу гапларингиз! Аммо менга нима алоқаси бор?

– Шошилманг! Болаларим ўлган, аммо ҳиди диноғимда турибди, уйимда кезиб юради. Бунни аниқ ҳис қиламан, қўлларини ушлаб кўраман, худди сиз бир аср олдинги талабалар билан бирга Берлин кезгандек.

– Доктор, мен...

– Болаларим нобуд бўлгач тирик кўмилишга рози эдим. Ҳатто эримни ва маросимларни ўтказиш учун келган попни дўппослаганман. Мени ҳам болаларим билан тирик кўминг, улар кўрқишади, уйғониб мени сўрашади, деб иссиқ кийимларни олганча қабристонга чопганман. Мен, ҳа... доктор бўла туриб, шундай ки-

лардим. Эрим ҳам оғир кунларни бошдан ўтказарди. Олти ойларча иккимиз уйдан чиқмай кўйдик, уларнинг хиди йўқолиб борар, мен бундан охиргача бахра олишни ва сўнг ўлишни режа қилиб кўйгандим. Ох, Ўзи кечирсин! Каламушлар ва сичқонлар бемалол устимиздан сакраб у ёқдан бу ёққа ўтиб юрарди. Худди бизнинг хонадонни ижарага олган каби. Ошхонада мендан кўра она каламуш фаолроқ эди. Ҳамма нарса тугади, пул, суғурта ҳамда тоқат. Қачон бу каламушлар бизнинг қобирғаларга тиш ботиришини кутиб ётардик. Шунда ҳаммаси ўзгарди, болаларим кела бошлади. Уларни хаёлларимга қайтардим. Ҳозир эса, ҳатто ўғилларимдан ёқтирган қизлари, университетдаги ўқишлари ҳақида сўрай оламан. Эрим болаларга атаб машина ҳам олиб кўйган. Сайрга ҳам уларсиз чиқмаймиз. Қий-чувлашиб суҳбат қуриб кетамиз. Ҳеч қандай кўз ёшларсиз буни амаллашга ҳаракат қиламиз. Аммо бу айтаётганларим сиз ўлчаётган миллиардлаб соғ одамларнинг онг тарозисига тўғри келадими? Йўқ! Асло! Соғлиқ деганда нимани тушунасиз ўзи? Муқаддас туйғуларга тупурадиган хайвон каби кучли, ҳиссиз, лекин ҳирсли одамлар сиз учун соғломми? Тирик қолишим учун болаларим мен билан бўлиши керак! Бўлмаса, эзилиб, аллақачон ўлиб кетардим. Инсон орзулар билан тирик яшайди-ю, нега энди хотира билан ҳам бахтли яшаш мумкин эмас? Ҳамма нарса хоҳишда, сен нимани ўзингга раво кўришингга! Орзу ва хотира. Мен учун уларнинг фарқи аллақачон йўқолган. Иккови ҳам инсонни яшашга ундайдиган куч! Мен шу туйғуларим билан уларни ҳаётимга қайтара олдим! Мен учун орзу ва хотира бир сўз – болам! Сиз учун эса қарғишлар, талабалар ва қуриётган жигарлар – Ватан!

Куламан, доктор эса йиғлайди... Ҳамшира қиз кириб: “Тинчликми?” – дея иккимизга ҳам қарайди: “Ёрдам керак эмасми, хоним?” – дея докторнинг елкала-

рини силайди, сўнг кетади.

Иккимиз ҳам қизнинг ортидан қарамаймиз, доктор тинчланади, мен эса қалтираб қулишда давом этаман. Бақираман, қақшайман.

Мен доктор хонимни яхши кўриб қолгандим. Балки, онам шу немис аёлига ўхшаган. Айтишади-ку, оналарнинг миллати бир – меҳр.

Оналар бир миллатга сиғмайди, улар осмондан тушишган!

Онам уйида ёлғизгина сурат осиглик турарди. Оқ кўйлақка бурканганча барчадан хуркиб, уялиб турган келинчак – менинг онам.

Унинг меҳри шу аёлга ўхшагани аниқ.

Онанинг қадами бўлак, арвоҳлардан фарқ қилади.

Болам кўркмасин, деб кундузларигина келарди. Фақат мен эшита олардим уни, ўзиям қулоғимга шивирларди-да.

– Мен тирикман, болам!

– Алдама! Сен ўлгансан, олти ойлигимдан бери эмчак тутмайсан.

– Оч қолганинда эмизиб кетаман!

– Алдама! – яна кўкрак тутмасин деб оғзимни ёпиб оламан.

– Болажоним. Эртага тўйиб уйғонасан... Мени айтди де... Кел бағримга...

Кечаси момоннинг шўрвасига қайрилиб қарамайман. Оч ухлайман. Онамни кутиб ётаман. Ростдан тонгда тетик уйғонардим.

Бўлиқ сутни эмардим, энтикардим, эркаланардим, сочларини ушлаб, кўзларини ўпиб... кулиб, кулиб боқардим... Эрталаб қорним шишган бўларди. Момомга лабларимда бир оқ чизик бўлиб қолган сут юкини кўрсатиб мақтанардим. Момом эса йиғларди...

Ишқилиб, кечаси мени ўйин қилмадим, момом, деб қўлларидан ушлайман, лекин негадир бу

шубҳаларни тезроқ кувиб солишни хоҳлайман.

- Онам тирик, момо, аниқ!
- Сен нима деб ўйловдинг, болам...
- Тезроқ катга бўлсам, кўлларидадан ушлаб қоламан...
- Шунинг учун кўпроқ овқат е-да!
- Бошқа йўли йўқми катга бўлишнинг?
- Йўқ, фақат овқат!

Мен бошқа йўлини топдим: дард билан ўйнашдим.  
Юрак катталашиб борди.

Олти амаким ва унинг хотинлари, уларнинг ҳар биридаги икки кўлдан, жами йигирма тўртта кўлдан овқат едим, таёқ ҳам. Уларни ҳаддан ташқари кўп ҳақорат қилдим ва шунча ҳақоратландим. Мен инсонни таҳқирлаш билан ўйнашдим. Инсоният ҳақоратга ўрганишини, унга ҳатто мактовдай, алқовдай, бир кўшиқдай кўниб қолишини кашф этдим.

– Сағирим, бугун сўкинмадинг, одам ғалати бўлиб юрибди, бир нималар деб кўй! – дерди улар жим юрган куним! Мени боққан ва урган йигирма тўрт кўлни йигирма тўрт соат ҳақорат этдим.

Дюрте хоним мен ҳеч қачон ҳаётда ҳис қилмаган – она меҳрини фитратимга сингдирарди.

– Ўғилларимни бахтсизлик олиб кетди, аммо биз тирикмиз! Нега улар танамизда, юрагимизда яшамаслиги керак! Нима учун мен ва Чарли (эрининг исми Чарли, у ҳам доктор экан, асли америкалик) қолган ҳаётимизни болаларимизнинг хотирасига бағишламаслигимиз керак?! Улар бошқаларга кўринмаса ҳам майли. Оҳ, нима қилибди?! Уларнинг тириклиги бизнинг хаёлимизда, ўғилларим бу оламда эмас, бизнинг юракда улғайишмоқда. Шу ердан университетга киришди. Каттаси жиддийроқ эди,

судья бўлишни хохлади, кичигининг эса ўзимиз каби доктор бўлишни ният қилдик. Ҳаммаси хаёлда, юракда... Нақадар даҳшат, аммо мен учун бу – ҳаёт! Болаларим жон бераётганда тўксон ёшли кампирнинг чалкаш сўзларини тинглаб ўтиргандик, у бизни ўзининг қизлик давридаги сафсаталари билан тутиб қолганди. Қаранг, у ҳақда қанчалик яхши хаёлларга боришга уринмай, барибир илиқ сўз айта олмайман. Аслида, зиғирча айби йўқ. Аммо биз гуноҳкор ва шубҳаланувчи бандамиз. Ҳали ҳам на ўзимни, на уни кечира оламан. Тушуняпсизми, ўша вақтда гўдак болаларим азобланиб дунёни тарк этаётганди, кампир бўлса ортидан нечта йигит юрганини, улар қандай мавқеда эканлигини валдирарди...

Отам мени ўзига чорлайди ва тарбият этади.

Қўлларимдан ушлаб дарёга ташлаб юборади. Сув ютиб, аччиқ йўталаман, сўкаман, бутун жойини қолдирмай.

Сўнг эса чўмилишни ўрганганимни ҳис қиламан.

Отам мени эшакка тептиради, йикитади, улоқ қилади. Оғриқдан кўзимдан ўт сачрайди. Аммо шу билан пишиб, пишиқ бўлганимни англайман. Эшакнинг товони теримга ўтмай қайтади.

Онам бармоқларимга игна санчади. Бор-йўғи уч марта икки олганим учун. Мен йиғлайман, отам тушларимда иккини кўрсатиб сўқади. Мен тонг қадар пиқиллаб чиқаман.

Улар мен учун доим тирикдек бўлишган.

Мен шундай ота-она назоратини орзу қилиб улғайдим!

Дюрте хоним тиниқ кўз ёшларини артганча давом этади:

– Биз уйга кириб борганимизда улар ҳали тирик эди. Икки дақиқагина олдин уй эшигини очганимда

борми, ҳаммаси ўзгача бўлиши мумкин эди. Йўк, мен бу воқеа учун ҳеч кимни айбламоқчи эмасман. Кимнингдир миясига ўрнатилган соат ҳали чиқиллаб ишлаб турибди-ю, яна кимдадир тўхтайди, шундай бўлиши керак. Бахт ва вақт бир-бирига доим душман бўлиб келган. Энди бахтиёр яшайман деганинда фурсат етмайди, вақт кўпида эса бахтсизсан, ёлғизсан! Болаларим ўзларига нима бўлаётганини тушунмаган бўлишса ҳам керак. Йиқилиб тушиб, ҳушларини йўқотиш онда мияларида онамиз бизни тезда уйғотади, деб ишонишгандир. Аммо мен кечиккандим, уларни бу дунёда ушлаб қололмадим, ҳар тонгдагидек уйғотолмадим. Шундан сўнг касбимдан ҳам кўнглим қолди. Қўлларимда яна биров болаларим каби сўнгги нафасини олишини истамасдим. Бунга ирода етмасди. Қалтис онларда кўз олдимга жужуқларим келиб, хаёлим бемордан қочишидан кўрқардим. Ўлим нималигини юзлаб мурдаларни кўрган доктор бўлиб эмас, болаларимни йўқотганда чуқурроқ англадим. Ростини, бундан буёғига кимнингдир яқини нобуд бўлганини айтишдан кўра, ўзимга ўлим тилашим афзалроқ эди. Тақдиримга осилган оғир соатлар чиқиллаб айланиб турарди. Ҳар дақиқадан яшаш учун бир илинж ахтарардим, йиғлардим, спирт истеъмол қилардим, сўнг кўзимга кўринган нарса устида эрим билан жанжаллашар, кечалари уйимизга жойлашиб олган каламушлар билан айтишардим: “Қачон қобирғамга тишларингни ботирасан, кўрнамаклар?” Шундай кунларнинг бирида... менга Худонинг марҳамати ёғилди: тушларимда болаларим билан дийдорлашиш насиб қилди! Мен уларни соғинганимдан сира уйғонгим келмас, менга қолса, кун бўйи ётоқдан турмасам дердим. Чунки шу ётоқ мени фарзандларим томон бошлайдиган сеҳрли йўл эди. Бора-бора улар ҳар кун тушларимга кирадиган, мен эса бугун қилган озгина ишларимни

болаларимга айтиб берадиган бўлдим. Шунинг учун кунимни мазмунли ўтказиш ва кечаси уларга сўзлаб бериш учун яхшироқ, мазмунлироқ яшай бошладим. Тузала бошлашим билан каламушлар оиласи билан ғойиб бўлди. Ўйладим, қандай қилиб болаларимни тушлардан ҳаётимга олиб кирсам. Ох, бу қандай соз бўларди! Ўғилларимнинг йигирма тўрт соат мен билан бирга бўлишини ўйлаб, юрган йўлимда учиб қувонардим. Кейин ўғилларим яшашдан кўра кучли туйғу – меҳр-муҳаббат орқали ҳаётимизга кириб келди. Нима, биз жиннимизми? Улар нобуд бўлишди, аммо биз тирик-ку! Демак, улар ҳам тирик! Фақат улар тани руҳимизда яшашига имкон берсак бўлди. Мана, йиллар ўтиб ишга қайтдим. Руҳият қурбонига айланаётган инсонларни қутқариш – улуғ мақсадимга айланди. Германияда ўқиган ўша етмиш талаба сиз учун тирик! Сиз шуни истаганингиз, уларни кўришни жуда хоҳлаганингиз учун бу воқеалар содир бўлаётир. Улар отилган, аммо буткул йўқ бўлмаган, талабалар қонингизда, атрофингизда, ичингизда, сиз билан дўст! Ҳа, улар ҳаёт! Учқур хаёллар шунчаки кўприк, сизларни улар руҳи билан боғлаб турибди. Сиз ич-ичингиздан талабалар билан бирга, улардек бўлишни хоҳлайсиз. Қалб сўровингиз амалга ошяпти. Тушуняпсизми? Уларга танингиздан, руҳингиздан жой бергансиз!

Куламан, хаёллар мени дайди қилади.

Маҳзун, маъюс Самарқандга элтади.

Кўҳна масжидлардан азон янграйди. Тиригу ўликлар ибодатга шошади. Мен уларга эргашаман. Талабалар ҳам балки омонлик учун дуо қилишаётгандир.

Йўлда кенжа амакимни учратаман. Тижоратга ўтибди. Агторлик молларини сотяпти экан. Қандай соз!

Тирик учраш ҳайратлантирмай кўйибди уни.

– Номозга юринг, кенжам. Пешиннинг қарзини адо

қиламиз!.. Тўхтаг!

У барча мушк-анбар солинган шаффоф шишаларини бир рўмолга тугади. Сўнг уларни жаранглагиб елкасига олганча ортимдан эргашади.

Амаким ўлмаганмиди?

– Жигарингиз омонми, кенжам?

У менга шубҳаланиб қарайди, кейин тўхтаб илжаяди. Қараши совуқ, кулиши ҳам... қишлоқ одамлари бундай иршаймайди. Куруқ ва бекорчи қараш. Балки, кенжамга жуда ўхшаб кетар.

Кўзининг остида чандиғи ҳам бор. Зино пайти, эри келиб қолган ва ўлгудай калтаклаган пайт қовоғи йиртилган.

– Сиз ўликмисиз ё тирик?

– Буни ҳеч қачон ўйлаб кўрмаганман.

– Нимани ўйлагансиз?

– Кўпроқ сотишни.

– Нимани?

– Миллатни! Мен хоинман. Қулоқман.

Бу амаким эмас, йўқ-йўқ!

У ким... қайси миллатнинг боласи?

Амакимнинг жисму танасидан, ҳатто юзидаги тиртиғидан ҳам фойдаланаётган ким?

Ёқасидан олдим. Аммо масжид кетаётган одамлар бизни ажратди: “Худонинг уйидамиз, уят бўлади-я?!”

Мен қахратон совуқда қақшаган одамдай тўлғанаман. Оғзимдан сўлакай отилади. Аттор кўринишидаги жосус эса жамоат билан бир сафга туради. Мен ул жамоага қўшила олмайман.

Азонга артиниб олади Самарқанд!

\*

Кетмоқчи бўлиб эшик тутқичини ушлаган эдим, доктор хоним яна савол бериб қолди:

– Талабалар суҳбатидан сўнг қандай хулосага келдингиз?



- Жонимни бир чақага нархладим.
- Уларни яна кўришни истармидингиз?
- Бир чақага ким ҳам томоша қўярди. Гар арзитсалар, боримни қурбон этардим.
- Топилмас одам экансиз!
- Сиз ҳам, доктор! Ишонинг, сиз онамга жуда ўхшайсиз, тўғри, кўзларингиз кўк, рангингиз сарик, аммо барибир онамга ўхшатавераман, фақат ташқи кўринишлар қиёсланмайди-ку, ахир! Унинг тафти сизникидай бўлган, тагин билмадим. Худди сиздек гапирган, деб ўйлайман, меҳрни кўрсатиш учун таржимон шарт эмас! Товонимга тушиб, сингиб, занглаб кетган она меҳрини яна кўксимга қайтарганингиз учун ташаккур.
- Йиғлагим келяпти, аммо эшик ортида сиздан кейинги беморим кутиб турибди. Кўзларим шишиб, бурним ачишиб кетади, натижада гапира олмайман. Унинг дунёсига кира олмайман, мени кечиринг, ўтинаман!
- Асрлардан сакраб ўта олмайсиз.
- Шундай. Сиз билан танишганимдан жуда хурсандлигимни билсангиз эди!

Йўлакка чикқанимда Лола кўринмади. Деразадан ташқарига қарадим, у пастда телефонда ким биландир гаплашарди.

Шифохонадаги барча касалларнинг қорни шишган, жигари оғзидан оқиб тушадигандай тупуришга ҳам кўрқиб бўғзида тутиб келишарди.

Ҳозир ҳаммаси йиқилади-ю, йўлак ўша харом конга тўладигандай тезроқ оёқ кийимимни асрашни ўйлайман.

Иккинчи амаким – домламни кўраман.

Уни ҳаммага насиҳат қилгани учун “Домла ўғлим” деб атарди момом. Бу ерда нима қилиб юрибди? Бўйи калта, қорни шишган, соқоли ўсган, кўзлари қизарган,

яна ухламаган кўринади. Иккинчи амаким уйкусизлик касалига чалинган. Тунлар унинг шўри, азоби.

Биз бир-биримизга яқин келамиз. Домлам ўзини етаклаб келаётган ҳамширадан юлқиниб чиқиб менга осилади ва насихат ўқий кетади: “Бизга қорамол, кўй-кўзи, улов керакми ё бола? – дейди кўзларини ғалати ўйнатиб. – Фарзанд керакми ё гап-гаштакка миниб қатнагани ханги? Боламизнинг кулгисими ё оғилхонадаги эшакнинг ханграгани? Қай бири миллатга зарурлигини англамай турибман! Оғиз кўпиртириб: “Ўқув нега, молхона тўла хўкиз керак”, – дерсиз. Маорифсиз не бўлди, ўз пешобимизга ботиб, хароб бўлди, шарманда бўлди, кул бўлди. Туркистон болаларининг кўзларига қаранг, ғамига нон ботириб есангиз бўлади. Уларда не гуноҳ, ахир! Бизнинг оналар тўққиз ой кўтариб туғаётган болаларнинг 30-40 фоизи Оврўпа учун оддий бўлган тиббий чоранинг йўқлиги сабаб эрта нобуд бўлмоқда. Эшитяпсизми, 30-40 фоиз-а?! Бу даҳшат эмасми? Сен болангни кўмиб келдинг ва яна уялмай иссиқ тўшакка завжангни тортасан, қабрларни кўпайтириш учун! Яна ўқув на керак деб, болангизни таълим олишга эмас, мол боқмоққа йўллайсиз, бозорга етаклайсиз... Бизга қараганда кам сонли бўлган Тошкентдаги ўрисларнинг шахсий докторлари 100 га яқин, улар маҳаллий аҳолига қарашдан ор қилишади, жирканади, ҳатто ўлаётган боладан ҳам. Бизда эса соғни касал қилишга шайланган, касални ўлдургувчи 5-10 та табиб бор холос. Яна маориф на керак дейсиз? Ўқувимиз йўқ бўлса, бундан сўнг дунёда яшашга ҳам ҳаққимиз йўқ, яшатгани ҳам қўймайдилар. Бу кетишда яна юз йилдан сўнг қай аҳволда бўламиз? Шундан сўнг ҳам болангизни мактабга эмас, мол боқмоққа йўлласангиз – одам сафидан чиқиб ҳайвон қавмига ўтган экансиз. Бошқа ўзбошлилар не дейди? Бизга мол керакми ё бола? Ҳеч бўлмаса, эшакдек, ҳар корин очганда ё ҳирс кўтарилганда хангранг, бақиринг, аммо жим

турманг...”

Мен эшақдай ханграйман.

Амаким яна ўзининг сариқ соч ва ўзидек тўла ҳамшираси бағрига қайтади. Кетаётиб юзимга фотиҳа тортаман ва деворга суянганча ўкириб-ўкириб куламан. Ҳамма ҳайрон. Улар кулишимга ачинади. Мен эса иккинчи амаким – домламга. Жигари қурибди-да... ёш эди, ёш...

Лаънат бўлсин қарғишларингга... Қизил аскар, сени сўяман!

Жаҳл билан ортга қайриламан. У йўқ. Палатасига чопаман, ҳамшира калта бўлиқ бармоқларни силаб ўтирган бўлади. Мени кўриб у ғалати қараш билан чиқиб кетади.

Домла амакимнинг оёқлари ари чакқандай шишиб кетган.

– Сиз қандай чалиндингиз бу дардга?

– Ҳаёт оғир, жиян... Азоблар қуритди жигарларимни?

– Сиз бу гапни айтманг... Янгам кўп дуруст.

– Аммо туғмади...

– Туғдириб нима қиласиз? Товуқ туққанда азобдан қандай қуқулашини биларсиз!

– Мени ким кўмади, отамлаб...

– Фақат ниятингиз кўмилиш бўлса, бу қийин эмас.

Бир сиқим тупроқ сизга топилади.

– Йўқ. Бола керак.

– Сизга Худо фарзанд бермаслиги аниқ-ку!

– Нимага?

– Чунки сиз танланганлардансиз... Болаларингиз хўрлик ва лаънатлар ичра булганмаслиги бахт-ку! Шунинг учун ҳам хотинингиз курсоғи бўш, сизники ўлик.

– Мен оддий ит бўлишни хоҳлайман, ўнталаб туғади, туғдиради, аммо бизнинг Жонбуви туғмади... Қисир келди. Ажрашай дердим, бошқа бир эрнинг

нафаси тегмасин деб кўймадим, жавобини бермадим...

– Нечта аёлни синаб кўрдингиз... барибир бўлмади... Хотинингиз сиздан бошқа эрнинг соясида ухласа ҳам эгиз туғарди.

– Мен уни кўймадим...

– Энди ўликсиз, жигарингиз куриди... Худди бобомники, кенжамники каби сизники ҳам... Ҳаром қон уруғни адо қилди.

– Мендан кейин хотинимга кўз-қулоқ бўл, илтимос. У менга бошқа эр қилмайман деган.

– Аёл кишининг қасами сиз ўралган матодан биринчи эшаккурт ўтиши билан бузилади.

– Йўқ, у менга хиёнат қилмайди.

– Она бўлиш истаги ҳар қандай қасамни чайналган сақич каби улоқтириб юборишга етади.

– Тилинг чиқмай оғзингга кўп уришим керак эди-болалигингда, сағирим, укамнинг ёлғизи, деб хўп аядик!

– Домлам, сизни ўз оғзингиздан чиққан ўгитлар еди. Кўп гапирдингиз, амал қилмадингиз. Акси бўлганда дунёнинг отаси бўлардингиз.

– Дунё керак эмас, тентакнинг бўлса ҳам отаси бўлгим келади.

– Сизни қаерга кўмай?

– Бобонгнинг олдига қўйинглар.

– Хўп, хайр! – чикмоқчи бўламан. У кўлимдан тутиб қолади.

– Қўрқяпман!

– Нимадан, домлам?

– Амал қилмаган кўп гапларим бор. Кўнглим ўксик, бефарзандман, айтганимни қил, бобонгнинг қава-ти, хўп.

Ортиқ чидай олмайман. Касалнинг ёқасидан оламан.

– Туринг, домлам, туринг... Сиздан ҳеч нима қолмаяпти, шундай ўлиб кетаверсизми?

– Амал қилинмаган ўғитларимни эсдан чиқарма. Сен дунёнинг отаси бўл...

– Шу беқибат жигарлар билан-а?!

Бақир-чақирни эшитиб, яна ҳамшира шошиб киради. Кела солиб амакимнинг қўлларига ёпишади ва менга бу гал зулмкор одамга қарагандай тикилади.

Кетаман.

Ҳеч қачон амал қилмаган ўғитларини эслайман. Худди шунчаки беш баҳо учун ёдланган муқаддас ҳадисларга ўхшайди бари. Домлам бизларни йиғарди-да, ўзи сира мағзига етмай ёдлаган ўғитларини бошларди: “Тангри бу оламни билиб яратган, барча ичкилик ва егуликларни ҳалолдан буюрган. Кимнинг хислати ва асли зоти пок бўлса, бутун эл одамлар орасида унга душманлар кўп бўлар... Орқасидан минг-минглаб итнинг акиллашини эшитган билан бўри ортига қайрилиб қарармиди. Яқин қариндошлар сен билан алоқани узсалар, сен улар билан яқинлаша боравер...”<sup>11</sup>

– Домлам, шунинг учун сиз кўшнимизнинг олапарини сўйиб еган экансиз-да!

– Жим тур, сағирим, очарчилик йилларида бари мумкин, дейилган.

– Қай бир китобда итни овқат қилиш мумкинлиги ёзилган, тагин бировникини?

Ҳар кун ўғриларни кўрқитиб турган, кўзлари мунчокдай кучукчани? Қайси китобда, домлам?

– Жим тур, сағирим, жим! Ўрисча китобда, сен тушунмайсан!

Яна бир соат маърузада ўқийди.

Зерикамиз, толиқамиз, кимдир олдинда турган боланинг иштонини тортиб юборади, уят жойининг ухлаб ётганини кўриб гурра кулги кўтарилади. Амакимнинг жаҳли чиқиб бизни калтак олиб кува кетади.

Домлам ҳеч қачон айтган насиҳатларига вафо қилмасди, бугун ўзига ҳам ҳаёт садоқат кўрсатмади,

<sup>11</sup> Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан.

тупрокқа тушди. Эл уни она қорнидаги билан ҳисоб этди, қирк ёш деб кўтарди. Бобом уч ўғлини ҳам бағрига олди. Тепа қабристоннинг энг тепасида бирга ётишибди.

Қирққа кирган амаким шу тарика эшаққуртларга ем бўлди ва изсиз кетди, на бола қолди, на ибратли ҳаёт!

\*

Домла амакимнинг амал қилмаган бир хикматини эслайман: “Заковат ва билимларни менга Тангри берган эди...”<sup>12</sup>

Менга бу кулгиларни ким берди, йиғидан минг ботмон оғир табассум. Наҳот Аллоҳим кулги ва йиғининг ўрнини хато битган бўлса...

Домла амакимга-чи? Пешонасига Худо нима ёзди... Фарзанд йўқ, вафо йўқ, умр йўқ. Амал қилинмаган ўғитларними?

“Ҳаммаси хоҳишга боғлиқ! – деди доктор хоним. – Улар тирик, ичингизда яшаяпти!”

Ўлим орзудан баланд турмайди, у ҳеч қачон руҳдан устун келолмаган, аммо домлам энди йўқ. Сизнинг хикматларингизни соғиндим...

Жигар ўғитларингиз каби қуриб кетмоқда...

“Кўнглинг кимни орзулаб севиб қолса, унинг номи сира тилдан тушмайди, сўздан сўзга улашиб юради, севиклигининг юзи кўнглингнинг озуқасидир. Кўз қаерга йўналса, кўз ўнгида у намоён бўлади...” Балки, шу сўзларингиз мени бошқарар. Аммо сиз биронтасига амал қилмадингиз ва кетдингиз қудуққа тушган тошдай.

\*

Онам эккан кизил атиргуллар у ёниб кетгач ҳам очилаверган ҳеч нима бўлмагандай.

Демак, нозик бўлган таъби. Ҳидлагандир ҳар тонг

---

<sup>12</sup> Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан.

пахта гулидан безиб кетган онларда. Балки, биттасини отам узиб тонгда беришини истагандир бир хил тонглар жонга текканидан.

Отам эса бепарво ва фақат ишни ўйлаган одам, балки ундаймасдир, гул бандининг қанча жони бор, тиконлари ҳам унчалик оғритмайди, бир кун тутгандир қўлларига шартта узиб қизил юзларни. Жилмайдиганча ишга кетишган, балки умуман бошқача бўлиши ҳам, ўзгача тугаши ҳам мумкин барчаси.

Куну тун шу хаёлларни ҳидлаб гулга қараб ўтиравардим. Момом эса “шу гулларни онанг эккан”, деганига пушаймон тортарди. Ҳатто асаларини ҳам кўндирмасдим қизил япроқларига. Аммо бир куни кўшнимизнинг эшаги еб қўйди барини. Худди кишлоқ пахтаси ота-онамни егандай.

Сўнг кула-кула илдизи билан олиб ташладим, тагидан саноксиз эшаккуртлар галаси чиқди. Улар онамдан қолган қизил атиргулларни-да еб битирди. Сўнг газабдан ёниб ўт қўйдим барининг устидан, бензин сепдим, қизил атиргуллар гулханда ёнди, сал қолди уйга ҳам ўтиб кетишига.

Мен эса бир чеккада онамнинг қолган ҳисларини кавшаган эшакни жабдуқсиз минганча кулиб турардим. Негадир эшакка ичим ачирди. Тилини конатгандир онам гуллари.

Катта амакни яна телефон қилиб мудроқликни ҳар тарафга сочиб юборди.

– Салом, сағирим...

– Салом, бўйдоғим...

– Ҳа, бетинг курсин!

– Туғмайдиганидан қидиряпман денг?

– Лакаторми сенинг кулоғинг?

– Ўпқон!

– Уят, сағирим, уят... Олтмишга бордим, уч укамни тепкилаб кўмдим. Қиз олсам бўлмас. Туғмайдигани керак. Қизларим ҳам шундай фикрда. Менга қолса,

қўл тегмагани дуруст эди, лекин қишлоқчилик, уялади одам.

– 18 ёшли.

– Ўғил туғса дейман. Армон бўляпти-да!

– Авлодимиз қурийди, бошқа йўл йўқ!

– Етгита кизим бор! Буниси ўғил туғар!

– Қиз туғади сиздан ҳатто сигир ҳам...

– Танишлардан айт, жиян, борми бундайроғи?

– Кўз тагида асраб қўйганларингиз-чи?

– Ўлай агар, йўқ.

– Қўйнингиздагилар-чи?

– Ўчир! Домла укамнинг кўзларига киёматда қандай қарайман?

– Кўр бўлади кўзингиз, ҳеч кимни кўрмайсиз ўлиш олди.

– Унда яхши...

Куламан, куламан... Янгам ундан ҳомиладор.

Уканинг бевасини ака ечинтираётган замондан айланай.

Янгам ҳам киз туғади ва тўнғичим ҳеч нима бўлмагандай байрам килади: “Укам бутун умр кутган бола туғилди, жигаримнинг боласини мен хор киламанми, ўзим боқаман!” – деб суйиб юради, тўй килади, сўнг ўлгунча бева билан ётиб юради.

Кўп хаёлларга алданипман. Натижада Берлиндан узоқлаяпман. Тинглашни истаяпман. Талабаларни ва Лоланинг сочлари чалган оғир симфонияни.

Берлинни куйга кўммоқ истайман. Сўнг ўзим кўмилсам шунга. Эшакқуртлар жасадимни таҳқир эта олмайди. Ўз сўлакайларини ва нажасларини танам узра сочишмайди. Мен тарих куйига кўмилишни истайман. Тозаламоқ истайман булганган қонни. Бир муддат, ҳа, бир муддат бўлса тозалай олсам эди олисдаги боболар айбин...

Озодлик қадрига етмай яшаб ўтилган болалик



каби, уларни йўқотганингдан сўнг иккисига ҳам кайтиб бўлмади.

Шифохонадан чиқаётиб, Лоладан бир таклиф чикди.

– Нукул ўлик талабалар билан андармонсан. Токи Берлинда экансан, кел, тириклари билан ҳам нафасинг кўшилсин! Улар ҳам ўзбек!

– О, зўр бўларди. Тирик ва ўликларни солиштириш қандай яхши!

– Аммо мени уялтириш йўқ. Уларнинг бари баланд одамларнинг болалари...

– Динозаврларнингми?

– Ҳа, динозаврлар.

– Улар ростдан тирикми?

– Илтимос, майнавозчилик қилма, ҳозир ҳам, учрашувда ҳам ўзингни тут!

– Қулишга рухсат борми?

– Бусиз нафас ололмаслигингни биламан – рухсат!

Лола хафа эди, худди кўзлари ёшга тўлиб тургандай шишинқираган. Мен эса кулгим келади ичакларим тугилиб қолгунича.

Менга замондош, тенгдош динозаврлар билан суҳбат қураман. Лола билан ҳозирдан улар ҳақида гаплашгим келади.

– Талабалар бу ерда ўз пулларига ўқийдиларми ё ҳомийлари борми?

– Айтдим-ку, тепадаги одамларнинг болалари. Аммо Берлинда ўзбек талабалари кўп. Кўпчилиги ишлайди ҳам уйига пул жўнатиш учун. Ўқиш баҳона даромад учун келганлари ҳам ҳисобсиз. Аммо менинг даврам катталарнинг фарзандларидан иборат.

– Жуда каттами?

– Ҳа...

– Нечта қўйи бор уларнинг?

– Валдирама...

– Шунчаки айтгим-да, сени севишимни биладими улар...

– Рашк қиялпсанми?

– Шундай...

– Эндими? Тўрт йил ўтиб...

– Минг йил ўтса ҳам, рашк қилавераман-да, тавба-тавба, у ҳам қарийдими? Биласанми, сени энг кўп кимдан қизғанаман, эшакқуртлардан. Шунинг учун қариб, бужмайиб, майиб кампир бўлиб қолганингдагина ўлишингни истайман.

– Аҳмоқ, рашк қилишинг ҳам ҳақорат.

– Улар бир кун келиб барчанинг севган қизини кучади.

Лола ерга қарайди. Мен осмонга. Нигоҳларимиз тупрокдан кўкка қадар узоклашади.

Кетяпмиз Берлин кўчалари бўйлаб, аммо ўрта-миз ва хаёлларимизни ажратиб турган йўл ададсиз, олис-олис. Бирдан чироқ ўчиб қолган қишлоқ тўйидай кўшиғимиз тиниб қолади.

Муҳаббат – кимгадир сўзсиз, ҳеч бир шартларсиз, тарозига тортилмаган ўлчовларсиз керак бўлишинг-ку, тўғрими?

Севгининг шаҳодатномаси ҳеч бир жуфтликка бугун умр учун берилмайди. Ё мен адашяпманми? Лола бугун сочини қирқ кокил қилиб ўриб, қалин ўсмалар қўйиб юрган хуркак қизалоқ эмас. Ундан ўша кокил хаёлларини, дилгир шамоллар бўйини қидириш аҳмоқлик. Аммо мен муҳаббатнинг телба қалблар учун эканлигига кўпроқ ишонаман. Мен улғаймадим, ўзгармадим, унинг ҳам шундай қолишини истайман. Аслида, улғайиш ҳақидаги барча ҳикматлар ёлғон. Инсоннинг мушаклари каттаради, холос, юраги эмас.

Суяклари кўмилади, юрак эса ҳеч қачон уришдан тўхтамайди.

Севгисиз юракни қабрга тириклай кўмамиз.

Болаликни тириклайин эшакқуртларга дуч қиламиз.

Куртлар ҳар тиш ботирганда болалик ўкириб йиғлайди, тўлғанади, вужудингни тирнайди.

Мен эшакқуртларни ва улғайишни ёмон кўраман.

\*

Ҳисор тоғларидан бир сор менга мўлтирайди:

– Болаларим очлигидан тош чўқимоқда. Раҳминг келсин!

– Нима қилай?

– Ўл! Емиш қилай полапонларимга!

Бургут кўзларнинг мўлтираши дунёнинг қулаши эмасми? Болалар нималарга мажбур этмайди оналарни...

Жонсиз каби ётаман. Бургут кўкрагимга тумшуғини қиличдек суқади. Сўнг писиб турган овчини сезгандек атрофни чанг-тўзонга солиб, питирлаб осмонга кўтарилади: ҳаром, ҳаром, ҳаром қон экансан!

Юрагимда сарқитга айланади.

Неча оқшом ётиб каламушларга газак бўламан.

Жасадим чўққиларга кўтарилмайди. Бургутларга қўшилиб қояларда ўлмоқ истагандим, аммо ернинг остига, эшакқуртлар томон елиб кетмоқдаман.

Самарқандга бориб, бир амалсиз мулла пешобидан кўклаган янтоқ соясини паноҳ тутдим. Мен қиёматни кутдим!

Тингладим янтоқни, у бир кун илдизидан айирувчи сахро шамоллари ҳақида эмас, миллатдан сўзлайди: “Ўрнак бўлсин, биродарлар, ўрнак бўлсин! Кеча Самарқандда улуғ воқеа бўлдиким, сизга билдирмак истадик. “Кўмак” ташкилотимиз жонкуярлари олдиға юзни қаршилаган бир бобой келди. У хира кўзлари билан сизу биздан кўра эртанги аҳволимизни, миллат-

нинг юзини, кейинги юз йилини яхшироқ кўргувчи экан. Келажак илмда эканлигини чуқур тушунган бир миллатпарвар қария экан. Германияда талабаларнинг қайтишини кун санаётгани кўринарди. Ўрнак бўлсин, азизлар! Ҳаёт – маорифда, бўлак Туркистоннинг нажоти йўқдур!

Битта-битта қирилмоқ бордир, битта-битта ўлмоқ бор!

Амир Насрулло қўшинида ҳиммат қилган ва юз ёшни қаршилагон бобо англагон қонунини сиз на англамайсиз? Турли баҳоналар қилаётган, уюрида битта от камайса, кашшоқланиб қолишдан кўрқиб, болаларга таълимидан ўзини олиб қочиб чорсуга, чойхонага урадиган бойлар шу соқоли кўксига тушган қари сарбоздан ўрнак олса тузук бўлурди. Чунки у ўзи миниб юрган, бисотидаги ягона бияни гижинглаган тойи билан сотиб ва ақчасини Олмонияда ўқиётган миллат болалари учун сарфлашни истади. Неча амиру подшолар зулм-ситабини тотгон, элнинг қора кунлари илмсизликдан эканлигини англаган шу отахонга ҳавас билан қарадик, кўзларга ёш инди. Элга ўрнак бўлмоғи учун сизга ҳам овоза қилмоқдамиз. Ўзининг бор-будини миллат учун сарфлаган одамларга қуллуқ бўлсин! Чунки биров бой қилиб бермайди, биров ўстирмайди, фақат ўзимиз – мен ва сиз, жонимизни аямай миллатни миллат, эртани ёруғ қилишимиз ё бўлмаса очик мазорга тикишимиз мумкин. Барчамизнинг авайлаган танамизни қуртлар кутиб турибди, руҳимизни эса синов! Унутманг, болаларимиз Олмонияда бизнинг, ўзбек халқининг эртаси учун заҳмат чекмоқда. Улар мусофирлик совуғида очликдан, қулайликлардан холи қолсалар-да элнинг эртаси деб таълим олмоқда. Сиз ҳам уларни эсланг...

Киссангизни кавланг, кўрангизни бозорга ҳайданг!”

Тиконлар гап уқмаган қулоғимни илма тешиқ қил-

ди!

Сўнг тепамда яна сор бургутнинг сояси пайдо бўлади. Кўзлари ҳамон мунгли боқади она шўрликнинг.

Бургут қолган-қутган устихонимни тирнокларига илганча Ҳисор устидан олиб ўтиб, балчикзорга ташлайди. Танам сочилади. Қора балчиқ суви булоқникидай тотли, тўйимли. Ўзимга келаман ва қўлларимни қидираман.

Нега инсонга бирдан қўл зарур, юраги, жигари, мияси, кўзларини эмас, қўли? Балки, Худо берган икки соғлом қўлни кўксига қўйиб, кимгадир таъзим қилиш учундир?

Катта ишлар келмаса қўллардан уларни қидириб нима фойда, ортиқча жой эгаллайди, кўп жойни ушлаб кўргиси келади, сира керак эмас!

Қўлларим жойида экан, момом сийпалаб ўтирарди.

– Яралгандан буён бир иш қилмаган бу қўлларни ахлатга ташланг, момо!

– Боламнинг боласисан, сен менинг қўлимсан!

– Бир кун катта бўлсам, сиз ўлсангиз, бобом ҳам кетса бу фоний дунёдан дорил бакога, ким уйлантиради мени?

– Ўлмайман, бу азоблар хали ўлдиргани қўядими? Сенга ўйнагани чиройли қўғирчоқ олиб бераман.

– Лола керак, қўғирчоқ эмас.

– Қассобнинг қизими? Қаҳри қаттиқ кўринади, бобоси ҳам шундай эди...

– Лолани олиб берасиз...

– Юрагингдан урдими?

– Ҳа!

– Вафо қилмайди, бобонгдан сўра, айтади...

– Бобоси кишлокқа қандай зулм қилган?

– Халкни қақшатган. Онам бечора бир кун буғдой ўримга кеч борган. Ит эмгур қассобнинг отаси

Нурман катта онамга ташланган, камчилайверган, камчилайверган... Онам айтарди, гар менинг ўрнимда бошоқ бўлганда, камчининг кучидан бир тандирлик ун бўларди. Замон эди. Худо йўқ, дерди бизга. Уларнинг бари ўлиб кетди ва гапларига минг пушаймон бўлиб ётишгандир оловда.

– Оналар азобдан бир метр калтак туғадими?

– Ҳа, шундай. Оналардан ўлим қочиб юради. Отам йўқ, биз оч юрардик. Онам бечора иштонига буғдой йиққан. Биров келса ерга кўмган. Ҳатто Нурмат каттадан кўрқиб буғдой яширган жойига... уят-да, қандай айтаман!

– Мен туғма уятсизман!

– Ҳа, катта бўлиб қолдинг. Момонг ўзи йиққан буғдойни тупроқ билан кўмиб, кўрққанидан устига ёзилади, биров кавламасин, болам оч, эртага олиб кетаман, дейди. Нурмат катта эса туни билан кучукдай ер кавлагану, қўли бўқ бўлган, битталаб йиққан бир ҳовуч буғдойини ҳам топиб, яна онамни бошоқ каби эзган. Ўша куннинг эртаси, тонг сахарлаб очликдан катта акам ўлган. Эҳ, менинг кўрганим шу кунлар, болам!

– Лаънат ёпишганми унга ҳам?

– У одамларни ишлатиб, ўзи эса бир уюм буғдойга кўт қўйиб ўтираркан. Ҳаром билан покнинг фарқига етмас экан. Одамларнинг пишиб турган нонини кўчага отаркан, қайта ёпмай, далага чиқсин деб, сийган экан устидан.

– Қандай ўлди, момо...

– Оқариб, худди оппоқ ундай... киприклари, қорачиқлари ҳам ҳатто... Айтишларича, ҳеч нимани кўрмай қолган, фақат нонни кўраркан, йиғларкан. Лола шунинг невараси бўлади, болам!

– Мен қизил аскарнинг авлоди, бир-биримизга нақадар мосмиз. Йўқ, меники баландроқ, у битта кишлоққа, менинг бобом эса бутун миллатга, бунинг

ўртасидаги маразликда катта фарқ бор! Менга шуни олиб беринг, бобо... – момом ҳайрон қолади, сўнг кулиб юборади. Бола-да, деб ўйлайди.

– У бугундан сеники, ўйнайвер, – дейди бобом!

Ҳа, Лола меники, ичимдаги етмиш талаба ва йигилган лаънатлар каби!

Лоладан ҳеч қачон бобоси ҳақида сўрамаганман. Чунки тарихга кўйлардан кўпроқ, бобомдан сал камроқ қизиқади, миллионлаб ўзбеклар каби.

\*

Баланд устундаги ёниб-ўчувчи чироқлар емакхона остонасидаги ярим яланғоч, бошига пат қўндирган қизил танлиларнинг катта ногорасичалик мижозларни ўзига жалб қилмасди. Бу довулни ҳар тарафдан чертиб, қандайдир нотаниш марш чалаётган бу гуруҳ, аслида, олис ўлкадан келган ёлланма ишчилардан ташкил топганди. Ресторанга туйкус назарингиз тушса, ҳашаматли биномас, қизил танлилар кўпроқ кўзга ташланар, агар машинада бўлсангиз, туширилган ойналардан ғайритабиий, ўта миллий бир бегона овоз уловингизга шамол янглиғ берухсат кириб олганини пайқайсиз. Орзиқасиз, хаёлларингиз бироз Берлиндан қочади. Сўнг шу ерга йўлингиз тушганида беихтиёр секинлайсиз, ойналарни туширасиз, ёки бўлмаса рестораннынг доимий хўрандасига айланиб қолганингизни билмай қоласиз.

Чунки улар ўзларини мусофирликка ташлаган Ватан ва азиз болалари ҳақида куйлашади. Мен машшоқларнинг олис саҳролару кенг уммонлар ортидан елиб келаётгандек ҳорғин, шунинг билан бирга Ватан каби улуғвор, фарзанд соғинчи каби азобли бир куйига маст бўлганча қотаман. Аммо Лола... У куй тинглашни ҳам унутган.

Кўлларимдан тортқилаб кўймади.

“Тирик талабалар сизни кутяпти, тезроқ кирай-

лик!”

Лола тирик талабаларга мени тарихчи, Тошкентдан тунов куни келган дўстим, дея таништирди. Мен уларнинг ҳар бирига қўлимни кўксимга қўйиб бироз эгилиб таъзим қилдим, мадҳия айтилганда худди шундай қилишни ўргатишган-ку!

Сўнг кулганча қарсак чаламан. Лола қизара бошлайди, сўнг ўзини менга бегона ва сиполик тунига буркаб олади. Қизаргани яхши, бобоси каби оқаргандан кўра!

– Ҳа, тарихчиман, оддий ва омади чопмаган қадимчи десангиз ҳам бўлади, шунчаки Трояни<sup>13</sup> менгача кашф қилиб қўйган, ярамаслар. Аммо Ватанимни қазсангиз, мингта Троя чиқади. Афсуски, бизнинг Ҳомерлар эрта уйланишган ва: “Бекорга дарахт япроқларини ўйиб ўтиргандан кўра арпа эк, номард эр!” – дея Момо Ҳаво насли уларни дашту далага ҳайдаган. Кечирасиз, менинг Ватаним сизники ҳам-а!

Талабалар куруқ жилмаяди, мен ҳам жавоб қайтараман. Жуда қийин экан совуқ жилмаймоқ. Маънисиз табассумни қандай ўрганишган экан-а! Булар ҳам мендек “сира йиғламаган одамлар” кўринади!

Кейин бирдан оғзимга ширинлик тикаману, жим қоламан бироз.

“Илтимос, ҳеч бўлмаса оғзингизга ширинлик солиб олинг, у сизни бир дақиқалик гуноҳдан қутқаради. Аллоҳга ҳақ сўзни айта олмаган бир сония ҳаққини ширинлик билан банд эди оғзим, дея узасиз!”

Лола тўлқиндек ҳаприқиб менга уларни таништиради: Рашидбек, Берлин техника институтида ўқий-

<sup>13</sup> Троя – Қадимги шаҳар-қалъа, кент. Ҳозирда Туркиянинг шимол-ғарбий қисмида жойлашган ҳудудга тўғри келади (Чанокқалъа шаҳрига 30 км масофада жойлашган). Ҳомернинг “Илиада” достонида Троя уруши ҳақида ҳикоя қилинади. 1871 йилда шу асарга таяниб қазилма ишларини олиб борган немис археологи Ҳенрих Шлайман томонидан Троя шаҳри кашф этилган. Уч минг йиллик тарихга эга маскан ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.



ди, отаси Ўзбекистон савдо вазирининг ўринбосари. Шухратбек, бўлажак кардиолог, отасининг Тошкентда кўплаб шахсий клиникалари бор, бундан ташқари, сенатор!

– Жигарни ҳам даволайсизми? – дейман.

Жигар деган аъзо борлигини умрида эшитмагандай меровланиб туради!

Ақлли кўринган бу икки кўзлар ортида ҳеч зиё бўлмаса, уларни авайлаб шиша тақмоққа на ҳожат!

– Йўқ, мен юракни даволайман....

– Юрак касаллари кўп Ватанда.

– Қаерда дейсиз?

– Қишлоқда... Бизда Ватан деган овлоқ қишлоқ бор. Қабр ва кучукларга тўла, тиконзор, қуриган жигарлар ва ўликларнинг ҳисоб-китобини фақат эшаккуртлар юритадиган муқаддас тупроқ анъаналари шундай, тупроғимиз ҳам қизил, қачонлардир бутун дунёни қизил ранг билан биз таъмин этган эканмиз.

– Нима?

– Қон чаток, сув ёмонлигидандир балки... Ҳаммада шу муаммо...

– Хўш, тушунмаяпман, мендан нима истайсиз?

– Ватанда нега бунча жигар касаллар кўп?

Кардиолог менга ғалати қарайди, бошқалар пичир-пичир қилади. Юзи, сўзи менга ёқмади, миллатдошлигимдан ҳам уяла бошлайман ва куламан, куламан... Улар мендан ижирғанади...

Мен жавоб кутаман. Аммо у истам айди. Лола гапни коптокдек тепади:

– Бу Асал қиз, пойтахт прокурорининг қизи.

– Асал ва захар қоришмасидан муҳаббат яралди-ми? – дейман аллақачон ширакайф бўлиб улгурган талаба қизга.

– Албатта! – сўнг ёнидаги йигитчага нимадир дейди, уят сўзлиги аниқ!

Асалнинг кўзлари бежо. Қўлларидан ушлашнинг ўзи кифоя, бутун сирларини кўйлаги каби ечиб ташлайди.

– Сенинг кайфинг ошибди, гапирмайман, Асалча!

Ё Худо, мен шайтонлар галасига тушиб қолдимми? Лолани ҳам танимай қолдим. У қандай ўзгарди? Овози ўша-ўша, аммо юраги, тили, кўзлари, олаётган нафаси Лолага бегона. Унга тикилиб қарайман. Нахот, булар Берлинда ҳам ота-онасининг бойлиги ва мансаби билан кўкрак кериб юрган бўлсалар?

“Жамилахон, отаси Тошкентдаги йирик савдо уйларининг эгаси”.

Лоланинг ёнига бориб десам: “Кўй, Лолам, оталари билан нима ишим бор, ҳаммасини кўриб-билиб турибман, булар “йиғлаётганлар” эмас. Майли, ўзлари, ўқиши, ҳеч бўлмаса орзулари ҳақида гапирсин. Ниятсиз одам бўлмайди-ку! Майли, нафратини сочсин, урсин, туфласин, минғирласин, кимдандир нафратлангандир балки шу пайтгача. Майли, муҳаббати, Ватани, чин соғинчлари ҳақида гапирсин... Отасининг бойликларидан бошқаларга наф тегмайди. Бундан юз йил олдин ҳам шундай эди ва юз йил кейин ҳам шундай бўлиб қоладими. Лола, бугун нималар юз беряпти, қандай ихтиролар яратилапти, биз эса отамизни мақтаб чарчамаймиз. Илтимос, бас қил, сенинг гапларинг “Қизил-24” радиосида янграган мадҳиялардек қурук, кўчирма, қайт қилгим келяпти, бошим қизиб кетди. Фақат ва фақат мактовга тўлган ахлат!”

Асал менга ишшаяди.

Кўринишдан заҳар, аммо ҳозир унга эркак керак. Шу қиз каби беҳаёми жамият? Унинг кўйлагини ечган кўлларнинг ҳисоби йўқ, турли ранг ва ирқдаги мавжудотлар. Диний ва ижтимоий бағрикенг, толерант қиз. Кеча ҳинд йигити билан эди, бугун ўрис билан бирга чўмиладиган иш қилади.

Сен эса уларнинг оталарини мақтайсан... Бизни кемириб ётган энг катта фожиа шу эмасми, Лола?

Яна неча йил қуруқ мадҳ билан кўзларни боғлаб турамиз, юз йилми ё минг... Эшитяпсанми мени, Лола?..”

Йўқ, Лола кўзларимнинг шивирини тинглай олмайди, у ортиқ нигоҳларимда нима яширганини ҳам билишга қодир эмас. Тўсатдан биз энди сўзсиз мулоқот қилолмаслигимизни англаб қоламан ва баттар бу ерга келганимга пушаймон тортаман.

Кўчага чиксаму, гадой кабоб исидан маст кабобчига тикилган мисол “Мусофир қизил танлилар” гуруҳига боқсам, тингласам, азоблансам. Қандай бахт!

Кулдим, тишларим тилимнинг зарбидан зиркираб кетди.

Жигарим шишиб кетаётганини сездим. Лола кимнингдир отасини гапирарди, мен уни тўхтатдим ва шишали кўзга яна очиқ қолган саволимни эслатдим:

– Саволимга жавоб бермадингиз?

– Нима?

– Ўзингизни гарангликка олманг, илтимос! Шишаларни бўшатмаган бўлсам ҳам жигарим қуриши мумкинми?

– Мумкин. Кучли дорилар истеъмол қилиш, нотоза ҳаво, ифлосланган сув, сиқилиш, азоб, бузуқ овқатланиш, наслий занжирнинг бир ҳалқаси бўлишингиз ҳам мумкин, бунинг сабаблари жуда-жуда кўп...

– Сиз жигар кўчириб ўтказга оласизми?

– Йўқ. Аммо Берлинда унақа докторлар кўп!

– Мен жигаримни трансплантация қилмоқчиман...

– Кимга?

– Ҳаммага, сизга, керак бўлса бутун халққа, бутун миллатга, бир бўлақдан, етар-а? Бир бурдаси ҳам бутун танани тозалашга етар экан-ку!

Улар яна бир-бирларига маъноли қараганча жим қолишади.

Асал кулиб юборади, мен унга жўр бўламан. Аслида, у барчадан ҳаёлироқ эди.

Лола мақтаниш томон оппок, силлик, аммо бир нуқтаси тешик қайиқда сузиб бораётганга ўхшар, сохилда унга қўл кўтарганча қолиб кетаётганларга кулоқ осмай, денгиз тўлқинининг эрка, ёлғончи чайқатишидан маст, тақдир тўфонлари томон сингиб бораётган бахтиёр ва бахтсиз аёлни эслатарди.

Лола, Лолам... менинг ўйинчоғим!

Бобонга ўхшаб миллатга хоинлик қилиб оқариб ўлишни истамассан.

Кел, ўз рангимизда қолайлик!

Прокурорнинг ўғли эрта баҳорда ўлган коммунист бобосининг рангсиз расмларини ҳожатхонага чиқариб отгани, куйдиргани, устидан туфлагани ҳақида гурунг беряпти. Аҳмокона селфи суратлар, айланавериб, сасиб кетган видеолар, мантиқсиз татуировкалар, хирс ва ҳиссизлик балчиғида ювиниш – уларнинг умр декорациясига айланиб улгурибди. Бу дунёда қанчалар кўп куракда турмайдиган ишларга улгурсанг, шунча мақтанасан ва тармоғингда “ёқмоқ”ларга эришасан. Улар бир кун устинга уюлган тупроққа ҳам дуо эмас, “ёқди” белгисини қўйишади.

Худо, пайғамбарлар, Ватан, муҳаббат – бари улар учун ёлғиз ўзигагина хизмат қилиши керак, ҳатто соясига ҳам эмас!

Аҳмоқман, тарих ҳақида сўрамоқчи бўлибман-а?! Кеча бирга бўлган қизнинг башарасини эмас, неча пуллик ички кийимда эканлигини эслаб қолган пасткашдан тарихни сўраш? Улар пешоб қовуққа тиралганда ҳожатга бориш вақтини аниқ белгилаб қўйишни ҳам “катта мақсад”га айлантирган ахлатга тушмай омон қолганлар!

Бўлди-бўлди, ошириб юборяпман ва адашяпман.

Жилмайиш керак, қанчалик жирканма, қараб тиршай. Ияги остига тўсатдан мушт тушгандай оёғини ердан узсин қулишинг!

Мени бу ерда нима ушлаб турибди? Кетишим керак, кўчадаги қуйни эшитгим келяпти, созандалар билан суҳбат курсам қанийди. Улар қанчалик яхши одамлар, мен эса ҳаддан ташқари совуқлашиб кетяпман. Улар куй таратяпти, мен эса нафрат.

Тўхтанг, улар аждодларининг “Ўлимлик”ка маршини ижро қилмаяптими?

Наҳотки ёвуз кучларга қарши қилинаётган қурбонлик куйи бўлса? Минг гўдак оловга отилади бир катта омон қолиши учун.

Кетишим керак.

Катталар омон қолиши учун яна қанча кичкина одамлар ўлиши керак!

Лола сизди, мен улар истаган одам эмасман. Берлинда қанча ақлли талабалар бор, нега Лола улар билан дўст эмас?

Ўзига ҳам оғир бўляпти.

Мени олиб келмаслиги керак эди.

Аmmo у нимага чидаб ўтирибди, тили қисик жойи борми? Нега уларни мақтаяпти? Ё умидвор, ё кўрқяпти... Сира ақлим етмай қолди.

Лоақал биронтаси мендан Ватани ҳақида сўрамади-я?

Кўйсангиз-чи, қанақа Ватан? Биз учун Ўрта Шарқда Ичкакистон бор! Узун ичак, бошқа ҳеч вако йўқ!

Жигар бор, қон бор, юрак бор!

Йўқ, мен учун узун ичак! Худди эшаккурт танаси каби!

Даврага яна бир киши келиб қўшилди. Балки, ундан бир нима чиқар. Узун бўйли, орик, кўзлари қисик, лабида ғалати тиртиғи бор, эгнига кимматбаҳо қирми-

зи костюм кийиб олган, гапирса оғзи қийшайиб кетаркан, ушоқдек сўзлар тўкиларкан. Курғурнинг ҳурмати баланд шекилли, барча ўрнидан туриб, алохида эҳтиром кўрсатди. Лола яна денгиз бўлиб тошди, ҳовлиқди: “Ширинбек элчихонамизнинг масъул одами. Германияда танимаган давлат арбоби йўқ. Ишбилармон, бизнинг етакчимиз. Отаси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида юкори лавозимда. Бу киши эса тарихчи, Берлинга меҳмон бўлиб келган, менинг дўстим!”

Меҳмон эмиш, сенга уйлангани келганман!

Талабаларни асраб қолгани келганман.

Лаънатлардан қутулиш учун йўл ахтариб келганман!

Овқат тортилди. Жўжа. Уларга раҳмим келди.

– Кечирасиз мени, – дедим Ширинбек қийшиқ оғзига сир суртилган жўжа оёғини тикаркан. – Етмишта талабанинг иши нима бўлди? Совет жосуслари ҳали ҳам уларни Берлин кўчаларида таъқиб қилиб юрган эмиш? Сизлар қаерга қараяпсиз?

– Тушунмадим? – у менга қарата гапирди-ю, бошқаларга савол нигоҳи билан қаради.

– Жиннимисан ё соғ, деб ўзимдан сўрасангиз ҳам бўларди?

– Йўқ-йўқ... Мен фақат қайси талабалар ҳақида гапираётганизни билмоқчи бўлдим. – сўзлаб туриб суҳбатимиз аҳамиятсиз эканлигини билдириш учун вино билан лабини хўллаб турди.

– Берлинга 1922 йилнинг ноябрида келган талабалар ҳақида айтяпан. Кўпи шу ерда қолиб кетишга мажбур бўлган. Ҳеч улар кечмиши билан қизикқанмисан?

– Уларми? Қачондир бир мақола ўқигандим ВВС сайтида. Ҳозирги кунда иш кўп, кейин манга нима керак тарих санғилари. Ҳозиргиларининг ўзи етиб-ортади...

Лола кулди, хамма кўшилди, лекин мен улардан баландроқ кулдим.

Фурсат тамом. Ортиқ колсам, гуноҳимни қиём қиламан.

– Кетишим керак, ўлик каби қотгим келяпти. Ҳеч нима эшитмасам, ҳеч кимни кўрмасам! Айниқса, сизларни! Жудаям толиққанман. Кеча сен айтган ўша тарих санғилари билан тун бўйи Берлинни кездик. Лекин тўғри айтдинг, улар чиндан санғи... Асрлардан-асрга ўтиб юради, таъқиб қилади ва сени ҳам бир кун бўғади, хиппа томоғингдан олади. Чунки мақсадига етмади улар. Жосуслар ҳамон таъқиб қилишмоқда. Сиздайларга бунинг жўжанинг оёғичалик аҳамияти йўқ. Мен турдим.

Ширинбекнинг оғзи яна оғади:

– Ўтиринг-ўтиринг, тарихчи ака... Қаердаги ўлиб кетган талабалар ҳақида гапирасиз, тириклардан сўзлайлик. Биз у ёқдагиларни соғинганмиз, мундоқ гапиринг ўзгаришлардан. Айтишларича, янгиликлар кўп эмиш, қани сўйланг, жўжадан олинг, ўзбекнинг товукларига ўхшамасмикан ё? – у худди бутун бошли Ватан ҳақида эмас, кеча кайфда қандай фоҳиша билан ётгани, қандай хунар кўрсатгани ҳақида сўраётгандай қўлларини ёзиб, аҳмоқона тиржайиб, оёқларини чапиштириб, уйқусираётгандай гапирарди.

– У ёқ, деганда қаерни айтяпсан? Нариги дунёга ҳали боришга улгурмадим, балки порасиз виза олиб барарсан, – дедим кўзларига қараб.

– Ўзбекистонда нима гаплар? – галчага қарагандай илжаяди. – Тарихчи бўлсангиз бирдан тушунмайсизми, бир гапдан?! Ё сиз ҳам у ёқдагилардай ўқишга қўй сотиб кирганмисиз?

– Топдингиз! Ўнта қўй сотганман. Сиз ҳам ўнта, фақат сизнинг қўйларнинг сочи узун, оёқлари иккита, кош-кўзи одамларга ўхшаган бўлган.

– Бориб туриш керак, – деб гапни бўлади сочини

сарикқа бўяб олган кўккўз йигит Ширинбекка ғалати ишшайиб. Иккови ҳам кулади. Биров тупук сачратди, бирови оғзини қийшайтирди.

– Эй қайда борасан, иш кўп. Германияда вақт бу учкур машина, чойхонама-чойхона, тўйма-тўй, ошма-ош юриш деган нарсалар йўқ! – У яна менга тегишиб гапира бошлади. – Кўп қизишманг, сиз ҳакин-гизда Лоладан эшитганман, серҳаяжонсиз! – у Лолага: “Гапим тўғрими?” – дегандай маъноли қараб кўяди. – Берлинда неча кун қоласиз?

– Лола безор бўлгунча.

– Эҳ, нима деганиз? Шу ерда қолиб кетмоқчимисиз ё? Бизга муаммо орттириб-а?!

– Ҳеч қачон ундай бўлмайди? Ўлигим бегона тупроқда асло қолмайди.

– Германияга келолмаётганлар қанча, сиз ноз қиласизми?! Ҳар куни столим юзлаб ўзбекларнинг визасини узайтиришни сўраб ёзган илтимосномаларига тўлиб кетади. Бўғзимга келди бари. Шилимшиқ чувалчанглар, ифлос ишсизлар галаси! Шундай оми, шундай исқиртки, қонунни ҳам тушунмайди. Ўқишга келади-ю, ишлашга ўтиб кетади. Ҳаммасини ҳал қилайлик, деб киссамга арзимаган пул тикадим-ей, бу ерни ҳам ўзининг қўйхонаси деб ўйласа керак-да, дуррак! Нима қилса қилсину, ўлиги ҳам шу ерда қолиб кетса. Ишини ҳал қилиб бермасанг, устингдан ёзади, элчига арз қилади. Сиз бўлса, домла, қизлардек ноз қиляпсиз?

– Ҳа, ноз қилдим! Бу ерда исқирт ўлигимни кимлар юварди.

– Ростдан, қабр ҳам катта муаммо. Бир акамиз ўлганди, кўмилгунча бир ой ўликхонада ётди... Тадбирлар тугагач, элчига айтиб бир жой топтирдик, кўмдик.

Асалнинг ранги ўзгарди. Титрай бошлади. Қолганлар эса бепарво бизни тинглар, фақат Лола кўлидаги курук сочиқни асабий тирнарди.



- Беватанлар учун ўликхонадир Ватан.
- Оширманг, биз ҳам борамиз бир кун.
- Қачон?

Улар бир-бирларига қараганча жим қолишди. Кейин боя пиво ичиб лукма ташлаган бола яна гап кўшди.

– Ойлик кам! Докторлар стипендиямча ҳақ олишмайди. Адам ўқишим учун қанча пул сарфлаганини биласизми? Бутун умр касал даволасам ҳам сарф этган евроларимни тополмас экан, ҳисоблаб кўрдим. Қариб-чириган пайтим уйимда бошимдаги дўппимдан ташқари яна нимадир бўлиши керак-ку!

– Бошингда мингта дўппи бўлса ҳам аҳмоқ бўлиб қолаверасан! – дедим ўқрайиб.

Кулги кўтарилди, масхаралашга ўхшаган бемаъни кулги. Ёлғиз Лола менинг кўзларимда йиғилаётган ғазаб тўлқинини англагандай жим ўтирар, “Мусофир қизил танлилар” гуруҳи эса тинмай кўшиқ куйлар, ного-ранинг бир хил оҳанги мени ўз қошига чорлаётгандай, гўёки бу йилги катлиомга менинг коним сўралётгандай безовта эдим.

Баралла айтадиган тарихи, дардлари, наволари бор экан, истаса-истамаса одамларга юктиряпти, керак бўлса, мажбур қиляпти, биз-чи, биз бир-биримизни пиширмай емоқчи бўлиб турибмиз?

– Нималар деяпсан?! – бирдан пивоҳўрнинг ори кўзиб, кўзлари олайиб, лаби буралиб, сапчиб туриб кетди.

– Ўтир жойингга, аҳмоқ панда! – кўзларига қараб шундай ўқирдимки, бошқа столдагилар ҳам бизга қарай бошлади. – Бўлмаса, бу охириги ўрнингдан туришинг бўлади.

Унинг кўлидан Ширинбек тортди, немисчалаб тинчланишини, аҳмоққа тенг бўлмаслигини гапирди, бошқалар эса кишлоқилигимни пеш қилишди, сўнг пивоҳўр жойига чўкди. Лола эса менга ёпишиб кетди, аммо ҳозир у ҳам туман ичра қолиб кетгандай кўзимга

кўринмасди, сўзлари эшитилмасди.

– Яна бир бора салом, эшакқуртларга!

– Бўлди қил, тоза ўзингдан кетма, тарихчи! Мен Ўзбекистон элчихонасида ишлайман, – деди Ширинбек ўрнидан кўзғалмай, – Расмий вакилман, эртагаёқ ковушингни тўғрилаб, Берлиндан итдек қувиб юбораман! Иккинчи бу тупроққа қадамингни бостиришмайди, тушундингми гапга?

– Тупурдим сендай вакилга! Ёшларни шу аҳволга солиб, томоша қилишинг, мусофир элдошларинг иши тушиб келганида, устидан куладиган, ҳақорат қиладиган сендай шайтоннинг вакилига тупураман.

– Жинними у? – деди Асал Лолага русчалаб. – Аммо ёқимтой телба... Мушакларини қаранг...

Лола индамади. У мўлтираб турар, важоҳатимни кўриб кўлимдан ортиқ ушлашга ҳам журъат этолмасди. Ичимдан бир бало тошиб келар, энди ғзаб селини ҳеч бир тўсиқ тўхтатиб қололмасди.

Бўкириб куламан, суякларим қақшайди. Кулгим тинса, тилим жаврайди.

– Давлатнинг қонини сўриб семираётган қизил отангнинг мотамига мени ҳам чақир, илтимос, бутун халқни айт. Бир марта тўйиб ош есин, ўтинаман сендан.

– Ўчир, касал!

– Менинг касалим бировга юқмайди, қани юқса, ҳеч бўлмаса етмиш минг чақалокқа, улар бедор бўлса шу тупроқ учун, ҳақиқатни айтар тили чиқса узун! Сенлар эса миллатинг учун вабодан ҳам хавфлисан, эшакқуртлар. Халқнинг азобланишидан семирасан, ўлигидан қорин қаппайтирасан, зиёли кўринишидаги жаҳолатсан, вафо никобидаги хиёнатсан, дипломларинг жамиятга бемалол ўлат тарқатишинг учун берилган рухсатнома. Дезинфекция қилиш керак, томирларинг билан қуритиш керак. Бўлмаса, бир кун келиб авлодларинг мен каби азоб тортади.

– Нималар деяпсан ўзингча? – Ширинбек менга ташланмоқчи бўлади.

– Тфу сенга! – башарасига туфлайман. – Миллионлаб ўзбек халқининг тупугидан иқтибос сифатида қабул қил! Юзингни тупуриб бузаман, мушт ҳаром сен итга!

Ширинбек тупугимни артади. Кулги мени қора мушт солишдан қайтаради.

– Кетдик, Лола...

Улардан узоқлашиб боряпману, Лоланинг кечирим сўрашларидан азобланаман, ортга қайтиб барчасини ер билан битта қилгим келади. Кулги билан ўзимни босаман. Кулги биринчи марта мени асраб қолади.

– Яшанглар “Мусофир кизил танлилар”, яшанглар, бирам зўрсизки?! Тўхтатманглар, ёвуз кучга қарши қурбонлик тайёрланг! Браво, браво, браво.

– Ташаккур!

– Бу гал ўлимга кимни бошлаяпсизлар? Анави ерда еттита бекорчи, бўлинглар, лекин улар қурбонликка ҳам ярамайди, ёвуз кучларинг уларни қабул қилишни ўзига ор билса керак!

– Тавба қилдим! Қаердан билдинг? Ё сен ҳам бизникиларданмисан?

– Йўқ! Аммо биламанки, ҳамма қуйлар Унга муножотдир!

– Ё қудратингдан!

– Мен юрак зарбингизни тингладим, ноғоранинг овози анча заиф унинг ёнида.

– Биз африкалик муҳожирлармиз. Кўп ишлар қилдик бу ерда. Аммо бизни ота-боболардан қолган “Ўлимлик” марши боқяпти? Биз оврўпаликларни қиёматга тайёрлаяпмиз. Аммо биринчи марта сен пайкадинг!

– Қишлоқимисиз?

– Ҳа! Шакарқамиш етиштирамиз...

– Биз эса пахта... Тақдиримиз ўхшаш экан...

– “Ўлимлик” марши ажал чақиради. Аммо ресторан маъмурларига шу куй ёққан, хўрандаларга ҳам. Берган чойчақалари билан бутун қишлоқни боқамиз. Мактаб битади бу кузда.

– Хотининг-чи? Жанжал қилмайдими?

– У аллақачон эр қилиб кетган. Биз унинг янги турмуш ўртоғини ҳам, болаларини ҳам боқамиз. Ватандан биз айрилдик, улар айрилмасин, мусофир бўлмасин деб...

– Онанг-чи?

– Ўлган.

– Меники ҳам олти ойлигимда.

– Қуёшда қолган экансан?

– Нима деганинг бу?

– Бизда шундай гап бор. Она кўзини эслай олманларга шундай меҳр кўрсатилади. Чунки куёш нурни она меҳридан ўғирларкан.

– Тўғри, лекин бугун нурсиз у ҳам!

– Ой ҳам!

– Ҳа.

– Хоҳлайсанми, мен ҳозир онангнинг хотирасига кўшиқ куйлайман.

– Йўқ.

– Истамайман. Чунки онам ҳақида ичимда ўз кўшиғим бор.

– Бахтли экансан!

– Сенинг онанг нимадан ўлган, жигарданмасми?

– Очликдан.

– Майли, юрагимни эздинг, кўшиғингни куйла, ҳофиз. Чой-чақага бир қўйнинг пулини атадим.

– Хурсанд қилдинг. Беватанлар кўпаймаслиги учун эҳсон қилдим, деб бил!

– Куйла!

Куйлайди. Берлин онангни бир хидига арзимайди. Осмон, ер, коинот ҳам бир марта тўйиб онанг билан бирга нафас олишинг учун арзимайди. Одамлар меҳрга

кашшок, мен эса улардан онамни сўраб гадойлик қиламан.

Кўзимга нур ингандай бўлади.

Онам қуёшни осмондан юлиб олади ва мен учун кўтариб келаётгандай дунём бир муддат ёруғ бўлади.

Осмондан ёруғлик инаётгандай...

Лола чиқади – хафа, биз бирга жим кетамиз!

Йўлда ҳам мен Лолани эмас, онамни эшитишда давом этаман.

Ётоқда ҳам чўзилади бу овоз. Сўнг онам ўша мусофирлар овозида аллалайди.

\*

Сувчим – учинчи амаким осмондан тушгандай пайдо бўлади.

Пахта гули аралаш ачимсиқ тер ҳидини туяман. Аниқ у, амаким.

Момом айтарди: “Бу боламни пахтада тукқанман, шундан бери пахтадан юқорини кўрмади, эгатдан чикмади, дунёга шу кўсаклар орасидан қараб калта бош бўлиб ўсди. Болалиқдан далага қизикди ва далада унди, далада ўлади. Ўқишни тугата олмади, сувчи бўлиб қолди. Ўзига ўзи қилди, ўзини ўзи кўмади!”

Сувчига ҳамманинг раҳми келади, кечаю кундуз далада. У ҳаммадан эрта ота уйдан кўчиб чиққан ва кунини ўзи кўрган.

Уйи пахсалигича қолди, шувалмаган, тоmidан қамишлар билан бирга осилиб турган илонларни ҳам кўрганман. Лекин сувчим меҳнатга ҳам, илонга ҳам хотинга кўниккани каби кўниккан.

Мен илондан кўрқаман, ҳатто изини кўрсам, ичимга ҳам ҳозир ўрмалаб кетадигандай ваҳимага бериламан.

Жуда совуқ судралади, кўзлари, тили дахшат.

Уникида эса доим боши қора илонлар кўраман. Қалдирғочларнинг болаларини териб ерди. Сувчим оиласига йўқчилик қандай ўрнашиб олган бўлса, қора бошли ориқ газандалар ҳам шундай кириб олганди.

Колхозлар йўқ бўлгач сувчим турли фермерларга ёлланди. Аммо эчки қасамларига тушди, бир тийин ҳам ололмади. Жигар ўша пайтлар ўзининг қай нуқтада эканлигини билдирди – писмиқланиб бироз оғрий бошлади. Қизи ҳам шу маҳал иштонини ечди – бузилди. Номусга қолдик!

Ташқарига чиқишга уялардик, кўришганимиз жиянимиз иштон боғининг бўшлигидан гап очаётгандай.

Навой ҳайкали пойида кўрганим балки унинг ҳасратдошидир.

Ўт куйдирса ёнасан, киз куйдирса ўлиб кайга борасан!

Сувчим ўлолмай қийналарди. Берлинга уни нима хаёллар бошлаб келди. Балки, ўлгандир.

– Сувчим, уйқумни буздингиз? Бугун кайфиятим йўқ. Тирик талабалар миямни ўтга ташлашди.

– Қизимни эшитдингми? Номард йигит бузди уни!

– Ўшанга эрга беринг, ҳаммасидан кутуласиз, номусдан ҳам, қиздан ҳам!

– Қай бирига берай?

– Биринчисига! Футболда ҳам ҳисоб биринчи голни урганда очилади-ку!

– Кулма, ўлдираман!

– Кулгим – ўлимим бўлсин сувчим. Нимамага куламан? Номусим ўлганигами? Лаънат ёпишган бизнинг оилага.

– Бас қил, йўл кўрсат, ўқигансан!

– Сиз ҳам...

– Мен тугата олмадим.

– Бир қизни бузиб қўйганингиз учун!

– Унинг қарғиши тутди. Қашшок эди, тагин ўнг кўзи яхши кўрмасди, уни аёллар каторига қўшдим у ташлаб кетдим. Мана, қизимнинг икки кўзи очиқ бўла туриб кўр. Шунча йил ҳалол меҳнатга кўмилдим, аммо барибир айбим ювилмади. Қарғаган кўринади.

– Уники ҳолва... Катта боболарни миллат қарғаган, бутун бошли халқ. Уларни қон билан ювиш керак, аммо қизларимиз қон тўкишни уят жойидан бошлади.

– Уйланадими кимдир унга?

– Йўқ, деса... иккинчи аёл зотига яқинлаша олмайдиган қиламан, ҳатто хотинига.

– Қизим ҳам эрга тегишни истамаяпти...

– Ўзини гужумга оссин. Ҳар ҳолда сояси қалин, кейин пашшалар ҳамдард бўлади. Уларда ҳам ҳаё йўқ, пашшаларни айтаяпман, сувчим!

– Мен номусдан ўламан.

– Сиз жигардан ўласиз...

– Кечалари ухлай олмайман, ичимга бир нима тикилгандай бўлади...

– Жигар қуриб боряпти, талоғингиз каттарган... Қон айланмаяпти, миянгизга етмаяпти... қизингизга сабр етмагандай, сизга тоза қон.

– Жуда мунис қиз эди, қандай қилиб шундай ишга кўл урди?

– Қарғишимиз йўл кўрсатган!

– Юв қонинг билан, сағирим...

– Жигаримни бераман сизга!

– Донор бўла оласанми?

– Жоним билан... Бутун халққа ҳатто. Аждодларим лаънатидан кутулсам бўлди.

– Одамлар гап қилса-чи? Сағирнинг жигарини суғуриб олди, деб.

– Ўлим яхшими?!

– Ҳа!

– Бўлмаса, ўлинг... Эшакқуртлар ҳозир у нозир!

– Менинг танамдан мазза қилмайди. Ҳаммаёғим

чандир.

– Қизингизники эса пахтадай юмшоқ. Сиз билан уни ҳам тириклайин кўмаман...

– Йўқ, у ёшлик қилди...

– Ҳаёсизлик ёшлик эмас, уят йил танламайди. Ёшлик пастлик эмас, улуғлик, тиниқлик, покизалиқдир.

– Ундай қилма, уни кўмма!

– Нима қилай, бўлмаса қишлоқдаги бор саёқ ит, ўтган-қайтган уни ғажиб ўйнайди...

– Сен уйланасан...

– Лолам бор...

– Номус учун!

– Севги-чи?

– Мен севиб уйлангандим, нима бўлди, қизим муҳаббатнинг меваси. Ҳирсга айланди...

– Чиндан янгамни севардингиз!

– Ҳали ҳам севаман...

– Янгам ҳам сизни севади...

– Мени бир кун кўрмаса тура олмасди... ундан олдин ўлаётганим учун бетим қизил бўляпти, сағирим!

– Сизлар, албатта, бирга бўласиз, аммо қизингиз эмас...

– Қизимга уйланасанми?

– Эшакқуртларга никоҳлаймиз.

Амаким бошини эгганча чиқиб кетади. Унинг уйқусиз тунлари бошланганини биламан. Юраги ҳам оғирлашиб боряпти, бир қизнинг юки тоғлардан оғир!

Қизи эса ўзини гужумга осидан кўра шаҳардаги саёқ эркакларнинг бўйнига осилишни тан билса керак, сўнг у ҳам ахлатхоналарни бола билан таъмин этади ва номсиз ўлади!

\*

Бир пуфакчи бўларди. Қари, букри ва ғилай, лекин ўта хасис. Сира нархдан тушмас, айтганида оёқ тираб



оларди. Унинг соғ кўзига чуқур боққан одам иблиснинг шарпасини кўрарди. Балки жин, балки лаънатланган арвоҳ яшар кўзида, қараган одам музлаб кетади.

Чоршанба бозорда савдо қилар, барча кишлоқ одамларининг ишончига кириб олган, ҳатто тўйларга ҳам уни айтишарди. Кейин тўсатдан илдизи билан йўқ бўлди. На ўлигини билдик, на тиригини. Қишлоқ ҳам уни буткул унутганди.

Тўсатдан унга Берлин кўчаларидан бирида дуч келсам бўладими? Гўрдан чиққандай бўлиб бир йигитчани ушлаб турибди. У мени кўриши билан дахшат сочувчи ўнг кўзини ўйнатиб баландроқ овозда сўроқ қила бошлайди, токи мен ҳам эшитай:

– Нега очикдан-очик советларга қарши эканлигингни кўрсатяпсан? Ҳар бир ҳаракатинг душманликка исбот. Изоҳла? Сени қандай кучлар қайрамоқда? Ким таъминляпти?

– Пуфакчи, сен ўлмаганмидинг, Худо ҳаққи?!

– Саволимга жавоб бер, талаба? Ким таъминлайди сени?

– Ҳеч ким!

– Алдама, ортингда ким турибди?

– Виждонимдан бошқа ҳеч нарса. Советларга қарши кайфиятда эканлигим – Оврўпа таълими ва тарбиясини олганлигимда. Мен ҳар нарса ҳақида эркин фикрдаман. Совет давлатида бу ажалга таклифнома жўнатиш билан тенгдир, тўғрими? Сиз сўрадингиз, мен айтяпман, ундай қараманг! Иккинчи сабаби, Германиядан таътилга, қариндошларимни кўришга келиб, на қайтиб кетолдим, на бу ерда ўқишга жойлаша олдим. Бу аросат азобидан кўрмаган куним қолмади. Учинчи сабаб эса атрофдагилар менга худди айғоқчига, ашаддий жиноятчига қараётгандай муносабатда бўлишмоқда. Бу совуқ нигоҳлар, ҳатто мен билан гаплашишдан ҳадиксирашлари каминага ҳақоратдур!

Мен ўзимни совет давлатида ашаддий жиноятчидек хис қиялман ва мамнун, аҳмоқона жилмайиш билан отилишимни, қулоғимга охирги марта эшитиладиган тухматни тинглашга ошиқялман.

– Гапни айлантирма, чалғима, болам. Сени ҳеч ким отмоқчи эмас. Нега хорижга қочмоқчи бўлдинг? Душманлар билан тил бириктиргансан. Уйинг тинтувдан ўтказилганда бир ўрам харита топилди. Буни қандай изоҳлайсан?

– Кетмоқчи бўлишим табиий, чунки мен Германияда ўқийман, чала, ҳали битмаган ўқишим бор. Тўсқинлик бўлгач, турли йўллардан мадад кутдим, аммо бўлмади, кетолмадим. Советлар на-да миллатга, эркин ёшларга-да қарши. Бизнинг кафанимизни эса сизга ўхшаган хоинлар бичади.

– Аҳмоқ, чалғима! Самарқанддаги “Шоҳи Зинда” ва Амир Темур сағаналарининг сурати хонангдан топилди. Бундан не мақсадда фойдаландинг?

– Ватан рамзларидан фойдаланилмайди. У юракка ўрнашган бўлади, вужудга синган бўлади. Буни ўчириб бўлмайди, кўчириб бўлмайди. Берлинда ўқиган ҳар бир талабанинг чўнтакхалтасида шунга ўхшаш суратлар бўлади. Бизга букилмасликни ва келажак йўлида курашишга ундайди, Ватанни ва яқинларимизни эслатиб туради. Сизлар уни тортиб олиб, ёқиб юбординглар. Чунки сенинг рамзинг, қария, қулоқлик, эшакқуртсан...

– Газандаларини ҳам кимдир йўқотиш керак-ку, шундай экан менинг ҳам Ватанга хизматим буюк. Револьвер милтиқ билан ўзингни нима қилганингни биласанми?

– Ноҳақ қамашгани учун ўзимни отмоқчи бўлдим! Бундай тухматлар билан яшаб бўлмайди. Ё мени ашаддий душман сифатида отиб ташланглар ё ўқишим ва ишлашим учун имкон беринглар! Мен Совет иттифоқининг душмани эмасман, ўз фикрига эга одамман

ва шундай бўлиб қоламан. Агар қандайдир сиёсий хато қилган бўлсам, менга тўғри йўлни кўрсатинглар, одамларнинг менга худди жиноятчига қарагандай ғайрича муносабатларидан тўйиб кетдим....”

– Тўйиб кетдингми?

– Ҳа...

– Бўлмаса мана, мана, – пуфакчи ғазабланганча талаба қорнига қозик уради. Олам кўзини ишқалаб тонг куёши бош кўтаргунча ураверади.

Ёш йигит иссиқ қонида илк куёш нурларини кўрибгина букри чол хузур топади ва шунга таяммум қилади. Мен эса мудрайман унга тикилганча ҳаракатсиз!

Оғриқлардан уйғонаман. Мен ҳам покланмоқ истайман. Муздай сувда чўмилиб, анча ҳовурим босилди. Киприкка илинган оғир ўйлар сув билан ювилгандай. Сўнг ухламоқ истайман яна.

Ўрнимга ётишим билан телефон қайта-қайта жиринглайди. Лолалиги аниқ, изоҳ талаб қилади, кечирим сўрашим керак ёки ўзи сўрайди. Асло кераги йўқ аҳмоқона томошанинг, телбаларча кўнгил ва узр сўрашдан ҳеч кимга ҳеч қачон фойда тегмаган. Телефонни ўчираман. Бироз ўтиб хонадаги ҳаворанг уй телефони қичқира бошлайди. Нега тушунмайди! Ҳозир ҳеч кимни эшитгим йўқ. Мени тинч қўйишса бўлди! Қайта-қайта жар солади, эринмайди, томоғи бўғилмайди, бузилмайди. Қизик, Лола деб Германияга келган бўлсаму, уни ҳозир кўриш тугул, овозини ҳам эшитгим келмаса. Қандай ҳол?! Балки, ресторанда кўрсатган томошамдан сўнг ундан хижолат тортаётгандирман? Йўқ-йўқ, асло ундаймас! Башарасига туфлаб тўғри қилдим элчихона вакилининг. Бошқа йўлим йўқ эди! Ёқимли жилмайишга ўтишнинг.

Ҳар эҳтимолга қарши эшикни ҳам кулфлаб қўйдим. Хонамни тақиллатиб келишмасин. Телефон ҳа-

мон ёқимсиз шовқин кўтармоқда. Аммо бирдан Лолага раҳмим келиб кетди. Аҳволимни ўйлаб хавотирлана-ётгандир, бугун докторга бирга борган бўлсак, ўзини бир нима қилиб қўймасин, деб сикилгандир... жавоб берсам, кулоғим тинчирди. Кўтардим ва уни эшитмай шундай дедим: “Лола, мен яхши. Ҳозир ҳеч ким билан гаплашгим келмаяпти. Тушун, хавотирланма, ҳаммаси ўз жойида, майли эртагача!”

Энди гўшакни қўймоқчи бўлиб турганимда телефондан Лоланинг эмас дўриллаган эркак кишининг овози эшитилди:

– Сизни олиб кетишга келдим. Пастда турибман, тушинг, илтимос!

– Нима? Ким?

– Аҳмаджон Иброҳимман<sup>14</sup>. Кечирасиз безовта

<sup>14</sup> Аҳмаджон Иброҳим ҳақида эслай бошладим. У 1900 йилда Тошкентда туғилган. Отаси Иброҳимбой ўз хунарини замон талабларига мослаштира олган Тошкентнинг катта бойларидан эди. Аввал эски мактабда, кейинчалик отасининг савдо ишларига рус тилини биладиган мутахассис зарур бўлганлиги учун ўрис мактабларида ўқиган. 1920 йилда Туркистонда очилган илк университетга бор-йўғи учта маҳаллий ёш қабул қилинади, улардан бири ҳам Аҳмаджон Иброҳим. Сўнгра ундаги салоҳиятни пайқаган жадидлар уни Германияда ўқишга чорлашади ва у 1922 йилнинг кузида Берлинга келган... Негадир рус тили шаҳодатномаси университетга қабул учун ўтмайди, шунинг учун Берлиндаги “Фаскелмани Аби-туриент-Скууле” тайёрлов марказига кириб, 1925 йили у ерни битиради ва Берлин олий техника мактабига ўқишга киради. У кейинчалик тажриба олиш учун Берлин Геология илмий текшириш институтида ишлайди ва шу ерда бир йил илм қилиб, олиб борган тадқиқотлари учун унга фан доктори унвони берилади. Қаттол замон уни тинч қўймайди. Энди фан доктори сифатида ихтиро ва гоёлар билан Ватанга қайтмоқчи бўлганида, Ўзбекистондан хат олади. Германияда ўқиган талабалар таҳликада эканлиги маълум бўлади. Бу пайт улардан бир неча йил олдин ўқишни тугатиб, уйга қайтган Мурудийнинг тақдири ҳам қил устида эканлигини эшитади. Шундан сўнг Ватандан ташқарида туриб унинг озодлиги учун курашишни умрининг бош вазифаси деб билади. У совет ҳокимиятининг бутун Оврўпани алдагани, Туркистон ҳаётини бекаму кўст кўрсатишга урингани, Туркистоннинг ўз ихтиёри билан мустамлакага тушганлиги тўғрисидаги чўпчакларини фош қилиш ва улар-

килганим учун! Бугун Ўзбекистондан Ўрта Осиё дорилфунуни ректори Мейерсон келган. У бизларни йиғиб нимадир демокчи. Шунга сизни ҳам олиб келишимни Муродий қатъий тайинлаган!

Гапим тилимда қолди. Ё Худойим, Мейерсон келибди. Бу Совет ҳокимиятининг корчалонларидан-ку... У биринчи “ташриф”ми ё иккинчи... Агар аввал ҳам келган бўлса, бу сафар унга аталган совға бор – заҳарли ўк.

Кулдим, ичим тошиб, албатта, бораман!

– Абдуваҳоб Муродийнинг ўзи қаерда?

– Учрашувга тайёргарлик кўрмоқда. Сизнинг келишингизга қаттиқ ишонапти.

– Раҳмат! Ҳозир тушяпман!

Қачонлардир сен бирон тарихий шахснинг аянчли тақдири ҳақида ўқигансан, уларга дилдан ачингансан, руҳан бирга бўлгансан, аммо бир кун тўсатдан ўзига дуч келсанг – қандай аҳволга тушардинг? Албатта, буни тасаввур қилиш қийин. Кунора шундай аҳволга тушяпман ва бунга, очиғи, ўрганиб ҳам қолдим.

Оврўпача кийинган, узун бўй, ботиқ кўз, елкадор, олд сочлари тўкилган Аҳмаджон Иброҳимнинг жиддий қиёфасига, қатъият тўла нигоҳларига қараган ҳар қандай инсон унда чуқур ирода ва зехн соҳибини кўради. У Муродий каби катта-катта қадам ташлаб юрарди. Биз чироклар ёруғини ортда қолдириб, қоронғи кўчалар томон борардик. Қайси асрда, қаерга кетаётганимни билмасам-да, ичимда на шубҳа, на кўркув бор, фақат талабаларни кўриш истаги...

Аҳмаджон билан қандайдир кўприкдан ўтганимизда, у бирдан тўхтади-да, ортда қолган темир кўприкка қараб шундай деди:

---

ни очиб ташлаш учун кўп ҳаракатлар қилди. Аҳмаджон Иброҳим техник ихтиролар билан бирга, қатор асарлар чоп этади ва катта иқтисодчи олим бўлиб танилади.

– Анхор кўпригини биласиз-а? Тошкентдаги, ғиштдан қурилган кўприк, жуда ажиб ишланган. Бу ердагилардан кўра кичкина, аммо яхши.

– Калла ташлаб чўмилишга ҳам қулай. Сиз немислар ҳаётига калла ташладингиз, хўш, қандай яшашяпти?

– Урушдан сўнг<sup>15</sup> ҳамма нарсанинг дабдаласи чиққанди, – яна одимлай бошлаганди у. – Ҳозир бироз ўнгланди. Ишлаб чиқариш жадаллашмоқда. Мен бир немис оиласида тураман, эри доктор, хоними меҳмондўст уй бекаси, тил ўрганишимга ҳам катта кўмак беради. Кўпчилигимиз Берлиннинг ишчилар турадиган мавзеларига жойлашганмиз, бу ерда озиқ-овқатлар ҳам арзон. Биз пулни тежашимиз керак. – Кейин негадир тўхтаб қолди, ниманидир ўйлади, сўнг бирдан тўлқинланганча гапира кетди. – Берлинда саноат жуда ривожланыпти. Ҳар бир мавзеда улкан зоналар. Бизда эса, йўқ! Янги шаҳарларда балки, қуришаётгандир-а? Айтмоқчи, Тошкентнинг янги шаҳар қисмига ўзбекларни қўйишяптими?

– Пропискангиз бўлса қўйишади!

Кейин болалиқдаги бир воқеани эсга олади.

– Анча йиллар олдин, қизиқ бир ҳодиса бўлган. Янги шаҳар, яъни анхорнинг нарёғида модалар дўкони бўларди. Унда чиройли либослар, чўнтак соатлар, чемадонларни илк бор кўрганман. Бир кун қалин деразасидан шу ажойиботларни томоша қилиб ўтирсам, ўрис полицияси келиб, мени қиличи билан туртди ва: “Тез йўқол, болакай, бу ерда сартлар ўтириши мумкин эмас”, – деди... Мени ҳайвон, бир исқирт пашшайдай ҳайдаб юборганди ўшанда. Шундан кейин менда “Тошкент кимники?” деган савол пайдо бўлган. Бу воқеани отамга айтганимда, кўзлари ёшланиб, иссиқ бағрига босганча, ўрислар зулми ва тажовузлари ҳақида гапирганди. Отамдан босқинчилар ҳақида биринчи

---

<sup>15</sup> Биринчи Жаҳон уруши назарда тутилмоқда.

қарши фикрларни ўшанда эшитганман. Чунки у аввалдан маъмурлар билан ҳам яхши алоқада бўлган. Кейин билдим, отам жадид мактабларига катта пул бергани учун судга тортилган ҳам экан. Аммо буни ҳеч қачон менга айтмаган.

– Тошкентда биринчи марта очилган дорилфунунда ўқигансиз, ахволи ҳақида гапириб беринг. Нечта кўй сотиб киргансиз? Мамлакатимиздаги биринчи университетдаги коррупция ўйинлари?

– Институт жуда ачинарли ахволда эди, – ичидаги аламли гапларини босиқлик билан бир ипга териб, ҳар сўзни мулоҳаза тарозисига солиб жавоб берарди. – Маҳаллий ёшлардан бор-йўғи уч киши эдик. Шундан иккимиз – мен ва Иброҳим Ёрқин<sup>16</sup> Берлинга келдик. Биз Туркистон давлат университетининг муҳандислик йўналишида ўқишни бошлаганимизда бизга нафақат ўрис талабалар, балки профессор домлалар ҳам ажабланиб, аҳмоқ каллалар нима қилиб юрибди, дегандай паст назар билан қарашарди. Худди ўзлари эмас, биз бегона юртда адашиб қолгандай. Олмонияда ҳам миллатчилар жуда кўп топилади. Аммо ўз юртингда камситилишинг одамга қаттиқ алам қиларкан. Барча дарслар, ўқув қўлланмалар рус тилида, аммо фанларни пухта эгаллашга ҳаракат қилардик. Бунинг учун тинмай сўз ёдлар, кам ухлаб, кўп китоб ўқирдик. Натижаси тез орада билинди, агар сизга кизиқ бўлса

<sup>16</sup> Иброҳим Ёрқин (1902 – 1993) – Берлин Қишлоқ хўжалиги академиясини тугатган. Сўнг бир муддат билимини мустаҳкамлаш учун Берлин Чорвачилик институтида ишлайди. 1929 йилда Венгрияда “Туркистон жуғрофий шаҳарларида чорвачилик” мавзусида докторлик ишини ёқлаган. Қалтис вазиятлар туфайли, Ватанга қайтмай, Туркияга кетади. Шу ерда Иброҳим Ёрқин дунёга машҳур профессор, зоотехника бўйича йирик мутахассис сифатида танилади. Унинг ёзган 50 дан зиёд китоб ва илмий мақолалари немис, инглиз, француз, рус, араб тилларига таржима қилинган, айримлари ҳамон дорилфунунларда асосий дарслик сифатида ўқитилади. У умрининг охиригача “Ватанда ўлиш” орзуси билан яшаган. Аммо бу унга армон бўлиб қолган.

айтиб бераман, хали яна озгина юрамиз, – деди менга табассум қилди.

– Олдимда истаганча мақтанишингиз мумкин! Эшитгим келяпти. Фақат кулгиларимга эътибор қилманг, йиғи билан ўрин алмашган.

– 1922 йилнинг февраль ойлари эди. Биз дарсхонада аналитик геометрия фанидан имтиҳон топширардик. Ташқарида эса қор гупиллаб ёғиб турарди. Дарсхона кўмир билан кизитилган. Имтиҳон бошланишидан аввал турли ваҳималар урчиб кетди: “Йиқилганларга қатъий чоралар кўриларкан”, “Хайр-хўш қилишади” каби ҳар доимги гаплар. Шунинг учун, талабалар бош кўтармай берилган масалани ечмоққа жаҳд қилганди. Бахтни карангки, жумбоқларнинг жавобини мен ҳам, Иброҳим ҳам биринчилардан бўлиб топдик ва ўқитувчига олиб бордик. Қолган талабалар хайрон бўлиб қотиб қолишди, биз эса аудиторияни ғалаба билан тарк этдик. Кейин билсак, бу гал саволлар айнан бизни йиқитиш учун мураккаб қилиб танланган экан. Алал оқибат эса акси бўлиб чиқди, ўзлари йиқилди. Шундан сўнггина бизга ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам бошқача – ҳурмат кўзи билан қарай бошлади. Эҳтиёт бўлинг, сув бор, – деди-да Аҳмаджон менинг кўлимдан тортиб. Сал қолди, бўлмаса йўл ўртасидаги кўлмакка оёғим ботиб кетиши турган гап эди.

– Шарлотта хонимнинг хали кўзи ёримадими?

– Нима?

У ҳайратда қолди. Шарлотта Сталтер унинг ҳеч кимга ошкор қилмаган маҳбубаси эди. Ҳар қандай суҳбат, хоҳ у даҳшатли сиёсат, хоҳ сирли арвоҳлар ҳақида бўлсин, охирида ишқ-муҳаббат ҳақида гап борса, ёғли овқатдан сўнг ширин мева тановул қилгандай танангиз яйрайди, ортиқча, оғир гаплар пастда қолади, эсдан чиқади. Бизда ҳам шундай бўлди, гўзал ва сирли оқшом Берлинни қуршаб олди, даврлар ва шахслар йўқолиб, ёлғиз юракларгина қолди.



– Сиз Шарлотта ҳақида қаердан билдингиз?

– Мен кўп нарсани билиб туғилганман.

– Абдумажид айтган, шундайми?

Жавоб бериш ўрнига, жилмайиб кўя қолдим.

– Эҳ, оғзи бўш иним-а! – дея укасининг оғзида гап турмаслигидан нолиб кетди. Шунда билдимки, у бу пинҳона муносабатни укасидан бошқа бировга айтмаган. Сир сақлашга эса асосли сабаб бор эди. Шундагина бу ерда Абдумажид Иброҳим<sup>17</sup>–Иброҳимнинг укаси ҳам ўқиши ёдимга келди.

Энди ундаги вазминлик қаергадир ғойиб бўлган, ҳеч сўроқсиз бошига тушган севги қисматидан ўзини йўқотган ошиқ хаёллардан каловланарди.

– Сиздан илтимос, Шарлотта ҳақида гапириб юрманг, оврўпалик қизларга илакишиб юриш яхши эмас, нима десам экан, сизга айтсам, бундай муносабатлар биз учун қатъиян ман қилинган.

– Шу қадар севгингиз кучлими? Ҳатто Ватандан?

– Бу ерга севги учун эмас, ўқиш учун, миллатнинг келажаги учун келганмиз. Бинобарин, билим олиш бизнинг бош мақсадимиз! Аммо севги деганлари ногоҳ устингдан ёғиб қолган ёмғирга ўхшаркан, қанчалик панага урсанг-да бефойда, барибир унинг

<sup>17</sup> Абдумажид Иброҳим 1921 йилда Туркиянинг Бурса шаҳридаги лицейлардан бирига ўқишга киради. Сўнг биров вақт ўтиб акаси уни Берлинга чақириб олади. Берлин Қишлоқ хўжалиги академиясида ўқишни давом эттиради. Ўсимликларни чуқур ўрганганлиги боис, унга фан доктори унвони берилади. Кейин у ҳам ота Ватанига қайтишга уринади, аммо ўз юрти учун деворлар тиклангани, хавф-хатар оғзини ланг очиб турарди, у биров вазият юмшашини кутиб, Туркия дорилфунунларида дарс бериб юради. Сталин ўлимидан сўнг халқ озод бўлишига қаттиқ ишонади. Аммо у ишонган халқ қизил гоёларга шу қадар алданган эдики, эркинлик у ёқда турсин, Сталинга атаб марсия куйлайди. Шундан сўнг ўзбек юрти ҳали-бери озод бўлмаслигини англаб, бор умидини узади ва Туркияда қолиб кетади. Қишлоқ хўжалиги бўйича катта олим бўлиб танилади. Унинг китоблари ҳали-ҳамон Туркияда машҳур бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий дарслиги сифатида ўргатилади.

томчилари, муаттар иси сенга етган, қаерингдадир булутнинг бир бўлаги из қолдирган бўлади. Шундан сўнг Худо исталган кун осмондан челақлаб ёмғир қуйишини кутасан, пана жой топилса ҳам қочмайсан, жикқа хўл бўлишни истайсан, дирдираб, титраб қолгунча ёмғирдан дўл кутасан, чунки сен энди шамол ва булутлар парчаси – севгисан, телбасан, ҳалак ошиқсан... – У яна бироз жим кетди, қадамларимиз товуши йўқолган, Берлинни жуфт юрак зарбигина тутиб турарди. – Мен ҳеч ихтиёрсиз севиб қолгандим, уни бошда хаёлдан қувардим, аммо қочганим ҳижрон, топганим муҳаббат бўлиб чиқди. Қанчалик гўзал ва зукко қиз эканлигини билсангиз эди... У ҳатто севгимизнинг бутун умр сир бўлиб қолишига ҳам, Ватаним ва миллатимнинг соясида қолиб кетишига ҳам рози...

– Ростданми? Ишонмайман, оширяпсиз? Ҳеч бир қиз бунга кўнмаган бўларди.

– Севги ҳар нега кодир. Аммо асосий максадим нима эканлигини бир он бўлса-да, унутганим йўқ. Ёддан ўчиришга ҳаққимиз ҳам йўқ! Мен энди унингсиз – севгисиз яшолмайман, қуриб қоламан, хор бўламан, мурдага айланаман. Бир неча марта муҳаббатсиз яшамокқа уриндим, нафас олмай яшашим мумкин, аммо унингсиз эмас. Қанча ҳаракат қилдим ўзимдан совитишга, чақириқларига жавоб бермасликка, уни чорламасликка, хат ёзмай, жим бўлиб кетишга, аммо бўлмади, бўлмаяпти. У Ватан каби менинг юрагимга тузалмас туғма хасталикдай жойлашиб олган.

– Жигар!

– Нима?

– Жигар қуриши ҳам тузалмайди, демоқчиман.

– Худдики унинг севгисида туғилдим, энди ўзга эл Ватан бўлмаганидай, ўзга қиз ҳам менинг муҳаббатим бўла олмайди.

У шу сўзларни айтди-да, бирдан баланд ғиштин

бино ёнида тўхтади, биз манзилга етиб келган эдик. Аҳмаджон билан суҳбатимиз, афсуски, шу кизик нуқтада буткул узилди.

Эшик ёнида талабалар бизни кутиб туришган экан, тез-тезлаб ичкарига бошлаб кетишди. Хона одамлар билан лик тўла, илк қарсақлар чалиниб бўлинган, кимдир минбар томон юриб борарди. Аудиторияни бугун иккита чироқ ёритиб турар, димокқа ачимсик зах ҳиди уриларди. Мен барчага яна кулганча таъзим қилдим, аммо бу гал мени ҳеч ким эстрада юлдузи каби қаршиламади. Жимгина жойимга чўкдим.

Сичқон яхмалак учса арзигулик бош! Тошбақа бўйнидай бужмайган кулоқ!

Қишлоқ йўлидай нотекис башара! Итбаликлар сузгудек кўз! Бойўғли кидирган икки вайрона – бурун! Буларнинг барчаси, Мейерсон шахсий мулки!

Таъриф уйлариждан ўзимнинг ҳам кулгим келяпти, аммо у шундай яралган, бошқача эмас. Ишонмасангиз, архив титинг, рўзномаларни варақланг, ярқ этиб жаноби олийлари пайдо бўлади.

– О, кимни кўряпман! – бир бурчакда ғилай пуфакчи ўтирарди. Костюм кийиб олибди. Мени танимаганга олишин қаранг, дўзах кўзларини олиб қочяпти.

– Ҳой, қотил, кеча сен бир талабани ўлдирганингни кўрдим, нима, унинг қонидан ранг бериб, терисидан пуфаклар ишлаб чикяпсанми? Чоршанба бозорига сотгани олиб чиқасан сўнг! Ҳозир ҳам савдонгда барака борми? Ё улгуржи сотишга ўтдингми Ватанни?

У менинг гапимни тушунмагандай бошини сарак-сарак қилиб тураверди.

– Ҳой ғилай, қар ҳам бўлиб қолганмисан? Қаддингни кўтар! “Кеча бир талабани қандай кийнаб ўлдирганингни кўрдим”, – деяпман. Энди бу ерга ҳам келдингми? Навбат кимга? -

– Нима? Сени тушунмаяпман, жўра?

– Овозинг ҳам ёқимсиз, алвон пуфакчали қотил!

Хонадагилар мени тартибга чақирди. Ҳурматли Мейерсон нутқ сўзламоқда экан.

Бу ердаги меҳмонлар орасидаги сариқ сочлилардан бир-иккитаси таниш. Улар бири милтиқ ўқталиб мени жосусликка ёлламоқчи бўлганди. Эвазига қишки пальто ва пул бермоқчи эди. Ҳозир эса биринчи бор кўраётгандай туришини қаранг. Кўзларига қараб туравердим, у кулиб кўйишга мажбур бўлди, сўнг уни ҳайрон қолдириб хохолаб юбордим.

“Жиннилик сизлардан қутулиш эмас, телбаларни ҳам отасизлар, биламан! Мен сизларнинг устингиздан кулиб қолишни истайман, чунки қачондир хор бўласиз, ноҳақликнинг ғилдираги бўлганингиз учун! Қабрингиз ҳам махфий, умрингиз ҳам. Гўёки сиз яшамагандай!”

Қолганлари СССРнинг Германиядаги вакиллик ходимлари бўлиб чиқар.

Мейерсон бир-икки қисқа йўталишдан сўнг кўм-кўк кўзларини лопиллатиб гапира бошлади. Кулоқлари бунча хунук бўлмаса!

Кулгимни зўрға босиб турардим.

– Салом, ҳурматли талабалар, улуғ совет давлатининг Германиядаги вакиллик органлари! – дея баландпарвоз сўзлар билан нутқ бошлади “ҳурматли” меҳмон. – Хабарингиз бор, ўтган йили ҳам бу ерга келганман. Сизларнинг кўпчилигингизни яхши танийман. Ўқишингиз, шароитингиз, ҳатто нимани ўйлашингизгача бохабарман. Турли университет, лицейларда ўқиётган талабалар, ўқувчилар ҳаётини, турмушидаги икир-чикирларини кўп ўргандим. Хўш, бу галги ташрифининг сабаби нима экан, деб ўйланаётгандирсиз. Танишлар билан улфатчилик қилиб кетишга Берлин яқин жой эмас. Ростовдан

Москвага қатнаш эмас ҳар ҳолда! Келинг, гапни кўп чувалаштирмай, сизни турли гумонларга йўлиқтирмай мақсадимни аниқ айтаман. Камина муҳим давлат топшириғи билан келиб турибман. Улуғ Совет ҳукумати сизнинг, яъни ўзбек талабаларининг Берлинда ўқишига ҳеч зарурат сезмайди ва ортга қайтишингизни истайди. Чунки бизнинг университетлар шу даражада ривожландики, Берлин дорилфунунларидан ўтса ўтадики, асло қолишмайди.

Даврада бирдан кескин ғала-ғовур кўтарилди.

Кимдир очикча сўкинди. Айримлар эса унинг гапни ҳали охиригача англамай қотиб туришарди.

Мейерсон нутқни тўхтатишга мажбур бўлди.

Норозилик босилай демасди.

Талабаларга очикча хужум бошлаган Мейерсон минбарда курук чайнаиб туриб қолди. Йигит-қизлар шовқин кўтарганча ўз қаршилигини билдирар, элчи-хона маъмурлари эса уларни тинчлантиришга уринарди. Ғилай эса миқ этмай худди ўлимини кутаётган қаҳрамон чолдай раҳмингни келтирганча ҳансирарди.

Мейерсон биринчи келганидаёқ анча маълумот йиғиб кетган. Ишни ёш болалар ўқиётган немис мактаблари ва лицейларидан бошлаган, уларни обдон ўргангач, катта талабаларга ўтган, бир муддат ҳамхона ҳам бўлган. Қайтгач саксон варақли хулоса ёзади ва махсус ходимларига билдиради. У Германияда ўқиётган талабалардан ҳеч камчилик тополмаганди. Улар чиндан фақат таълимни ўйлаётганини билади. Агар шундай маълумот етказса, ўзининг бошида калтак синиши, қилган сафарининг сариқ чақалик аҳамияти қолмаслиги кундай равшан эди.

Шунда ғовлаган миясини ишга солиб, келажакда кутаётган хавфларни аналитик таҳлил қилади, яъни талабалар Германияда юрган совет сиёсий душманла-

ри таъсирига тушиш эхтимоли борлигини билдиради. Улар ҳалитдан рус сиёсий қочқинлари билан бўлма-са-да, турк, татар ва ўзбек сиёсий қочоқлари билан алоқага киришганлиги ҳақида маълумотлар борлигини таъкидлайди. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, совет ҳукумати Оврўпада ўқиётган ўзбек талабаларидан қаттиқ чўчий бошлагани очиқ маълум бўлади. Тузум сиёсатидан холи улғаяётган талабалар ўта хавфли бўлиб, кун келиб, советларнинг асл юзини бутун дунёга фош қилишлари ва мамлакатлари озодлиги учун курашмоғи турган гап эди. Шу учун Мейерсон ярим тунда чакирилади, топшириқ берилади: “Барчасини тинчгина қайтишга кўндир, бўлмаса кал бошинга биз билан соч экаман. Уларнинг қони билан сенинг қонингни қўшаман-да давлатимиздаги алвон пуфакчалар сонини етмиш биттага етказаман!” – дейди каттанинг шахсан ўзи.

Мейерсон кўркоқ ва шунга мос айёр эди. Ҳозир ҳам бақириб-чақирди, сўнг яхши гапиришга ўтди, илтимос қилди, аммо шовқин босилмади, ҳамма норозилик билдиришдан тўхтамади. Унинг энди чунонам боши котди, ўзига бу даражада ҳурматсизлик кўрсатишади, деб ўйламаганди.

Вазиятни бу тахлит ҳал қилиб бўлмаслигини англаган Абдуваҳоб Муродий ўрnidан турди ва ҳаммани тинчланишга, нутқ тугагунча сабр қилишга чақирди. Ғала-ғовур акс-садонинг қайтишидек аста-секин босилди ва сув куйгандек жимлик чўқди.

Мейерсон Муродийга ташаккур билдирди ва нутқига расмий тус бериб, совет таълимини мадҳ қилувчи статистик ҳисоботини ўқиб берди. Ўша давр матбуотига теккан касал Мейерсоннинг гапларига юкқан, сўзи аввалида сиёсатни обдон, беармон мақтаб бўлгач, мақсадга қисқагина жумлалар билан айёрона бурилиш қиларди. Талабалар Мейерсоннинг кўпириб-тоширилган мақтовларини аҳмоқона сўзлар деб

билар, нафратланар ва жирканарди. Баъзи ўринларда ёнидаги қисматдошларига нималарнидир пичирлаб, норози бош силкишарди. Айримлар нигоҳини ҳеч ундан узмай, гапларини диққат билан тинглаётгандай кўринса-да, аслида бунинг ортида бутун бошли ҳукумат турганини яхши англар ва қарши қандай чора топиш ҳақида ўйларди.

Жигарларим, боягина беташвиш, эркин яшаётгандингиз, ўқиш энг ёруғ ният, улуғ мақсадингиз эди. Аммо мустабид ҳукумат сизни шундан ҳам беандишаларча мосуво қилмоқчи. Очикдан-очик ҳақорат тошларини отиб киприклар билан тикланган омонат дунёмиз кулатмоқчи. Не қилса ҳам, мағлуб оталарнинг эркисиз фарзандларисиз! Искирт эшаккуртлар сизни кутмоқда!

Кимдир Мейерсоннинг нутқини бузиб яна бақиради:

“Биз қулмиз, Ватанимиз-да қул, оиламиз-да қул, болаларимиз-да қул, қулваччалар эса Оврўпанинг олий мактабларигамас, пахтазор эгатларининг сассик шўрасига муносибдур, эшак миниш ярашадур! Шундан сўзланг, жаноб ректор!”

Қизларнинг лобар кўзлари кўрқувдан қотиб қолган, нозик қўллари билан оғизларини беркитганча, нималарнидир пичирлар, дуо ўқишар, юзларида ўзларига ҳеч ярашмаган ваҳима ва умидсизлик бўёқлари ортиб борарди.

Муродий яна ўрнидан туриб, барчага имлашга мажбур бўлди. Барибир фойдаси бўлмади, ўтирганлар Мейерсоннинг ўрисча маърузасига яна ўн дақиқача чидашди, холос.

– Минглаб ўзбек болалари Москва ва бошқа совет шаҳарларида юқори даражада таълим олиб турган бир пайтда, сизнинг бу ерда сарсон ўқишингиздан ҳеч қандай манфаат кўрмайпман. – Бу гап Мейерсоннинг оғзидан чиқиши билан талабалар яна қалқиб кетди.

– Бўлди, етар! – дея бакириб юборди Саттор Жаббор. Қолганлар ҳам турли томондан Мейерсонга норозилик хайқириқларини йўллай бошлади. Мейерсон каловланиб, чулдираб, бўйинбоғини тузатганча уларни нима деб тинчлантиришни билмай қолди. Боядан бери зўрға ўзини босиб турган Саттор Жабборни энди ҳеч қандай куч тўхтатиб туролмасди. У шартта ўртага чиқди-да, Мейерсонга кўлини пахса қилганча гапира кетди:

– Жаноб ректор, бизни нималар деб алдаяпсиз? Кўзингизга биз немис ёшлари бўлиб кўриняпмизми? Боятдан бери биз умуман кўрмаган жойлар ҳақида гапираётгандек ўзингизни ғалати, ҳатто шармандали тутяпсиз? Сиз кимсиз, ниятингиз нима? Бизни Ватанимизда бўлаётган ҳар нарсадан беҳабар, деб ўйласангиз, катта хато қиласиз. Худога шукур, рўзномалардан асл ҳолат қандайлиги кундай равшан. Нафақат ўқувчиларнинг ҳоли, келажакда ким қилиб тарбияламоқчи бўлаётганингизни ҳам яхши англаймиз. Юзимга қип-қизил бўёқ суриб олсам, ғоявий маҳдуд коммунистлардан фарқим қолмайди. Келинг, университетда ўқимай, юзимни қизилга бўяб юравераман, шунда сиз истаган кадр бўлиб қоламанми, ректор жаноблари?!

– Бас қилинг! – ўшқирди унга Мейерсон.

– Қизишманг, жаноби олийлари. Бу ер Тошкент эмас, Берлин. Бу ерда нафақат сўз, балки шахс эркинлиги ҳам бор. Шунинг учун ортиқча ҳаяжонланмаслигингизни маслаҳат берган бўлардим. Келинг, ундан кўра, сиз ректорлик қилаётган Ўрта Осиё давлат университетини олайлик, талабаларингизнинг зора ўн ё йигирма фоизини маҳаллий ёшлар ташкил қилса экан, сизга таъзим қилган бўлардим, оёқларингиздан ўпган бўлардим. Афсуски, ундай эмас. Ҳойнаҳой, бу университет Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, сиз туғилган Ростовда эмас.

– Нималар деб сайраяпсан! Бас қил майнавозчиликни! Мен Ростовда ҳам туғилмаганман,



– Мейерсон уф тортди. Маъмурларга қаради, улардан ҳам имдод чиқмади.

Саттор Жаббор Мейерсонга аламини сочишда давом этди:

– Хотинлар, қизларимиз-чи? Сиз юзидан паранжини отаётган қизлар аҳволи қандай? Уларга хурлик ва озодлик, илм ва зиё бермоқликни ваъда қилдингиз, қани ўша илм, қани зиё? Пахтазорда пахта терилади, илму китоб эмас. Сиз аёлларни қолоқлик ботқоғидан чиқариб, азобли меҳнат, хўрлик ҳожатхонасига ташлаб юбордингиз. Сизга дунёни таниган шарқ аёли эмас, бош кўтармай ишлайдиган, куёндай болалайдиган сочи узун, камхарж жонли махлуқ керак эди. Уларнинг миллион нафарини Ўрта Осиёдан топдингиз. Сизга халқлар озодлиги эмас, халқаро ҳожатхона керак. Шунинг учун ҳалигача дунёвий таълим савод билангина чегараланмоқда. Чунки ақлини таниса, жонли кетмон бўлиб яшашга кўнмайди, биласизки, аёллар ҳам уйғонса, бу юртни эплаб бўлмайди. “Шарқ аёллари меҳнат билан тирик, қанча ишласа ҳам ўлмайди, биз уларни золим ва зўрликка асосланган хонлар ва эрлар зулмидан озод қилдик, қолоқлигу қулликдан қутқардик!” – дея оламга жар солдингиз. Аммо бу тахлит шовқинингизга қорнидаги боласидан бошқа ғами йўқ, бефаҳм ҳар қандай аёл ҳам ишонмайди. Агар уларнинг илм олишини хоҳласангиз, 1919 йилда очилган Қизлар билим юрти ўқитувчилар йўқлигидан хароб аҳволга келиб қолармиди? 1920 йилда доялар мактаби очилганда эллик киши қабул қилиниб, шулардан атиги биттаси ўзбекилиги сизга билинмаса-да, бизга оғир ботади. Мактаб ўзбеклар юртида бўлатуриб-а? Бу аҳвол қайси тарвақайлаган ваъдаларингизга тўғри келади? Жавоб беринг!

– Барча муаммоларни тез кунда ўрганиб чиқамиз, ишчи гуруҳ ишляпти.

– Қулгимни қистатманг, бир тўда миллат қонини

сўрувчи каламушлар гурухи. Булар юз йилдан сўнг ҳам ишини тугатмайди. Улар раққос гурухлари каби фақат ўйин ва қорин ғамида.

– Аста-секин ҳал бўлади. Қизларнинг ўқишига келсак, ўзлари ишташмайди, кўпи саводсиз, рус тилини билмайди. – Мейерсоннинг бу гапи даврани баттар ғазаблантирди. Саттор Жаббор бирдан унинг оғзига урди:

– Эҳ, ўзбек қизлари ёппасига саводсиз, денг... Демак, битта экан-да бутун бошли катта халқда? Келинг, сиздан бир нарса сўрай, ҳозир алламбало фандан профессорсиз, тўғрими, ҳа, дарвоқе, бундан ташқари, ректорсиз! Айтинг-чи, менинг оддий немисча берган саволларимга жавоб бера оласизми? Бу ерда олти ёшли бола ҳам бу жумбоқларимни қийналмай еча олади!

– Мен немис тилини яхши билмайман... – деди қизаринқираб Мейерсон. Унинг нима қилишни билмай боши қотиб қолгани кўринар, тинмай сайраётган бу маҳмадонани қандай жим қилсам, деб ичи ёнарди. Аксига олиб, Саттор Жаббор гапдан қолмади:

– Бу ердагиларнинг ҳаммаси билади, аммо сиз билмайсиз. Сизнинг немис тилини ўрганмаганингиз учун энангиз айбдорми ё бизнинг бутун бошли халқ?

– Нималар деяпсиз? Мен ҳукуматнинг расмий одамиман, ҳурмат қилишингизни талаб қиламан! Давлат буйруғи билан келдим, соғинганимданмас! – Мейерсон шу гапларни айтиб минғирларкан, пастда ўтирган расмийларга мўлтираб, ёрдам сўрагандай қараб қўйди. Унинг бу нигоҳидан: “Сизлар қандай маъмур ўзи, нега жим ўтирасизлар, бу болани жойига ўтирғизиб қўймайсизларми!” – деган ёзғириш ва ёлворишни англаш мумкин эди. Маъмурлар эса ғилай каби гаранглик позицияни ҳимоя қилардилар.

– Илтимос, жавоб беринг. Ўрта Осиё дорилфунунининг ректори бўла туриб, сиз немис тилини билмайсиз, оддий сўзларга ҳам тилингиз

айланмайди, биздан хурмат талаб қилишни эса қотирасиз! Рус тилидан ташқари дунёда неча минглаб тиллар борлигини биласизми? Уларнинг неча фоизи рус тилини билади, деб ўйлайсиз? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, кимнидир саводсиз, деб тамғалаш учун рус тилини билиш ёки билмаслик қай даражада муҳим? Мен олти тилда бемалол ёза оламан, аммо сиз немис тилида ҳозир қаерда турганингизни ҳам айта олмайсиз. Демак, совет ректорлари саводсиз экан-да!

– Сиз улуғ рус тилини қандайдир майда-чуйда элат тилига қиёслашга қандай журъат этдингиз? – Мейерсон яна расмийларга қараб қўйди! – Сиз бизнинг бой ва улуғ тилимизни ерга урманг!

– Мен ҳеч қандай тилни ерга уриш тарафдори эмасман. Мен рус адабиёт ва маданиятини қаттиқ хурмат қиламан, аммо унинг босқинчилик ва шовинистик сиёсатини буткул қоралайман. Сиз бизнинг кетмон ва ўроқдан бошқа қуролимиз йўқлигини билиб бостириб қирдингиз ва қирдингиз, ўтмишни, бугунни ва энди келажакка ҳам, кейинги юз йилга ҳам болта урмоқчисиз! Буни дунё тарихи ҳеч қачон кечирмайди. Сизлар қонхўр тузум каламушлари сифатида тарихда қоласизлар!

– Бас қилинг, дедим!

– Сиз кўмиб юборган тарих ҳеч қачон ўлмайди, у ер остидаги булоқ каби йўл топиб чиққувчидир. Сизлардан эса минглаб бегуноҳ отилган жон қолади. Университетларингиз ҳам коммунист тайёрлаш фабрикасига ўхшайди. Шунга ҳам минглаб ўзбек болалари рус тилини билмагани учун қабул қилинмайди. Сиз уларни атайлаб йиқилиши учун ўз уйида она тилида имтиҳон олмайсиз.

– Рус тили ўзга тил эмас, улуғ совет давлатининг расмий тили. Олимларнинг айтишича, эллик йилдан сўнг тарқибимиздаги барча элатлар юз фоиз улуғ рус тилида сўзлашиш бахтига муяссар бўлади. Ўзбек, қал-

мук, татар, тожик болалар туғилибоқ рус тилида тили чиқади, бундан ортиқ фахр бўлиши мумкинми!

– Юз йилдан сўнг нималар бўлиши ҳақида фол очманг, одам битта жойда туғилади, битта тилда забони чиқади, битта қабргагина сиғади. Тирик жон ўз тилини йўқотиши миллатнинг қирилиши билан баробардир. Ҳатто Олмонияда ўзбек тилини қабул қилишди, эъзозлашди. Энди бу ерга ўқишга келган талаба бемалол она тилида ҳам имтиҳон топширади. Немислар уларни саводсиз иркитга чиқармайди. Қизиғ-а, биз Берлинда ўзбек тилида имтиҳон топширишимиз мумкину, Тошкентда бунинг иложи йўқ. Рус тилини биласанми, марҳамат, барча эшиклар ланг очик, доҳийимиз Лениннинг шахсан ўзлари очиб қўйибди. Ўзбек тилини билишингнинг эса сарик чақалик қиймати йўқ. Бу қандай тубанлик?! Таҳқирларнинг чегараси борми? Бизни қаерга улоқтириб юбормоқчи бўляпсиз? Коммунистлар тезакхонасигами?

Мейерсон Саттор Жабборга жавоб беришдан тўхтади, расмийларга қарата нималарнидир пичинг қилиб, қаршисидаги овознинг тезроқ ўчишини кутиб тураверди. Саттор Жаббор яна бўзлади, ўшқирди, аммо фойдаси тегмаслигини англади, ёзғиришлари ҳавога учаётгани аниқ, “Ҳеч қачон дардимизни ҳис қилишмайди, миллат сифатида қирилиб кетсак ҳам барибир уларга”, – деб ўйлади ва талабаларнинг тортқилашларига кўниб жойига чўкди. Мейерсон бу каби қаршиликларни кутмагани, буёғига Совет давлатини мақташнинг нафи тегмаслигини тушунди, мақсадга ўтди.

– Қайтариб айтаман, диққат қилинг, илтимос! СССР ҳукумати сизларнинг Германияда таҳсил олишингизни истамайди. Сиз Берлинда капиталистик давлат тарафдорларининг ёлғон таъсирига тушиб қолишингиз турган гап. Мана, ёшсиз, хатога ва тез қарор қабул қилишга ўчсиз. Ҳукумат сизнинг келажагингиз

борасида оталарча қайғурмоқда. Шунинг учун сизларга СССР худудидаги исталган олий ўқув юртларида ўқишингизни давом эттириш имкониятини бермоқда. Марҳамат, танланг ва таълимни ўша ерда давом эттиринг. Ҳеч қандай ҳужжат ва сўроқ талаб қилинмайди. Агар кўнмасангиз, ортиқ ҳукуматдан бир чақа ҳам ололмайсиз. Таъминотингиз буткул узиб қўйилади. Бундан ташқари, Бухоро жумҳуриятига (1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилгач, ўрнида ташкил топган ва тўрт йил фаолият юритган давлат) тегишли бўлган Берлин шаҳар, В.Гейсбергстрит, 39-уйдаги талабалар учун сотиб олинган кўп қаватли турар жой биноси мусодара қилинади. СССРнинг Германиядаги элчихонаси бу ишларни амалга оширади.

Талабалар яна шовқин кўтаришди. Муродий эса кўзларини ерга қадаганча жим ўтирарди. Бу сиёсий, қалтис вазиятдан қандай чиқишлари ҳақида ўйлаётгани аниқ. Мен эса ўнг биқинимнинг қаттиқ оғриғидан букчайиб қоламан.

Сичқондай чийиллаб куламан.

“Ҳаво?

Мумкин!

Сув?

Мумкин!

Нон?

Мумкин! Ўлмаслик учун барча зарур нарсалар!

Иш?

Албатта! Унингсиз қандай Ватанпарвар бўла оласан!

Туғиш?

Албатта! Қанча кўп туғсанг шунча ёрлик берамиз!

Китоб?

Мумкин! Фақат Маркс ва Энгелсники, кўлидан келганлар уларнинг ғояларидан адабиёт ясайди. Агар истейдод бўлса, эплайди, тўғрими?

Маориф?

Берлиндамас. Фақат маҳдудликда!

Ўлим?

Биз демократ давлатмиз, исталган одам ўлиши мумкин, албатта, ортиқча муаммо чиқармай. Аммо жасадинг эшақкуртлардан нарига ўта олмайди!”

– Ҳурматли талабалар, мен ректор сифатида совет олий таълими жуда юқорилаб кетганига кафолат бераман! – дейди Мейерсон овозини хиёл баландлатиб.

– Нега бўлмаса, 10 мингдан ортиқ рус болалари Германияда таҳсил олмоқда? Жавоб беринг? Нега сиз тоза сувга интилганда, биз оқовангизга кўнамиз? Шу адолатданми? – орқа тарафдан эшитилган бу савол ғазаб ва аламга тўла эди.

Мейерсон яна жавоб бермай, қўли билан эътибор ажратишга арзимайди, дегандай гапни бошқа ёққа опқочди. Пешонаси кенг, кўзлари қисик, қозоқларнинг мард ўғлони Азимбек Беримжонов<sup>18</sup> саволи очиқ колганидан ғазабланиб, ректорни баттар сиқувга олди:

– Нега иқрордан қочмоқдасиз? Келтирган рақамларим нотўғри, деб ўйлаяпсизми? Марҳамат, сизга совет элчихонасидаги хужжатларни варақлашнинг ўзи кифоя қилади. Биз Олмонияда тинчгина ўқияпмиз, сиёсий низоларга аралашиш хаёлимизга ҳам келмаган. Москвадагиларнинг эса аҳволи кундай равшан. Улар қизил шоирларни кўкракка тақиб, сиёсий партия ва фирқаларга аъзо бўлмаса, касал бўлгандек терлай бошлайди. Нима гапирса партия нуқтаи назаридан чиқиб кетмаслиги кераклигини билади, шунинг учун маърузалар гўрковнинг иши каби олдиндан аниқ. Бу ерда эса фикрга ҳеч қандай партия ҳукмрон эмас, шунинг учун аксарият ихтиролар Оврўпадан, Берлиндан

<sup>18</sup> Азимбек Беримжонов Берлин олий зироат мактабини тугатиб, Ватанда авж олган қама-қамаларга ҳам парво қилмай, ўз уйига қайтади. Афсуски, Оврўпанинг энг сифатли таълимини олган қозоқ йигитини чегаранинг ўзидаёқ йўқ қилиб, шу ернинг ўзида кўмиб юборишади.

оламга тарқалмоқда. Сиздагилар талаба эмас, парти-  
янинг қизил боғичларига боғланган итларни эслата-  
ди. Қонун-қоидаларга, белгиланган ғояларга сўзсиз  
кўниб, аҳмоқона режимга риюя этишлари шарт. Совет  
чегарасидан ташқарига ўзингиз тугул фикрингиз ҳам  
чиқмаслиги керак. Энг даҳшати, Россия таълимидаги  
“Худосизлик”, тавба қилиб гапирамиз, бу фан сифа-  
тида ўргатила бошланди. Биз мусулмонлар учун бун-  
дан ҳам даҳшатли ҳол бўлиши мумкинми?! Динсиз-  
лик тарғиб этилаётганини била туриб қандай у ерда  
ўқишимиздан умид қияпсиз? Ё барча нарсага жим  
кўниб келаётган қизил боғичлилар каби бизнинг ҳам  
кўзимизни кўрқитиб қўймоқчимисиз?! Университетга  
ўқиш иштиёқи билан эмас, ваҳималар ва кўрқув билан  
борадиганлар сафига қўшилишимизни хоҳлайсизми?  
Берлинда энг суюклилар талаба саналса, сизда энг  
паст табақадир. Улар ажалдан кўрққандек сиёсатдан,  
нозирлару маҳкамалардан, ўқитувчилару қоровуллар-  
дан ҳайиқиб, юрак олдириб юришади. Берлинда эса  
фақат битта кўрқув бор – кучли мутахассис бўлма-  
й ортда қолиб кетиш! Ўзга ҳеч нарса. Аслида, толиби  
илмнинг муаммоси соғлом жамиятда бундан бўлак  
нарса бўлиши ҳам мумкин эмас-ку! Сиёсат соясида  
қисилган илмдан дунёни ҳайратга солар олимлар  
чиқиши қийин. Инсон бургутдек қанотини кенг, эр-  
кин очсагина илмда парвоз қилади, ҳаммадан баланд  
тура олади. Сиёсий партияларнинг қизил аскарлари  
каби саф тортиб тадбирма-тадбир юрган йигит-қизлар  
эрта халққа эмас, партия корчалонларига хизмат қила-  
ди, холос! Биз буни асло хоҳламаймиз.

– Сиз, сиз, нимага бунча, бизни кўролмаёпсиз, ко-  
ралайсиз...

– Йўқ, мен эмас, кўролмаётган сиз, дунё бизга  
очиლაётганини кўролмаёпсиз, аниқроқ айтганда, ҳам-  
масини тушуниб қолишимиздан кўрқасиз! Оврўпа  
таълимини олишимиздан, сиз ва сиз тарбиялаган

Ўқувчиларингизни ортида қолдириб кетишимиздан, барча-барчаси ўзгариб, илм тузумларни ўзгартиришидан қаттиқ кўрқасиз. Ҳозир бутун олам илм-фанида Оврўпа, хусусан, Олмония таълими устун экан, нега ўзбеклар бу ерда бўлмаслиги, ўз Ватанларини юксалтирмаслиги керак?

– Бас! – Мейерсон кўлини Ленинга тақлидан кўтарганча бўқирди. – Бўлди қилинг, мен шартимни айтдим. Бу ҳукумат қарори... Кимда-ким қарши чикса, совет ҳукуматига қарши чикқан бўлади. Ортиқ майдалашмоқчи эмасман! Бугундан бошлаб, Берлиндан кетиш, совет давлатига тезроқ қайтиш чорасини кўринглар, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

– Йўқ!

– Қандай омисизлар?! Бу ҳукумат қарори...

– Йўқ! Сўзимиз шу. Таҳсил тугамасидан қайтиш йўқ!

– Йўқ?

– Йўқ!

– Қайсар қора кўйлар, минг лаънат сенларга!

Шунда... кутурган итни отган каби Мейерсонни ҳеч ўйланмай отиб ташлайдилар.

Бутун олам портлагандай, даҳшатли овоз тутди ҳамма ёқни.

Деворлар зириллаб қочаётгандай эди кимлардан.

Бир киз даҳшатли қичқириб юборади, мен эса куламан. Сўнг зилдай оғир ваҳимни отиб юбориш учун бақираман барчага:

– Ўқ узилди ярамас Мейерсонга! Ва аллақачон сахнага кулади, худди майда трагедия қахрамонидек.

Ҳамма уни ўлган деб ўйларди, ҳатто ўзи ҳам!

\*

Улуғ Курсдошни ким кўллайди, билмадим, ҳамон



отда, ҳамон эгарда. Эшаккуртлар эса унинг йўлига маҳтал. Балки, унга мадад бераётган шайтондир, ё барча азобларни ўзи билан олиб кетган, ўғлига ёлғиз роҳатни қолдирган онадир?

У ҳамон ўрмалаганча яшаётир. Қизлар, институт ва ёлғонлар билан. Лаблари куриб, арчилиб кетган, худди танасидай. Кўп ўпишаётганидан бўлса керак. Бутун ректорат шу куриб бораётган лаблардан биронта ножўя сўз чиқишидан ҳадикда юради. Нима бўлса ҳам чолнинг кўнгли оғримаса! У қандай қизни йўлдан урмасин, ўзлари босди-босди қилар, кўнмаганини институтдан ҳайдарди. Курсдошни ким кўлларди, ҳеч ким билмайди! Чиндан шайтондандир-а? Ахир, у ҳам абадий тирик-ку!

Унинг хирси ҳам, танишлари ҳам ўзидай ўлмайди. Ундан бутун институт безган. Ахлатхоналар ҳамон унинг болалари билан тўлар, қизлар ҳамон унинг қалтироқ ва маймоқ танаси остидан юкли бўлиб чиқишарди. У эса ҳеч ўлмайди. Негадир менинг ўқишим унинг умри узайишига хизмат қиладигандай кетишимни сира истамасди. Бир шапалоқчалик кучи йўқ хужжатнинг ҳеч кераги йўқ, барибир болаларга дарс бера олмайман. Уларга раҳмим келади, хиёнат қила олмайман келажак ҳаққига! Шундоқ ҳам лаънатга ботган оиламни болалар қарғиши билан тўлдиришим қолувди!

Мен талабаларимни изладим, шу мақсад эди, шу оғриқ эди, шу чорам эди, бир варақ қоғоз эмас. Инсон билимини бир қоғоз исбот эта олмайди. Ёлғиз мадади ўзи, фақат ўзи.

Бир куни Улуғ Курсдошдан овозли хабар олдим.

Қойил, тармоқдан фойдаланишни, ҳатто турли смайликлар ташлашни ўрганибди. Лекин жуда ўлик овозда хабар жўнатганди. Атайлаб шундай қилган. Аммо жонсиз овозида ҳам ҳаётга яширин ташналик бор эди:

“Болагинам (у мени доим шундай эркалаб чақи-

рарди) корангни кўрсатмай кетдинг? Қаерларда сангиб юрибсан? Қўйларинг кўпайиб қолдими? Бир сонини кўтариб кел. Гўштхўрлик қиламиз, сўнг кизхўрликка ўтамиз. Уйландингми ўзи? Ҳали улгурмаган бўлсанг, демак, бахтлисан. Ҳали ҳам ўзингга идеал қилиб олган талабаларни қидириб юрибсанми ё топдингми? Аҳмоқлар! Улар ҳам, сен ҳам. Замон чатоқ эди. Йўқ, замон ҳар доим шундай бўлиб қолади. Ҳеч нима ўзгармайди. Биламан, мендан нафратланасан. Аммо кўп куйинма, дунё чириб бўлди, ортиқ ўнглолмайди. Худди менинг тобора сўниб бораётган ҳисларим каби. Инсоният таназзул томон кетаверади, то қиёмат қадар аҳволимиз шу. Илм ва тафаккур инсон боши учун чиқиндига айланиб улгурди. Лаззатланиш касали эгаллаб бўлди дунёни. Худди ўлим олди оғриқлар бир қўйиб юборгандай, дунё яйрамоқда ҳозир. Аммо ўнглолмайди. Талабалар қайтмайди. Орзулар ушалмайди. Ҳаёт ўнглолмайди. Ҳа, шундай бўлиб бораверади. Инсоннинг нажоти ҳақидаги барча нарсалар заволга юз тутиб боради. Иш берувчилари ўз ишчиларини қийнайверади, кучлилар заифларни зўрлайверади. Эзгулик ҳақидаги барча қарашлар ёлғон ва бари асоссиздир. Ҳукумат эса бир гуруҳ одамлар қўлида тўпланган узун калтаклигича тарихда қолган. Сен эса кимни қидиряпсан? Лаззатнинг душмани бўлган дардними? Миллатними? Аҳмоқ бўлма, бу лаззатпараст одамлар фақат жисмоний дарднигина тан олишади ва даволанишади. Миллат бахти эса аллақачон қайтиб унмайдиган қилиб кўмиб юборилган! Сен бир гала аҳмоқлар орасида кимни қидиряпсан? Суперменларними ё фавқулудда қобилиятли миллатпарварларними? Алжирама. Бутун бошли университет йўқ. Ректор Худодан эмас, мендан кўрқади. Нимага, чунки ундан олдинги ректор ҳам нима учун кўрққанини билмаган. Кўрқув шундай сингиб кетган. Аслида, унга қарши ва ваҳима соладиган кучнинг ўзи йўқ. Мен ҳатто бола-

кайни ҳам уриб бурнини қоната олмайдиган даражада қариб-тўкилганман. Аммо бутун ректорат мендан кўрқади. Аслида, минглаб болаларнинг умрига зомин бўлаётганидан кўркиши керакмасми? Бари аҳмоқлик ва сен ўйлагандан кўра чуқур лойга ботган! Ҳамма учун техника ўйлайди, кейинчалик ёлғиз техника бошқаради. Чунки биз кулликка ўрганганмиз, бир кун роботни ҳам подшо, дея сиғинмоққа журъат топамиз ва бари ҳалокат билан тугайди. Кутб юлдузи ҳам зулматда қолади. Сенинг изланишларинг Гитлернинг “нацизм”и каби қурбонлар эвазига йўқ бўлади. Бу воқеа менинг ўлимимдан ҳам олдин юз бериши мумкин. Оламда ёлғиз эшакқуртларгина ҳукмрон қолади. Улар охириги инсоннинг суягини чайнаб бўлгандагина чирок ўчади. Ахлатхоналарга ташланган болаларим одам бўлмаганидай туғуруқхонада туғилиб улғаяётганларидан ҳам ҳеч нима кутиб бўлмайди. Дунё худди мен каби дўзахга кулаётганлиги аниқ. Аслида, дўзахнинг миллионлаб кўчирмалари бизнинг идрок қилган шу оламимиздадир. Болам, мени асраб қолишни истамаганинг каби дунёни ҳам тутиб қола олмайсан!”

Аҳмоқ, аҳмоқ, аҳмоқ чол. Эсини егани аниқ, аммо ҳали нафси омон. Қарзим ва бобомнинг васиятини ёдимга тиқиб турадиган ягона тирик нусха.

“Билиб қўйинг, бобо, мен Улуғ Курсдошни сиз тайинлагандай эъозлай олмайман, кўрганымда оёғига қўй сўя олмайман. Мен ундан нафратланаман ва бугун тунда уни ҳожатхонага улоқтириб юбораман. Чақалоқларини ахлатхонага солиб, у ерга бемалол пешоб тўкиб юргани учун эмас, шу маҳалгача минглаб талабаларни чаласавод қилгани учун ҳам эмас, барча ҳақиқатни била туриб ноҳақликни қўллаб яшагани учун. Бу гуноҳини ҳеч нима билан ювиб бўлмайди. Сиз ва момомсиз, талабаларимсиз қолган бу дунёда ортиқ унга жой йўқ. Уни институт ҳожатхонасига, бо-

лалари қошига ташлайман! Авлодлари билан бирга ем бўлсин қуртларга! Бобо, сизнинг васиятингиздан кўра, Ватаним минг марта азизроқдир”.

Эшаккуртлар қарсак чалади. Сўкаман, қуртлар емирилаётган умримни кўриб яна қарсак чалади.

“Боравер, Улуғ Курсдош! Эшаккуртлар интик ётибди! Улар туғилиб-туғилмай улоқтирилган болаларингни ҳам излаб топишган ва тотишган эди ва мана сени ҳам кутмоқда. Ўзингни алдама! Сенинг ўлишинг киёмат эмас. Сенсиз баҳорлар келаверади, гуллар, чучмомалар очилаверади, қалдирғочлар учаверади ва бир кун келиб одамларнинг бағри сингари Орол ҳам тўлади, миллат бахти ҳам. Унинг учун сенлар йўқолиб, тоза қон айланмоғи, миллат болалари миллат дея ўқимоғи керак. Ўша пайт сени еб бўлган эшаккуртлар аллақачон дам олгани Қораденгиз бўйларига кетган бўлади. Бу қачон содир бўлишини сенга аниқ қиламан. Чақалоқлар йиғисидан бошқа овозни кулоғинг тутмай қолган он барчаси юз беради. Ўша болаларинг суяги ётган қора туйнукдан сени ташлайман. Сен у ерда сўнгги бор ажалинг билан қўшиласан. Аммо бу гал барчаси сенинг мағлубиятинг билан тугайди! Сен чала ўлим туғасан!”

Аудиони Улуғ Курсдошга жўнатишим билан Навоийшуноздан смс келади.

– Топдим, топдим, укам!

– Ажалингдан бошқа яна нимани кашф этдинг, китобкурт?

– Навоийга муносиб қиз топдим! Уйлантир деган сен эмасмидинг, бирдан эсдан чиқдимми? Ректор қўллади, зўр янгилик бўлади, матбуотни ҳам айтинглар деди тўйга. Зўрми?

– Ким ул: “Беш асрким назмий жаҳонни титратган” Навоийга хотин бўлмоқни истаётган маликаи жаҳон?

– Ширин!

- Ох! Калланг бутун, китобқурт!
- Ўйладим-ўйладим. Навоий кимга уйланган бўларди, деб. Ширинга тўхталдим охир!
- Нега Лайли эмас?
- Қора киз-ку Лайли, ғалча! Мажнуннинг ҳам таъбига ўтирмаган, фақат ўрганиш бўлиб қолган. Телбага ёқмаган, Навоийга хуш келармиди. Ахир ҳазратнинг олтин қаҳқашонига оппоққина сарой гули Ширин муносиб бўлур!
- Фарход-чи?
- Аслида, Фарход ўзи-ку ҳазратнинг! Бир байтида айтади-ку...
- Илтимос, ҳаром тилинг билан туркий тилнинг она сутини кир қилма...
- Хусрав ҳам ўзи, аслида. Сен тўйга келасанми?
- Албатта, бораман. Қалинига мингта эчки беринглар. Зикналик қилма, ахир Навоий сенинг етимчаларингни неча асрдан бери беғараз бокиб ётибди. Тўй дабдаба билан ўтсин, ҳаддан ташқари тўкин-сочин. Навоий ахир “амирул мўминин” бўлган.
- Хўп бўлади, хон ҳазратлари...
- Кейин сенинг каллангни ҳазратга тортиқ қиламен!
- Розимен!
- Эшакқуртларга сени қолдирмайман. Ўзим суякларингдан китоб жавони ясайман.
- Дахшат, хојам!
- Ҳа, сен каби... Йўқол...
- Фақат бир муаммо. Мен топган Ширин аввал эр қилган экан. Шунга ҳазратнинг нозик қалблари оғримасмикан Ширин эски ғалваларни кўзгаб жанжал кўтарса?
- Уч марта эр кўрганми?
- Тўғриси қайси киз айтади ҳозир? Ҳаммаси бир эрдан чиқдим, боқа олмаганидан кўчадаман, дейди.
- Биринчиси сенсан-ку, шайтон!

– Йўқ. Ректорнинг ўзлари.

– Замон Навоийсими ректоринг?

– Йўқ. Навоийнинг ўзлари!

– Сен ўрганган Навоий эмас, жа борса, ректор даражасидаги одамлигини билардим. Ҳазрат қайдаю, сен қайда!

– Ректоратда тасдиқланган – тўй! Ўтказмасам ишдан ҳайдашади.

– Сени отиш керак. Мейерсонга ўхшатиб. Пешонангдан.

– Розимен!

– Йўқ. Мейерсонга ўхшатиб эмас, у тирик қолади адашган ўқдай, сенга камида беш юзта ўқ отиш керак. Ўнта бармоғингга ва тилиннга, икки кўзингга, икки қулоғингга, пешонангга, миянгдаги ҳар бир хужайрангга ўқ узмасак, кайта тирилмоғинг мумкин!

– Розимен, Навоий.

Дахшатдан титраганча телефонни улоқтираман. Уйку, ёлғиз угина дардимга енгиллик беради. Мен ухлайман, ёнимда эса кимдир хиркираб ўлаётгандек бўлади, аммо кўзимни очолмайман, балки навоийшунос, балки навбати ва ажали етган амакиларимдан бири. Улуғ Курсдош ҳам бўлиши мумкин, ё ҳожатхонада ўлаётган чакалоқнинг овози, ёки хонадошларимнинг бири тўхтатгандир ўз соатини? Ҳа, барчаси жўр бўлиб ўлим хиркирашини ижро қилаётгандир сўнгги дам. Мен кўз очолмай мудрайман!

\*

Мейерсон ўлмади қолди.

Ўқ менинг ҳаётим каби янглиш кетди.

Душман пешонасига эмас, беайб деворга санчилди. Бекорга зирилламаган экан девор, оғритдик ўйиб бағрини.

Ҳамма таҳликада, Мейерсон эса ҳамон ўликдек

сахнада чўзилиб ётарди.

Ғилайни қидирдим, ғойиб бўлибди. Устамонлигига койил. Қачон келиб, қачон суриб қолишни ҳам биллади. У фақат қачон ўлишинигина билмайди, балки уни ҳам режа қилиб қўйгандир.

Элчихона маъмурлари ортиқча ҳаракат қилмади ҳам. Улар ўта эҳтиёткор бандалар эди. Ҳатто қўрқувга тушиб қолишдан ҳам қўрқардилар.

Шунда Муродий Мейерсоннинг ёнига бориб бўйин томирини ушлади ва баланд овозда:

– Тирик, – деди. Ҳамма бирдан чуқур нафас олди.

Чунки улар одам ўлдиргани эмас, ўқигани келган Берлинга.

Куёнюррак Мейерсон ўқдан эмас, қўрқувдан хушидан кетганди.

– Шундоқ бурнимнинг тагидан... Мана бу еримдан дахшат визиллаб ўтиб кетди, – дея қўл-оёғидан олдин тили ҳаракатга келди.

Сўнг елкаси ва киприклари тириклигини ошқор қилди. Сал ўтиб, тўлиқ ўзига келди, аммо қаттиқ қўрқиб кетганидан тиззаларида куч қолмагани, танаси бўшаган қопдай шалвираб турарди. Шарманда бўлишдан чўчидими, бирдан ўтириб олди ва кўзини ғалати пирпиратганча бошини ушлаб, ўзини нималар юз берганига акли етмаётган одамдай тута бошлади. Аслида эса ичи алам ва қўрқувдан ёнарди: “Ўқ отди, менга-я, қандай журъат билан, сал бошимни чапга бурганимда ўлардим-а? Ярамас, босмачилар! Сал қолса, шу ердан тобутга тиқишарди! Тошкентдаги шунча ишим, Надежда... оҳ...”

Кейин жим бўлиб қолди. Барчаси учун ёш боладек йиғлагиси келарди. Аммо уялди. Нафратланди, бироз тетиклашгач эса ғазабланиб сўкинди, сўкиनावерди, ўзини ҳам аяб ўтирмади, шу қадар таҳқирга чидагани учун кечиролмайди, кейин бирдан ҳозиргина ўлиши

мумкинлиги хаёлига келиб ортиқ оғзини ҳам очмади ва туриб устини ҳам қокмасдан элчихона маъмурлари билан ғойиб бўлди.

Даҳшатли ҳодиса юз берганди. Хато кетган ўқ талабаларни тўзитди. Гўё Мейерсонга насиб қилмаган ўлим, уларга аталгандай юракларга ваҳима солди. Ўқни талабалар узди, аммо жароҳатни ҳам ўзлари олганди. Илондай совуқ бир қўркув муздай танасига судралиб чиқканча сингиб борарди. Орзулари бир дам кўксининг қоронғи бўлмасида музлаб қолгандай туюлди. Қабрларга кўмилаётган жасадларни эмас, оппоқ сурпга ўралган орзуларни кўришди ва бунинг бари сўнгсиз изтироб билан оёқларни кишанлаб кўйди.

Мен эса жигарим билан овора бўлиб қолдим. Ўнг биқиним тошга айланаётгандай оғирлашиб борар ва лўкиллаб оғирди.

Наҳот меники ҳам...

Орол денгизи каби мамлакатда қахрамон ҳам қуриган бўлса абадулабад!

Сувчи амаким.

У тирикмикан?

Мейерсон журъати каби қуриб битдимикан ё?

Сувчимни даладан маст ҳолда олиб келишди. Бобом урди, момом қарғади. Сўнг уни молхонага қамашди моллар билан ётсин, деб. Ярим кечаси эса амакимга бўлган ҳавасимни боса олмадим. Қандай қилиб бутун умр юмшоқ кўрпада ухлаш мумкин? Жуда зерикарликку. Молхонада ётгим келди.

Борсам, сувчим ола сигирнинг ёнбошида ётарди. Уйғотиб саволга тутдим.

– Маззами, сувчим!

– Нима?

– Моллар билан ухлаш-да! Одамлардан кўра?

– Жаннат!



– Шишага бош суқиб яшашдан тўймадингизми?

– Шиша остига чўккан курумга ўхшайди дунё, унга тикилиб ётгим келади. У ерда бутун бошли уммон теранлигини ва миллатимни кўраман.

– Кўк томирларингиз қалин арқондай қўлларингизга ўралган. Молларни сизнинг томирларингизга боғлаймиз.

– Томиримдан қон тошса, моллар қорасон бўлади. Булғанган!

– Сизда фақат оғиз бор, хотин ва иснод!

– Ароқни кўришим билан икки қулоғим, икки кўзим беркилади, оғзим эса пиёла гирдини ва ундан сизиб чиқаётган, ичимга сассиз сирғалаётган майни ҳис қилади ва мен иблис сувига таҳорат қиламан. Бугун эса акси бўлди, сағирим. Кўзларим очиқ, қулоқларим ҳам, оғзим ёпилиб қолса бўладими, қийшанглаб ағдарилдим, чопдим, югурдим, бўлмади. Шунда қулоғимдан кўйдим, кўзларимдан кўйдим, ароқ қорачикларим ва қулоқ пардаларимдан тошиб-оқиб миямда кўллаб кетди. Шундан бери калламда спиртдан ҳосил бўлган оролча бор. Мен шундай яшайман ва бошимдаги оролча чўкаман.

– Биздаги барча эркаклар сиздек шиша ичидан чиқа олмай, қизлар эса иштониға бўғилганча ўлади. Тоза ҳаво ютмай!

– Бобонгнинг қаватидан кўйинглар, кишлокқа қараб ётаман, қизимни соғинаман, минг жалаб бўлса ҳам!

– Кўзингиз очиклигида кўрмадингиз, қора қабрда қандай кўрасиз... Сувчим, ох, жигарим!

Сувчим йиғлайди, мен эса куламан.

Сўнг у қўлларимга милтиқ тутуди. Ҳеч иккиланмай пешонасидан отиб ташлайман. Ўқ овози бутун кишлокни ларзага келтиради. Бобом, момом гўридан тик туради, мен уйқудан турмайман, қақшайман, ёнаман, тимдалайди юзимни тараканлар, барибир мудроқлик ғолиб келаверади!

– Эсинг жойидами, сағирим?! Нима қилиб қўйдинг, – дейди момом.

– Момо, кечиринг, ҳаром қонимизни покиза тупроққа тўксам бари арийди деб ўйлагандим. Аммо бўлмади, мен катта хато қилдим – сувчимни отиб қўйдим!

– Тўғри қилдинг, – деди бобом оғир тўлғаниб. – Азобланмай ўлди.

– Сиз, сиз айбдорсиз... Менга ўша Қизил аскарни, отангизни тутиб бермадингиз, қабрини айтмадингиз, уни йўқ қилардим. Нега у қилган жиноятлар учун биз жавоб беришимиз керак? У отами ё хоин, муртад, айтинг? Нега у ўз авлодларини лаънат ботқоғида қолдираётганини ўйламаган, даҳшатга тушмаган!

– Унинг жасади жарга ташланган.

– Жарга, дарё ўтади-ку! Нега қўммагансиз?

– Халқ чиқмаган қўмишга.

– Ёлғон! Халқ ит ўлса ҳам чиқади.

– Итдан баттар эди! Жарликда қолган тупроғи, уни ҳам дарё ювиб-юлиб кетди. Жасад сувда ириди, одамлар эса шу сувдан ҳали ҳам чанқоқ босмоқда...

– Қандай бунга йўл қўйдингиз, бобо!

Бобом бош экканча ғойиб бўлди, ортидан момом ҳам...

Жарликка шошаман. Ўлат тарқаётган, чақалоқлар ичаётган ҳаром сувни тўхтатиш керак. Йўлимдан Мейерсон чиқади. Калласини мўлжалга оламан, аммо ўким хато кетади, худди Берлин институти талабаси Аҳмад Шукрийнинг ўқи каби деворни ўпади. Ярамас ит!

Талабалар ҳамон ваҳимада. Милтиқни йўқ қилишди, аммо ичларидаги кўркувни эмас!

Аҳмад Шукрий кўзлари ўт очиб Мейерсон кетган тарафга ҳамон қараб турибди. Халқни ҳақорат қилгани, келажакка болта кўтаргани нафсониятига теккан ва шу жойнинг ўзида масаласини ҳал қилишни истагани.

Адашди, ўша ўқ каби, менинг ҳаётим каби!

Мейерсоннинг ўлими ҳеч нимани ҳал қилмасди, балки вазиятни баттар мураккаблаштирарди.

Муродий деди:

– Дўстлар, ҳозирги воқеа – Берлинга келиб йўл қўйган энг катта хатомиз бўлди. Биз қуролда ўқ уздик, одам ўлиши мумкин эди. Қилмишимиз нафақат ўзимизни, балки улуғ жонини гаровга қўйиб, бизга ишониб ўқишга жўнатган ҳурматли зотларга ҳам каттагина мусибат келтирмаса, деб қўрқаман. Чунки зиё учун келганмиз, фақат ва фақат ўқимоқ учун, одам отиш учун эмас. Шу қалтис онда ҳиссиётларингизни жиловлаш ҳар недан муҳим. Қуруқ ҳаяжонлар билан давлат тикланмайди, ҳеч нимага эриша олмайди, яна ҳаммаси айнийди, холос! Фақат қонун ишлаши керак, ҳиссиётлар эмас. Қонун! Қонун! Бошқа ҳеч нарса ва ҳеч ким! Биз шундай давлатнинг фуқароси бўлишни истамадикми? Шу учун Берлиндамасмизми? Мейерсон билан музокара олиб боришимиз мумкин эди, бу анча вақтни чўзишга ёрдам берарди. Фойда бермаса, хорижий нашрларни, Берлин маъмурларини оёққа турғизардик. Аммо энди вазият буткул ўзгача тус олди. Таҳликали кунларга тайёр турмоғимиз керак. Бу одамнинг кимлигини яхши биламиз! Ҳукуматнинг икки оёқли тили бу, босқинчилар Олмонияда ўқишимизни хошлашмайди. Очиғи, бир-икки ишончли хабарчилардан бизнинг тақдиримиз борасида турли гап-сўзлар бўлаётгани, эркин таълим олиб ютуқларга эришаётганимиз совет ҳукуматига хуш келмаётгани, ҳатто ғазаблантираётгани ҳақида эшитгандиму, бунчалик эрта, очикдан-очик қаршиликка ўтишларини кутмагандим. Демак, бу сиёсатлари нақадар жиддий, қўрқувлари нақадар катта эканлигини кўрсатиб берди. Уларнинг юзсизлиги, ҳеч қандай демократик тизимларга амал қилмаслигини шундан пайқаса бўлади. Нафақат пастлашгани,

хавотирлари чўққисига етганини кўрсатади. Қойил, озод бўлмасанг, ҳатто ўқишдан ҳам муҳрумсан! Аммо биз чекинмаймиз, хатолардан хулоса чиқарамиз, ҳеч ким ўқиши битмасдан уйга қайтмайди. Ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйишларига, фақат совет ҳукуматини улуғловчи, рус техникасига маҳлиё, ўзимизни оми, паст ва ночор ҳис қилиб ўлиб кетишга кўнмаймиз. Биз улар билган нарсани билишни истаймиз, ихтиролар қилишни истаймиз! Билингки, куллик билан ўлишдан шараф йўқ. Биз совет диктатурасининг улкан тобутида эмасмиз, чўчиётган томонлари ҳам шунда. Биз уларнинг алдовчи-ухлатувчи шоирларини ёд олмаймиз, мукофотларини арзитмаймиз, дориларни ичмаймиз! Кўзимизни кўр қилишларига йўл қўймаймиз. Улар бизни сиёсатдан карахт, илон қошида кўркувдан тош қотган қуёндай яшашимизни истарлар. Тирикмиз, оёқларимиз бор, аммо илоннинг бошини янча олмаймиз, ҳеч бўлмаса қоча олмаймиз. Даҳшатли кўркув миллат оёғини шол, кўзларни кўр қилди. У шафқатсиз, кўринмас қурол, лашкарсиз музаффариятдир. Ҳозир бутун элимизни улар аждаҳо олдидаги қуён мисоли кўрмоқ истарлар. Аммо биз бормиз, эртага бутун миллат карахт бўлиб қолмаслиги учун ўқияпмиз, ягона қуролимиз ҳам, нажотимиз ҳам илм, маърифатдир. Унутманг, то юрагимиз уриб турар экан, виждон булғанмасин, журъат титрамасин, вужуд толиқмасин! Берлинга келганимизда аҳвол хўп ёмон эди, кўп қийналдик, энди синовлардан ўтдик деганда, ҳеч қандай куч бизни қайтариб, синдириб кета олмайди! Келган онларингизда қўлингизда бор-йўғи бир йилга етадиган таъминот қоғози бор эди. Бу пулларнинг Америка доллариди бўлгани, Олмонияда урушдан кейин вужудга келган инфляция оқибати ва энг муҳими, ўта тежаб, камбағаллардай кун кечирганингиз учун бу пул шу кунгача етди. Хабардорсиз, Бухоро, Хива ва Туркистон жумҳуриятлари бирлаштирилиб

ягона Ўзбекистон СССР давлати тузилди. Шу кунгача Хива ва Туркистон, асосан, Бухоро ҳукуматининг улкан кўмагидан баҳраманд бўлиб турдик. Ўқишимиз учун Берлин банкларига каттагина пуллар ўтказишди. Қорақўл терининг сотувидан тушган маблағлар ҳам таълим учун сарф этилди. Аммо буларнинг ҳаммаси энди ҳавога учадими? Асло йўқ! Номус ва ҳужжат билангина уйга қайтамиз, ўзгача бўлиши мумкин эмас. Таъминотимизнинг йўли тўсилган бўлса-да, бўш келмаймиз.

Бундан кейин сизни ҳукумат одамлари ва оила аъзоларингиз уйга чорлаши, ўқишни ташлашга даъват қилиши мумкин. Бу кутилган ҳолат, албатта! Номус ва орни баланд тутинг, ўлим бир, номуссизлик эса абадий доғдир.

Ҳа, дўстлар очик ва қақшатқич кураш бошланди, ўйлайманки, бу жанглар тез орада мустамлака тузум каби тугайди. Ҳозир эса қиладиган биринчи ишимиз миллат фидойиларига хат йўллаб, бугунги воқеадан уларни бохабар қилишимиз шарт. Улар шунга қараб ҳаракат қилишсин. Олмонияга талабаларимиз ҳар қандай шароитда таълимни давом эттиришига ёрдам беришингизни сўраймиз, мазмунида хат ёзишларини илтимос қиламиз. Миллий раҳбарларимиздан мактуб келса, Олмония таълим вазирини бизни қўллайти, қора кучлар нима ҳийлалар қилган тақдирда ҳам, аҳамиятсиз, ўқишдан четлатишмайди. Совет ҳукумати чалаётган “тенглик ва ҳурлик” ноғорасига ҳамма бир хилда рақсга тушмайди. Ҳозиргина шу хонанинг ўзида Тошкентдан келган СССР ҳукуматининг вакилига ўқ узилди. Бу шундай қолмаслиги, эртага текшир-текшир, қама-қама авжига чиқиб кетиши мумкин. Аммо биз ҳам жим турмаймиз. Вакиллар билан музокара олиб бориб, талабаларни ўқ отишга нима мажбур қилганлиги тафсилотлари олмон журналистларга етиб борса, қандай томошалар бўлишидан огоҳлантирамиз.

Шу орқали “Россиянинг ўз мустамлака ўлкаларида қандай даҳшатли сиёсат олиб бораётгани фош бўлди”, дея уларни кўрқитаман. Бундан чўчимасликлари мумкинмас. Керак бўлса, Олмониядаги нуфузли давлат арбобларини ҳам аралаштираман. Балки, бу масала ўз-ўзидан ёпилар. Аммо биз ҳаммасига тайёр турмоғимиз керак. Ўқнинг тасодифан отилиб кетганлигини айтиб тураверамиз, ахир, ҳеч кимга тегмади-ку! Миллат учун чалғимай охиригача ўқишни давом эттирамиз! Ўқ отилгани исботланса, уни бир киши эмас, ҳаммамиз отдик, тушунарлими? Бу бизнинг мустамлака учун отилган илк ўқимиз бўлсин!”

Муродийдан сўнг кўплаб талабалар ўз фикрларини билдирдилар. Қатор ташкилотларга ва Ўзбекистондаги миллий зиёлиларга хат ёзилди. Мен уларни тинглайман, ўйлайман, улар орасида нима қиялман, мени ким бошлаб кирди, қаерга бораман, ажалим қай нуқтада ёкамдан олади, Қизил аскар ким, жигарим қачон юрагимни уришдан тўхтатиб қолади, бу дардлардан сакраб ўтиб бўладими ўзи?

1925 йилнинг октябрида Германия фан, санъат ва халқ маорифи вазири номига Ўзбекистон СССРнинг маориф вазири Идрисий томонидан мактуб келади<sup>19</sup>... Идрисий ўз хатида Туркистон талабаларининг таълим олишларига тўсиқ бўлаётган ҳар қандай сиёсий масалалар, жумладан, Мейерсоннинг гаплари ва хулосаларига эътибор қилмасликни, (бунинг тагида бошқа мақсадлар борлигига ишора ҳам қилинган) нима бўлганда ҳам, талабаларнинг Олмонияда ўқишни давом эттиришлари Ўзбекистон учун жуда муҳим эканлиги, Германия маъмурларидан бу борада ижобий натижалар ва одил қарор чиқаришларига ишонишини билдирган. Келажакда яна кўплаб талабалар юбориш нияти борлигини ҳам қистириб

<sup>19</sup> Бу мактуб Мустақил Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси орқали Тошкентга олиб келинган ва олимларимиз томонидан ўрганилган.

ўтади: “Қандай вазият ва сиёсий низолар бўлмасин, биз талабаларни Германияда ўқитиш ниятидан қайтмаймиз ва кўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз. Бу ишларимизни қўллаб-қувватлайсиз, дея умид қиламан. Зеро, бу бизнинг келажак учун жуда муҳимдир!” дея хатини яқунлаганди Идрисий. Совет ҳукуматининг юкори лавозимида ишлаб туриб, катта жасорат кўрсатган, (кейинчалик мактуб унга қимматга тушади) талабаларнинг ўқишини асраб қолган бу инсон қанчалик катта юракли, мард, миллат дардидан улкан дарди борлигини тўла англаб етдим.

Мен ортиқ чидаб тура олмайман:

– Ҳеч нима бўлмайди. Эртага совет элчихонасидан, адашмасам, Якубович ва Фехнер деган нусхалар келишади. Тафтиш ўтказгандай бўлади. Гарчи нима бўлганлиги кундай равшан бўлса-да, расмиятчилик учун сўроқ қилишади. Қўлларидан ҳеч нима келмайди. Чунки бу масала тезроқ ёпилгани маъқул, менинг оғзим каби.

– Аммо Мейерсон келиб, барчасини очиклаши мумкин-ку! – деди титраган овозда Хайринисо Мажидхонова.

– Йўқ. Ўта қўрқок одам эканлигини кўрдик. Айни пайтда тинчланиб олиши учун дори ичаётган бўлса керак. Фақат дори эмас, кал бошига муз ҳам босяпти. Халқаро низога айланиб кетмаслиги учун оғиз очиб гапирмаслик қасамини ҳам ичиришаётгандир. Аммо таҳқирланган Мейерсон бунга осонлик билан кўнмаслиги турган гап. “Москвага етиб боришни орзу ҳам қилма!” – деб кўрқитишгандан сўнггина ўзига келади ва бир оғиз ҳам гапирмаслик қасамини ичади. Ҳеч курса Москвадаги танишлар олдига боргунича алам ва хўрликка кўнишдан бошқа чораси қолмайди. Йиғлагиси келади, аммо йиғлмайди, ўзи ўта уятчан одам. Бундай одамлар кўпинча хавфли бўлади. Хуллас, элчи-

хона маъмурлари учун ўқ тасодифан отилгани фойдалироқ. Боя ўзингиз айтганингиздай, воқеа европалик журналистлар эътиборини тортиши, оқибатда даҳшатли кетаётган сиёсат фош бўлиб қолишидан кўрқадим. Ахир, биласиз, улар иложсиз, жадидларнинг қистови, чет мамлакатлар тазйиқи билан Берлинга кетишингизга қўйиб берган. У пайт ҳукумат ҳам катта кучга эга эмасди. Инқилобдан сўнг вужудга келган оғир халқаро ва ички сиёсат бунга мажбур қилган. Пулни эса ўзларингиз топдингиз. Бундан ташқари, таҳсилнингиз улар учун “Туркистон ёшларига эркин ўқиш ва ўзлари танлаган йўлда сиёсат олиб боришларига имкон берганимизга мисол”, – дея дунё рўзнамаларига бонг уриш учун ҳам қўл келганди. Энди орадан уч-тўрт йил ўтди, ҳукумат ўз жойида мустаҳкамланиб олди ва сизларга бўлган муносабати ҳам, вазиятлари ҳам буткул ўзгарди. Бунга Германияда таҳсил олаётган бошқа талабалардан кам эмаслигингиз, энг муҳими, дунёнинг энг ривожланган таълим тизимидан бохабарлигингиз, ҳур фикрга ўрганаётганингиз сабаб бўлмоқда. Сизларни Москвада ўқиётган маҳаллий ёшлар каби “Худога ишонмайдиган чин коммунист” қилиб бўлмаслиги, партиянинг қизил таъсиридан йироқда эканлигингиз ғашини келтирмоқда. Дунёга ҳуррият кўзи билан қараяпсиз. Ҳатто улар туш кўрмаган ихтироларга қўл уряпсиз. Бу ҳеч қандай мустамлакачига ёқмаган, бундан сўнг ҳам шундай бўлиб қолади! Ҳеч қачон ўзидан кучли одамни узоқ бошқаролмайди, шунинг учун ҳам тентаклар ва қуллар иттифоқи узоқ яшайди. Улар Туркистоннинг ишчи сифатида уйғонишини истайди, ақлимизнинг ўсиши эмас, пахта терувчи қора қўлларимизнинг узайиши улар учун бахт. Ҳеч қачон улуғ давлат қуришимизга ўз-ўзларидан йўл очиб қўйишмайди. Улар дунёни алдашда давом этмоқда. Агар ўзбек талабаларининг Мейерсонга қарши ўқ отгани маълум қилинса, Марказий Осиёда Русиянинг олиб бораётган



дахшатли ва колониал сиёсати фош бўлади. Оммавий ахборот воситалари бу ҳақда бонг уради. Шунинг учун Мейерсон каби ялоқхўрларнинг кўз ёшларига парво қилмай, уни поезднинг энг яхши вагонларидан бирига солиб, кўздан ғойиб бўлгунича қўл силкиб туришдан бошқа чора қўллашмайди. Оҳ, ўнг биқиним санчмоқда, жигаримда муаммо бор. Қонимни ортиқ тозалашга бардош бера олмайди.

– Тўғри айтасиз, мустамлакачи давлатлар сиёсатларини доим бошқа никоб, ўзга юз билан амалга ошириб келган. – деди Абдуваҳоб Муродий. – Бу воқеа шов-шув бўлганда, заҳар башаралари бир сидра очилган бўларди. Хўп, ҳар не бўлса яхшиликка, барчасига тайёрмиз! Ҳаётимиз таҳликада, ўқишимиз эрта заволга юз тутиши ҳам мумкин эди. Балки, ҳозирча қалтис қарор қилмаганимиз маъқулдир. Аммо буларнинг таъсир доираси тобора ошиб, ёлғон манзаралари Оврўпага қадар бўй кўрсатмоқда. Баъзи одамлар, улар орасида кўзга кўринган шахслар ҳам борлиги аламли, СССР таркибига барча давлат ихтиёрий қўшилган ва бахтли яшашяпти, деган чўпчакка ишониб чикишлар қилмоқда. Рус амалдорлари пул ва турли имтиёзлар эвазига яхудий журналистларини ёллашган бўлиб, улар омма фикрини ўзгартирмоқда. Биттасини танийман, мендан уч уй нарида туради, почта идораси олдида. Ёлғондан “Туркистонга саёҳат”, дея жозибадор мақолалар ёзмақда, чоп қилмоқда. Аслида, Кавказдан нарёғига ўтмаган. Аммо Ғарб нашрлари катта кучга эга. Бу қудратдан устамонлик билан фойдаланиб, ўзбеклар елкасидаги қон ва аччиқ камчи ўрнини оппоқ пахта билан безаб кўрсатишмоқда. Энг даҳшатлиси, ҳамма нарсани кўриб-билиб турган халқимиз-да тобора пуч ғояларга ишониб бормоқда. Озодлик ва хурлик туйғусидан шу қадар безиганларки, ўйлашни ҳам иташмайди, ишонишмайди ёки қирғину сургундан кўрқади. Ўз миллатини, тилини таҳқирлаб, босқин-

чилар тилини улуғ билмоқда. Ҳатто бу мустамлака давлат учун ўлимга тайёр бутун бошли авлод етишиб чиқмоқда. Улар қизил байроқни бошларидан баланд кўтарганча мадҳиялар айтмоқда, ўз кулликларидан фахр туймоқда. Ҳайронман, шу қадар қарам халқ қардан пайдо бўлди? Асрлар давомида етилдими ё? Бундай ожиз болаларни ким туғди? Қайси оналар? Нахот бир пайтлар юртга бостириб келган қудратли Эрон шоҳи Кирни қон тўла мешкобга тикқан Тўмарис қорнида бебурд болаларни тўққиз ой кўтариб юрса? Нахот, улар кул фарзанд кўрса, ожиз эрларни қучса?! Дунё ҳали доврўғини, қаҳрини унутмаган Темурни ўз халқи унутса! Худо бизга Ватанни берди, йўқотдик, Худо бизга қадим ва буюк туркий тилни берди, йўқотдик, энди ор ва номусни Ватансиз ва ғурурсиз миллатга берармиди? Худо берган тилу диндан тонмоқ – Худога қарши бормоқдир, бунинг оқибати мисли кўрилмаган фожиаларнинг ибтидосидир.

Муродий йиғлайди, талабалар ҳам. Мен куламан, кулгиларимдан бутун Берлин деворлари қақшайди – ўқ ёғилаётгандек.

Тинчлантирмоқчи бўлишади, аммо ичимдаги оғриқлар босилмайди, бостира олмайман. Жарликни кўмсайман, Қизил аскар суяқларини, ҳеч бўлмаса сўнгги тишини кидириб топгим келади.

Бобом елкамга уради ва шундагина кўкйўталдан қолгандай тинчийман.

\*

Берлинга оқшом мункайиб, ғамгин чўқди. Булутлар ва тутунлар орасида одамзод таратаётган нурга ўрин йўқдек кўз очиб бўлмас эди. Фаввораларда шаффоф сув отилмас, жигарранг бир мағзава сизарди. “Менинг қонимга ўхшайди бари”, – деб ўйладим мудраганча.

Оғир бир куйга айландим, уйқу баридан озод қилди.

Бекатда бир фохиша дуч келди. Эти суякка ёпишган танасини кўз-кўз қилиб айланди-да, бир қути сига-ра ва пиво учун ғамгин ҳаётимни чароғон қилишини айтди.

- Сен учун жуда кимматлик қилади...
- Қўшиқ ҳам куйлаб бераман...
- Алла айтоласанми?
- Ҳа.
- Бўлмаса, юр!

Уйнинг қоронғи бурчагига кирамиз, деразадан ойнинг нуригина бир чизик бўлиб тушиб туради. Шу ерга ётаман, ой дунёнинг энг гўзал гунг қизига айланган.

– Қани, бошла аллани, – ойга маҳлиё бўлиб қоламан. У чиндан дунёда биринчи ечинган энг гўзал қиз ва ҳамон боқира.

- Ечинмай ҳам сенга алла айтсам бўладими?
- Истаганинг!

– Ўйлаб кўрсам, мен бирор ишни ечинмай бажара олмас эканман. Ҳатто қаҳвани ҳам либоссиз дамлайман. Ҳатто ўликни ҳам ечинтиришади-ку!

– Ой ҳам шир яланғоч, аммо унинг гўзаллигини қара!

– Алла қайси тилда бўлсин? Инглизчани ҳам яхши биламан.

– Оналар тилидан бўлсин, қолган нарсанинг аҳамияти йўқ. Ойнинг тозаллигини қара, деяпман, унга қараб юзингни ювиб олсанг бўлади-я!

– Тепада нима бор, менга ҳеч нима кўринмаяпти? Фақат сенинг кучли тананг бор мен учун!

Унинг кийимлари сирғалиб устини бўшатганини биламан. Сўнг ойни аёл қомаги тўсади.

- Сени алладан қизғанияпман, тепадаги қора ойдан

ҳам...

– Аллани барибир айта олмайсан-а?

– Болам йўқлиги учун!

– 16 ёшга тўлмай тўрт марта аборт қилдирдинг. Арабнинг қўналғасида охириги болангни сувга улоқтиргансан.

– Йиғлагим келади, туғишни истайман...

– Шунча эркак билан ётиб, битта бола ҳам туғмай ўлиш даҳшат.

– Туғдим, фақат ҳожатхоналар учун!

– Бизда ҳам ҳожатхоналарга фақат қисталгани учун кирилмайди.

– Жигарим қуриб битди. Сен асраб қола оласанми?

– Қобирғаларинг ададича умринг қолган...

– Болаларимнинг пок руҳи мени кутқара олади!

– Алла айтиб ўлишни истайсанми?

– Энг улуғ орзум шу!

– Истасанг, кел, шу ишни қилмаймиз, мен боланг бўламан.

– Ростданми?

– Сен – онаман!

– Сен мусулмон, мен насронийман. Бизни нима боғлаб туради?

– Алла!

– Алла, алла, алла, алла...

– Чақалоқлар ва ўлиқлар орасида ҳеч қандай муаллақ умр йўқ! Бизда тобутга майитни солар экан, бешик каби тебратиб туришади.

– Ажойиб, мен бирон марта мотам маросимига қатнашмаганман.

– Ҳар банда ҳеч бўлмаганда бир марта қатнашади. Сен ҳам, албатта, ўзингникида ўша ерда бўласан.

– Чиндан менинг ўғлимсан, чўқинтириб олсам бўладими?

– Сен шу билан бахтли ўлсанг, мен розиман. Аммо аллақачон суннат қилинганман.

– Сенга ташлаб кетадиган ҳеч нима йўқ. Бахтли бўлишингни истайман, болам! Истасанг, хирсингни текин кондирай!

– Бахтли табассуминг етади...

– Мен сенинг олдинда уятлиман, авратим очик.

– Ҳозир туғдим деб фараз қил, чақалоқ каби сенинг тананг бир ранг мисоли, она!

– Шу ётишимиз нақадар гўзал... айниқса, ўлим олди... болам...

– Онажон...

– Кўкрак тутгим келяпти...

– Тут!

Тракторчим – тўртинчи амаким тепамда насроний онамга еб қўйгудай тикилиб туради.

– Мен ҳам касал, у ҳам, – дейди амаким пастга қараб.

У орамизда энг кучлиси ва уятлироғи эди. Унга ҳам лаънат таъсир этмоқда.

– Ўлим олди висоллашайлик, деб эдим, сағирим.

– Сиз ҳам...

– Ҳа, тракторда юравериб безор бўлдим, ётсам дейман мазза қилиб – ўлиб... – Менга гапиряптию, киприги билан тутунган онамнинг баданини силамоқда.

Дод солиб ҳайдайман уларни! Тутунган насроний онам кийимларини устига ҳам илмасдан амаким билан ғойиб бўлади. Ортидан телефон киламан, чалаётган қўнғирок овозини ҳам эшитаман, аммо кўтаришмайди. Жаврайман: “Бойларимиз ва борларимиз хотин атрофида айланишдан бошқа дуруст ишлари йўқ”.

Туркистон болаларига мактаб учун молхоналарни ҳам қизғаниб туришибди. Вой-вой, деб дард айтсак, эшитадурғон киши йўқ. Олмония, Дания ва Финландиядаги мактабларнинг ҳар бирида ҳаммом ва душ учун

айрим хужралар ҳозирланган. Ҳатто махсус ўралган ва сувлари доим алмаштириб туриладиган катта ҳовузлар бор. Буларда йилнинг тўрт фаслида болалар чўмилади. Алар мактабга қувонч билан келиб ва улуғ одам бўлишига ишонганча қайтиб кетади. Мактабда ҳам ўйнайди, ҳам ўқийди, ҳам ихтиролар ҳақида ўйлайди. Шундай тарбия бор экан, улар юз йилдан сўнг ҳам биздан устун бўлиб қолаверади. Бугун кўзимизни очмас эканмиз, қулликнинг муборак юз йиллигини тантанавор нишонлашимиз турган гап. Юз йил-а, юз йил?! Ё Худойим, ўзинг асра! Болалар таълими миллатнинг жон масаласидир. Буни унутманг, асло унутманг! Юксак маорифсиз биз миллат сифатида йўқ бўламиз!

Қизғанаман!

Фарзанди ўт ичида қолган онадек бўзлайман.

Муродий ҳамон Мейерсонни ўйлайди.

Бир сўз демайди. Аммо кўзларда ёнаётган Ватанни кўраман.

Ҳамон ухляпманми ёки адоқсиз ўйлар ичида кезяпманми, билмайман.

Қадамлар дунё ритмини бузаётгандек оғриқли.

Телефончи Қизтакани бўға бошлайди, бир юзу ўнинчи марта уни безовта қилиб, ўйиндан чалғитгани учун. Телефончи аллақачон қуриб бўлган, фақат суяқларигина қотирилган жойида қимирлаб турарди. Жанжал нимадан келиб чиққан, билмайман. Телефончи нуқул “Менга меҳрибончилик кўрсатма!” дер ва батгарроқ бўғарди. Қизтака узун суяқлар орасидан чиқиб кета олмас, камҳаракатлигидан бирдан кучдан қолди.

Қоровой ваннада қамалди. Унинг ўпкаси элакка айланди, минг бир тешик очди кўксидан, ҳаддан ташқари кўп чўмилганидан териси ириб битди, ўйилиб қолди. Шунинг учун уч кундан бери ваннадан чиқмас ва

оқариб ўлишини кутарди.

Қизтака ниҳоят қимирламай қолди. Унинг катта қорни шишиб кетди, юзи кўкарди. Қўлида қисимланган пул ўкиш тўловининг охирги сўмлари учун мардикор отасидан келганди. Энди ўлимликка яраб қолар.

Телефончи яна ўйинга ёпишди. У охирги босқичга етиб қолди.

Қоравой эса қулоқлари каби ўйиқ баданига термилганча ажал сасларини кутарди: “Фақат оқариб кел, қорайиб келма, ажал, ўлигини кўрган яқинларим шаҳарда қандай оқарганимни пайқасин!”

Мен эса мудрайман.

Ўлаётганлар кимлар?

Муродий билан сариқ ранг берилиб, бўртма нақшлар туширилган темир дарвоза қаршисига келиб тўхтадик. Баланд эшик ортида ҳашаматли уйнинг қизғиш томи кўриниб турарди.

Муродий эшикни урди. Шунда почта қутисидаги уй рақамига кўзим тушди, аввалига ҳайрон бўлдим, кейин эса манзилни эслаб қолишга уриндим. Ичимда бир-икки марта қайтариб, хотирамга миҳлаб олдим: 48. 14. 25-а уй!

Мен бу ерга яна келиб талабалар ўлмаганлигини жамоатчиликка ҳам исботлаб бераман.

Улар шунчаки эшакқурт ва қизил аскарларга ем бўлиб кетиш учун туғилишмаган!

48. 14. 25-а уй!

Сал ўтмай, ҳеч қандай қадам товушларисиз шу рақамлар ортида аёл пайдо бўлди. Эшик тирқишидан бизни кузата бошлади. Майин нафас олишлари эшитилиб турарди.

48. 14. 25-а уй!

Аёл нимагадир қулоқ тутгандай кулфни очмасдан котиб турди. Муродий ҳам бир сўз демади. Мезбон тўлиқ ишонч ҳосил қилгачгина шарақлаб эшик очилди

ва кўз олдимизда қувноқ, гўзал сиймо намоён бўлди.

Малла соч, хушбичим аёл хурсандликдан ёниб турарди. Нозик қўллари темир дарвозани тутганча иккимизга ҳам жилмайди. Мен унга бир муддат тикилиб қолдим, кимлигини эшлашга уриндим, аммо ақлим бундай бебаҳо чиройни аввал кўрмагансан, дея онгимга дўқ киларди. Ҳайрон бўлганча остонада кириш-кирмасликни ҳам билмай қотиб туравердим. Хоним ҳам ҳаяжонланганидан таралган калта сочларини силади, нимадир демоқчи бўлди-ю, гапира олмай қийналди.

Муродий мени унга таништирди.

– Ҳамюртим ва яқин дўстим! – деди у аёлга жилмайганча немисчалаб.

– Жуда хурсандман, – хоним ширин қулганча оппоқ, пахтадай майин қўлларини узатди. Аёлнинг хушчақчақ, оқкўнгил эканлиги шундай кўзларидан билиниб турар, ҳатто ҳозир ўта ҳаяжонланганидан қўллари сезилар-сезилмас титрарди. Оқ-сарик, лўппи юзларига болаларча қулгичлари шу қадар ярашгандики, у фақат бахтли онлар учун дунёга келгандай эди гўё.

48. 14. 25-а уй!

48. 14. 25-а уй!

48. 14. 25-а уй!

Бу манзил, албатта, эсимдан чиқмаслиги керак.

Лолага ҳам исботлаб бераман.

– Бу киши Мартава хоним. Менинг хотиним бўлади! – деди Муродий жиддий оҳангда. Кейин бу гапи менга қандай таъсир қилишини кўрмоқчидай кўзларимга тик боқиб турди.

– Нима бало, сизлар ўқишгамас, қизлар учун келдингларми Берлинга? – беихтиёр овозим жуда баландлаб кетади. Қулгимдан иккаласи ҳам бир дам жим бўлиб қолди. Мен эса уларни ўнғайсиз аҳволга тушириб қўйганимдан уяламан.



– Сиз ҳар қандай дипломдан баландроқсиз, хоним,  
– дедим сўнг бироз хижолат тортиб.

Ташқаридан ҳашаматли кўринса-да, уй ичкариси ортиқча безаклару қимматбаҳо мебеллардан холи, ҳамма нарса тартиб ва дид билан жойлаштирилганди. Деразалар катта-катта бўлиб, нақ эшик баробар келар, деворга туташиб ўсган гуллар эса бутун ҳовлини яшилликка солиб турарди. Ҳовли ўртасида каттагина оромкурси қўйилган, теварагида эса оқ-сарик рангда майда-майда очилган гуллар бор.

Муродий мени ичкари хоналардан бирига бошлади. Бу уйда Мартава хоним отаси билан тураркан. Уй соҳиби Англияга хизмат сафари билан кетган экан. Демак, биздан бошқа одам йўқ.

Мартава хоним қаҳва узатаркан, кўзларини турмуш ўртоғидан узмасди. Унинг боқишларида ширин меҳр яширин эди. Аммо ҳали эрининг бошига қандай мусибатлар тушушини билмайди! Эҳтимол, тасаввур ҳам қилолмас. Муҳаббат шундай, ёмон ўйлару хаёлларни юракдан қувиб солади, оламни турфа рангларга, орзуларга айлантиради. Яшашнинг ўзи бахт, муҳаббат эса баридан қудратли туюлади.

Ох, Мартава хоним...

Ох, Лола...

Севги ҳам беш ҳарф, кафан ҳам.

Бошда кафанлик билан бирга айрилиқ ҳам ўроғлик туради.

Биз учун аллақачон дастурхон тузаб қўйилганди. Столнинг бир чеккасида Муродий билан Мартанинг (Муродий Марта дея чакиргани учун мен ҳам шундай мурожаат қилишга журъат этдим) бирга тушган сура-ти турарди.

Муродий қанчалик жилмайишга уринмасин, кайфияти яхши эмаслигини аёли тезда пайқади. Унга менинг маънисиз кулгиларимдан нима наф, севганинг

юзи ёришмаса оламга куёш чиққани билан зулматлигича қолаверади. Шунинг учун Марта уни ортиқча гапга тутмай, бизни холи қолдирди. Муродий қаҳвага лаб босганча, нималарнидир ўйлаб жим бўлиб қолганди. Бугунги воқеалар ҳар қандай одамни эсанкиратиб қўйиши аниқ. Бутун бошли миллат талабаларнинг ёруғ юз билан қайтишига кўз тикиб ўтирган бир пайтда, бир ғаламис келиб барчасини вайрон қилса, умидларни ўлдирса, мақсадлар устидан ахлат ағдарса, кулса, бундан ортиқ хўрлик борми? Балки, Муродий келажакда ўзларини нима кутаётганлигини тахмин қилаётгандир. Мартадан айрилишни, уни ортиқ кўрмай, сиёсий айбловлар сабаб йўқ бўлиб кетиш даҳшати-ни-да бўйнига олаётгандир.

– Сиз ўлимдан қўрқяпсизми?

– Ўлимми? Қўрқаман, ҳа.. қўрқаман. Аммо миллатим олдида юзим шувут бўлиши минг марта ортиқ мени кўрқитадур.

– Хонимингиз сизга жуда муносиб, худди миллат дарди каби.

– Марта менинг туйғуларим, томиримдаги қон янглиғ юрагимда, танамда, ўйларимда кезиб юради. У менинг денгизим, кўзим ва қувончим. У менинг сўзим, аъмолим ва бурчим! Аммо Ватан турибди, унга ҳеч бир кучни тенг қила олмайман. – Муродийнинг изтироби тарқаш ўрнига ортиб бораётгандай, ўйчан нигоҳлари баттар қуюқлашиб, қовоқлари осилиб кетаётгандай кўринарди. Уни бу ҳолда кўриб, ўзимни қувноқроқ туйтишга, биров чалғитишга уриндим.

– Ўзбек қизига ўхшаркан!

– Бобоси поляк, момоси немис, онасининг уруғи-да эса турк ва русларнинг ҳам қони бор. Шунинг учун Мартани барча миллатларнинг энг сара гулларидан бунёд бўлган нозик гулдаста, деб биламан. Кўзлари бошқача, қандайдир ғалати, менимча, болалик туйғуларининг тириклигидадир. Қалбининг самимийли-

ги чиройини бойитиб, асраб келаётгандай, мен уни изтиробларим билан синдириб қўйишдан қўрқаман. Аллоҳга қасамки, усиз яшай олмайман! Олмонияга келганимнинг иккинчи йили Марта билан танишдим ва бир кўришда туйғуларимни топганимга ишондим. Унинг отаси катта турколог олим, жамоат арбоби. У мени шу уйга таклиф қилганда Марта роялда Шубертнинг куйини ижро қиларди. Гўёки сеҳрли оламга тушиб қолгандай эдим. Аста-секин у билан танишдик, қалинлашдик. У шеърятни севади. Чўлпон шеърларини таржима қилиб бердим, тамомила мухлисига айланди. “Чўлпондан улуғроқ шоирингиз яна борми?” – дея сўрайди нукул. Кейин ўзи жавоб беради: “Йўқ, Чўлпондек йўқ”, – дейди. Худо насиб қилса, Ватанга қайтгач Мартани шоир билан кўриштираман! Ҳа, жуда хурсанд бўлади. Биз Марта билан ўтган йили турмуш курдик. У жуда покиза аёл, мен ундан бошқа бирор бир хотин билан яшашни тасаввур ҳам қилолмайман! Мен Осиедан, у Оврўпадан! Такдир бизни бир юракка бирлаштирди, бир қисмат сандиғига ташлади. Гарчи Туркистон талабаларига маҳаллий қизлар билан яқин муносабат куриш таъқиқланган бўлса ҳам чин муҳаббат ҳар қандай тўсиқни ҳисоб билмас, енгиб ўтар экан. Агар туйғу чин бўлса, ҳаётинг севги бўлса!

Муродий шукрона айта туриб, кўзларини яна шифтга тикди. Маҳзунлашди. Негадир энди сўзлари хавотир ва умидсизлик оҳангларига қорилиб, босилиб-босилиб чиқа бошлади:

– Борғунимча Чўлпон тирик бўлсин-да! Катта бир хатар кезиб юргани рост, таҳдидлар ортиб, совуқ ниютлари тобора очиқ кўриниб қоляпти. Бугунги ишни кўрдингиз-ку ўзингиз...

– Чўлпонга пичоқ уриб бўладими? У олов-ку! Ҳатто унинг терисига эшакқуртларнинг ҳам тиши ўтмаган, оғзи куйган. Аммо халқ гапи – чўғдаги қозиқ. Мингта Чўлпонни адо қилади, еб битиради. Сохта

сиёсатга алданиб қолган халқ!

Шунда Марта хоним яна тавозе билан кириб, оқ атиргул тасвири туширилган хитой чиннисида чой узатади. Гапимиз кесилади. Муродий ҳам бироз ўзини босиб олиб, чойни ҳўплаб ича бошлайди ва Мартага немисчалаб раҳмат айтди:

– Сенга кўп раҳмат, жуда ажойиб бўляпти ҳаммаси,  
– Марта хурсандлигини яширмади, шод бўлиб, немисчада нималарнидир гапирди, бу гал сўзларининг маъносини тушунмадим. Балки, немисча севгининг тилини англай билмасман. У чиқиб кетгачина гапида давом этди Муродий. – Мартанинг бошига Ватаним туфайли балолар ёғилишини истамайман. Бугунги воқеадан ҳам билдингизким, ортга қайтганимизда бошимизга кўп нарса аталган! Шу сабаб Мартани кўпроқ ўйлайман, кўз ёшларини кўриш мен учун ўлим! У зодагон оиланинг ёлғиз дилбанди, айби эса менга кўнгил қўйгани. Гоҳида севиб чакки қилганми, деб ўйлаб қоламан. Бизнинг олдимизда миллат озодлиги учун шафқатсиз кураш турибди, умр кураши! Ҳар қандай кураш эса қурбонларсиз бўлмайди. Йўқотишларга Марта бардош беролмайди. Ўзимнинг эрта заволимдан кўра, аёлимнинг менсиз тушадиган аҳволдан кўпроқ қайғураман! Гоҳида Мартани ташлаб кетсамми, деб ўйлаб қоламан. Бу энг мақбул йўлдай кўринади. Боя айтганимдай, бизнинг қоидаларга кўра оврўпалик аёлларга яқинлашиш қатъий тақиқланган. Бу муҳаббат хасталигига чалиниб, Ватан йўлидаги катта мақсадлардан оғишмаслик учун ўйлаб топилган талаб. Бу қоидаларни рўқач қилсам, Марта тушунар, аммо кейинги ҳаётини барбод қилади, мен эса бахтимга нуқта қўяман. Биласизми, Мартани севганим сайин халқимни ҳам кучлироқ англаб, севиб боряпман. Бирор кимга муҳаббати бўлмаган одамнинг ҳеч нимага, ҳатто Ватанига ҳам садоқати, кучли

туйғуси борлигига ишонмайман. Севги юрагингни тўлдиради! Лоқайдлик ва сусликни ўлдиради! Чин ёри бор эркак мудрамайди, кўркмайди, хар балодан қайтмайди, қалтис сонияларда қалтирамайди. Энг ёмони, туйғусизликдир. Ватан туйғусиз одамлар қўлида қолмаслиги керак. Жиловланган туйғу доим яширин бўлса-да, бўлиши керак. Ватанни каслардан асрамоқ шартдур! Бу йил дипломни ҳимоя қилиб, Мисрга тажриба ошириш учун кетаман. Бунинг учун хозирдан Олмон ва кўхна Миср маъмурлари билан келишиб қўйдим. Ал-Фарғоний қурган “Нил” устурлобини ўз кўзим билан кўриш истагида ёняпман. Ал-Фарғоний барча замонавий ирригатор ва агрономларнинг устози ҳисобланади. Улкан тараққиётга эришган Оврўпа саноати ўз-ўзидан юксалиб колмади, замирида бизнинг боболар улуши ҳам улкан. Алар колдирган илмий китоблар ҳиссаси эса чексиз кучга эга. Буни Оврўпа тан олишга мажбур бўлмоқда. Аммо ўзимиз беҳабармиз ва ҳатто билмаслигимиздан андиша ҳам қилиб ўтирмаймиз, юзимиз кизармайди. Биз битта-битта улуғларимизни-да бой бериб, бошма-бош чопиб ташлашларини томоша қиламиз, худди бозордаги қўғирчоқ томошаси каби таъсир этади бизга. Аҳволимиз шу... Шунинг учун сафар қилиб, ўзга эллардаги ҳаёт, мустамлака тузумда яшаётган халқларнинг аҳволини ўрганмоқчиман. Мисрда бир йил бўлиб, ҳаммасини изчил таҳлил қиламан, немис ва ўзбек тилида бир қўлланма яратиш ниятим бор. Шундан сўнг Берлинга қайтаман, сўнг Мартани олиб Тошкентга отланамиз...

– Сизни отишади! Ҳаммангизни, битта қўймай... Тақ-тақ... тариллатиб отишади... Ўқлари бизникидай хато кетмайди. Қайтманг Ватанга... Мен йўл қўймайман. Қизил аскарлар қамашади ва сўнг икки қошингиз ўртасидан тешик очишади! Мартанинг шахло кўзлари ёшга тўлиш учун эмас, кулиш учун

яралган, у бировларнинг Ватани учун азият чекишга мажбур эмас.

– Менга бўлган муҳаббати унинг Ватани! – Муродий ўрнидан туриб кетди.

– Умид изламанг, ўзни алдаманг, сизни отишади. Бир сиз эмас, қайтганларнинг ҳаммасини ваҳшийларча “тақ-тақ” отишади. Тунларимизни ёритиб турган юлдузларни Мейерсон санчқи билан олиб, бирма-бир оғзига тикади ва ўзига ўт кўяди. Ва, албатта, орангиздан қизил қахрамон чиқиб сизларни сотади.

Куламан, даҳшатли чийиллашга монанд кулгим анча вақт ўпкамада байроқ каби ҳилпирайти.

Муродий мард йигит.

У ўлимга ҳам, унинг дарагига ҳам, маълум сониялар танани қуршаган кўрқувига ҳам тик қарай олди, курашди:

– Ҳамманинг устига бир кун тупроқ тортилади, тана руҳдан айрилади, қора мозорда қолади, куртларга емиш бўлади. Қайда бўлмайлик бир кун жонни ўз эгасига топширамыз. Аммо миллат учун узилмоқнинг шарафи тенгсиз, ўлчовсиздир, агар миллат учун курашган эр йигитлар отилса, тириклик ҳаромдир мен учун! Бундай номусга кўна олмайман, болаларимнинг кўзига эрта қарай олмайман!

– Мартанинг иссиқ бағрини ташлаб кетасанми, ҳадемай қизинг туғилади. Миллат орзулари-чи, шу қизинг сингари етим қолиб кетаверадими? Ё ўзига душман одамни ота биладими? Улуғ ғояларни қучоқлаб қора тупроққа киришдан қандай манфаат? Сизлар кўп ўқидингиз, аммо ҳали ҳам ғўрсиз...

– Ҳамзанинг эл аро машҳур бир шеъри бор: “Олим бўлсак дунёда, келур ҳар иш бунёда, биз ҳам сув остин кезиб, ҳам учамиз ҳавода”. Ҳамма ўлимдан кўрқиб Ватандан қочиб юриверса, илғор шоиримиз айтганидай, қачон биз ўзимизнинг сув ости кемаларимизда

сузамиз, осмонларимизда учамиз? Ўзимизнинг жонни асраб, тинч ва узоқ яшайлик, деб Ватанга қайтмасак, ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди-ку! Мустабид тузум қилаётган даҳшатларни қаранг! Ҳукумат ишчилар ва мазлумларга паноҳ берувчи мўъжизакор, гўёки партияни нимани сўрасанг муҳайё қиладиган Хизр пайғамбарга айлангириб кўрсатишяпти. Худосизлик фан сифатида ўқитиляпти, одамларнинг қалбидан Аллоҳни қувиб партияга сиғинишга даъват қилинмоқда. Бу жаҳолат, бир элга нисбатан зулм бундан ортиқ бўлиши мумкинми? Одамлар тобора қарамликка кўниб, ҳатто бундан ўзларига қандайдир бахт излаб топмоқдалар. Минглаб инсонлар босқинчиларга сотилган, хоин, улар ўз биродарларини, миллатини сотяпти, ўз одамларини қиряпти, ёки қамоқ учун ушлаб беряпти... Айтинг, биз шунақа халқмидик? Биз сотқин, кўрқок ва қулликдан шодланадиган халқмидик?! Наҳот Улуғ давлат бўлганлигимизни, бутун олам бир вақтлар биз билан ҳисоблашганини унутиб, қуллик занжири билан уят жойларимизни беркитмоқдамиз! Қуллик тўшагида кўрқув ва хоинлик ишқидан туғилган авлод ким бўлади, ким? Алар Худо берган тили, дини ва миллатидан жирканадиган ҳайвон бўлиб ўсмайдими? Жон ва қон бузилмайдими? Айнийди, турон миллатининг покиза қони бузилади! Аммо биз миллий ёшлар уйғоқлигидан, жадидлар раҳнамолигидан унумли фойдаланмоғимиз, XX асрнинг илк чорагидаги тарихий вазиятларни хуррият томон хизмат қилдирмоғимиз шартдур. Агар совет ҳокимияти кучга тўлса, бизни бўшатмас, кейинги юз йилликларда ҳам харобликдан чиқа олмаймиз, қуллик тамғаси ила авлодлар қора мазорга кўмилади. Шу тарихий маҳалда кузатувчи бўлиб Берлинда роҳат қилиб яшай оламанми? Ватанимдаги очиқ мазорлар, билсангиз, мусофирликдаги қасримдан ёруғ ва кенг кўринади!

– Ўқ! Совуқ ўқ дипломингни тешиб, пешонангга

қадалади. Танангни куйдириб, итдай хор бўласан!  
Эшакқуртлар сенга “Ассалом”, дейди.

– Гар дор кўринса олис-олис Туркистонимда, ўша сўппайган устун сенинг ажалингни миндирган десалар, ортга боқмайман, чунки ўша оғоч, Ваганимнинг тупроғидан унган ниҳол азиздир кўзимдан хатто. Ўлимдир миллатинг ўлаётганда тирик қолиш! Ўлимдир қочиш, ҳақиқатга тик боқмаслик, авлодлар учун курашмаслик, ўлим иймонсиз қолиш ёлғонга кўниб!

– Кўйсанг-чи баландпарвоз ҳилпирашларингни...

– Минглаб ёшлар керак, “мен-мен” эмас, миллат дегувчи, илмни маҳкам тутгувчи, чин сўз билан танглайи қотган, дунёни англаган, кўрган, тажрибадан кўркмайдиган ақлли бошлар! Мамлакатнинг илдизи, ўзак томирини шундай ёшлар ташкил этсагина улкан қудрат бунёд бўлажак. Аммо бу ёшлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, ҳеч давлатда бундай бўлмаган, меҳнатдан унади, улар оталарнинг заҳматидан, қонидан ўсиб чиқади, миллатнинг шўридан гул бўлиб чиқади. Ўзбошли ёшлар бўлиши учун миллионлаб оталар умридан кечмоғи керак ва бу арзирли ҳамдир. Биз шунинг учун ҳам қайтишимиз керакки, яна минглаб талабалар Олмонияга келсин, аларни жўнатиш бизга қиёмат қарз!

– Ҳеч кимни жўната олмайсизлар! Бирорта ўзбек ё қозоқ, қирғиз ё туркманнинг совет чегарасидан таълим учун чиқиши ўлими билан тугайди. “Тақ-тақ” ажалинг кўнғироқ чалапти. Ҳамманг ўлим томон отланяпсан! Хайр! Эшакқуртлар салом берганини эшитган онинг гўринг қазилади қора зиндонда!

Муродий кўрслик билан айтаётганларим ҳақиқатга яқинлигини англаса-да, тан олгиси келмас, ахир умиди, орзулари ва ўзи-ўзига ичган онтлари бунга бўйин эгишга йўл ҳам қўймасди.

– Агар ортик болаларни юбориш имкони бўлмаса, ўзимиз ўқитамиз, ўзимиз тайёрлаймиз. Керак бўлса,



ҳар биримиз Олмония бўламиз, бир дорилфунун бўламиз. Шунда минглаб миллатпарвар буй кўрсатади, чор тарафдан ихтиролар хушхабари янграйди.

– Ишонма, ўтинаман сендан... Сояси тупрокни булғаган ҳар касга инонма, ўта кўрқоқ сотқинлар галаси. Отилаётганинда сен курашган оломон ўлигингни томоша қилиш учун отилади, билки, уларнинг хитобларига ҳам ишонма, бари кўркувдан фарзанд кўрмоқда.

– Демократияга ҳам ишонмайми?

– Энг хавфли душманинг-ку! Барчаси шу никобдан фойдаланишади. Гўдаклар покиза, тоза ва озода қон билан яшайди, уларга алдан, алдансанг холос. Сизни бир кун отса улар отсин, миллат қаҳрамони душман кўлида хор бўлмасин деб!

– Олмонияга келишдан олдин бўйнимизда бир ўлимдан бўлак ҳеч вако йўқ эди. Қайтаётганимизда ҳам шу бўйнимиздан тушмагайдур! Бир жоним ҳам Ватанимга омонатдур!

– Ўлим қаҳрамонлик бўлмаган, тириклар керак миллатга!

– Улар Олмонияда ўқиган талабалар қандай кучга эга эканлигини кўрсин, Туркистоннинг юраги асли қандай уришини шунда эшитади. Чизиб берган турли чегаралару хариталарга тупуришимизни айтамыз, кўзларимиз олисларни ҳам кўра олишини англамаймиз. Қолоқ ё саводсиз деган атамалар энди Туркистон учун эскирган сўз эканлигини тушунишга мажбур этамиз. Биз ҳам ҳамма қатори зехн ва тафаккурдан махрум бўлмаган миллат болалари эканлигимизни исбот этишимиз шарт! Бўлмаса, ўз инида ит оёғидан эзилган кумурсқалардай янчилаверамиз! Ўзбеклар пахта териш ёки қабр кавлаш учун туғилмаганлигини, не деса кўнмоқ учун бу дунёдан нафас олмаётганини билишлари шарт. Ва, энг муҳими, бу тупроқ бизнинг боболарники,

дарёлар муқаддас қонимиз, тоғлар жонимиз, момолар сурати қолган тошлар ҳам шаънимизлигини улар англаши шартдур. Нега мен ўз уйимга бориш учун бировлардан рухсат олишим, кўрқишим, хайқишим керак? Йўқ, асло!

Хона бирдан ажал исига тўлгандай иккимизни ваҳима босди. Муродий сўнгги бор йиғлади, кўз ёши ажал билан яккама-якка курашишни истаган одамнинг сўнгги ҳаёт мактубидек тўкиларди.

– Йиғламанг, кулиш керак бу халқнинг устидан! Оҳ-оҳ, макташга ўчмиз, ордан ёмонлашга. Жирканч-миз-да. Сизни ҳам худди шундай алқовлар билан кутиб олишади. Қарс-қарс қарсақлар! Бизнинг “Олий маълумотли агроном келди!” дея оғиз кўпиртиришади ва бир неча йил ўтмасдан ундан паст бўлмаган овозда: “Йўқолсин “халқ душмани”, – дея сўкиб, тупуриб қамоқхонага кузатишади. Мақтовлар ва сўкишлардан ўлиб бўласиз!

– Нима фарқи бор, топганимиз оғиздан тупук аралаш чиққан сўкишлар, музлаб ётган мозорлар бўлса. Агар биз фақат нафсимиз учун яшасак, бутун миллат лаънат ўқимайдими, қабримизни топиб, ковлаб топтамайдиларми? Кичрайган, куйган, кўқарган эшаккуртлардан ярим чала қолган сўнгақларимизни итларга отмайдиларми? Биз шу миллат пулига ўқидик-ку! Танглаймизни шу миллат кўтарди-ку, наҳот энди ўзимизнинг жон кўзга кўринади, наҳот Аллоҳнинг сўроғиданмас, ўриснинг терговчисидан кўрқамиз! Олмонияда қолиб кетадиган бўлсак, талаба жўнатишдан не фойда, дея илғор тажрибалар шу билан ўлади ва бошқа ўқиш учун талабаларни юбормай қўйишади. Улар бутун Германияда қолиб кетган фарзандларидан нафратланишади. Биз бу ерда қонимиз тўкилмаслигини ўйласак, 12 миллион<sup>20</sup> халқнинг қонсиз жонини ким

---

<sup>20</sup> 1920 йилдаги Ўзбекистон аҳолиси сони.

ўйлайди? Ким алар учун курашади? Айтинг, Москвада маориф олганларми? Алар аллақачон ўрнлашиб, оғаларига тан бериб бўлишди, чунки таълим сиёсат билан боғланган, кизил таълим – кизил сиёсатдур. Алар миёсига қуллик ва оғалик ҳислари экилди, ҳатто шуурда кўкартириб ҳам бўлди. Энди бу “зиёли”ларнинг аксарияти ўз миллатига хавфли душман бўлади, холос. Ватандаги асл ҳолатни ўз кўзим билан кўришим керак, бошқача бўлмайди. Бу ердаги талабалар келажаги учун ҳам бу муҳим. Менинг ўлишим ё қолишим уларнинг-да қайтиш ё қайтмаслигини ҳал этиб беради. Токи ўлим отамиз, онамиз ва Ватанимиз каби ягона, жуфти бўлмайди.

Марта хоним Муродийнинг ортиқ азобланишини истамайди, бағрига босади.

Шахло кўзларидан хунук хавотир оқади, кўрқув оқади. У менга ёмон қарайди. Ҳозирдан азобга қўйдим уларни. Оҳ, бошларингга тушадиган даҳшатларни қайтариш учун эшаккуртларга тириклайин ем бўлишга ҳам рози эдим.

Тракторчи амаким ва тутинган онам арокқа бўкканча кириб келишади.

– Жиян, суюнчи бер, немис хотиним ўғил туғиб берадиган бўлди, ўзимники фақат киз туғди, итнинг боласи...

– Болажоним, – дейди насроний онам мени кўриши билан бағрини катта очаркан. – Сенга қанча раҳмат айтсам арзийди, мен ҳомиладор бўлдим. Уканг туғилади.

– Иккингиизнинг ҳам бор-йўғи уч ойлик умрингиз қолган! Боланинг юраги қонингиз совуши билан тўхтайтиди. Агар курсоғингиз унғача тутиб тура олса.

– Боламни нариги дунёда туғарканман-да! Нима қилибди, ҳамма нарса бепул, бетаъма! Исонинг ўзи уст-бош олиб беради! – у хохолаб кулади. Амаким эса

деворни муштлаганча қаршилиқ қилади.

– Йўқ-йўқ! Менга шу дунёда керак, у ёқда пишириб ейманми? Ким мени кўмади, наслимдан бир эркак уруғи қолсин, ахир!

– Ўзим кўмаман.

– Сағирим!

– Сизни ҳам, онажон... Афсуски, ўғлингизни ҳам... Орзуларингиз ҳам қолиб кетмайди, ҳаёсизлигу гунохларингиз ҳам тупроқдан ташқарида қолмайди!

– Йўқ! – дейди амаким.

– Мен ҳозир ўламан, – деб кўнади тутинган онам.

– Уч ой боланг билан бирга яшашинг мумкин-ку! Наҳот бундан воз кечсанг! – дейди тракторчим онамни силтаб!

– Йўқ!

– Қизимни эрга беришим керак! Сенга юк бўлди, сағирим!

– Тракторингизни сотмадингизми?

– Ўғлимга қолади, насроний ўғлимга!

– Наслимиз қурийди, сизники ҳам, меники ҳам. Чунки бизнинг боболар миллатни сотган!

– Болам, мени кўмасан, ҳа-ҳа, кўмасан, – дейди ва устимдан шариллатиб бир челақ сув қўяди онам. – Тобутимни аллалайсанми?

– Истасангиз, иккингизни денгизга улоқтираман.

– Йўқ, биз бирга қабрда ётамиз, фарзандимиз хун бағримизда туғилади. Фақат сен бизга колбаса ва пиво етказиб турасан. Шунда савол-жавобларга ҳам дадил жавоб бериш мумкин, қизармай, кўркмай, очикмай! – дейди ўлимга осон рози бўлиб амаким!

Тутинган онам чўмилгани кетади. Амаким эса уни сувдан ҳам қизғониб елкасига кўтариб олади ва қикирлаганча қаергадир ғойиб бўлади. Ростдан қорни билиниб қолибди. Афсуски, чақалоқ она қорнида улардан бирозга кўпроқ яшайди.

\*

Қайт қилдим. Бошим ёрилай дерди. Хонага қандай етиб келганимни эслашга уриндим, аммо оғриқдан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Ичим аччиқ тутунга тўлган, ўтда ёнардим, суяқларим қақшар, ковокларим кўқариб кетганди, худди биров бехосдан тирсаги билан уриб юборгандай. Хуруж ўтказган хаста эдим гўё, силлам қуриб, оёқларим қалтирарди. Юрагим тез-тез, нотекис урар ва шпалларга урилаётган поезд вагонлари каби кулоқларимга аниқ эшитиларди.

Жигаримдан хавотирда эдим, у катталашиб кетгандай, ўнг тарафимда тарвуз кўтариб юрганга ўхшайман. Тушиб кетса борми, кизил қон ва бор умидим ерга сочилади.

Қайт қилгим келди. Аммо қўрқардим, қуриб битган жигар оғзимдан куюлиб тушса-я!

Ётдим, тушу хаёлларсиз бир соат ухлагим келди, икки соат қотибман.

Тура солиб муздай сувга бош сукдим, кўзим очилди, оғриқлар, ваҳималар ҳам ювилгандай енгил тортидим. Деразани очишим билан салом беришга ошиққандай тоза ҳаво юзимга урилди, худди Берлинда эмас, ўзимизнинг Аму бўйларидагидай тасаввур этдим.

Ҳозир дарёнинг ифори келади, деб кутдим. Кутавердим, аммо Аму мангу қуригандай жим эди. Шунда Муродий билан қилган суҳбатимиз ёдимга тушди.

Хотини Марта, сўнг эса улар манзили – 48. 14. 25-а уй!

Ё Худойим, у ерга боришим керак!

Ҳа, ҳаммасига аниқлик киритиш фурсати етди. Ўша уйни қидириб топаман ва бундан қарийб юз йил олдин Марта хоним отаси билан яшагани ёки йўқлигини биламан ва шунда барчаси аниқ бўлади. Ҳамма-ҳаммаси... Ҳатто ажал соатлари ҳам.

Тўққиздан ўн дақиқа ўтибди. Шошилишим керак... Куламан, барчаси тўсатдан аҳмоқона фикрдек туюлиб кетади. Ўз замонидан юз йил ортга чекинишни фақат аҳмоқларгина хоҳлайди. Аммо мен бормасам бўлмайди.

48. 14. 25-а уй.

Телефонимни зўрға топдим. Лола қўнғироқ қилибди, сўнг смс, бир эмас тўртта. Ҳозир очиб ҳам кўргим келмади. Аммо нималарни ўйлагани қизик: “Сенга жин урдими? Ўзингни жуда ғалати тутяпсан? Ё мени ортиқ кўришни хоҳламайсанми? Сен учун келдим дегандинг? Ҳаммаси ёлғонми-а? Талабалар олдида мени шарманда қилдинг...”

Қайси талабалар? Етмишвойларми?

Мен учун дунёда улардан бўлак талабалар йўқ.

Кетишим керак.

48. 14. 25-а уй!

Таксига манзилни айтиб кўраман, топиб борса, ишим осон битади, агар билмаса, уй-жой идорасига телефон қиламан, архив ҳужжатларини кўтараман. Бу иш борасида бироз эвим бор.

Энди чикмоқчи бўлиб турувдим, қаршимда Лола пайдо бўлди-ю, барчаси ўзгариб кетди. У ҳорғин, сочлари тўзиган, ортиқча бўянмаган, ковоклари осилган, юзига ярим ой шаклида тушган ажинлар аниқ кўриниб турарди. Биринчи марта уни шундай ҳолда кўришим.

– Мен бир жойга чиқаётгандим...

– Кет, демоқчимисан?

– Ҳа!

– Қаерга отландинг?

– Бир аср орқага!

– Жинни, телба, аҳмоқ!

У шу онда ҳорғин, беписанд боқишлари совук овозига кўшилиб менга умуман бегона туюлиб кетди. Лола чуқур-чуқур нафас олар, ичидаги аламларни

менга сочиш учун фурсат пойларди.

– Қандай одамсан? Нималар қилиб юрибсан? Бирон хабаримга жавоб ёзмайсан, кунлаб хонадан чикмай қамалиб оласан? Нималар қиялпсан ўзи? Сенга бало урдими? Хавотирланыпман... У ёқда амакиларинг телефон қилгани қилган!

– Кулгимни қистатма. Қайси амакиларим, уларнинг бари ўлим ёқасида-ку!

– Аҳмоқликни бас қил. Сенга одам деб гапиряпман.

– Лолам! Мен яхшиман, хатто жуда яхши. Ҳозир бир жойга шошиб тургандим, талабалар, тарих, миллат... Қисқаси, муҳим... Майлими, ҳаммасини батафсил... кейинроқ гаплашсак... У ерга сени олиб бораман... – унинг қўлларини ушламоқчи бўлдим, у силтаб ташлади ва баттар жазавага тушди.

– Миллатинг ҳам, тилинг ҳам, тарихинг ҳам мен учун бир тийин. Фақат бир нарса қийнаяпти, сенга нима бўлди? Соғмисан?

– Касалман миллат дарди билан.

Бақириб куламан. Юрак яна тоша бошлайди, кўрққанам манзилни эсдан чиқариб қўйишим мумкинлиги.

– Майли, яна бир кун... Мен боришим керак. 48. 14. 25-а уйга, 48. 14. 25-а уйга.

– Одам ҳам шунақа бўладими? Нима учун Германияга келгандинг? – Лоланинг кўзларидан дона-дона ёш куйиларди. – Кеча ресторанда ғалати томоша кўрсатиб шарманда қилдинг. Даврани остин-устун қилганинг етмагандай, бир оғиз узр сўраб кўймадинг. Мен ҳам одамман! Менинг ҳам кўнглим бор. Улар кимнинг болалари эканлигини биласанми? Юзига туфлаганинг Ширинбек сени тинч қўяди, деб ўйлайсанми? Кечадан бери ялиниб ётибман бирор балони бошламаслиги учун, аммо сен буларни билармидинг? Севгини билармидинг! Тарих дейсан, миллатни уйғотаман, дейсан... Аввал ўзинг уйғон, ўзинг одам бўл!

– Ўзимни уйғотишим кўлимдан келмайди, Лола...

– Бунча худбинсан! У сени отасининг бир оғиз гапи билан Ўзбекистондан бадарға қилиб юборишга қодир. Сен бўлса уларнинг юзига туфладинг...

– Мен аллақачон уни унутганман. Ким ҳақида гапиряпсан? Менга Туркистон талабаларидан сўзла!

– Ўзингни гўлликка солма!

– Нималар деяпсан, Лола? Ким мени Ватанимдан бадарға қилади? Ёлғиз хиёнатимгина менга бир сиқим тупрокни харом қилиши мумкин. Наҳот шу сўзларни сен айтяпсан, сен-а? Қачондан бери бировнинг пули сенга шараф бўлди, баҳо бўлди? У мени ўз Ватанимдан бадарға қилармиш...

– Бўлди қил, фалсафий гапларингдан чарчадим, тўйдим, жинни!

У бошини чангаллаб ўтириб олди.

– Қишлоқда бахтдан қалдирғочдай овозсиз учиб юрганнимизда шу сўзларни кун келиб менга айтаман деб ўйлабмидинг? Ё ҳаммасини унутдингми?

– Ҳа, унутдим! Оч, кўрқиб тонг оттиришни унутдим, эртага нима еймиз, деб йиғлашни эсдан чиқардим, эски холамнинг қизларидан қолган кўйлақларни кийишни унутдим, ўша қарғиш теккан, азобга тўла кунларимни, исқирт, газсиз, чироқсиз лаънат теккан қишлоқни буткул хотирамдан суғуриб, кўмиб юборишни истайман. Холамнинг эри онамни зўрлашларини ҳам кўмдим, менга фақат ва фақат азоб берган Ватанини унутдим!

– Лола...

– Ҳамма ўзгарди, сендан бошқа. Ортиқ жирканч ва адолатсизликка, хор-зорлик тўлган кунларимга қайтишни хохламайман. Қандай даҳшат эди ўша қонли кўз ёшлар! Оч-наҳор, чироқсиз, совуқ уйларда изиллаб тонг оттиришларимиз... Отам бир кун маст келмаса, шу кун биз учун энг катта байрам эди, шу тун Наврўз эди. Янги йил, Саккизинчи мартми – барча байрам-



лардан нафратланаман, чунки ўша кунлар отам арокка бўкиб келар ва биз тунни кўчада, деразадан хурсандчилик қилаётган қўшнилари кузатганча ўтказардик! Сен... буларни... қаердан ҳам билардинг...

– Мен билмайманми, Лола?

– Билмайсан! Ҳеч қачон мендай хўрлик чекмагансан, очлик ва совуқда қақшамагансан! Энди сира азобли кунларимга қайтишни истамайман, асло...

Лола бошини эгганча ёш тўкарди. Ёнига бориб, кўзларини яшираётган нам бармоқлардан тутдим.

– Бўлди...

– Кеча мени шарманда қилиб, кейин бир оғиз ҳам узр сўрамадинг, ҳолинг қалай демадинг!

– Қўй уларни, Лола!

– Йўқ-йўқ! – у асабий ёшларини артганча нари сурилди ва қўллари билан мени итариб ташлади. – Оиламга улар орқали қанча ёрдам бераётганимни биласанми? Бечора онамни ўйлайман! Холамнинг қўлида хизматкордай яшайди, поччам унга неча марта тажовуз қилгани-чи? У ҳатто мени... йўқ... Сен миллат, тил ва Ватан деб юравер. Мен онамни яна хорлик кўчасига тушиб қолишларини асло истамайман! Улар Ўзбекистонда удалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ, тўсадиган, тўхтатиб қоладиган қонун ҳам йўқ, қонун ўзлари, оталари... Хоҳласам-хоҳламасам, мен улар билан биргаман, шундай бўлиши керак... Онамни кутқариб қолишди, ахир!

– Қанчадан-қанча ўзбек болалари дунёга тарқалиб кетди. Улар очдан ўлмаслик учун энг паст ишларга рози бўлиб туришибди, ким улардан ҳол сўрайди? Буларнинг оталари эса шу миллионлаб ишчиларнинг пулини киссасида жамлайдиган ҳаром банк соҳиблари. Қонунсиз ишдан қонуний фойдаланишади. Миллионлаб ишчилар улар учун миллионлаб доллар, ҳолос. Оддий ишчилар одам эмас!

– Кўзинг ва қалбинг кирга тўлибди, уларни кўра

олмайсан!

– Тағин улар шу ҳаром пулига боласини ўқитади ва яхши инсон бўлсин, деб ният қилади. Кулгили, сен эса шуларга шерик бўляпсан...

– Ҳаммаси ундай эмас! Улар ақлли йигитлар. Та-рихнинг қора кунларини титавериб, ёруғ рангларни унутиб қўйибсан! Ўша етмишта талабанинг чири-ган суяқларини қидириб умрингни ўтказ, кўзларимга кўринма, йўкол.

– Раҳмат маслаҳатларинг учун... Ҳозир мен 48. 14. 25-а уйга боришим керак.

– Ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Кимсан ўзи?

– Шу миллатнинг бир эгасиман!

– Сағир, телбасан, доим кўнглингга қараш жонимга тегди. Мен ҳеч қачон сени севмаганман, ~~с~~етимлигинг учун кўнглингга қараганман. Аслида, сенга меҳрнинг кераги йўқ, иллатнинг уяси экансан, жинни!

Бошимда яшин чақнагандай бўлди, эшиклар кўлдошим бўлди.

Лола нималар деяпти? “Етимлигинг учун кўнглингни...”

– Амакинг телефонда огохлантириб тўғри қилган экан. Ростдан сен хавфли одамсан... Жин урсин ҳам-масини!

Қулоқларим тегирмон тоши каби сўзларни майда-лайди.

Наҳот Лола – менинг энг яқин инсоним шу гаплар-ни айтаётган бўлса?! Куламан, товонимни ерга тираб, ер тепиб куламан, оёғим қонагунча, сингунча ерни те-паман.

Кўзим қоронғилашди. Бўйнимга кимдир оғир бир нарсани осиб қўйгандай, бошим тошдай қотиб қолган-ди. Лола ҳамон нималардир дер, аммо кулоқларим ор-тиқ гапларни кўтара олмасди.

– Бошим оғирлашиб кетяпти, тошдай бўлиб, оғир,

жуда оғир бош...

Кулишдан тийилиш эса баридан оғир. Барча нарса-сидан айрилган одамгина мендай хавфли кулади.

Тўхта, ҳали сенда яна бир куч бор!

Бўйнимга ташланаётган юк ортиб борар, жигарим тошдек қотиб қолган, кўзларим титраётган оёқларим-нигина кўрарди.

Худойим, шарманда қилма!

Қаддимни тик тутишга қанчалик уринмай, жигар тош босиб белимни букар, бошим эгилиб, оёқларим титрар, мадорсизланарди. Томоғимни эса ёпирилиб келган алам бўғиб олган, бирор сўзни ташқарига чиқармоқнинг имкони йўқ. Фақат юрак кўксимни ёргудай бўлиб бўзлар, ташқарига отилмоқчидай қаттиқ урарди.

Кетиш керак, 48. 14. 25-а уйга ҳали бор!

Зиналар кўрина бошлади, бир... икки... уч... тўрт... сўнг бор ҳисобни йўқотдим...

\*

“Тез ёрдам” машинасига ўлик каби ортилдим. Докторлар орасида бешинчи амаким – ҳисобчим ҳам бор эди. У томиримдан тутганча умримнинг қолган соатларини ҳисоб этарди.

– Ҳисобчим, бир пақирлик умрим қолдими?

– Айтишга қўрқаман. Юрагинг бир дақиқада 220 марта уряпти, ҳаёт соатларинг тугаяпти...

– Йўқ, ҳали ўлишга ҳаққим йўқ. Мен уларнинг изини топишим керак, лаънатдан озод этишим керак!

– Ҳисобим доим тўғри чиққан...

– Неча бора ҳақоратлангансиз?

– Бир минг саккиз юзу ўн марта.

– Қанча ароқ ичгансиз?

– Саккиз юзу ўн беш литр.

– Наҳотки жигарингиз шунча спиртни қайта ишлаган бўлса?

– Ҳисобсиз ўлиб бўлмайди. У дунёда ҳам сўрок ва жавоб бор. Ҳамма нарсани аниқ қилганинг яхши. Ҳисоб йўқлигидан миллат завол бўлмоқда. Оққан сувнинг, тўккан қоннинг, қилинган хиёнатнинг ҳисоби йўқ. Ўзбек билим юрти очилганида ҳаммамиз байрам қилдик, барча қувонди. Бизнинг бошимизга ҳам бир илм маскани битганидан бағоят севиндик. Ҳисоби йўқ, ҳисоби йўқ нарса эса миллатнинг гарданига тушади. Сохта севинч ва бекорга қувониш билан миллатга қандай ёрдам бериш мумкин? Севинчингиз ожизалар хаяжони каби ўткинчидир! Аёлларнинг кунора тўкиб оладиган алдамчи йиғиси каби бари, тўғрими, жиян? Мана, очилгандан бери Ўзбек билим юртида ўқиётган талабаларнинг маънавий аҳволи қанчалик хароб бўлса, моддий аҳволи ҳам шунчалар ёмондур. Алар анча вақт ўқитувчини кутиб чарчашади ва яна шунча вақт дарслик кутиб сарғаядилар. Бундан ташқари, ҳар куни очлик, кийимсизлик ва турли касалликлар оғиз очиб кутиб туради. Шунга яраша даргоҳда таълим берилса гўрга эди. Бундай ачинарли аҳволга чидай олмай қанчадан-қанча талабалар ўқишни ташлаб кетмоқда. Ўқиш шу бўлса, иккинчи илм даргоҳига дориганим бўлсин, деб ёзғирмоқдалар, матбуотга мақола кўтариб келмоқдалар. Яхшиямки, бундай мақолаларни журнал ходимлари бошқа миллат болаларининг “ўқишга қизиқиши йўқолиб кетади”, деб чоп этмай турибди. Бўлмаса, бу “молхона”га ҳеч ким келмай кўярди. Бу кетишда қачон тараққий топамиз, қачон дунёга чиқамиз? Токи таълимга эътибор қаратмас, уни ҳурмат қилмас эканмиз, ҳеч қачон жаҳон бизга ўз дарвозасини очмайди. Шунинг учун бефарқ бўлманг, куруқ севиниб, томошабин бўлиб ўтирманг, чўнтакни ковланг ва Ўзбек билим юртининг келажаги учун ҳисса қўшинг! Билим юртига ёнғин кетган, деб фараз қилинг ва ёрдамга шошилинг! Оқибатини унутманг, таълимнинг ёниши Туркистоннинг куйиб кул бўлиши билан баробардир!

- Сиз кимнинг гапларини валдираяпсиз, амаки?
- Тилимга қуйиляпти ароқдай ёқимли.
- Ҳаммаси лаънату қарғишнинг таъсири. Бизда қанча одам бор экан-а айтаётган сўзини тута оладиган, ҳеч бўлмаса ўзи тушунадиган?
- Ундайлар қолмади ҳисоб. Чақалоқлардан бўлак ҳар банда забонида гуноҳ бор, турфа рангли муддаолар яшайди. Гўдаккина йиғисини покиза тута олади. На ёлғон, на таъма, на мунофиқлик бор. Одамлар қачон ҳамма нарсани тушуна бошласа, яшаш мураккаб бўлиб кетади. Катталарнинг гаши келди. “Сен ақли бўлсанг, мен раҳбар бўлиб пашша қўрияпманми?” Шунинг учун гаранг бўлса ҳам қашла деган жойни вақтида тишлайдиган нусхалар олтинга тенг кадрлидир, сағирим!

Ҳисобчи амаким бефарзанд эди. Беш хотин олди, аммо пешонасига бола битмади.

– Барибир биринчисининг ҳисоби бошқача экан, ундай бўлмади ҳеч ким. Беш қизни чимилдикқа тортдим, аммо илк ҳаяжон бошқача, қизигар! Кейин тўнғичи билан “бунисида ҳам бола бўлмай қолса-чи”, деган ташвишсиз қўшилганман. Қолганлари билан эса минг хавотир ичида!

– Ҳатто охиргисини танимайман ҳам, амаки.

– Қўшни қишлоқдан. Қирққа кирган қиз экан. Лекин бир йил ўтмай ичишга ўрганди. Бир кунда икков битта шишани юмалатардик. Ичгандан сўнг эса дардини дoston қиларди. Қирқ ёшгача қирқта эркакнинг тагида қандай ҳунарлар кўрсатганини вайсарди, сўйиб ташлашдан зўрға ўзимни тияман. Аммо нима бўлганда ҳам яна тўққиз ой кутамаман. Балки, Худо раҳм қилиб касалроғидан бўлса ҳам бола бериб қолар. Агар бўлмаса, тўнғич янганг ҳали ҳам эр қилмади, кутяпти, уни олиб келаман ва ҳисобимни бераман!

Бир пайтлар ҳисобчи амакимнинг ёнига бориб кўп саволлар берардим.

- Сағирим, кўп кулма, бунинг ҳисобини берасан.
- Ҳамма нарсанинг жавоби борми?
- Ҳатто қуёш нурининг ҳам. Ойнинг ҳам, ернинг ҳам ўлчови бор. Миллатни севишнинг ҳисоби бор, ҳеч ниманинг жавоби йўқолмайди. Хўрликнинг, зулмининг, муҳаббатнинг ҳисоби ҳам қақшатқич даражада оғирдир. Бир кун ер айланишдан тўхтайди, дунёдаги охирги инсоннинг сўнги фарёди коинотни мангу кезиб юради.
- Инсон кимга ҳисоб беради?
- Аллоҳга-да, сағирим! Раҳмдил Аллоҳ етимларни шарафлайди.
- Йўқ! Ота-онам ҳам жавобини берсин, туғиб ўзлари ёниб кетгани учун!
- Атайлаб ёндими, колхознинг пахтасини асрайман, деб ёнишди.
- Колхоздан сўроқ сўрайдими Худоим?
- Албатта, калхознинг дўзахда ёнишини кўр! СССРнинг гулханда ўт бўлишини кўр, уруш чиқарганларнинг, халқаро ташкилотларнинг, нимаки ўзини ва инсоний вазифасини унутганлар борки, бари жавоб берувчилардир.
- Сиздан ниманинг ҳисобини сўрайди Худо?
- Хотинларимдан сўралсам керак. Мендан чиқиб кўпи бузилиб кетди, бутун қишлоқни таъминляпти. Фақат биринчиси қиз боладай тоза...
- Мен эса кулгиларимдан сўраламан.
- Сен сағирсан, у дунёда мукофотинг бор.
- Менга мукофот эмас, ота керак, она керак.
- Бу азобларнинг ҳам ҳисоби бор!
- Етмишта талаба-чи? Улар эрта завол топган умр ҳисобини ким тўлайди?
- Биз нима қияпмиз тўламай, сағиржон, нима

қиялпмиз?!

Ҳа, ҳисобчи тўғри ҳисоб этди, бадал тўлаяпмиз, бутун бошли уруғимиз ва миллатимиз билан!

“Тез ёрдам” машинаси елиб кетяпти. Амаким ҳамон томир уришларимни тинглайди. Ундан Берлинда нима қилиб юрганини сўрай олмайман. Тилим ортиқ айланмайди.

Бироз ўтиб ўзимга келганимда ҳисобчим узун бурнини ковлаганча менга нималарнингдир жавобини берарди, аммо бу иқрорлар-да ўзиники эмас:

– Жон сағирим, талабаларнинг ҳар бири кузатуви-миз остида. Айтган тахминларинг тўғри экан, улар ўта германпараст. Буни сездим. Берлиндаги барча ёшлар қайтиб келгунича кескин чора кўрмай туриш ҳақидаги буйруғингга келсак, қўшилмайман. Уларни аста-секин ҳалокатга бошлаб бориш лозим. Маҳаллий халқ уларни бахт ёмғирини кутгандай кутмоқда. Амалдорлар эса уларга каттадан-катта вазифаларни ишониб топширишмоқда. Биз жим кузатмоқдамиз. Асалга яқинлашган чумолидай нафсига ботишлари муқаррар, аммо тезроқ уларнинг бўйин томирларидан қон тизиллаб отилишини ва унга чанқоқ босишни истайман. Ҳа, айтмоқчи, немиспарастлар нуфузли лавозимларга қаноат қилмай, олий даргоҳларда дарс бермоққа ҳам киришган. Ўқийётган маърузаларининг ўзи оёғидан осмоққа етарли. Улар ўзга талабаларни ҳам заҳарлашни истайдилар. Шунинг учун ҳар тешикка хуфиялар қўйганмиз. Қадамни кузатаяпмиз. Университет-да “қулок”ларимиз бисёр. Ҳа, айтганча, уларни баъзи маҳаллий ўқитувчилар ҳам ёқтирмай қолишди. Сабаб ғайрлик, кўролмаслик-да, ёшлар Германияда ўқиган домлаларига садоқат қўйиб, қолганларни менсишмаяпти. Шунинг учун душманлик кайфиятида юришибди. Бу бизга қўл келиши муқаррар, атайлаб турли

иғволар чиқариб, ораларидаги низони кенгайтириб боряпмиз! Калтафаҳм доцентларни хоҳлаган пайтимизда сотиб олиш мумкин. Бундан ташқари, Германияда ўқиган талабаларнинг уйи, савдо қиладиган бозорлари ва ота-оналари турадиган манзилларда ҳам турли хил кўринишдаги хуфиялар жойлаштирилган. Улар пистачи, пуфакчи, новвой бўлиб, “Ахмадбек”, “Шарқ”, “Ҳамид” лақабли жосусларимиз бўлса, уларнинг ички йиғинларига аллақачон кириб борган ва муҳим маълумотларни жамлаб кўйишга улгурган. Биз Германияда ўқиб келган талабалар ҳақида ҳар икки ҳафтада СССР НКВД раҳбарига маълумот бериб турибмиз. Жияним, булардан ҳеч хавотирланма, буйруқ бўлиши билан уларни қамокқа оламан!”

– Барчасини қаманг! Қаманг, қаманг, қаманг.

– Хўп-хўп, жиян ўзингни бос, томирларинг бунча қонга бардош бермайди.

– Оиласини кўшиб қаманг, пешонасига дипломини кўйинг ва отинг!

– Болаларини-чи?

– Эмчакдан чиққанларини аяб ўтирманг. Ҳали сутдагиларга эса раҳм қилинг, фақат уларни заҳарлашга мен чидай олмайман. Кейин чақалокни қандай отиш мумкин, жуда ёмон йиғлайди ва бир неча кун кулоқларда шанғиллаб эшитилиб туради. Сизга шу керакми, советларга-чи, менимча, шарт эмас!

– Хўп бўлади, бугундан уларни отишни бошлаймиз. Фақат, халқ тўсқинлик қилмайдими?

– Нима?

– Халқ.

– ...

Яна хушимни йўқотаман. Амакимнинг овози ҳам тинади. Кимдир қон йиғлайди, кимдир кулади. Кулаётганлар бу бизнинг уруғ, йиғлаётганлар-чи?

Улар биздан эмас!

– Наҳотки шу пайтгача ёлғиз Ватанинг учун



Йиғламаган бўлсанг?

– Йўқ!

– Адашасан! Йиғлаб туғилади ҳар бир чақалоқ. Сен дунёга келганингни билдиргансан, йиғлагансан ва ўпканг илк бора унинг ҳавосидан жон қарз олган! Шу бир отим ҳаво бадални ўлмай туриб тўлаб қўй!

\*

Ёнимдаги ҳамшира бетоблигимни эслатиши учун қўйилгандай хомуш. Унга қараб куламан, у ҳам кулгиси келади, аммо лабларига қайғу осилган.

– Тишларингни кўрсат?

– Лабларим жуда оғир, кўтара олмайман.

– Нимага?

– Севги... Оҳ, уни хафа қилиб қўйдим!

– Кетишинг мумкин...

– Нима?

– Кетишинг мумкин. Мендан хавотир олма, ўзини бир нима қилиб қўядиган даражада ожиз ва кўрқоқ эмасман. Йигитинг сени ҳозир ташқарида кутяпти, интизор, оппоқ гуллар билан.

– Ростдан? – деразадан пастга қараб кўзлари ёниб кетади. – Сен авлиёмисан?

– Эшакқуртман!

– Нима у?

– Ёмон сўз, билмаганинг яхши, айниқса, ҳозир, севги юрагингда тошган маҳалда.

– Барака топ, авлиё!

– Борақол!

– Тез келаман, ўзингни уринтирма! – унинг кўзлари бирдан оламга нур тарата бошлайди. – Сен турма, хўпми?

– Аҳволим шу қадар ёмонми?

– Меникидан кўра дуруст! Кетдим.

– Омад!

Унинг ортидан бахт ҳам эргашиб кетгандай хонада

ғам муаллақ қолади.

Сўнг Лолани эслайман. У қаерда қолди?

Юрагим уришини аниқ эшитиб турибман, аммо жигар писмиқ, у миқ этмай сени ажалга рўпара қилади.

Жигарим жойидамикан ўзи? Ё аллақачон қайт қилиб ташладимми?

Шу он эшик олдида Лола пайдо бўлади. Биринчи марта уни кўргим келмай кўзларимни ёпаман. Буни хис қилиш бор-будинг ёнаётганини томоша қилишдай аянчли.

Кўзарим, лабларимга нигоҳ ва сўз оғирлик қилади.

Тишладим, киприklarни кишанладим, ҳозир уни кўрмаслик учун ўлишга ҳам рози эдим.

– Сени шунчалик безор қилдимми? – қўлимни кафтлари орасига босганча бўғилиб гапирарди Лола. – Мен докторман, мендан нимани яширмақчисан?! – У энди нозик қўллари билан пешонамни силай бошлади. Ох, шунда бошимга ёпишган оғриқлар, ёқимсиз ўйлар шу қўллар орқали супурилиб ташланаётгандай хузур қиламан. Бобомнинг, йўқ, момомнинг, йўқ, мен ҳеч қачон кўрмаган, доим хаёлларимда тирик бўлган онамнинг қўллари бошимда эди, дардимни саришталарди, танам яшнар, унинг кафтлари эса тобора илиқлашар, мен эса мағлубликни бўйин қилиб борардим.

Мен уни ҳамон жонимдан ортиқ кўраман.

– Илтимос, тўхтатма, – дедим кўзларимни очмасдан.

– Нимани?

– Ташна пешонамни силашда давом эт!

– Кўзингни оч...

– Улар сенга нафрат билан боқишини истайман. Кўзларим ўзимга бўйсунмайди, – дейман пичирлаб.

У бирдан ўрнидан туриб чиқиб кетмоқчи бўлади, аммо бир-икки қадам юриб тўхтади. Қаттиқ ғазаблан-

гани сезилиб турарди.

– Мен нафратланаман! – дейди у бакириб.

Ҳамшира қизга гап тегади, деб ўйлайман. Учрашув бурнидан чиқмаса эди. Турмоқчи бўламан, аммо танам қимир этмайди.

– Нафратланаман!

– Бир пайтлар эса севардинг.

– Қачон? Кўзларимга қараб айт, қачон яхши кўрибман?

– Севардинг, энди эса ҳаммаси тарихда қолди. Бизга Худо муҳаббатнинг барча улуғ онларини болаликда ҳада этганми, дейман. Энди бу туйғуларга арзимаймиз!

– Тарих, тарих... Сенинг бутун борлигинг тарихга айланган, бугунинг ҳам, эртанг ҳам шу. Сен учун муҳаббат ҳам тарих, оиланг ҳам тарих... Ҳаётингни назоратга ола билмагансан. Кўзларингни очишга ҳам ярамайсан. Сен маҳкумсан, хомхаёлларга, чўпчакларга. Бир жиннисан, бир ожиз одамсан, қўлингдан ҳеч нима келмайдиган телба!

– Кўп қатори... Шу халқ каби.

– Халқ, миллат ҳақида оғиз йиртишдан олдин одам ўз ҳаётини ўнглаб олиши керак. Мени ўйладингми ҳеч? Германияда тўрт йилдан бери қандай яшаганимни тусмолладингми? Балки, мен олдингидай софдил, бокира эмасдирман... Балки, неча марта сенга хиёнат қилгандирман. Балки, мен аборт қилдирганим ҳақида сенга ёзма ахборот беришим керакдир?

– Аборт?! – қандай турганимни билмай қоламан.

Бўғаман. У нафас олишга интирмайди, ўлимини кутади. Қўлларинг ҳам қотиб қоларкан ўлгиси келаётган одамнинг бўйнини қиссанг. Ҳаракатсиз турар, хирқирамасди сира. Балки, қўлларим ҳам менга бўйсунмай, сийпалаётган бўлса унинг танасин.

Шунда ҳамшира қиз келиб қолади ва қўрқувдан бакириб юборади. Мен ҳамширанинг севгиси

учунгина Лолани асраб қоламан гўё. Унинг касалхона йўлагидан аччиқ йўталгани, сўнг йиғи аралаш аламли кичкиргани эшитилади:

– Кўзинг очилдими, жинни? Сенга муҳаббат хайф! Энди менинг аборт тарихимни суриштир, китоб тит нечта билан бўлганим ҳақида. Талабаларингдан ҳам, тарихингдан ҳам, сендан ҳам нафратланаман, ўзимдан ҳам, аҳмоқ, аҳмоқсан, жин урсин ҳаммасини... Телба, телба...

Менда қандайдир қалтираш бошланади. Кўзларимни кизғиш нур тўсади, аччиқ укол санчилгандай елкаларим оғриydi, уюшади, ҳеч нимани кўрмай қоламан. Бошим бирдан музлаб қолгандай, томирлар оғирлашиб, торайиб кетгандай бўлади. Оёқларим ҳам йўқ, ер ҳам, Лола ҳам!

Қўлларимни узатиб, эшик томонга ишора қиламан. Миямда ҳаммаси чалкашиб кетган, Лоланинг менга айтган даҳшатли гаплари танамга илон захри каби тез тарқаб бўлганди. Наҳот шуларни тилига олди?!

Тепамда соялар кўпайди. Кимдир енгимни шимариб, игна санчди... Мен эса шу игнали кўлимни кўтариб уларга ёлворардим...

– Илтимос, қайтаринг, нималар деяпти у, қайтаринглар, Лола-а-а-а!

Аччиқ-аччиқ, босиб-босиб куламан. Кейин кулгига ҳам нафас етмай қолади.

Балки, ўлаётгандирман. Ҳамма ишларим чала қолиб кетяпти. Наҳот шу ерда ажалнинг сабри тўлган бўлса? Аммо кўзларимда мени бўғувчи қўлларни эмас, бобом, момом, ота-онам ва аллақачон эшакқуртларга таланган амакиларим пайдо бўлди. Уларнинг бари хурсанд эди. Ота-онам эса охириги суратларидаги каби келин-куёвлик кийимида. Наҳот мени олиб кетиш байрам бўлса, деб ўйладим.

Бобомга доим эркалик қилардим, бу гал унгагина

хаддим сиғди:

– Бобо, сиздан мерос қолган етмиш қўйни сотдим, Берлинга келдим, аммо Лолани қўндира олмадим, талабаларнинг тириклигини ҳам исботлай олмадим, шундай бўлса ҳам сира ўлгим келмаяпти, яшагим келяпти яна бир-икки баҳор!

Бобом менга қовоғини осилтириб бир тарсаки тортди.

Сувчим, домлам, тракторчим, ҳисобчим – бари-бари бобомга қўшилиб бирдан қовоқ уйиб олганди.

Кенжа тепди, шапалоқ урди, мен эса худди болаликдаги каби кулдим, ота-онам эса ҳар доимгидай жим кузатардилар.

Кулдим! Улар шундан ҳурккандай бирдан қочишди.

Демак, ҳали бир чўмич умр бор.

\*

Ҳамшира мени касалхонадан кузатаркан, қулоқларимга шивирлади: “У менинг қўлимни сўради, барчаси сиз туфайли ўзгариб кетди. Ҳаётимга бахт томчилади. Раҳмат. Ҳа, йигитим менга шундай деди: “Унутма, мақсадимиз Европа илм-фанини эгаллаб, уларни қувиб-етиш ва ҳар соҳада улардан ўзиб кетишдир. Бунинг учун бизга сиздай ёшлардан етмишта эмас, етмиш мингта керакдур! Шундагина қудратли давлат бўламиз, шундагина озод бўламиз! Озодлик руҳи биз ўлсак-да ўлмайди, қўмилсак-да қўмилмайди, сувга чўксак-да чўкмайди, абадулабад яшайди. Уйғоқ болаларга бу руҳ кўчиб ўтаверади, ўтаверади, янгилари келиб ҳақиқат учун қурашаверади, қурашаверади! Қудратли Ватан қурмас эканмиз, биз ҳеч қачон тинчмаймиз. Жонимиз кетса ҳам, руҳимиз миллат ёшлари билан мангу қолажақдур! Уларни туну кун таъқиб этажақдур! Унутманг, бизнинг мақсад ўқиб, Оврўпага етиб олиш ва албатта, улардан ўтиб кетишдир! Дунёга

тинчлик уруғини экишдир!” Йигитим шу гапларни севги билан кулоғимга қуйди.

Ҳамширага ажабланиб қарайман.

Ўзи ҳам менга ёпишиб олганидан қизаради.

Биз жилмайганча хайрлашамиз. У висолга, мен эса  
48. 14. 25-а уйга.

Улар руҳи мени таъқиб этаётир. Йўқ, онамнинг қорнидаёқ ўзининг ғояларига шимдириб олишган.

Касалланганман, тузалмоқдан кўра ўлим афзалроқ-миди? Аммо шунинг охирига етмасдан ўлиш йўқ!

– 48. 14. 25-а уйга олиб бориб қўя оласизми?

– Ўтиринг!

– Нима? – дея кулоқларимга ишонмай сўрайман яна. 48. 14. 25-а уйга бориш мумкинми?

– Ҳа, дедим-ку, ўтирасизми?

Мен яйраб кетдим. Бахтиёр унинг сўзларини қайтараман:

Ўтиринг, ўтиринг, ўтиринг!

Берлиндаги кўчалар номи асрлар давомида ўзгармаганлиги қандай яхши. Бизда эса минг йиллик тарихий номлар бир кунда дуч келган бошқасига алмашиб қолиши ҳеч гапмас.

Бировдан сўраб ўтиришмайди.

Совет мустамлакаси даврида халқ асрлар давомида атаб келган туркийча номлар рус босқинчиларининг шарифига аталди.

Отамизнинг номини ўзгартиришди, биз чапак чалдик. Аста-секин одамлар боболари азиз билган номларни унутиб юборди.

Тарихга тупуриш санъати фан қилиб ўқитилди. Юз йиллик китобларни ўзимизга мослаштиришни ўргандик. Тўғри сўзни айтмаслик, бўйин эгиш ахлоққа айланди ва ҳамон бу иллатларни халқимиз бошидан тозалай олмай ҳалакмиз.

Куламан, тишланиб, ўртаниб. Ҳайдовчи шубҳаланиб менга қараб қўяди...

Унга қайта-қайта манзилини айтаман, у тинмай тасдиқлаб келди.

Ҳа, ўзингни бос, шу манзилга кетяпмиз!

Тушунинг у ерга боришни юз йил, нақ бир аср кутдим!

Негадир хайдовчи мактабимиз директорига эгизакдек ўхшарди. Қўрслиги ҳам.

Саккизинчи синфда унинг қўйларини боқишдан бош тортдим, уни ҳақорат қилдим: “Майлими, секретарингни бир кун молхонамда меҳмон қилсам?”

Директор ғазабдан тутаб кетди: “Бунинг хулқи билан ким шуғулланади”. Жисмоний тарбия ўқитувчиси роса шуғулланди сўнг. Ураверди, ураверди то икки шишага эригунимча. Кейин мен баттар ҳаддимдан ошдим, директорнинг ишларини фош қилишда давом этдим. Мажлис пайти деразанинг остига бориб бақирардим: “Сен мактаб ерларини сотиб единг, минглаб болалар тақдирини ҳам пуллаяпсан, уларни саводсиз қиляпсан, мактаб кўмирини ҳам пулладинг, ҳамма грип, пулламаган хотининг қолди. Молхонамга олиб кел, илтимос! Бир кеча меҳмон қилай!”

Сўнг ортимдан ўқитувчилар кувиб кетар, етгани эса икки шиша билан алданар, бошимни силаганча қўйиб юборарди: “Ичимиздагини айтдинг, сағир, малдес!”

Директор ва котибанинг сирли гўшаси молхона эди. Котиба оқ-сариқдан келган, қомати тик, кўкрақдор аёл эди. У бошлиғини бефаҳм эри ухлагач, каттагина молхонасига бошлаб кирар ва сахаргача шакаргуфторлик қиларди. Юмшоқ сомонда, моллар гувоҳлигида гуноҳга ботишарди. Мен уни кўришим билан бақириб қолардим: “Қашқанинг номуси бўлганида, шоҳи сенинг

семиз қорнингда бўларди, шарманда, кизингни ўзим ишқимда кул қиламан ва сомонхонага олиб кираман!”

У бир куни мени мактаб кўмирхонасида тутиб олди-да, хансираганча: “Ҳайдайман яна бир марта менинг сиёсатимга аралашсанг”, – деди!

Уйга келиб бобомдан сўрадим.

– Бобо, менга сиёсатга аралашма, дейишяпти, нима қилай?

Шунда бобом қовоғини солганча жавоб берди:

– Сиёсатга аралашмаслик учун она қорнидаёқ оёғингни тираб олишинг керак туғилмайман, деб. Туғилдингми, сиёсатдан айро туролмайсан. Ҳамма унинг қуршовида яшайди. Кимдир зулмда, кимдир унинг таъсирида, яна аллакимлар эса роҳатда. Аслида, халқ измидаги сиёсатгина кун кўриши керак, бошқаси хатодир. Аралаш, болам, ҳаққингни танишни ўрган, ўргат синфдошларингга ҳам. Бўлмаса, қарғишлардан қачон озод бўламыз?

Мен директорнинг “сиёсати”га то у котибаси билан молхонасида ола сигир билан кўшилиб ёниб кетмагунича аралашавердим.

Бефаҳм эр кишлоққа ўғри оралагани учун молдан хабар олгани чиқади йилда бир, қараса оғилхонада кўпайишиб ётарди “мол”лар! Эшикни аста ташқаридан қулфлаб бир дона гугурт ташлайди сомонга.

Сўнг ҳеч нима билмагандай уйга кириб ухлашда давом этади беғам шайтон!

Оловдан олдин ола сигир жон ҳолатда қочаман деб уларни босиб ўлдирган, дейди сира сиёсатга аралашмаган алкаш ўқитувчилар.

Ниҳоят, машина ҳашаматли уй қаршисида тўхтади.

- Келдик, мана сен сўраган манзил.
- Катта раҳмат, жаноб директор!
- Директор?
- Барака топинг, хайр!



Уй манзилини яна бир бора хотирамдаги рақамлар билан солиштириб кўрдим – 48. 14. 25-а уй.

Эшик ёнига борарканман, юрагим хаяжондан отилгудай бўлиб, тез-тез урарди. Муродий билан бўлган уйдан анча баландроқ, ҳашаматлироқ кўринса-да, нимасидир менга танишдек туюлар, худди қачонлардир бу ерга келгандек эдим.

Эшик қўнғироғини чалишим билан жингалак сочли, жигарранг кўзли, кулгичлари юзида ўйнаб турадиган беш-олти ёшлардаги қизча пайдо бўлди. У оғир эшикни зўрға очди ва ўзига боқиб турган нотаниш кимсага кўзларини катта-катта қилиб, нима ишингиз бор, гапиринг, дегандай саволчан нигоҳ билан қараб турарди. Қизча ортидан оёқ товушлари эшитилди.

У жим тикилиб турганимдан чўчиб кетди, шекилли, бурилиб қочиб қолди. Сал ўтмай, кизчага жуда ўхшайдиган бир аёл кўринди. У ҳам жингалак сочли эди.

– Келинг, жаноб, қизимни боғчага олиб кетишлари керак эди. Шунга эшикка илҳақ бўлиб ўтиргандим. Хўш, сизга қандай ёрдам бера оламан?

Мен унга мақсадимни тушунтиргунча анча кийналдим.

Аёлнинг болалардай тиниқ юзи ўзгариб, дўнг пешонаси тиришиб немисча каловланиб айтган гапларимни сабр билан тинглади ва охири бош қимирлатиб жилмайишидан тушунди, деб ўйладим.

– Хуллас, бу ерда қачонлардир Мартава хоним оиласи билан яшаганми-йўқми, шуни билиш учун келдим. Бу менга жонимдан муҳим!

– Яхши... Мен сизни тушундим. – Аёл барча гапларимни табиий ва тўғри қабул қилганидан хурсанд эдим. – Бу уй менга бувамдан мерос қолган. Адашмасам, 1947 йилда уйни сотиб олган. Албатта, уруш пайти бу иморат лат еган, бобом уйни қайта қурган,

тўқсонинчи йилларда яна икки бор таъмирланган. У кимдан сотиб олган, аввал қайси оила яшаган – менга қоронғи. Агар кутиб турсангиз, оиламизга доир архив хужжатларига қараб кўраман, зора бир нималар топилиб қолса. Кутиб турасизми, жаноб, ё ташриф қоғозингизни қолдирасизми?

– Агар сизга малол келмаса, қанча керак бўлса, шу ерда кутаман. Топилса, жуда хурсанд бўлардим. Катта раҳмат.

Хоним ичкарига кириб кетди.

Мен эса нола қиламан. Нима бўлса ҳам, Марта хонимнинг дарағи чиқсин-да.

Қаранг, немис уйларининг ҳар бирида оилавий архивлари бор.

Бу болалар учун қандай ўрнак, аждодлар хотираси учун қандай ҳурмат, муқаддас бурч. Бобом ўлгач унинг ҳамма нарсасини тарқатиб юбордик. Дипломини эса янгам ўчоққа тутантириқ қилаётганда топиб олдим. Тошкент, деган жойи ёниб кетган.

Хоним узоқ куттирмади. Ох, унинг кўзларидан менга оид нарса топилгани билиниб турарди.

Худога минг қатла шукурлар бўлсин!

– Сиз излаётган одамларнинг исм-фамилияси.

– Ох, Худойим, минг бора шукур! – ҳайратимни яширолмасдим... кулги ҳам аччиқ, ҳам тотли... Турган жойимда бир қалқиб олдим. Хонимни ортиқча ваҳимага солмаслик учун ўзимни тутишим керак эди. Аммо анча вақт гапира олмай қолдим.

– Бобомнинг дастхати чиройлилигини қаранг... – у ғурурланганча менга бобосининг деярли ўчиб кетай деган қўлёзмаларини кўрсатарди. – Мана, қаранг, уйни сотган одамлар номига мактуб келган. Бобом эса улар қолдирган манзилга мунтазам юбориб турган. Мана, кундалигидаги изох. Бобом бутун умрлик ҳаётини ёзиб қолдирган. Китоб бўлиб ҳам чиққан. Немисча

яхши ўқийсизми?

– Ҳаракат қилиб кўраман – дедим қоғозларни қўлимга оларканман. – Аммо мен тушунмадим... – каловланиб қолдим. Шунда беканинг ўзи олиб, ўқиб бермоқчи бўлди.

– Мана бу ерда ёзилаптики: “Бугун Мартава хоним номига иккита муҳрланган мактуб келди, биринчи улар адашган, деб ўйладим. Кейин эсимга тушди. Бу ерда аввал турган оиланинг Мартава исмли кизи бўларди. Мен бу хатларни зарур бўлса керак, деб ўйлаб, уни улар кўчиб кетган Ҳайдельберг шаҳридаги 49, 48. 45-ва уйга жўнатдим.

1954 йил, 3 январь”

– Ё Худойим! Ўзингга минг қатла шукур! Бу хатлар Туркиядан келган бўлса керак. Абдуваҳоб Муродийнинг сафдошларидан.

∴ Худойим, демак, ҳаммаси рост!

– Нима бўлди сизга?

– Кечирасиз? Бу кунни қанчалик кутганимни биласизми? Мени шу пайтгача тушларимдан ҳақиқат ва маъно кидирганим учун жиннига чиқаришганди. Мен буларнинг шунчаки туш эмаслигини сезардим. Аммо бунга исботим йўқ эди. Ҳозир эса ҳаммаси ўзгарди. Сиз мени қутқардингиз!

– Лекин бу қоғозларни мен сизга бера олмайман. – Аёл худди кимдир ундан ҳужжатларни тортиб олиб кўядигандай, орқасига тисарилиб яшира бошлади.

–Йўқ-йўқ! –унга жилмайиб, кўрқитиб юборганимдан хижолат тортдим. – Мени тушунмадингиз. Сизнинг ҳеч қандай ҳужжатларингизни олиб қўймоқчи эмасман. Менга фақат бобонгиз хатларни айнан қайси манзилга жўнатганлигини билдирсангиз бўлди!

– Аниқ-ку, хоҳласангиз буни қоғозчага ёзиб бераман.

– Албатта!

Аёл яшил қоғозчага манзилни ёзиб қўлимга берди.

“49. 48. 45-ва”

Ох, бу аёлга қандай раҳмат айтишни билмайман. Кутганингиздан ҳам аъло, беғараз ёрдам кўрсатган нотаниш одамга тўсатдан қандай жавоб қайтаришни билмай қоласан киши. Аммо биласанки, сенда унга қувонч бағишлайдиган ҳеч нарса йўқ.

– Сизни ва бу ширин қизчангизни ҳеч қачон эсдан чиқармайман, хоним! Менга улкан яхшилик қилдингизки, сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман.

– Йўқ, уй бизга мерос экан, бу ишлар ҳам бурчимиз! – у мамнун жилмайганча хайрлашди. Унинг кўзларидан шундоқ ёрдами текканидан бахтиёрлиги кўриниб турарди. – Ишларингизга омад тилайман...

– Жингалак сочли қизингиз дунёдаги энг бахтли қиз бўлади. Дунёни кўпгина болалар ўзгартиришни орзу қилади, қизингиз ўша орзунинг ўзига айлансин.

Қизча ва унинг онаси қўлларини тебратганча хайрлашди.

Ўзингга шукур, Тангрим, ўзингга! Энди тезроқ Ҳайдельбергга отланишим керак. Яшил қоғоздаги манзилга яна бир бор қарадим – “49. 48. 45-ва”

\*

Оч кизил рангдаги тезюарар поезд Ҳайдельберг томон елиб борарди. Вагонларда бўш жойлар кўп, йўловчиларнинг кўпининг кўлида китоб бор эди. Мен эса кенг деразадан атрофни кузатганча кетяпман.

Боя поездга чиқаётганимда бир тўп булут осмонни қоплаганди, ҳозир эса борган сари парча-парча бўлиб тарқалиб кетмоқда. Ора-орада куёшнинг синиқ нурлари кўринади.

Поезд қадимий черковлар, кенг далалар, турли тусдаги уйлар оралаб шамолдай елиб борарди. Қани эди шамолга кўшилиб эркин сузсанг дунёда!

Бир немис аёл қаршимга келиб ўз-ўзидан йиғлай бошлади. Уни овута олмадим, ҳеч ўпкаси босилмасди.

Куруқшаган лабларида ёшлари ўйнар ва дилини тилка-пора этаётган ҳисларни тўкиб соларди:

“Гарчи сени ўн йилдан бери кўрмаган бўлсам ҳам, кўз олдидан бир он суратинг кетгани йўқ. Сира, сира ҳам сени унутганим йўқ. Туну кун висолингни ўйлайман, йиғлайман, ҳатто қизим ҳам кўнглимни ололмайди, жаҳлим чиққанидан жеркиб ташлайман. Отамнинг ҳам сабр-косаси тўлди мени деб. Тезроқ келу, сенсиз яшамоқ азобидан халос қил мени! Қизинг аъло баҳоларга ўқияпти. Мусикага жуда қизиқиб кетди. Болалар мусикали театрида иштирок учун чақиришяпти. Аниқ фанларга ҳам жуда қизикади. Юморни ҳам яхши кўради. Энг мухими, сени ҳар кун кўзда ёш билан кутади. Аммо унга не дейишни ҳам билмайман. Охириги йилларда юборган хатларимнинг бирортасига ҳам жавоб олмадим. Етиб борганини ҳам билмайман. Сенинг тирик ё ўликлигингдан ҳам беҳабарман. Аммо сени кутишда давом этаман, кутавераман, кутавераман, ўлгунимча сени севаман, севаман, севавераман!..”

У мени Туркистон талабаларидан деб ўйлади.

Аёлниг елкасидан кучдим, лабларидан ўпдим. Бироз тин олгандай бўлди, кейин ёнимда пишиллаб ухлаб қолди.

Лола эсимга келиб кўнглим яна хира тортди.

Хиёнат.

Наҳот шу сўзни тилига олди? У шунчалар ўзгариб кетганми? Тўрт йил ҳамма нарсани буткул тескари қилиб юбориши мумкинми? Лола ўз болалигидан шунчалар, кўз илғамайдиган даражада олислаб кетди?

Поезд бир маромда, ўзининг қадрдон қўшиғини айтганча йўргалаяпти.

Тақа-тақ, тақа-тақ, тақа-тақ...

Бирдан бурнини тортганча ёнимдаги хотин уйғонади, яна лабини тутди, бу гал эҳтироссиз бўса

бўлса-да, овози жаранглаб кетди.

Кейин бирдан ўрнидан турди-да, тиз чўкди.

– У мени кечирмайди... – деди даҳшатдан юзи ёниб.

– Ким?

– Тарих... Чунки сотдим! Жонимнинг омонлигин ўйлаб Ватанимни пулладим... Хиёнат қилдим унга! Тарих мени кечирмайди! Ҳеч қачон... Айтинг, нима қилай, айтинг... Яна неча юз йил қийналаман!

– Истасанг, поезддан ташла!

– Нима?

– Ўзингни от! Балки, кечирар темир ва тошлар, лекин халқ кечирмайди.

– Ачинмайсанми?

– Кимга?

– Ичимдаги боламга...

– Йўқ.

– Алвидо!

У даҳшатли қичқирганча деразадан ўзини отди.

Сўнг тинч ухладим.

Қизтаканинг сасий бошлаган жасади ҳам ортиқ димоққа урилмасди.

Ванна ҳамон банд, у ерда Қоровой ўз ўлигин ўзи юварди: “Эй Худо, ўлим олди ҳеч бўлмаса оқарай!”

Телефончи бир ҳафтадан бери оч ва у ҳамон телефонини ўчирмаган. Аллақачон кўзлари хиралашган, оёқлари қотиб бўлганди. Фақат қимирламагани учунгина ажал ўзига қадрдон телефонидан яқинроқ эканлигини билмасди.

Ўлаксахўр эшакқуртлар, тараканлар ва чивинлар Қизтаканинг устида базм этарди.

Мудрайман!

Бу гал сокин ухлайман!

\*

Ҳайдельберг ҳақида ўйлай бошладим. Уни қўпчилик тоғлар орасидаги қадимий шаҳар деб билади. У ердан Марта хоним яшаган уйни топа олармиканман?

Муродий ва Мартадан туғилган қизнинг исми Потя эди. У ҳозир тирик бўлса ҳам, тўқсон ёшга яқинлашган бўлса керак. Тошкентда, Эски шаҳарда туғилган, тили ўзбекча чиққан, ҳозир ота тилини билармикан?

Ҳайдельбергга кириб боришим билан тоғнинг тоза ва ўйноқи ҳавоси кўксимни тўлдирди, ширин орзуларга берилдим. Ғамларни майин шабада учиргандай енгиллашдим. Шаҳарнинг ўртасидан машҳур Рейн дарёси оқиб ўтар, унинг устига тикланган мухташам кўприк ҳайдельбергликларнинг ўзига хос рамзига айланганди. Кўприкнинг кенг ва мустаҳкам тўсинларини томоша қилиб, шу маҳалгача кимларни дарёнинг нариги қирғоғига ўтказмаган, дея ўйладим. Тоғларга туташган шаҳар, эски тош кўчалар, шаҳарнинг қадим ва машҳур улкан дарвозаси, саройлар, тез-тез қулоққа чалиниб турадиган черков қўнғироклари, сайёҳларнинг турли тиллардаги хайратлари, фотоаппаратларнинг чиққиллаши... – буларнинг бари кўз олдимда Ҳайдельбергнинг қайтарилмас манзарасини ҳосил қиларди.

Гуллару ойнаванд дўконлар билан тўлиб-тошган тош кўчалар, мўъжазгина ошхоналар кишига завқ беради. У ерда ширин чой дамлашар экан. Кўпгина қадим уйларнинг дераза раҳларига гул қўйиш учун махсус мосламалар ясалган. Ҳайдельберг тоғларга туташ шаҳар бўлгани учун бу ерда биология, фармацевтика марказлари ҳам кўп. Қадамимда уларга дуч келдим. Тинмай ҳар бир ёзувни ўқиб чиқдим, сира эринмадим.

“Яшил гуллар” деб номланган кафеда иссиқ чой ичиб бўлгач, такси тўхтатиб, қоғозга ёзилган манзилни унга кўрсатдим.

“49. 48. 45-ва”

Ҳайдовчи менга мамнун жилмайганча, ўн дақиқада олиб боришини айтди. Яна бир бора Худога шукро-

на келтирдим.

Йўл бўйи мезбонга нима дейишни ўйлаб кетдим. Ўзимча режалар туздим, аммо ҳаяжоннинг зўридан ҳеч қандай гапни эслаб қололмадим.

Ҳайдовчи нотаниш тилда нималар деб валдираётганимга қизиқиб, менинг қаерданлигимни сўради. У ҳар қалай бизнинг Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларни эшитган, Темури жанглиридан қайсидир ҳужжатли фильм орқали хабардор экан.

Мен унга кета-кетгунча уй рақамларини эслатиб бордим, аммо бу аввалгисига нисбатан барини мамнунлик билан қабул қиларди. Шунда сенинг кимлигинг эмас, Ватан қанчалик муҳимлигини англадим!

Етиб борган манзилимиз шаҳар ичкарасидаги уйлардан фарқ қилар, оппоқ баланд иморатлар, улар атрофида гулзорлар, дарахтлар кўзга ташланарди. Ҳайдовчи оппоқ қасрнинг қаршисида тўхтатиб, қоғозда ёзилган манзил шу ер эканлигини айтди.

Катта боғқовлидан бошланувчи қасрнинг темир дарвозаси очиқ турарди. Яқин атрофда ҳеч зоғ йўқ. Таваккал, дея аста-секин ичкарилай бошладим. Боғ ўртасидаги йўлдан ўтиб, узокдан ҳайбат солиб турган оқ қаср томон кетиб борардим. Худди минг йиллик қариндошимни йўқлаб келаётгандай дадил!

Учи кўринмас заранг дарахтлари атрофга қуюқ соя ташлаган, йўл четида эса бир қатор қилиб оппоқ атиргуллар экилганди.

Узокдан бир чол кўринди. У аввал менга кўзларини қисиб қараб турди, сўнг ичкарига кириб қора кўйлақдаги бир хоним билан қайтиб чиқди.

Мен аразлаган ёримнинг олдига келаётгандай дадил боравердим.

Қизга яқинлашганим сайин оппоқ юзи, малла сочлари, қарашлари, бироз бўртган дўнг пешонаси ойдинроқ кўрина бошлади. Бу тасвир кўзларимга бегона эмасди.



Шундагина адашмаганимга умид пайдо бўлди ва ўзимни дадилроқ тута бошладим. Хонимнинг саволчан нигоҳига қарата журъатлироқ жавоб беришни ўйлардим. Чол эса менга ғайри кўзлар билан совуқ қараб турарди.

– Салом! Минг бор узр! Сўрамай-нетмай кириб келганим учун.

– Марҳамат, қилинг... – унинг овози жуда сокин эди. Бу пайт унга кўз остидан тикилардим. Энди унчалик ҳам Марта хонимга ўхшатмадим.

– Марям хоним... мабодо шу ерда яшамайдимиз? – ўзимни қанчалик дадил тутишга уринмай, овозим титраб, синиқ чиққанини англадим. Қиз сўзларимни тушунмади, шекилли, ажаблангандай, саволчан нигоҳ билан тикилиб турарди. Сўнгра у илтифот билан шундай деди:

– Узр, кимни сўрадингиз, тушунмай қолдим, жаноб?

– Марям хоним, Э-э узр, Потя<sup>21</sup>, ха Потя хоним. Марта хонимнинг қизлари...

– Сиз бувимни қаердан танийсиз? – қизнинг товуши кескин ўзгариб кетди.

– Нима деганингиз бу, танимай бўладими? Агар рози бўлсангиз, буни батафсил айтиб берсам... – чуқур нафас олиб унинг кўзларига тик қараб гапирдим.

– Албатта, марҳамат қилинг!

Уйга кирарканман, ичимда чексиз қувонч ёйиларди. Ниҳоят топдим, топдим-а! Мен уддаладим. Ўзингга шуқур, Аллоҳим!

Бу тушлар шунчаки мудроқлик хосиласи эмаслигини билардим-а?!

Мен энди баридан қутуламан!

Уй ичкараси ҳаддан ташқари ҳашаматли, озода эди. Гуллар ҳам кўп экан. Биз ўриндикларга жойлашгач, хоним мендан нима ичишимни сўради.

<sup>21</sup> Айрим манбаларда Полье номи билан учрайди.

– Чой ичишни яхши кўраман, аммо ҳозир томоғимдан ҳаво ҳам қийналиб ўтиб турибди. Шунинг учун овора бўлманг. Менга сизнинг ҳар бир гапингиз муҳим.

– Исминим Марта, – дея пахтадай юмшоқ кўлларини тутди.

– Марта?

– Ҳа...

– Катта бувингизнинг исми.

– Сиз қаердан биласиз? Ҳатто ўзим ҳам уни суратларидан таниганман.

У саволчан нигоҳ билан қараб тураверди.

– Ҳа, мен тарихчиман. Ҳали диплом олмадим, Ўзбекистондан келдим. Катта бобонгиз Муродийнинг Ваганидан.

– Худойим! – Марта бирдан тўлғаниб кетди. Кафти билан оғзини ёпганча, йиғлаб юборди. Қаттиқ изтироб чекаётгани сезилиб турарди. – Сиз чиндан у ёқдан келдингизми?

– Ҳа, минг бор узр!

– Ўзимни тутолмаганим учун мен узр сўрашим керак. Бувим сизларни қанча кутди, учрашишни орзу қилди. Эҳ, шунақа ҳам бўладими-а? Яқинда... бир ҳафта олдин келганингиздами? Бечорага армон бўлиб қолди сизларни кўриш. У бир ҳафта олдин... Мия саратони.. ахийри таслим қилди уни!

– Худойим! – Кўз олдим зулматга чўмди.

Кула бошладим, ёрилаётган юракни танам узра сочиб, қисиб қулардим.

“Наҳотки, бир ҳафта, бир ҳафта, барча айб ўзимда, пешонам шунчалар шўр-а, нималар қилиб қўйдим?”

Агар ўша кунни Лола билан айтишиб қолмаганимда, касалхонага тушмаган, мана шу манзилни эртароқ топар, Потя хоним билан кўришган бўлардим.

Ундан барча гапларни ўз қулогим билан эшитар,

Потянинг армонини ушалтираддим.

– Нима бўлди сизга? – деб сўради у менинг ҳолатимга бокиб.

– Кўп куламан, кулгиларим йиғим билан алмашиб қолган, шунга нотўғри тушунманг. Марта хоним, мен бир ҳафта аввал келишим мумкин эди, ҳатто ундан ҳам олдин. Потя хоним билан кўришганимда кўп нарса маълум бўларди. Тушуняпсизми, шахсий муаммоларни деб миллат тарихига оид нарсадан мангу айрилиб ўтирибман! Потядан мен тиз чўкиб, ялиниб кечирим сўраган бўлардим, у менга отаси, онаси Марта ҳақида ўзи билганларини айтиб берарди, менинг учун бу қанчалик муҳим эканлигини тасаввур қиляпсиз деб ўйлайман. Бу дард сизнинг оилага ҳам бегона эмас экан.

– Бу тақдир! Мен учун ҳам бу жуда қайғули ҳолат, аммо на илож? Бувим сизларни салкам бир аср кутди. Бир ҳафта яшаганидами, бу дунёдан армонсиз кетаркан. Интернетга эълон бердик, элчихонага ёздик, аммо бизга қизиқишмади, ўйладикки, сиёсатларинг ҳали ҳам талабаларни қоралар деб.

– Йўқ, ахир мустақилмиз!

– Биз шундай ҳаёлга бордик. Ватанингиз мустақил бўлганидан хабаримиз бор, уйимизда катта байрам бўлган. Мен у пайт ёш бола эдим. Кейин бувим узок йиллар касаллик билан курашди, оғир операцияларни бошдан кечирди. Унга саёҳат қилишни докторлар ман қилишган. Аммо қачондир кимдир излаб келишини биларди, кутарди ва ишонарди. Кўп жойга, шу мавзуга қизиққанлар борми, дея хат ёзди ҳам. Аммо улардан тайинли жавоб ололмадик.

– Марта, – у билан бизни айрилиқ, аждодлар тарихига куйиниш тезда яқинлаштириб қўйган эди. – Айтинг-чи, катта бобонгиз ўзбек эканлигини биларминдигиз?

– Нега билмас эканман, юринг, мен сизга уй музейимизни кўрсатаман. Музейнинг шарқий хонасида

Муродий ва Марта бувимга оид манбалар сақланади.

Марта мени оилавий музейларига бошлаб борди. Бу ер бир давлат тарихий музейидан қолишмасди.

Экспонатларнинг асосини Мартанинг немис бобосидан қолган тарихий ашёлар, немис подшолигининг ёрлиқлари, иконалар, қимматбаҳо картиналар тўлдириб турарди. Айтишича, улар ота томондан Пруссия қиролик оиласига бориб тақалар экан.

Мен бу ерда биринчи марта 1924 йилда Мартава хоним ва Абдувахоб Муродийнинг Берлинда тушган суратларини кўрдим. Уларни тушимда қандай кўрган бўлсам шундай намоён бўларди.

Ё Худойим, улар Самарқандда чақалоқ кўтариб тушган расмлари ҳам бор экан. Ноёб сурат...

Марта хоним эса менга тинмай бувисининг хотираларини гапира кетди.

– Шу сурат бувим учун жуда қадрли эди. Ҳар гал бунга кўзи тушганда ёш тўкар, азобланарди. Биз уни йиғлоқи ўрдакча, деб ҳазиллашардик. Йиғлоқи ўрдакча катта бобомни шу сурат орқалигина эсларди. Албатта, унга барчаси оғир эди.

– Илтимос қиламан, менга буларни чуқурроқ ўрганишга, ҳар биттасидан нусха олишга рухсат беринг. Кундаликлар ҳам бор экан... Йиғлоқи ўрдакчангиз руҳи ҳам бундан шод бўларди. Менга бир ҳафтача вақт етарли. Мен буларни Ватаним матбуотига чиқаришим керак, келажак билиши керак қаҳрамонлар қаерда йўқ қилинганлигини. Кейин мен ҳам бу тушлардан қутулиб ўз ҳаётим билан яшардим.

– Бу манбаларда сизнинг ҳам ҳаққингиз бор. Кўп хатлар араб ёзувида битилган. Буларда нималар ёзилганлиги бизга ҳам жуда қизиқ.

– Менга ишониб, бериб юбора оласизми? Лекин гаровга ишончингиздан бошқа ҳеч нарсани тақлиф қила олмайман. Қўйларимнинг пули ҳам тугади ҳисоб.

– Келишдик. – У хизматчисини чақирди-да, жавон-

даги барча нарсаларни қоғоз қутига жойлаштиришни буюрди. Самарқандда тушган суратни олиб қолди. – Бу суратни ҳеч кимга ишонолмайман. Йиғлоки ўрдакча ҳам худди шундай қилган бўларди. Келгунингизча ўзим нусхасини тайёрлатиб қўяман.

– Кейинги сафар сизни кўриш учун келаман. Бир қатор саволлар тайёрлаб келаман, жавоб берасиз. Ҳозир мен бу маълумотлар билан тезда танишиб чиқшим керак, – дея эшик томон йўналдим.

– Сизни кузатиб қўйишади.

– Раҳмат, Марта... – унинг яна момик қўлларидан тутганча хайрлашдик.

– Кўришгунча, сизни кутаман! – у табассум билан бу сўзни шунчалик самимий айтдики, дилим яйраб кетди.

Кетишим ва буларни тезда ўрганиб чиқишим керак.

Бу талабаларни Ватаним билиши керак!

Лолага кўрсатаман, мана, сен мени телба дегандинг, қара, булар бир дунё ҳақиқат, миллатинг юзи ётибди. Сен ҳали ҳам қўйлардан бироз кўпроқ қизиқсан тарихга, аммо усиз ўламиз, тўзамиз, йўқ бўламиз!

Хулоса, хулоса, хулоса керак бизнинг миллатга!

Хизматчи каттакон қутини машинага жойлади. Аммо ҳали қўзғалмасидан Марта қўлида қандайдир қоғозни кўтарганча чопиб келди.

– Бувимнинг сизларга аталган мактуби бор эди, бу хатни ҳар сафар янгилаб ёзиб қўярди. Агар тириклигимда бўлмаса, албатта, ўлганимдан сўнг келишади, дерди. Демак, бу хатнинг эгаси сизсиз. Аммо бир нусхаси бизда ҳам туриши керак.

– Қайтараман. Сиз жуда ажойиб ва гўзал қиз экансиз... Севгилим бўлмаганда балки, севиб қолган бўлардим

– Раҳмат! Сизни кутаман.

– Тез орада қайтаман!

Машинанинг орқа ойнасидан унга қараб туравердим. У ҳам то биз кўринмай кетгунимизча кўзини узмади. Ёнимда бир қути жавоҳир олиб кетаётгандай ҳам севинар, ҳам хавотирланардим.

Ниҳоят, мен ғалаба қилдим, эшитяпсанми, музаффарият!

Энди Германияда ўқиган Туркистон талабаларининг қаҳрамонлиги, ҳаёти ҳақида бутун дунёга жар солишим мумкин! Шу пайтгача бизнинг тарихчиларга сир бўлган уларнинг Германиядаги ҳаёти тўла-тўқис очилади. Кўпгина чигалликлар ўз ечимини топади, бу манбалар асосида ёзувчилар асарлар, сценаристлар фильмлар ишлайди. Шунда Германияда ўқиган талабаларнинг улуғ ғоялари минглаб ёшларга сингади, уларга қизиқиш кучайиб, улардек миллатпарвар ёшлар сони ортади, ҳа, шундай бўлади, шундан сўнг мен болаларимдан қолган ягона мулк – қарғишдан кутуламан.

Ё Худойим, ўзингга минг қатла шукурлар бўлсин!

Берлинга жўнайдиган поездга чиқишим билан қўлимдаги мактубни очдим.

“Отамга ёки унинг Ватандошларига.

Ассалому алайкум!

Дунёда менинг энг яхши кўрган сўзим – “Ассалому алайкум!”

Аммо бунини Германияда кўпчилик англамайди.

Мен бу каломни айтиш учун салкам 90 йил кутдим.

Отамни, сизларни кутиш билан қаридим!

Хат кўлингизда экан, демак, мақсадимга етдим.

Оиламиз тақдирига алоқадор иш билан шуғулланганингиз ва отам каби миллатпарвар ҳаётига қизиққанингиз учун сизга ташаккурлар айтаман!

Жаноблар, мен қанча яшайман, билмайман, аммо сизларга ота ва онам ҳақида айтадиган гапларим кўп

эди. Қани эди, кўз очиглигида кўришиш насиб қилса...

Онам не кунларни кўрмади, отамни эслаб бирор кун тинч ухломмади. Шунинг учун узок умр кўролмай, азобдан ўлди. У отамга тез-тез хат ёзар, аммо ундан жавоб бўлмасди. Бутун умр отамни севди ва кутди.

Ҳозир қабрда ҳам уни кутаётгандир.

“Отанг келгач, қабримга албатта, сариқ атиргуллар олиб борсин”, – дея тайинлаган. У буни жуда хўш кўрарди.

Тошкент, таҳликали кўчиш, Москва, Берлин, Иккинчи жаҳон уруши, мағлубият, унинг оғир оқибатлари, бобомнинг ўлимидан сўнг, Ҳайдельбергга келишимиз, бу ерда ўтган умрим, ҳаммаси эртадек ўтди-кетди. Энди улар йўқ, яқинда мен ҳам йўқ бўлман, билиб-сезиб турибман!

Мен шу ерда улғайдим, оила курдим. Уруш йилларининг аянчли оғриқларини, фожиаларини бошдан ўтказдим. Оналар олис шимолда ўлиб кетган болаларини эслаб, ўкириб-ўкириб йиғлашарди. Бечора немис оналари, не кунларни кўрмади улар!

Ёшлигимдан бошимга тушган савдолар туфайли тезда ўлиб кетсам керак, деб ўйлардим. Мана, тўқсонда ҳам яшаяпман. Аммо касалим оғир, биламан, шунинг учун бу мактубни ёзиб қолдирыпман.

Менинг тилим ҳам “Ота” деган сўз билан чиққан экан.

Онамнинг айтишича, отамнинг ишлари кўп бўлиб, у тажриба станциясида, сўнг университетда ишлаган. Мен уни эслолмайман, аммо қандайдир иликлик, қандайдир бир меҳр қалбимга жо бўлган, бу ота меҳри бўлса керак.

Отам кўксимга бир ҳовуч олов ташлаб кетган, у мени бутун умр иситди, балолардан сақлаб келди. Уни нега биздан тортиб олишди? Нега у йўқ? Бу савол бизни доим қийнаб келади. Ахир, ҳукм ўқилган, ўн йилдан сўнг озод бўлиши керак эди. Аммо уни...

Онам билан Берлинга қайтганимизда беш ёшда эдим.

Онам отамни эслаб жуда кўп йиғларди. Бобом унинг кўз ёшларидан хавотирланиб доктор чақирар ва: “Эринг, албатта, келади”, – деб қўшилиб йиғларди.

Мен ҳали ҳам отамнинг келишига болаларча ишонман, ишонгим келади.

Унга атаб мусиқалар басталар, ҳар сафар вокзалда бўладиган кутиб олиш концертини репетиция қилардик.

Отамни кутиш доим репетициядан нарига ўтмади. Ҳеч қачон мен отам учун саҳнага чиқмадим, ҳеч қачон онам, мен ва отам бирга чиқмадик, кезмадик боғларни, дарё бўйларини... Болалигим шу армонлар билан кемтик бўлиб ўтди.

Ўша машъум тунни ҳам эслайман.

Тошкентнинг тиғиз, эски лойсувоқ уйлари. Ҳозир у уйлар борми, йўқми билмайман. Томида лолақизғалдоқ ўсарди. Мен ҳам терганман, дугоналарим ҳам бор эди, кечирасиз, аммо исмларини эслолмайман, томлардан-томларга ўтиб, гуллар терардик, кўлимиз кизил, юзимиз қора бўларди. Оҳ, бу манзаралар дунёнинг бошқа жойларидан топа олмадим – балки, мен болалигимни қўшиб қидиргандирман.

Осмон яқин эди, ой ва юлдузлар билан бирга булутлар аро сузиб юргандай ҳис қилардим ўзимни... Аммо бир куни бизни уйдан ҳайдаб солишди. Бувимларни кига бордик. У ерда аммам ҳам бор эди. Отамнинг синглиси. Аммамни яхши кўрардим, озгин қорача аёл эди. Афсус, у билан ҳам бошқа кўришмадик.

Бизни олиб кетишди. Онам бизни ҳам ўлдиришди, деб ўйларди. Ўша маҳаллар ўзбек ё немис у ёқда турсин, руслар ўз миллатдошларини ҳам аяб ўтиришмаган экан. Агар Россиядаги Германия консуллиги бизни ҳимоя қилмаганда, билмадим, бошимизга қандай савдолар тушарди.



Москвага поездда боргунча томоғим шишиб, иссиғим чиқиб кетган экан, онам буни кўп эсларди. Ҳар бекатда тўхтаганда шу ерда кизимни кўмаманми, деб ўйларкан. Москвадаги консуллик идораси менинг ахволимни кўриб даволашган, кейин Берлинга жўнатишган, бобомникида яшаганмиз, шу ердагина мутлоқ тузалганман.

Онам Берлинга келиб Ўзбекистонга кўп хатлар ёзди. Аммо бирортаям жавоб бўлмади. Кейинчалик отамнинг Германия ва Туркияда қолиб кетган ватандошларидан эшитдик, қайтганларнинг барчасини шафқатсизларча ўлдиришибди.

Онам бу шумхабардан сўнг тамом бўлди, бир ҳафта туз тотмаган, кейин ўзидан кетиб йиқилган. Уни дунёда бироз тутиб турган бўлса шу хабарнинг ёлғон бўлиб чиқиш эҳтимоли эди.

Онамга кўп савол берганман: “Нега отам Берлинда қолмаган, нега ҳеч бўлмаса қочиб жонини асрамаган?” Онам бу саволларга жавоб беравермасди. Аммо ўлишидан сал олдинроқ шундай гапларни айтганди: “У сени қандай тарбия қилиш бўйича маслаҳатлар берарди, худди сени ёлғиз катта қилишимни аввалдан сезгандай. Сени мусулмон одатларини ўрганишингни, ўзбекчани унутмаслигингни ва энг муҳими, Ота Ватан деб Ўзбекистонни билишингни истарди. Ўз уйимиз бўлса ҳам, бошқа жойдан ижарага жой олиб кўйганди. Отанг қамалгач, мол-мулкимиз мусодара бўлди, кўчада тентирамай, маълум вақт ўша уйда турганмиз! Марям, қизгинам, отанг Ватан дея ўқиди, курашди ва жон берди. Уни сира унутма! Отанг Ватанда ўлиш ҳам саодат, дерди. У ўзини ўқитган ва тарбиялаган миллати учун курашмасликни энг катта гуноҳ деб билди. Ватан учун курашиб жон берилаётганда тирик қолмоқлик хиёнат, дерди. У ўз Ватанини Европанинг, Шарқнинг озод ва қудратли давлатлари қаторида бўлишини, улар билан бўйлашини орзу қиларди. Отанг билан фахрлан,

қизим, чунки у шунга арзийдиган инсон! Уни унутма, асло унутма! Улар етмишта талаба эдилар, улар бари қахрамон бўлишга арзийдиган йигитлар. Ўз миллатининг қахрамонлари...”

Онам шу гапларни айтгандан сўнг бор-йўғи яна уч кун яшади, холос.

Ўзбекистон озод бўлганини эшитганимда отам тирилгандай бўлди. Негадир ўша пайт: “Энди у озод бўлиб, қайтиб келади, онамни сўраса нима дейман?” деб ўйлардим. Шунга ишонгим келади, болаларча ишонаман ҳам...

Сиз менинг Ота Ватанимга улуғ ҳурматимни етказинг!

Мен доим отамдан фахрланиб яшаганман, сиз-да уни унутмаганингиз учун ташаккур!

Отам Германияда таҳсил олган навқирон дўстлари билан келажак учун, яъни сизлар учун жон берди, сизлар учун ўлимни бўйнига олди. Уларнинг орзуси Ватанни қудратли ва озод давлатга айлантириш эди!

Отамга саломларим бўлсин!

Мен сизни ҳар икки дунёда ҳам яхши кўраман.

Сизга чексиз ҳурмат билан,

Ўзбекнинг Германиядаги фарзанди,

Марям Абдуваҳоб қизи!

2019 йил 5 май, Ҳайдельберг”.

Поезд гўё темир шпалларида эмас, менинг танам бўйлаб кетиб бораётгандай шақилларди суякларим.

Кулдим! Кулгим била оғзимдан қон отиларди.

Муродийнинг Германияга жўнатиб юборилган оиласи борасида бирор маълумот топишнинг иложи бўлмаганди. Мана, Худойимнинг инояти билан унинг қизи, хотини ва муҳим ҳужжатларга эга бўлдим. Энди ҳаммаси аниқланади<sup>22</sup>.

---

<sup>22</sup> Абдуваҳоб Муродий Мартава хонимни ҳам ўзи билан Тошкентга

### Шунда не кўз билан кўрайки, ҳужжатлар орасида

олиб келади. Аввалига уларнинг ҳаёти тинч, гўзал ўтади. Муродий шиддат билан ишга киришади, бу орада (1928 йилда) улар қизалоқли ҳам бўлишади. Уни онаси Потя деб, отаси эркалаб Марям деб чақирарди. Аммо қаттол босқинчилар оила бошига турли синовлар ташлаб турар, бунинг охири нима билан тугашини олдиндан кўра билган Муродий қизи ва хотини учун Тошкентнинг бошқа мавзесидан уй ҳам олиб кўяди. Аввалига мамлакатнинг ўша пайтдаги раҳбарлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев Абдуваҳоб Муродийга Ер ишлари халқ комиссарлиги ёки Ўлка ер ва сув хўжалигини бошқариш каби нуфузли лавозимларни таклиф қилади. Муродий бундай вазифаларни рад этади. Чунки унинг ўз кўзлаган режаси бор эди. Биринчидан, у илмий ишни давом эттириш орқали маҳаллий кишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш, ўлканинг бой тупроғидан олинаётган ҳосилдорликни кескин ошириш, бунинг учун янги нав ва янги кишлоқ техникалари олиб кириш ва шу орқали истиқболга эришишни мақсад қилганди. Бундан ташқари, Германияда таҳсил олган талабаларга юклатилган иккинчи улуғ вазифа, юртнинг бошқа ёшларига билим бериш ва издошларини кўпайтириши лозим эди. Шунинг учун станцияларда ишлаш билан бирга, дорилфунунда дарс ҳам беради. Талабалар бу илгор ёш домланинг юксак илми, бошқаларга ўхшамаган кенг тафаккурига қойил қолишар, ва одатда, унинг лекцияларини бошқа жойлардан ҳам талабалар келиб тинглашарди. Унинг маърузаларини ҳукмрон тил русча эмас, ўзбекча ўқиши кўпчиликни қувонтирар, қора ниятчиларнинг эса ғазабини кўзгарди. Маҳаллий талабалар эса шундай кучли ўқитувчилари борлигидан чексиз ғурур туярдилар. Тез орада Германияда таҳсил олган миллатларвар ёш домланинг ҳурмати рус олимларининг номидан ҳам биринчи айтиладиган бўлади. Муродий Германиядан турли микроскоплар, уруғ ва моддаларни текшириш учун замонавий қурилмалар олиб келганди. Тажриба олиш марказларини ўша пайтлар рус маъмурлари ўзларининг шахсий майдонига айлантириб олишган бўлиб, Муродийгача бу ерга бирорта маҳаллий кадрни яқинлаштиришмаганди. Шунинг учун уларнинг ишидан на дехқонлар, на давлат манфаат кўрарди. Муродий бориши билан барчасига чек қўйилди. У бир йилнинг ичида талашиб-тортишиб, тажриба марказини бутун Ўзбекистонга машҳур қилади. Тажриба марказидан “Рус жанобларнинг саройи бўлса керак”, деб нари юрган дехқонлар энди эшакараваларда келиб, тажрибадан ўтган бугдой уруғларини олиб кета бошлашади. Муродий ўша йиллар ҳақида матбуотда чиқиш қилиб, қуйидаги фикрларни ҳам билдирганди: “Улар шу қадар бу жойга жойлашиб олишганки, бирорта янги фикрдан яшловдан кўрққандай кўрқишади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда яшовчи европаликларнинг бир қисми ҳали ҳам аввалдан ҳукмрон бўлган му-

менинг суратим ҳам турарди.

Шу кўзлар, шу қошлар ва жилмайиш ҳам.

Ё Худо, менинг расмим улар билан!

Даҳшатдан кула бошладим, ёнимдагилар ҳам хайрон қотишди.

Назоратчини чақирди кимдир хавотирдан.

– Сизга бирор ёрдам бера оламанми, жаноб?

– Бобомга айтинг, илтимос, мен уларни топдим!

---

тахассис ва чиновниклардан иборат бўлиб, ҳамма ерда маҳаллий халқ ҳақида эски эътиқодга айланган фикрлар билан курашадилар. Инқилобдан кейин Москвадаги оғир ҳаётдан қочиб келганлар ҳам эскиларининг қарашларини, яъни маҳаллий халқни менсимаган қараш каби одатларини давом эттирадилар. Чунки улар ҳар яхши жойга ўз биродарларини жойлаштириб олганлар ва маҳаллий аҳолини у ерга яқинлаштирмайдилар. Бундай ҳол баъзилар учун оддий ҳол бўлса-да, ўзини таниган маҳаллий илмий ёшларни жуда қаттиқ ғазабга келтиради”, деган эди. Муродий уларни бу тажриба майдонидан ўз ақли ва тадбиркорлиги ёрдамида қувиб солиди ва шу афроғда каттагина бой колхоз пайдо қилади. Бу колхоз узок йиллар Республикадаги энг бой кишлок бўлиб қолиши замирида Муродийнинг ақл-заковати ётарди. 1929 йил 6 ноябрда Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаевлар каби у ҳам биринчи авж олган қатағон ўқларидан омон қолмади. Мамлакатдан чиқиб кетишга имкони бўла туриб, ҳеч қаякка кетмайди, қочиш лозимлигини айтишганда ҳам “Ватан учун яшаш” маслагидан қайтмайди. Уни тунда ҳибс қилишади. Бечора Марта босқинчиларнинг совуқ башараларини кўриб хушидан кетиб ҳам қолади. Ҳам фан, ҳам амалиётда шиддат билан реформага киришиб кетган Муродий хўрлик ва зўрлик билан тергов қилина бошлайди. Тергов хужжатларида ҳам дадил, бирор сўзни яширмайди. Ҳеч бир айбни бўйнига қўёлмагач, турли хил жиноятлар ва бўҳтон хулосалар билан (миллат душмани сифатида отиб юборишдан кўрқишади, чунки унинг Германияда нуфузи баланд эди) Россиянинг қамоқ лагерларидан бирига сургун қилади. Уйи мусодара қилиниб, хотини ва қизи жосус сифатида кузатувга олинади. Марта хоним кўзда ёш билан боласини кўтарганча қамоқхонама-қамоқхона юриб, эрини қидиради, аммо уни тополмайди. Қайтанга ўзини ҳам чақалоғи билан қамоққа тиқиб қўйишади. Уни ҳам Германиянинг жосуси сифатида ушлаб туришади. Фақат отасининг Берлиндаги нуфузи туфайли Германия элчихонаси улар ишига аралашади ва ўз юртига жўнатиб юборилади. Кўп ўтмай фашистлар дунёга уруш очади, Мартава хоним билан алоқа узилади.

– Тушунмадим, жаноб, немис тилини биласизми?

– Йўқ-йўқ, мен эмас, улар мени топишди, денг!

Хўп, сиз шундай денг!

– Аҳволингиз яхшими, жаноб! Бирор нуқтага тезёрдам чакирайликми?

– Йўқ, яхшиман, бўлди, ухлайман!

Мен жойимга ётдим. Соялар тепамдан ариди.

Менга энди ҳаммаси равшан кўрина бошлаганди.

Бобом келди, мен унинг оёқларига йиқилдим.

– Отангиз соткин бўлган! Улар ичидаги ягона хоин!

Минг лаънат! Шунча улуғларнинг ҳаракатини пучга чиқарган. Улар миллатни реформа қилиши мумкин эди, биз ҳозир Япония ё Германия каби ривожланишимиз мумкин эди. Отангиз сотди, барини, кондошларини, жигарларини... Мана, ҳаммамизнинг жигаримиз куриб битмоқда...

– Ахийри билдингми?

– Хоиннинг авлодларимиз, шарафлар бўлсин сизга! Минг лаънат, уни кўрдим, куйиб кўйгандек менга ўхшаркан: бурун, кўз, қош ва қисмат. Ахлатга тушиб ўлсам эди, ёнсам эди, куйсам эди туғилмай онам билан, тушсам эди ё ҳожатхонага. Германияга ўқиш учун эмас, хоинлик учун борган одам менинг бобом бўлса? Бекорга Муродий илик муносабат кўрсатмаган экан-да. Демак, аввалдан уларнинг ичида бўлган, дўст, кейин соткин, сўнг ажал. Хоин, хоин, хоин талаба менинг бобом. Минг лаънат, минг.. Миллатни есалар фақат хоинлар ейди, четдан биров эмас!

– Узоқ вақт ўзим ҳам билмадим. Отам кундуз куни чиқа олмасди. Куёш кўзларини ўйиб олаётгандай эгилиб юрарди. Итдай сасирди, бармоклари ириган, қорайганди. Тупрок ерди, сокол олмасди, юларди.

– Қабрига тупуришим керак!

– Жарликда, аллақачон сув олиб кетган ва шу

дарёдан бутун миллат ичади.

– Бобо, мен уларни топдим, балки ҳаммасини тўғрилаб бўлар?

– Хиёнат содир этилган, бадали авлодимиз қирилиши билан тўланади.

– Жонимиз билан!

– Жонинг билан!

– Мен ўлишни истамайман!

– Хоинларга шафқат йўқ!

– Йў-ў-ў-ўқ!

Берлинга етиб келишим билан кўлимдаги қоғоз тўла кутини кўтарганча Лоланинг хонаси томон шошилдим.

Мана, ҳаммаси исботини топди. Топганларимни унга таништириб чиқай, шундагина Лола барчасини тушунади ва менга буларни кўчиришга ёрдам беради. Ҳамма айб ўзимда, шу маҳалгача мақсад билан уни таништирмадим ҳам.

Лола ўша куни айтганлари ғирт бўхтон эканлигини, мени ғазаблантириш учун айтганини тан олади.

Кел, Лола, бир-биримизни ортиқ қийнамайлик! Мен жинни эмасман! Уларнинг илдизини топдим. Кўлимдаги кути ҳаммасига исбот...

Болалар асл талабалик қандай бўлганлигини, аждодлар қандай қийинчиликларни бошдан кечирганлигини, қандай улуғ мақсадлар билан яшаганлигини билишлари шарт. Шундагина улар ўзларини танийди ва ёркин келажак қуриш нақадар муҳим эканлигини англайди.

Ҳа, бу асосда асарлар ёзилади, фильмлар ишланади, натижада миллатимиз бағрида Ватан дейдиган болалар кўпаяди.

Лола, ҳаётим, эшигингни оч, мен келдим!

Мен телба эмасман, исботлар билан келдим!

Сени қанчалик севишимни билсанг эди!

Эшик қоқдим, қоқавердим...

Ҳозир жавоб беради, ҳа, бошқача бўлиши мумкинми?

Ахир мен унинг учун Берлинга келдим!

Шараклаб очилди ва Лола чиқди... жуда очик... кийинибди, ҳа, жуда очик... Оппоқ халат, оппоқ елкалар... сони...

Касалмикан-а... мен уни биринчи марта... бундай кўришим...

– Лола, қара, нималар топганимни сенга кўрсатайми? – қўлимдаги катта қутини қўйишга қулайроқ жой кидирардим. – Бу ерда миллатимиз тарихига оид, бутунлай янгилик бўлиб қўшиладиган қанча манба бор! Мана, уларни топдим, менинг бобом хоин бўлган, ҳа.. хоин, улар сафига кириб бориб, ажал томон бошлаган... Бу нақадар даҳшатлигини билсанг эди!

Шунда унинг ортида бир қора шарпа пайдо бўлди...

Лола ҳеч нарсани кўришни истамаётгандай бошини ушлаганча ўтириб қолади...

Ким... улар... нима бўляпти, ҳазиллашяптими ё томошами?

Бутун танасини қора жун қоплаган, уят жойи осилиб турган, қисик кўзли Ширинбек оғзини қийшайтирганча аҳмоқона кулиб турарди.

Ўша Ширинбек, мен юзига туфлаган нусха...

Бирдан бутун танам титраб, музлаб қолдим.

Бакириб қулардим, пастки қаватлардан акс-садо янграрди, кўкда чакмоқ чакқандай кулоқларим вараглаб кетди. Қўлимдан қути тушиб ичидаги қоғозлар пастга сочилди. Лола пикиллаб йиғлаб юборди.

– Қара, жоним, мен у талабаларни топдим, сира жинни эмасман... Лола...

– Нималар деб валдираяпсан, аҳмоқ? – Ширинбек

лабларини осилтириб менга қараб тиржайрди. – Битта қизнинг кўнглини олишни билмайсан-у, эркакман, деб юрибсанми? Ватан, миллат деб бонг уришингга ўлайми, хотинчалиш, бу қизга тарих эмас, эр керак, эр, бошқа ҳеч нима! Тушундингми, эркак, мана бундай!.. У бугун шундай бахтга эришди, ўзини тухфа этди...

Миямда ўт чақнади, бу оламда эмасдим, кулардим, бутун танамда ўт чақнарди. Юрак қисди, аммо олов баридан устун эди.

– Мана, ҳаётига мазмун кирди! – деди у Лоланинг сочларидан силаганча ғалати илжайиб. – Менинг юзимга туфлаб, индамай кетавераман, деб ўйлабмидинг? Мен дипломатман, душманимдан қандай хавфсиз, аммо аянчли ўч олиш йўлини яхши биламан. Менинг тагимда кўқарган қиз, ҳой миллатчи, сенга ҳалол бўлсин! Шунча йил қилолмаган ишингни бир кунда бажардим. Қойилмисан, талаба?!

Қандай ташланганимни билмайман, устига йиқилдим, сўнг бошини тутиб қолдим, дераза раҳига тираб, уравердим, уравердим. Бурнидан тиркираб қон отилар, мен ҳамон кулганча, кўлим ҳам қип-қизил қонга бўялиб кетгунча уравердим. Олов ҳамма жойни қоплаб олган, биргина нажот уни тепиш эди, тепавердим, аламли ўқирганча, қичқирганча кулиб...

Кейин оёғидан ушлаб даст кўтардим-да, деразадан пастга улоқтириб юбордим.

Лола даҳшатдан қотиб қолганди. У пастга қараш тугул, ўрнидан туришга ҳам кўрқар, фақат инграрди. Мен эса ҳар тарафга сочилиб кетган ҳужжатларни йиға бошладим. Лола қалтираб ёнимга келди-да, юзимга бир шапалоқ урди.

– Шу пайт ҳам-а?.. Сендан жирканаман, ҳаммасига сен айбдорсан, сени... – у ортиқ гапира олмади, титраганча яна бақириб юборди...

Кўлимда қутини кўтарганча ташқарига чиқдим, нима қилаётганимни, қаерга бораётганимни билмасдим.



Пастда қип-яланғоч бўлиб Ширинбек ётар, атрофда оҳ-воҳлар эшитиларди.

Саксониялик ётоқхона мудирини мен томонга чопиб келаётганмиди ё қочиб кетаётганмиди билолмай қолдим.

Ширинбек инқиллаб ётарди. Кулоқларига эгилиб шивирладим.

– Майли, жонинг омон қолсин. Бола кўрма, туғмайдиган хотин изла... Ўтинаман, авлод қолдирма ҳеч қачон... Сенга бу менинг энг самимий маслаҳатим, бўлмаса, Ватанга қилган хоинлигинг учун болаларинг қабринга гул эмас, кўмир қўйиб ёкишади. Ватан нафс билан севилмайди, Ватан ҳирс билан асралмайди, Ватанга жон берилади, фақат жон, фақат жон, фақат жон... Ҳа, агар мен ҳам бомба топсам жарликдаги катта бобом қабрини портлатардим, йўқ қилардим суягини майда-майдалаб, илтимос, шунинг учун сен ҳам авлод қолдирма, мен ҳам шундай қиламан...

Оёқлари орасига тепдим, кейин яна, яна, яна тепавердим. Ишонаманки, бир кун бу қилган ишимдан ўзи миннатдор бўлади. Авлодлари биз каби хор бўлмасин, дедим!

Мен бу ердан тезроқ кетишим керак, то нозирлар қамокқа олмагунча, нусхаларини олишим, барчаси билан танишиб чиқишим, уларни қутқаришим, авлодларимни асрашим керак.

Тез!

Зудлик билан қочишим керак, умримдан, асримдан, ҳаётимдан.

Мени бир дунёда топган мулким – муҳаббатим бор эди, энди у ҳам булғанди, сўнгги ип узилди.

Бирдан-бир йўл Ҳайдельбергга жўнаш.

Тезда ўша ёққа!

Поездга ўтирганимда уст-бошим сув бўлиб кетганди. Ҳамма менга ажабланиб қарар, соғлигим

ҳақида сўрашарди. Аммо бироз ўтиб, ҳеч кимни ҳис қилмай, ҳеч нимани эшитмай кўйдим... Юракнинг тигдай қадалиши ҳам тўхтагандай эди.

Тўнғич амаким туртиб уйғотди.

– Фақат сиз қолдингизми?

– Шундай бўлди, жиян...

– Барчасининг хотинларига уйланинг...

– Эсинг жойидами, бетарбия...

– Мен ҳам кетяпман... тўнғичим...

– Йўқ, мени кечир, жиян...

– Нимага?

– Сени азоблаганим учун, укаларимга хиёнат қилганим учун...

– Минг чиранманг сиздан барибир ўғил қолмайди!

– Нега ўлмаяпман, олти укамни кўмдим-у, лекин мен тирикман, жиян?

– Сиз мени кўмиш учун тириксиз, тўнғичим...

– Ўғил кўришга фурсат деб билайми ё?

– Укангиз хотиниданми?

– Бевадан де, ҳеч бўлмаса, ер бориб хабар бермасин!

– Ҳаром авлод бошляапсизми?

– Ўғил кўрсам бўлди, ҳаромми, тозами, узумдай чўчоғи бор чақалоқ керак.

– Авлодимиз қуриydi, бошқа йўл йўқ!

– Сени қаерга кўмай?

– Дарёга оқизинг...

– Эсинг жойидами?

– Қизил аскарнинг суяқларини топиб чиқсин илигим! Кейин эмизикли аёлларнинг чанқоғи қонсин... Чақалоқлар келажагимиз.

– Мени ўлдир, жиян...

– Ёлғиз орзунгизга айланади ўлим! Сизни ўлим соғинчи ўлдиради орзиқтириб, хор қилиб бир четга улоқтириб юборгач ҳаёт.

Кўзларим хира кўраётгандай, олдим қоронғи эди.

Телефончининг хирқираши экан, жони узилди боя, момоси келиб, олиб кетди руҳини. Аммо телефони ҳамон ёниқ турарди, бошқа бир талабани кутиб.

Ўлик хиди бутун шаҳарни тутди, аммо ҳеч ким эшикни тақиллатмади: “Ҳой, бу ерда ҳам талабалар – келажак борми? Ўлиб битмадимми миллат ёшлари? Ҳой, эшитяпсизларми? Ким бор? Бирорта тирик жон борми?” – демади ҳеч ким... Чунки ҳамма мудраётганди.

Ўляпман, деб ўйладим поездда. Юрагимнинг овози тинишини кутиб турдим, хужжатларни ўйладим, улар вагонда қолиб кетадиган бўлди... Аммо тўхтамади, юрак ҳам, поезд ҳам...

Бобом келди ва менга:

– Ота? – зорланиб бақирди бобом!

– Мен неварангизман, бобо!

– Сен онамни зўрлаган, Ватанни сотган, хоинсан...

Сен деб авлодларим хору зор бугун! Ўзим ўлдиргани келдим сени!

– Бобо, мен неварангизман!

– Бир аср олдин оғир жиноят содир этдинг. Наслимни хор қилдинг, қарғишларинг ўтди ҳаром қон билан!

– Бобо...

– Сени ўлдираман!

Бобом кучли қўллари билан бўға бошлади. Онам келмаганида бобом қўлида нобуд бўлардим.

У терлаб ётган бошимни силади. Мен кўксин кидирдим ва эмдим.

Отамнинг билақларидан тутдим.

У мени кўтариб қўйди, бошингни тик тут, ҳаммаси тақдир, деди.

– Ота, бобо, бобожон!

Поезд бир маромда кетиб борарди.

Қаршимда бир йигит ва қиз мендан кўзини узмай ўтирибди. Уларни қаердадир кўргандек бўлдим, эсламокчи бўлиб юзларига яқинроқ тикилдим, таний олмадим. Аҳволим ёмон эди, хушимдан кетдимми, борлиғимни зулмат қуршаб олди. Яна анча вақт алаҳсирадим, бобом билан отамни чақирардим. Аммо иккови ҳам келмади мутлоқ. Бироз ўтиб, яна ўзимга келдим. Поезднинг силкенишини, столда турган сувнинг чайқалишини ва тепамдаги йигит ва қизнинг нигоҳларини сезиб турардим. Биргина хира чироқ вагон ичини ёритиб турар, қаршимдагиларни энди аниқ эслай бошлагандим – талабалар Саттор Жаббор ва Хайринисо Мажидхонова!

Ё Худойим, уларни кўриб, севинчдан кўзларимга беихтиёр ёш қуйилди. Энди қайтиб кўрмайман, деб кўрққан эдим. Мана, улар қаршимда.

– Наҳотки сиз? Қаердан пайдо бўлиб қолдингиз, Муродий кани, қолганлар-чи? – туришга уриндим, аммо туролмадим.

– Қимирламанг, соғлигингиз дурустга ўхшамайди, – деди қуюнчак овозда Хайринисо.

– Улар кетишди, биз бугун кечки поездда қайтамыз. Сизни узоқ қидирдик, топа олмадик. – Саттор Жаббор кўлларимни ушлаб мадад берган бўлди.

Ё Худо, улар қаерга отланишган?

– Қаерга кетяпсизлар?

– Уйга!

– Эсингизни еб қўйибсиз! Зинҳор бора кўрманг... Иккингишни ҳам ўлдиришади... Мен сотаман, сизларни ўзим сотаман.

Қичқириғимдан Хайринисо кўрқиб кетиб, Сатторга қаради.

– Кўйинг, биз сизни ҳам олиб кетишимиз керак. Чун-

ки миллат кутмоқда.

– Мени фақат КГБ кутмоқда интиқ. Миллатимни сотиш керак уларга. Сизларни эса ҳеч ким ҳимоя қилмайди! Ҳаммаси хиёнаткор, мақтов ва таъмага ўч. Сотишга уста бўлиб кетишган. Ҳеч ким сизни асраб қололмайди... На устозлар, на ўша Ватан... Аксинча, тутиб беришади, нодир илмингизни кўролмайдилар, сотадилар, мен каби. Ҳозир дуч келган бекатда тушиб қолинглар ва Туркистон сўзини талоқ қилинглар луғатингиздан! Ҳар тарафда советларнинг ёлланма жосуслари юришибди. Улар сизни ўлдириш буйруғини олган. Ортга қайтмаган талабалар учун махсус қотиллар ёлланган. Эҳтиёт бўлинг! Менга ишонинг, буларнинг баридан хабардорман. Мен қотилларнинг бириман, мен хоинман!

Мувозанатни йўқотиб, йиқилдим. Суяб жойимга ётқишишди, мадорсиз эдим. Бошимда дайди ўқ қолиб кетгандай қақшарди.

– Биз шу халқ учун ўқидик, фақат унинг учун қайтамыз!

– Шу халқ сизни ўлдиради! Мурдангизни томоша қилади, сизни душман, халқ хоини, деб билишади! Чунки миллат кул!

– Оддий касалликлардан болалар ўляпти, мен бориб уларни даволашим керак!– деди хавотирли титрок овозда Хайринисо.

– Ўлаётган болалар билан ишлари йўқ. Уларга доктор керак эмас, ишчи керак, холос, ишчи. Сиз улар учун Германияда таҳсил олган шифокор эмас, жосуссиз! Қиз бола, деб қараб ўтиришмайди. Нозик бармоқларингиз совинини ҳис қиляпман, балки совуқ лабларингиз ўпич кўрмас умрбод.

Хайринисонинг кўзлари даҳшатга тўлди.

– Бизнинг кўнглимизда эгрилик йўқлигини улар, албатта, англашади. Бунинг устига қонун бор. Биз билан ҳисоблашишга мажбур қиламыз...

– Ох, қанақа қонун?.. Совет ҳокимиятининг қонунлари поезд ойнасидан кўринадиган манзаралар каби ўткинчидир, қонунлар йилдан-йилга уларнинг фойдасига мосланиб туради! Улар сизлар билан ҳисоблашиб ўтиришмайди ҳам... Сен қанчалик гўзал ва нозик қизсан... Мен сизларнинг тирик қолишингизни истаيمان!

Саттор Жаббор Хайринисонинг қўлларидан кўркмаслиги учун ушлаб олди ва менга қарата шундай деди:

– Вужудимизда фақат Ватан истаги бор, холос. Бу шунчалар катта кучки, юрагимизни босиб тўхта-тиб қўйса, қонимизда айланаверади, қонимиз тўхтаса, руҳимизда айланаверади. Ватан истаги бир ўлимдан устунроқдир!

– Йўқ! – негадир шол бўлгандай ўрнимдан туролмасдим. – 1938 йилда ҳаммани отишади... Мен сотаман, авлодларим қуриydi, қақшайди, бир-бирининг жигарини қуритади... Мен миллатимни сотаман.

– Биз Ватанга қайтамыз!

– Уларни тўхтатинглар, эй одамлар, ўлдиришади, мен туролмаяпман, илтимос, ҳеч кимга ишонманглар, дунё хиёнат ва алдовга тўла... сотқинларга ҳам...

– Эртага поезд жўнайди, сизни ҳам кутамиз!

– Кўришгунча!

– Қиёмат!..

– Қиёматгача миллат дарди дардимиз бўлсин!

Бақириб кулиб юбораман.

Миллат дарди тоза қон!

Кўм-кўк томирлари озғин қўлларида бўртиб турган кампир мени туртиб уйғотади.

– Секинроқ кулинг, йигитча, ўтакамни ёрдингиз.

– Минг бор узр!

Кампир яна чўкиниб қўйди. Атрофда ғира-шира тонг отмоқда эди.

Хайдельбергга етай деб қолибмиз. Ҳамроҳимнинг

айтишича, йўл бўйи жуда безовта бўлибман. У менга докторга боришимни тайинлади, ўзи ҳам каердандир Хайдельбергга даволангани келаётган экан. “Тоғ хавоси сенга фойда”, – деди кампир аҳволимга ачиниб қараркан. Унга раҳмат айтганча вокзалдан чиқиб олдим ва қоғоздаги ёзувни дуч келган биринчи таксичига кўрсатдим. Ёмғир томчилари қоғозни нам қилган, айрим ҳарфлар ўчган экан, мен унга манзилни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Қоғоз қутини кўтарганча зўрға гапирардим. Хайриятки, ҳайдовчи ўша томонларни яхши билар экан, аммо аҳволимни кўриб шифохонага ҳайдайман, деб туриб олди.

Мен кўнмадим: Ишонинг, бу менинг жонимдан ҳам азиз туйғу билан боғлиқ!

Шундагина Марта хонимнинг уйи томон машина ни бурди.

Ватанинг бўлса ўлимга арзийди, деди у ҳам оғир хаёлга ботиб.

Марта хонимникига кириб борганимда бир аҳволда эдим.

У мени кўриб кўрқиб кетди. У қўлтиқлаганча узрларимга парво қилмай, ётоқхонага бошлади. Мен унинг уйига киришимдан олдин барча қилган ишларимни, унинг олдига полициячилардан қочиб келаётганимни айтишга улгурдим ва тавба қилдим.

Ҳаммаси тугаб бораётган эди. Қарғишнинг ортиқ яшашга ҳаққи йўқ. Улар менинг таним билан буткул йўқ бўлади дунёдан!

– Марта, мен сотқин бўлиб чиқдим! – аммо у эшитмас, барча хизматчиларини оёққа турғизиб жой ҳозирлашни буюрарди, – Мен одам ўлдирган бўлишим мумкин, мен... мен бобонгизнинг қотилиман!

– Жаноб, ўзингизни босинг! Тезроқ, жой ҳозирланглар...

Оҳ-воҳлардан ҳаммаси аниқ бўлади.

Мен барчаси тугаб битганига аминман, қарғишлар ҳам, умрим ҳам, севгим ҳам. Бошқа нажот хомхаёл экан.

– Сиздан бўлак Олмонияда бир яқиним йўқлиги учун келдим. Кечиринг мени...

– Иситмангиз баланд, юрагингиз оғир, ғалати уряпти...

– Миям ёрилиб кетай деяпти, Марта, лекин ҳамон, жигарим қонимни тозалаб турганига ишонаман.

– Қон босимини ўлчанг.

Қаердандир бир аёл пайдо бўлади.

– Марта?

У гапирмай юрак уришимни эшитарди.

Кейин унга дори олиб келишни буюрди.

– Султон Жаббор ва Хайринисо кетишди, мен уларни тутиб қололмадим.

– Оғзингизни очинг, – Марта дори ичиради.

Аччиқ бўлур дунёдаги энг охирги таъм.

– Лола менга хиёнат қилди. Уни жонимдан ортиқ яхши кўрардим... – дори бутун танамни бўшаштирди, аммо дард кўтарилмади.

– Кийимингизни ечинг, ечинг... Докторга телефон қилдингизми?

– Марта, илтимос, ҳужжатларнинг нухасини ололмадим. Менга қалам беринг, илтимос, қалам беринг... Уларни Ватанимга, албатта, жўнатиб менинг руҳим билан!

– Яхши-яхши, тинчланинг, қон босимингиз жуда баланд экан!

– Хайринисо қайтпти. Боришига атаб шоирлар шеър ёзади: “Қаро турмуш чангалидан кутулиб, эрк чечаги тақа олғон кучли қиз, эски одам санамларни парчалаб, эрк-Тангрига сажда қилган руҳли қиз, йўлинг тўғри, ортга боқма, кетавер! Илгарилаш ашуласин айтавер!” Ёшгина қизни Тошкент қамокхоналарида отиб ташлашади, уни “жосус”, “миллатчи”, “халқ



душмани”, деб йўқ қилишади! Итлар! Сўнг унинг музлаган лабларидан бўса оламан. Йўқ-йўқ, мен уларни асраб қолишим шарт, кетишим керак, кетишим керак. Мен улар билан бирга ўлишни истайман!

– Илтимос, ўзингизни, босинг! Яна дори олиб келинглр... оғзингизни очинг, яхши, чирокни ўчиририллар, мен шу ерда қоламан, сиз ухланг!

– Лола, Лола, менга нега хиёнат қилдинг? Сени севардим! Эҳ, Марта, унинг учун жонимни беришга ҳам тайёр эдим. Севгининг ўзи унга етмади, етмади! У бутун борлиғимни беришимни истади... Бу дунёда тутиб турган сўнгги ип эди. У мени миллат дарди билан эмас, унинг дарди билангина яшашимни истадими ё? Қисматим шу, бошқача яшолмасдим.

– Илтимос, ўзингизни босинг.. Ҳой, ким бор, чирокни ёқинглр!

– Лола, наҳот ҳаммасини унутдинг, озод рухни, севгингни, гулханларни – ҳаммасини қурбон қилдинг, нималарга, кимларга, менинг номусим эдинг!

– Нима бўлди сизга? Кўзингизни очинг... Доктор келдими, тез -тез!

– Хўш, бу кетишда нима бўлади? Қандай авлод кўпаяди мандан? Йўқ-йўқ мен уларни бу лаънатдан қутқаришим керак, мен талабаларни тирик асраб қолишим керак. Ҳа, бизнинг Ватан мустақил бўлди, озод бўлди... Аммо ўзимиз озод, сўзимиз озод бўлдими, азоблардан, хўрликлардан қутулдикми? Қудратли бўла олдикми? Бизни фақат юксак таълим, маориф ва миллатим деган одамлар қутқаради.

– Сув олиб келинглр, илтимос, тез! Кўзингизни очсангиз-чи? Қўрқитманг, жаноб?

– Ҳамон чекка-чекка қишлоқларда болалар...

– Доктор келдими, қақиринглр уни, ахволи ёмон!

– Халқ бир мушт бўлармикан? Миллат учун ўқиш, миллат учун яшаш ва миллат учун ўлиш... Бобожон, оёқларим музлаб боряпти, мен сўнгги бор қўрқяпман.

Менинг кўзларимда бир нима, бир нималар, бунча ёқимли... саҳрода ёмғир, майин ёмғир қуйгандай кўзларимда ғимирляпти, мен йиғлай оламан, бобожон. Ё Худоийм, мен ҳам шу Ватан учун бир марта йиғлай оламан!

– Яна телефон қилинг, дарвозаларни очиб туринг...

– Хиёнаткорлар авлодининг қуригани афзал. Мен ва менинг авлодларим каби...

– Ҳаммаси яхши бўлади, ҳаммаси!

– Юз йиллар касал ётдим, ўсал ётдим, кутдим сенинг уйғонишингни, табибимни кутдим... Яна қанча юзлар ва яна қанча юз йиллар керак?! Қирилишим учун, йўқ бўлиб кетишим учун... Қанча кутай, қанча... Ким билади, ким айта олади?!

– Илтимос қиламан, тинчланинг!

– Лоладан айрилдим... Хиёнат қилди қисмат... Сен билан қанча орзуларим бор эди. Хиёнат қилди, яна бир хиёнаткор қўшилди Ватанга... мен каби...

– Кўзларингизни юмманг... Ўтинаман...

– Кўйинг... мен бобонгизнинг қотилиман, мен хоин – мен Ватанман. Бир қиз кўлини тутяпти! Лолами? У менга хиёнат қилди-ку? Ким бўлиши мўмкин? Хайринисоми? Ҳа... у, у, у!!! Биз бирга қайтамыз... Ҳадемай, талабалар чиққан поезд Туркистон томон жўнаб кетади, шошилишим керак! Қайтишим керак, қайтишим... Мени кутяпти, уларни асраб қолишим керак!

– Жаноб...

– Хайринисо, бирга қайтамыз... Сен ўлмаслигинг керак... мен сизлардан олдин ўлишни истаيمان!

– Кўзингизни очинг!

– “Қаро турмуш чангалидан қутулиб,

Эрк чечаги тақа олгон кучли қиз,

Эски одам санамларни парчалаб,

Эрк-Тангрига сажда қилган руҳли қиз,

Йўлинг тўғри, ортга бокма, кетавер!

Илгарилаш ашуласин айтавер!” Илгарилаш...

ашуласиин... айтаавер, айтавер...

– То қиёмат...

– Жаноб!

– То қиёмат...

– Ватан бизга омонатдур!

\*

Мен ўлмаганман! Лекин яшаётганим ҳам йўк!

Ҳали бирор кимса бизни сўраб эшик қоқмади, қимирламай ётардик тирик мурдадек. Хонадошларимни еб-битирган кўзи оч қуртлар энди мен томон кела бошлайди, худди ёмон хаёллар каби учиб, тартибсиз.

Ўликдай ётардим қимирламай, бир сўз демай, хавфсиз ва беғам!

Мана, бижғишни бошлади устимда, кўплигидан ҳатто жасадим кўринмай кетди, худди оппоқ юзингда балқиб турмагани каби жами гуноҳинг, хиёнатларинг!

Қандай роҳат, гўё этимни эмас, юз йилдан бери азоб бериб келаётган ва ҳеч бир бадал билан юва олмаган қарғишларимни тўкаётгандай ҳузур қилардим!

Мен ўлмадим, яшамадим ҳам, мудрадим, мудрадим ва мудраганча ем бўлдим эшакқуртимга.

Тугар чоғи бир бепул маслаҳат айтаман – туғмайдиган хотин изланг, хўп гўзал бўлсин, шўх, барно, лек бепуштлиги аниқ-ошқора, синовдан ўтган бўлсин кўп бора, токи қўрқоқ авлодинг излаб юрмасин қабрингни мендек қақшаб, барчасига айбдор санаб шу Ватанни, ерни ва мозорингни. Билиб қўй, улар қўлида ҳеч замон гул бўлмайди, бўлмас сен учун қалқувчи кўз ёш! Фақат қора юзларда қулги ва гарданида улкан бир қарғиш!

Йўк-йўк, мен барибир уларни асраб қолишим керак... кутқаришим керак эшакқуртлардан.

Ё Худойим, то қиёмат Ватан бизга омонатдир, омонатдир, унга хиёнат – қиёматдир, қиёматдир, қиёматдир!

**Мен уларни қайтармоқ истайман...**  
**(Сўнгсўз ўрнида)**

Германияда таҳсил олган илк ўзбек талабалари... Улар фожиаси билан биринчи бор танишганим сира эсимдан чиқмайди, ўша тун мен ўт ичида қолган одамдек ҳис қилдим, на-да уйқуни, ўзимни-да йўқотдим. Буни ифода этиш жуда мушкул. Романда бу рамзлар орқали акс этган.

Сўнг уларни ахтара бошладим атрофдан. Архивлар титдим, хужжатларни ҳижжаладим, йиғладим, ўртандим, на-да уйқум, ҳаётимнинг бир хилда кечаётган мароми бузилди-кетди. Мен кимман, нима қилдим ва қўлимдан нималар келади, дея саволга тутдим очиб юзимни.

Ишонинг, романда акс этган фожиалар фақат меники эмас, сизники – барчамизники.

Асар ўтган аср бошида Оврўпада таҳсил олган етмиш талабанинг эрта завола топган армонларигина эмас, аждодларимизнинг аламли дардларини, бешиқларимизда бугун улғаяётган болаларнинг йиғиларини шархлайди, ватан ҳасратларини куйлайди. Бир дам қулоқ тутинг, эшитинг...

Ўтган аср бошида сўнги бор тўлғанди юрт, дунёга юз очмоқ истади, тенглашмоқ истади не-не давлатлар билан. Бунинг учун дунё илмини чуқур эгаллаган ходимлар – миллий мутахассислар сув ва ҳаводек зарур эди. Миллат истикболи учун ёшларни хорижда ўқитмоқ умид берарди ҳаётга, эртанги кунга.

Не машаққат ила Германияга талабалар жўнатилади. Миллатпарвар бойлар, жадидлар уларни таъмин этишни шарафли ва улуғ бурч деб билдилар. Ҳатто кўчалару сершовкин бозорларда Германияда ўқиётган ва ўзлари умрида ҳеч қачон кўрмаган миллатдошлари

учун тиланчилик қиладиган ёшлар пайдо бўлди. Барчанинг мақсади, нажоти бир таълим эди. Улар халқни илм-маърифат озод этишини, хурлик томон бошлашини биларди, шу тилак – курашга айланди.

Аммо эрта сўнди ёруғлик... Умид, ишонч кўмилди, кўркув колди, холос. Улкан бир кўркув миллат кўк-сида... Аммо нажотимиз ҳамон таълимда, ҳақиқатнинг кўзларидан кўркмасликда.

Кўзларимдан тўкилаётган ёш хуррак отаётган курсдошларимни-да кўришга қўймасди. Биз ҳам талаба, аслида, ҳеч ким эдик. Мақсадларимиз ўз нафсимиздан ошмас эди, ота-онамиз ё қорнимиз учун ўқир, бир парча қаттиқ қоғоз – дипломга сигинар даражада эди жамият.

Аммо шу миллат дардидан дардимиз борми?

Ул талабалар зулм ва мустамлака остида қолган ватанни илм жаҳди ила буюк этишга ишонарди.

Бир кун мен уларни кўрдим яқиндан, ёнимда эди, мудраётган курсдошларим тепасида тик турардилар ўликлар ёнидан қотган тириклар каби. Мен уларни миллатимга қайтармоқ истайман!

Ул талабалар бизга ўрناق бўлиши керак, халқига хиёнат қилаётган, фақат ўзи учун яшаётган, ўқишни ўйин, деб билганларга мактаб бўлишини истадим.

Бугун ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўн мингдан ошиқ ўзбек талабалари таҳсил олади. Мен уларнинг нақадар улуғ мақсадларни кўзлаганига, ниётлари тоза эканлигига шубҳа қилмайман. Фақат бир нарсани, шу миллат, шу ватан учун ҳам бир орзу ўстиринг қалбларда. Бир ўлмас мақсад яшасин шу тупрок учун ҳам!

Асарда ўз ватанида муқаррар ўлим кутаётганлигини била туриб қайтган ул талабалар ҳақида ўқиркансиз, ўйлайманки, дуч келишингиз мумкин бўлган кийинчиликлар сизни кўрқитмайди. Ахир, жуфти билан тортиқ этилмайди ҳаёт ва ватан. Сизга тақдир

этган шу тупроқ нон-тузи ҳаққи – катта орзуларнинг катта қисмини шу халқ учун сарфланг.

Қўрқманг, қўрқманг... аждодлару авлодлар сизни кутмоқда, унутманг, сизсиз кемтикдир ватан! Бугун ҳам замонавий илм-маърифат сув ва ҳаводай зарурдир миллатга, балки улардан-да кўпроқ...

Мен тирилишини истайман уларнинг...

- Жорж Оруэлл, , 2019, 296 бет.
- Жорж Оруэлл, “МОЛХОНА”. 2019, 100 бет.
- Ден Браун, РАҚАМЛИ ҚАЛЪА , 2019, 480 бет.
- Уолтер Айзексон, СТИВ ЖОБС , 2019, 624 бет.
- Малкольм Гладуэлл, ЗУККОЛАР ВА ЛАНДОВУРЛАР , 2019, 220 бет.
- Элиф Шафак, ИШҚҚА ОИД 40 ҚОИДА 2019, 288 бет.
- Лара Эдриан, ТУНГИ ТАШРИФ , 2019, 240 бет.
- Стивен Р. Кови, МУВАФФАҚИЯТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ 7 КЎНИКМАСИ , 2020, 438 бет.
- Брайан Трейси, САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙЎЛИ , 2020, 92 бет.
- Дэниел Киз, ЭЛЖЕРНОНГА АТАЛГАН ГУЛЛАР , 2020, 320 бет.
- Марк Мэнсон, БЕПАРВОЛИКНИНГ НОЗИК САНЪАТИ , 2020, 192 бет.
- Рамина Наваи, ЁЛҒОНЛАР ШАҲРИ , 2020, 276 бет.
- Пауло Коэльо, АЛИФ , 2020, 308 бет.
- Тони Шей, БАХТ ЕТКАЗИШ: МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ИНТЕРНЕТ ДЎКОН ТАРИХИ , 2020, 298 бет.
- Кэл Ньюпорт, “ДИҚҚАТ: ЧАЛҒИТУВЧИ ДУНЁДА МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ”, 2020, 230 бет.
- Хенри Форд, МЕНИНГ ХАЁТИМ , 2020, 300 бет.
- Жэрлм Сэлинджер, “ЖАВДАРЗОРДАГИ ХАЛОСКОР

ЖАВЛОН ЖОВЛИЕВ

# ҚЎРҚМА

Мухаррир	Алишер Турсунов
Мусаххихлар	Гулнора Паттахова Гуласал Қодирова Шавкат Дўстмуҳаммад
Дизайнер	Орзу Аъзам
Саҳифаловчи	Гуласал Қодирова
Безакчи рассом	Гулноза Усманова

Ушбу китобнинг муаллифлик ҳуқуқи “Asaxiy books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy books” руҳсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Нашриёт лицензияси АІ № 219, санаси: 03.08.2012.

Босишга 19.12.2020 да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Офсет қоғози. Офсет босма. Times New Roman гарнитураси.  
Шартли босма табағи 19.65. Босма табағи 11.7 Адади 20 000  
нусха. Буюртма № Д82.

“Ofset print” МЧЖ босмаҳонасида босилди.

Босмаҳона ва нашриёт манзили:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўнкўрғон кўчаси, 4-уй



*Қайдар учун*



### **ЖАВЛОН ЖОВЛИЕВ**

1991 йил Қашқадарё вилояти,  
Қамаши тумани, Фиштли қишлоғида  
туғилган. Ўзбекистон давлат санъат  
ва маданият институтининг  
санъатшунослик журналистикаси  
йўналишини тамомлаган.  
Бунгача ёзувчининг  
“Икки қалб учрашуви” китоби  
чоп этилган. Асарлари рус,  
инглиз ва турк тилларига  
таржима қилинган.

 **asaxiy**  
BOOKS

TOHIN  


ISBN 978-9943-23-177-1



9 789943 231771



### **ЖАВЛОН ЖОВЛИЕВ**

1991 йил Қашқадарё вилояти,  
Қамаши тумани, Фиштли қишлоғида  
туғилган. Ўзбекистон давлат санъат  
ва маданият институтининг  
санъатшунослик журналистикаси  
йўналишини тамомлаган.  
Бунгача ёзувчининг  
"Икки қалб учрашуви" китоби  
чоп этилган. Асарлари рус,  
инглиз ва турк тилларига  
таржима қилинган.

 **asaxiy**  
BOOKS

LOHOL  


ISBN 978-9943-23-177-1



9 789943 231771